

84/54/77
D 70

Саидвафо Бобоев

ТУНГИ ҚҮРҚУВ



Саидвафо Бобоев

ТУНГИ КҮРКҮВ

ҲИКОЯЛАР

Тошкент
«O'ZBEKISTON»
2016



УЎК: 821.512.133-3

КБК 84(5Ў)6

Б 79

Бобоев, Саидвафо

Тунги кўрув: ҳикоялар/С.Бобоев. –Тошкент. «O‘zbekiston»
НМИУ, 2016. – 248 б.

«Мен англаган ҳақиқатлар», «Армонли дунё», «Сиртмок
кошидаги ўйлар» китоблари муаллифи Саидвафо Бобо-
евнинг ушбу китобида ўзига хос услубда ёзилган туркум
ҳикоялар жамланган. Муаллиф ўзи кўрган ва бевосита
иштирок этган воқеа-ҳодисаларни бадий талқин қилади.
Бири-бирдан ҳаяжонли, кизиқarli ва айни пайтда ҳаётii
бўлган ҳикоялар ўқувчиларни беихтиёр воқеалар домига
тортади. Ҳикояларда ўзимизнинг содда ва самимii одамла-
римиз характери, дунёқараши моҳирлик билан тасвирлан-
ган. Ўйлаймизки, ушбу ҳикоялар жамланмаси ўқувчиларга
манзур бўлади.

ISBN 978-9943-28-452-4

© С. Бобоев, 2016

© «O‘zbekiston» НМИУ, 2016

НОМУС ТУТҚУНИ

*Табиат бизни киришда ҳам,
чиқишда ҳам тинтув қилади. Яланғоч
келгандик, яланғоч кетамиз. У ердан
олиб келгандан ортиқ нарсани олиб
кетолмайсан.*

СЕНЕКА

Роппа-роса икки йил аввал бир тўп ёш-яланг билан мардикорчилик қилиш илинжида пойтахтга кетган Ҳайдар ниҳоят қишлоғига қайтди. Устида нархи хийла чақиб оладиган кўйлак-шим, оёғида тоза чарм туфли. Ишқилиб, кўрган киши бу йигирма уч яшар бўзболанинг икки йил бировлар эшигида ишлаб ийиғи чиқмаганини дарров пайқайди. Сафар олдидан тоза шампунь билан обдан ювилган жингилтоб сочлари кўпириб, қорамағиз юзлари йилтиллаб турибди.

Ҳайдар автобусдан катта йўл ёқасида тушиб қолди. Беш-олти соат тиқилинч, ҳар хил ачимсик ҳидларга тўла салонда ўтириб, туйқус тоза ҳавога чиққаниданми бир қур боши айланиб, кўзлари тиниб кетди.

Май ойи адоқлаб қолганига қарамай, ҳали бу ерлардан Баҳорнинг сўлим таровати кетмаган эди. Қирлар, ялангликлар кўм-кўк. Кийғоч, куюк баргларга бурканган дарахтлар энгил-энкиндан охиста чайқалади. Оқатда, бу тоғларак савранинг орталаридаёқ сап-сарик, тақир дала-даштга айланиб қолар эди. Йўқ, бу йилги кўклар серегин келгани учунми

Inv No

164401-2017 G

ҳар нечук бу сафар баҳор ҳали авжида, сержилва сепини йиғиштириб олгани йўқ.

Ҳайдар совға-саломга тўла сафар тўрвасини елкаси-га олифталарча осиб қадрдон қишлоғи Чангак томон кўз ташлади. Қишлоқ ўсиқ дов-дарахтлар, кенг пайкаллар ортидан гира-шира кўзга ташланиб турар эди. Катта йўлдан хийла узоқроқ, беш-олти чақиримча келади. Шаҳарнинг қулайликларига ўрганиб қолган Ҳайдар эриниб йўл бўйида пича туриб қолди. Шояд бирор улов Чангак томон бурилса-ю, шаҳар кўрган йигит бир амаллаб унга илашиб олса! Аммо атроф жим-жит, олис-олисларда зўр бериб ишлаётган тракторнинг кучаниб тариллашигина қулоққа чалинади. Аҳён-аҳён катта йўлдан «Нексия», «Опел», «Лада» каби узоқни кўзлаган машиналар ўқдай учиб ўтиб, ҳаш-паш дегунча кўздан йўқолиб кетади. Ҳайдар бу сержозиба, бежирим автолар ортидан тамшаниб-тамшаниб, орзуманд-орзуманд тикилиб қолади. «Бирорта шунақасидан қачон менга ҳам насиб этаркан?» – хаёлидан ўтади унинг. Йигитнинг қўллари мушт бўлиб тугилиб, юз пайлари асабий ўйноқлайди. Одатда, у ич-ичидан ишонч, қатъият қайнаб чиққандан шундай аҳволга тушади.

Ҳа, Ҳайдар ўз-ўзига ишонадиган, серғайрат, тадбиркор йигит. Бўлар бола бошидан билинади деганларидек, бу хислат ўспиринлик чоғларидаёқ ниш кўрсатган. Ҳайдар мактабда аъло ўқимаган бўлса-да, тиришқоқ, зийрак, ўзига етарли муғамбир-пишиқ эди. У синфдошлари билан туман марказига кинога, ё шунчаки томошага чиқишганда, усталик билан ўз харажатларини ўртоқлари бўйнига илиб қўярди. Устига-устак иззат-икромга, ташаккуру олқишларга кўмилиб юрарди. Чунки у барча тадбирларнинг кайвониси, тўп-тўп анқайган мишиқиларга йўлчи-йўлбошчи бўларди-да. Бироқ Ҳайдар бирор-бир олий ўқув юртининг тупроғини ялай олмади. Бу масалада шундай учар йигитчанинг омади чопмади, Ҳайдар кетма-кет икки йил уннаса-да, олий мақом ўқишларга илаша олмади. Сўнг ҳарбийга кетди. Аскарликдан баттар устомон, баттар айёр бўлиб қайтди. Ундаги бундай қувлик, тадбиркорлик мардикорчилик пайида пой-

тахтга боришганда ҳўб қўл келди. У қора ишда қора терга ботиш ўзининг қисмати эмаслигини шаҳар бўсағасидаёқ пайқади. Ҳамқишлоқларидан ажралиб ўзига алоҳида хужра топди. Аввалига у бозордан бу бозорга нарса келтириб, чайқовчилик билан кун кечирди. Ўшанда ҳам ҳар нечук ёмон топмади, бироқ Ҳайдар яна-да кўпроқ даромад қилиш пайида эди. Пул топишнинг бошқа йўл-йўриқларини излай бошлади. Шундай серташвиш кунларнинг бирида Фулом номли «валютчик» билан танишди. Фулом шаҳарнинг қоқ марказидаги бозор ёнида туриб эртадан кечгача «доллар олавуз, доллар сотавуз», дея гоҳ бўкириб, гоҳ минғирлаб турар эди. Лекин топиш-тутиши тузуккина экани афтидан шундоқкина билинарди. Ҳайдар янги акахонига шогирдликка тушди. Аввал-бошида анча қийналди, ҳатто, бир-икки «валютчик»ларни овлаб юрган орган ходимларининг қўлига тушиб, бор-будидан ажралиб, аранг қутулиб чиқди. Аммо Ҳайдар бўш келмади. Шу соҳада ошиғи олчи тушишини негадир ич-ичидан сезарди. Тишини тишига қўйиб ишлади. Ҳатто, йўлини қилиб ўша орган ходимлари билан кейинчалик ош-қатиқ бўлиб кетди. Адашмаган экан, Ҳайдар олти ой ичида бозорнинг энг учар, энг доғули «валютчик»ларидан бирига айланди. Ҳаш-паш дегунча хийла пул жамғарди. Ҳар эрталаб хужрасидан чиқиб, киракаш ёллаб қадрдон бозорига йўл оларкан, йўл бўйларида уймалашиб, бирор-бир мижозни сарғайиб кутаётган кир-чир, иприсқи мардикорлар ичида аҳён-аҳён ҳамқишлоқларига кўзи тушиб, ўз-ўзича мағрур илжайиб қўядиган бўлди.

Чангаклик «валютчик» кўп ўтмай тиллафурушликка ўтди. Бу соҳа ҳам доллар, рубль олди-сотдисидан ўтса ўтардики, асло қолишмасди. Ҳайдар ҳаш-паш дегунча ҳар қандай тилла буюмни қўлида бир зум тутиб туриб, унинг салмоғию сифатини адашмай айта оладиган «авлиё»га айланди. Ундамунда учраб турадиган ишқалликларни айтмаганда, деярли унинг ошиғи олчи эди. Аммо Ҳайдар пойтахтга келгандан бери бирор марта ҳам Чангакка бормади. Аҳён-аҳён у-бу ҳамқишлоқлари орқали чолу кампирга оз-моз пул жўнатиб турди. У бозорни бир кунга бўлса-да, ташлаб кетишга кўзи

қиймасди. Қўлдан-қўлга ўтиб, сотилаётган тилла буюмларнинг жилваси буткул кўз ўнгини эгаллаб олган эди.

Шундай сержилва, сержозиба кунларнинг бирида хужра эшиги устма-уст тақиллаб қолди. Ўша куни бозордан андак эрта қайтган Ҳайдар эндигина ювиниб-чайиниб бўлганди.

– Ким? – сўради у эшикка юзланиб.

– Бу мен, Хушбоқман.

Хушбоқ Ҳайдарнинг синфдоши, йўл бўйида мижоз пойлаб, ризқини териб юрадиган қавмдан эди. Ҳайдар ҳамқишлоғини хушнуд кутиб олди. Умуман, шу кун тилла-фурушнинг димоғи чоғ, вақти хуш эди. Чунки тушдан кейинги бир олди-сотдида у мўмайгина ўлжа орттирди. Шу сабаб ҳам бугун яхшилаб дам олиш учун ижара уйига эртароқ қайтган эди.

Қора ишдан баттар қорайиб, озиб-тўзиб кетган Хушбоқ дўстининг икки хонали уйига кириб оғзи очилди-қолди.

– Вой-бўй, шишка бўп кетибсан-ку, Ҳайдар! Манави ме-беллар, телевизор ўзингникими?

Ҳайдар нописанд илжайган куйи бош ирғади.

– Кимники бўларди эсам? Уй эгаси кип-яланғоч квартирасини қолдирган, холос. Ҳаммаси ўзимники. Манови чўғдай гиламларни кўряпсанми, туркларники, шунинг ўзидан беш-олтита оп кўйдим.

Ҳайдар беихтиёр мақтанишга тушди. Одатда, у сир бой бермай, писмиқланиб юришни ёқтирар эди. Йўқ, негадир ҳозир Хушбоқни тўкин дастурхон ёнига ўтқазар экан ўз-ўзидан мақтанишга тушиб кетди.

– Қойил, – дея олди зўрға Хушбоқ, ҳануз теварагига анграрай экан. – Пулинг шунча кўп бўлса, бирорта уй сотиб олда.

Ҳайдар советкичдан ароқ олиб пиёлаларга қуйди.

– Уй дейсанми? Савил, пропискам йўғ-да. Уйни қандай расмийлаштираман. Шошилмайлик-чи. Бўп қолар. Қани... буни ол, Хушбоқ, овқатнинг тагида қолсин.

Хушбоқ бироз қаршилиқ кўрсатиб турган бўлди-ю, бироқ пиёлани қўлига олди, сўнг «куҳ» деб ичидагини сипқориб юборди.

– Ўзингнинг ишларинг қалай? – ҳол-аҳвол сўраган бўлди Ҳайдар, бир бўлак помидорни оғзига тиқиб газак қиларкан, – қайлардан сўраймиз энди.

– Э, жўра, журиппиз-да мардикорчилик қилиб. Лекин тўғриси айтсам, силлам қуриган. Шу, қишлоққа буткул кетиб, бир-икки ҳафта донг қотиб ухласамми, деб юрибман.

Синфдошлар ҳиринглаб кулишди.

– Ухлаганинг билан сени биров боқармиди? – дея ўзича донолик қилди Ҳайдар, иккинчи бор пиёлаларни тўлғазиб ароқ қуяркан. – Чидайсан-да энди, илож қанча. Масалан, менга ҳам осон эмас. Нима топган бўлсам, катта машаққат эвазига топганман. Лекин нолисам ношукурчилик бўлади, жўра. Қани, ол, бош омон бўлсин.

Икковлон яна пиёлаларни бўшатиб, газакка ташланишди. Кўп ўтмай Ҳайдар қозондаги димламани сузиб келтирди.

– Икки кун аввал қишлоқдан келдим, – деди Хушбоқ овқатдан бош кўтармай. – Уйингдагилар салом айтиб юборишди.

– Саломат бўлишсин.

– Нега ҳеч келмайди, ишқилиб, тинч-омонми, деб кўп сўрашди.

– Иш кўп-да.

– Лекин энди бормасанг бўлмайди.

– Нега? – сўради Ҳайдар сергакланиб.

Хушбоқ илжайди.

– Хушхабар. Умар аканг уйланыпти. Бир ҳафтадан кейин, келаси якшанба тўй.

– Тўй?! Дарров-а?

Хушбоқ жавоб бермай, бу сафар пишиллаган кўйи пиёлаларга ўзи ароқ қуйди.

– Борасанми?

– Албатта-да. Эртагаёқ жўнайман. Тўй олди хизматларига қарашай-да.

Ҳайдар чин айтганди. Ростданам, у бугун эрталаб кўнгилдагидай бозор-ўчар қилиб, совға-салом тайёрлагач, автобусга ўтирдию, қайдасан Чангак, дея жўнаб қолди.

...Ҳайдар шуларни хаёлидан ўтказаркан, кишлоқ томон юрадиган бошқа уловдан умид қилмай, ўйдим-чуқур, тупроқ йўл бўйлаб яёв жўнади.

Кун пешиндан оққан. Ҳавонинг тафти баланд. Нақ тепада тўрғай муаллақ қотганича, бетиним чуғурлайди. Олисолида Чангакнинг лойсувоқ уйлари писта пўчоғидек сочилиб ётибди.

Ҳайдарлар оилада уч қиз, уч ўғил. Барчалари иноқиттифок. Айниқса, Умар ва Ҳайдарнинг бир-бирига меҳрибонлиги, ўзаро сирдошлиги жуда ғалати эди. Улар ака-укадан кўра, бир-бирига суянч-таянч, қиёматли дўстларга ўхшашарди. Шу сабабдан ҳам Ҳайдар акасининг уйланаётганини, тўй яқинлигини эшитиб чидаб туролмади. Бусиз ҳам икки йилдан бери соғинчдан, интиқликдан ҳилвираб турган юраги ортиқ тоқат қилолмай зудлик билан йўлга чорлади.

Бир умр кетмон чопган Давлатқул ака ва хотини Бибитош янгалар болаларининг қобилгина, бир-бирига меҳрибонгина эканидан бошлари осмонга етарди. Шундай яхши фарзандлар ато қилганига Яратганга шукроналар айтишарди. Тўғри, Ҳайдарнинг кичик опаси Ойгул эрга чиқишдан андак аввал хийла машмаша кўтарди. У ҳақда кишлоқда ҳар хил мишмишлар пайдо бўлди. Бунинг ҳаммасига аслида Ойгулнинг гўзал, қувноқ ва очиқ кўнгил экани сабаб бўлган. Ойгул вилоят марказидаги коллежда ўқир эди ўшанда. Кимдир уни аллақандай пўрим йигит билан қўлтиқлашиб юрганини кўрибди.

Кейинчалик аллаким Ойгулнинг туман раҳбарларидан бири билан шакаргуфторлик қилиб турганига гувоҳ бўлганмиш. Тағин бир нусха бу сулув қизни ферма мудир – Карим пачоқнинг машинасида ял-ял яшнаб дала кезиб юрганини гапириб хийла сасиди. Оилада бесаранжомлик бошланди. Айниқса, Карим пачоқ билан боғлиқ шивир-шивир Давлатқул аканинг жон-жонидан ўтиб кетди. Чунки Чангакда уни ҳамма ёмон кўрарди. Тиканак соч, юзлари ялпоқ, бурни танқай бу нусханинг дум-думалоқ, митти кўзлари

одамларда аллақандай жирканч ҳис уйғотарди. Айниқса, Карим пачоқнинг насл-насаби, уруғ-аймоғи ҳақида шундай нафратли гаплар юрардики, тузуккина амалига қарамай ҳамма ундан ўзини олиб қочишга уринарди. Охири миш-мишлардан сўнг аввал Давлатқул ака, сўнг Умар ва Ҳайдар Ойгулни қийин-қистовга олиб сўроқ қилишди, тергашди. Аммо бу шўх-шаддод, қувноқ қиз одатдаги ҳазил-ҳузуллари билан сўров-терговдан осонгина қутулиб кетди. Ўшанда Ҳайдар опасининг тозалигига ич-ичидан ишонган эди. Шунинг учун ҳам уни ортиқча қистамади, отаси ва акасини ҳам юпатиб, кўндирди. Шундай кунларнинг бирида яқин қариндошларидан Ойгулга совчи келди. Давлатқул ва Бибитош бир-бирига маъноли термилишди, афт-ангорларидан мамнунликлари, совчиларга розилик беришга тайёр эканликлари сезилиб турарди. Одатга кўра, номигагина бўлса-да, «бизлар би-ир ўйлаб, маслаҳатлашиб кўрайлик», дейишиб, қариндошларидан муҳлат олишди. Афсуски, ҳамма машмаша ўша куни бошланди. Совчилар ҳақида эшитган Ойгул ҳангу манг қотиб, маъюс-маъюс ўйларга чўмди, одатдаги қувноқлигу ўктамликдан асар ҳам қолмади. Сўнг туйқус вилоят марказига қочиб кетди. Онаси соч юлиб қарғанди, отаси «ух» тортиб, сўкинди. Ойгул ўша кетганидан уч-тўрт кун ўтгач, тагин ҳеч нарса кўрмагандай уйга қайтди. Болаларини ҳеч калтаклаб ўрганмаган Давлатқул ака қўлига узун бир таёқни олди. Бироқ тезда шашти сусайиб, қизига уч-тўрт оғиз ўшқирришдан нарига ўтмади, қўлидаги таёқни жаҳл билан бир чеккага улоқтирди.

«Мен қариндошимизга тегмайман», деганди ўшанда Ойгул эшитилар-эшитилмас товушда.

«Нега?! – ўшқирди отаси. – Ё, топганинг борми, ярамас? Гапир! Миш-мишлар чин экан-да!»

Ойгул индамай онасига қаради. Отаси тушунди, шекилли индамай чиқиб кетди. Ўша кеча Ойгул онасига ёрилди. Чиндан ҳам топгани бор экан. Ойгул фақатгина ўшанга тегаркан. Ҳатто... ҳатто қорнида ўшандан бир ойлик ҳомиласи бор экан. Давлатқул бу хабарни хотинидан эшитгач, дами

чиқмай қолди. «Наҳотки... миш-мишлар чин экан-да» изтироб билан ўйланди у кўкрагини чангаллаб.

Йўқ, барибир Ойгул вилоят марказига қочиб бориб, дангалига гаплашиб келган бўлса-да, муштипар қиз умид қилганидек, ўша суюкли йигитидан совчи келмади. Ойгул қаттиқ ўксинди. Зор-зор йиғлади. Охири... қариндошига тегишга кўнди. Тўй ўтди. Аммо тўй ўтиб, ҳаммаси кўнгилдагидек жойлашгунча Давлатқул ака хонадони юрак ҳовучлаб турди...

Ҳайдар шундай хаёллар билан тепаликдан ошиб ўтганини ҳам сезмай қолди. Тагин ўттиз-қирқ дақиқа шитоб юрса уйига етади-қўяди.

Шу пайт тупроқ йўлдан анчагина наридаги зовур ёнида ғира-шира кўзга ташланиб турган машина Ҳайдарнинг диққатини тортди. Машина атай буталар орасига яшириб қўйилганини Ҳайдар пайқади: «Қизиқ, кимники экан? «Жигули»га ўхшайди».

Ҳайдар бир ажабсиниб, бир қизиқсиниб ўша ёққа юрди. Теварақда зоғ учрамайди. Фақат осмону фалакда бўзтўрғай зор-зор бўзламоқда эди.

Ҳайдар эҳтиёткорлик билан зовурга яқин борди. Секин буталар панасидан машина томон мўралади. «Ия, Карим пачоқнинг «Жигули»си-ку?! Нега яшириб қўйибди?» хаёлидан лип этиб ўтди йигитнинг.

Кўз ўнгиди жамоа хўжалиги фермасини хусусийлаштириб олиб, баттар бойигандан бойиб, тараллабедод қилиб юрган юзлари товоқдай, бурни япасқи, қалин лаблари осилган нусха жонланди. Жонландию ҳалигина йўл-йўлакай худди шу Карим пачоқни эслагани, у билан боғлиқ нохуш хотирани ўйлагани ёдига тушди.

«Тавба, бўрини йўқласанг қулоғи кўринади. Қизиқ, келиб-келиб шу тасқарани учратадиганга ўхшайман-а... Ишқилиб, яхшиликка бўлсин-да...» – хаёлидан ўтди йигитнинг.

Панадаги машинанинг икки ён эшиги очиқ эди. Аммо теварагида жон нуқси кўринмайди. Ҳайдар оҳиста, хушёр

кадамлар билан «Жигули»га яқинлашди. Теваракка кўрка-писа аланглади. «Карим ака-а!» дея товуш чиқармоқчи бўлдию, бироқ ҳам чанқовдан, ҳам ваҳимадан қуруқшаб қолган томоғидан ҳеч бир овоз чиқмади. Ён-веридаги буталар барги енгил эпкиндан шитирлаб кетди. Шу чоғ зовур томондан Ҳайдарнинг қулоғига ҳиринг-ҳиринг кулгу, нозу қийқириқ саслари чалинди. Йигит шоша-пиша тоғдек тупроқ уюмига тирмашиб, зовур томон мўралади. Мўраладию тагин ўзини панага урди. Юз-кўзлари мисдай қизиб, юраги гурс-гурс ура кетди.

«Наҳотки...» ўйлади у кўрган манзарасини тагин бир бор хаёлида жонлантириб. Сўнг яна кўрка-писа ўша ёққа мўралади. Қамишу юлғунлар қуюқ ўсган зовурнинг бир четида бир эркагу бир аёл ялашиб-юлқашиб ўтиришарди... Бу сафар Ҳайдар аёлниң юз-кўзини қоплаган түзгин сочларини, оппоқ сонларини гира-шира кўрди. Унинг ёнидаги эркак Карим пачоқ эканлигига шубҳа йўқ эди.

Ҳайдар яна ўзини панага олди. Сўнг андак гандираклаган кўйи қишлоқ томон йўргалади.

* * *

– Об-бо, укам-е, роса соғинтириб юбординг-ку, – дея нақ ўнинчи бор такрорлади Умар Ҳайдарга илжайиб тикилган кўйи.

– Ўзиям икки йил қорасини кўрсатмади-я, – ўпкалаган бўлди Давлатқул ака. – Илгари армияга кетган шунча пайт кетарди. Ҳозирги мардикорлар аскарлардан қолишмайдиган бўп кетишган.

Улар қанд-курс, нон бўлаклари сочилган дастурхон теграсида ўтиришарди. Давлатқул ака, Бибитош янга гарчанд ўғилларидан ўпка-гина қилаётган бўлишса-да, бироқ юз-кўзларида мамнуният, қувонч балқиб турарди. Ахир, ёнгиналарида шаҳар нуқси урган, тўлишиб, ўктамлашган ўғли соғ-омон ўтирарди-да. Устига-устак анча-мунча топармон-тутармон бўлиб кетгани, ўзига пухталиги кўриниб турибди.

Умар озгин, қоп-қора юзларини бетиним силар, илжаяр, укасини кўпроқ гапга солишга тиришар эди. Бироқ Ҳайдар негадир паришон кўринади. Чойдан хўр-хўр ҳўплаганича узоқ-узоқ хаёлга чўмиб қолар эди.

– Шундай қилиб Умарбойни ҳам унаштириб қўйдик. Бу ёғига тўй ҳам тезлашиб кетди, – деб салмоқ билан гап ташлади Давлатқул ака ёстиқни бағрига тортиб, оёқларини узатиб юбораркан.

Умар хохолаб кулди.

– Отам алдаяпти, ҳаммасини ўзим тезлаштирдим, Ҳайдар, сенга яхшиликча йўл бўшатай дедим-да.

– Раҳмат, раҳмат, – деб артистларча қўлини кўксига қўйиб таъзим қилди ука. – Бундай ҳимматингни ҳеч унутмагаймен.

Ҳайдар акасини ёшлигидан «сен»сираб ўрганган. Умарга ҳам шунақаси ёқади. Гоҳ-гоҳо «сиз-сиз»лаб қолса, хафа бўлади, «Мени бегона қиляпсанми?» дейди.

– Сал мундай қудалар ҳақида суриштирмайсан-а, – деб гина қилган бўлди Бибитош янга.

– Энди-да, эна, энди, – деб илжайди Ҳайдар. – Ҳаммасини бирдан билиб олсам тиқилиб ўламан.

Умар хохолаб кулди. Давлатқул ака ҳиринглади.

– Зўр янгалик бўляпсан, галварс, – дея Ҳайдарнинг тиззасига қувноқ шапатилади Умар, – гўзаллигини қўявер, кимлардан эканлигини эшитсанг, оғзинг очилиб қолади.

Ҳайдар чинданам қизиқсиниб акасига тикилди.

– Кимлардан экан?

– Қизилсойлик Ҳотам аканинг қизи, хув, Хуррам чавандознинг синглиси.

– Ўх-ў-ў, – деди Ҳайдар ҳайратланиб, бир акасига, бир отасига сўз ташларкан, – юлдузни бенарвон урибсизлар-ку!

Давлатқул ака мағрур бош ирғаб, такаббурона илжайиб қўйди.

Умар эҳтиром билан «ака» деяётган қизилсойлик Ҳотам одамлар орасида «ўпқон» лақаби билан машҳур эди. У бир пайтлар вилоятнинг кўзга кўринган амалдорларидан бўлган.

Кейинчалик ими-жимида отамакон – Қизилсой қишлоғига кўчиб келиб, тарқаб кетган катта давлат хўжалигининг серсув, ҳосилдор еридан анчагинасини эгаллаб олган, катта, серқатнов йўл ёқасига ёқилғи қуйиш шахобчасини қурдирган, хуллас, янги замон бойларидан саналади. Ҳотам ўпқон катта амалларнинг, юқори доираларнинг ҳавосидан нафас олиб ўрганганиданми, унча-мунча одам билан очилиб-сочилиб гаплашмас, анчайин тўнг ва баджаҳл киши эди. Унинг тўнгич ўғли Хуррам чавандоз ҳам ўзининг урушқоқлиги, зўравонлиги билан хийла машҳур. Айтишларича, вилоятнинг машҳур бир жиноий тўдасига Хуррам ҳам аъзо эмиш. Шундай бой-бадавлат, димоғдор хонадоннинг Давлатқулдек эски чориқ, фақир одам билан қудачилик қилаётгани ҳам қизилсойлик, ҳам чангаклик аҳолини роса ажаблантирди. Ҳатто, баъзи бир оғзига кучи етмаган ғийбатчилар куракда турмайдиган ажойибу ғаройиб миш-мишларни тўқиб-бичиб чиқаришди. Аммо ҳаммаси бекор. Ҳотам ва Давлатқул хонадони қудачиликда собит. Худо хоҳласа, яқинда тўй.

– Э-э, укам, ҳали гаплар кўп, – дея кўз қисди Умар, тагин Ҳайдарнинг тиззасига шапатилаб, – ҳали гаплашамиз.

Шу пайт кўча дарвозаси енгил тақиллади. Дастурхон теварагида ўтирганлар сергакланиб, кўз уриштириб олишди.

– Ким бўлдийкан, шом пайти, – деб мингирлади Давлатқул ака ёстикдан бағрини ростлаб.

– Ҳозир.

Умар чаққонлик билан ўрнидан туриб ташқарига отилди. Ланг очилиб қолган эшикдан гира-шира шом қоронгулигига бурканаётган ҳовли чала-ярим кўриниб турарди.

Кўп ўтмай дарвоза ёқдан аёл кишининг қувноқ, шўх-шодон кулгуси эшитилди.

– Ия, Ойгул-ку?!

Бибитош янга ҳам қувониб, ҳам ажабсиниб ўрнидан қўзғалди-да, қизининг истиқболига ошиқди. Давлатқул ака бир-икки томоқ қириб, эшик томон кўз ташлаб тураверди.

Ҳайдар донг қотиб қолган эди. Негадир лоп этиб унинг кўз ўнгида яна ўша зовур лабидаги манзара жонланди. Жонландию ўз хаёлидан ўзи уялиб. ижирганди. Сўнг ўрнидан оғир кўзгалиб, опаси билан кўришишга ҳозирланди.

* * *

Ойгул одатдагидек шўх-шаддод, бир гапириб ўн кулар эди. Эрга теккандан бери андак тўлишиб, чиройига чирой қўшилган. Таннозларча бошига қўндирган дуррачаси, енги калта, кенг-мўл тикилган қизғиш кўйлаги ўзига ҳўб ярашиб турибди. Бармоқларида қўша-қўша узук, бўйнида тилла занжир.

Ойгул Ҳайдар билан қуюқ кўришди. Ҳатто соғинчдан, қувончдан кўзларига ёш қалқиб, тили бир зум калимага айланмай қолди. Аммо бир оздан сўнг суҳбат тагин ўз ўзанига тушиб қизиб кетди.

– Қандай шамол учирди, бундай бемаҳалда?– деб сўради отаси унга саволомуз тикилиб. Онасининг андак меҳр, андак ташвиш билан термилиб турган нигоҳларида ҳам худди шу савол кезиниб юарди.

– Ўлси-ин, – дея тантиқланди Ойгул, Умар қуйиб узатган чойдан бир-икки ҳўплаб. – Куёвингиз билан марказга молга кетаётгандик, қурғур, мошинамиз йўлда бузилиб қолди. Чангак яқин бўлгани учун у киши мени бир йўловчи машинага солиб юборди, бир амаллаб етиб келдим. Ўзлари ҳали бузуқ араваси билан овора эдилар. Ким билади.

Давлатқул ака ва Бибитош янга кўнгиллари жойига тушиб, ўзаро маъноли кўз уриштириб олдилар: «Ҳайрият».

– Вой, Ҳайдарбек, қачон келдинг? – Ойгул энди укасини устма-уст саволга тутди. – Вуй, роса ўзгариб, нақ шаҳарликларга ўхшаб қолибсан. Тошкент қалай? Бозорлар ободми? Ўлсин, биз ҳам энди ўша ёқдан товар ташисакми, деб ўйлаб юрибмиз.

Ойгул эри билан Ургутдан майда-чуйда келтириб, ўзларининг кўчма бозорчаларида сотиб, тирикчилик қилишарди. Эру хотин қўш ҳўкиз деганлари чин-да, мана,

икковлашиб рўзгорга чопганларидан топиш-тутишлари чакки эмас: рўзгор бут, уй-жой, машина бор.

– Кичкинтойингни кимга қолдирдинг? – сўради Бибитош янга.

– Қайнонамга. Нурбек шу момосига жуда ўрганиб қолган, мен керак эмас унга.

Дастурхон атрофида енгил кулгу кўтарилди.

Опасини бошдан-оёқ кузатиб ўтирган Умар ярим ҳазил, ярим ҳавас билан гап қотди.

– Жуда бойиб кетяпсан-а, Ойгул. Бўйнингдаги анови занжирни қачон олдинг.

– Фу-у, – менсимагандай лаб жийириб, қўл силтади Ойгул, – буни олганимга олти ойдан ошди-ю, сен мана буни кўр, ўтган ҳафта Ургутдан олдим.

Ойгул гоҳ чапга, гоҳ ўнгга бурилиб, таманно билан қулоғидаги қизғиш тошли зиракни кўз-кўз қилди.

– Вой-бў-ўй!

– Кўз тегмасин, туф-туф, – деди Бибитош янга.

Давлатқул ака ҳам бош ирғади.

– Ўзингга буюрсин, бундан ҳам зиёда бўл.

– Эй, сен, – Умар Ҳайдарга юзланди, – тилланинг пириман деб мақтанасан, қани буни бир баҳолаб бер-чи.

Ойгулнинг қулоғидаги зирак унчалик қимматбаҳо эмасди. Ҳайдар уни аллақачон пайқаган. Бироқ опасининг кўнглига қараб, ўзича мақтаб қўйди.

– Зўр-ку! Бунақаси Тошкентда осонликча топилмайди.

Ойгул гул-гул яшнаб, укасига ҳавойи ўпич юборди.

– Дидингга балли, ука!

* * *

Йўл юриб чарчаган бўлишига қарамай ўша тун Ҳайдар ухлаёлмай, тўлғониб чиқди. Кўз ўнгига ўша зовур чеккасидаги манзара, гоҳ тилла тақинчоқларга кўмилган опаси бот-бот жонланар, минг бир хаёл исканжасида кўнгли алғовдалғов бўлар эди. Худди шу ўй, ҳислар сира тинчлик бермаганидан Ҳайдар дастурхон ёнида ҳам хийла бесаранжом,

паришон ўтирди. Оила аъзолари ундаги бу аҳволни йўл азобидан толиққанлигига йўйишди, шекилли, ортиқ қийин-қистовга олиб сўроққа тутишмади.

Акасининг эса оғзи қулоғида. У бўлажак тўй, висол ҳавосидан маст, димоғи чоғ, вақти хуш эди. Устига-устак жигарбандининг, энг яқин, энг сирдош қадрдонининг пойтахтдан етиб келганини айтмайсизми?

Умар мактабда аъло баҳоларга ўқиганди. Шу боис вилоят марказидаги инженерлар институтига осонгина кириб олди. Институтни битирди-ю, бироқ ўзига муносиб иш тополмади. Аввалига ўша Қизилсой давлат хўжалигида мироблик қилди, сўнг, хўжалик тугатилгач, анча гарангсиб не бир иш билан машғул бўлишини билмай довдиради. Кейин ўз қишлоқлари ёнидаги подстанцияга қоровул бўлиб ишга жойлашди. Иши тинч, уч сменали, навбатчиликдан бўш пайтлари эски, шалоқ «Москвич»ида киракашлик қилади.

Ҳайдар турли-туман палаклар осилган, аллақандай ўт-ўланлар ҳидига бўккан меҳмонхонага кириб, тайёр ўрин-тўшакка кириб ётгач, Умар ёнига кириб келди.

– Ётдингми?

– Ҳа.

– Шошилмасанг-чи, бироз гаплашайлик. Ичим тўлиб кетган.

Умар қаллиғи, Ҳайдарнинг бўлажак янгаси – Гулбиби билан қандай танишиб, қандай севишганларию қандай саргузаштлар кечирганлари ҳақида тўлиб-тошиб ҳикоя бошлади. Ҳайдар ора-чора, истар-истамас саволлар бериб, изоҳлар талаб қилиб, ўзича суҳбатлашган бўлди. Бироқ тез-тез чалғиб, ўз хаёллари оғушида хомуш тортиб қоларди.

– Ҳа, майли, – деди нихоят Умар узун бир ҳомуза тортиб, – қарасам, ҳеч чиройинг очилмаяпти. Қани, ётиб дам ол-чи. Эртага гурунг қиламиз.

Ҳайдар ҳайҳотдай меҳмонхонада ёлғиз қолди. Деразадан айвондаги электр лампа чироғининг ёруғи ичкарини гира-шира ёритиб турарди.

Ҳайдар нохуш хаёллардан чалғиб, тезроқ ухлаб қолиш илинжида меҳмонхона васса жуфтларини санаган бўлди, де-

вордаги палак кашталаридан ўзича ҳар хил тасвирлар ясади. Бироқ уни барибир огир, шилимшиқ хаёллар тарк этмади. Кўз ўнгида тагин ўша зовур, ўша ўсиқ қамишзор, юлғунзор, ялаб-юлқашаётган ўйнашлар...

Ҳайдар ич-ичидан илондай гимирлаб турган аччиқ ҳақиқатни тан олишга мажбур бўлди. У Ойгулдан шубҳаланмоқда эди! Бу шубҳа негадир ўша манзарага гувоҳ бўлган лаҳзадаёқ туғилганди. Ким билсин, ўшанда йўл-йўлакай Ойгулнинг маш-машалари, Карим пачоқ ва опаси ҳақидаги ғийбатлар ҳақида ўйлагани ва ногоҳ Карим пачоқни кўриб қолгани учун туйқус шундай шубҳага боргандир? Устига-устак, опасининг тўсатдан, бемаҳал ота уйида пайдо бўлиши-чи?! Худди шу ҳол Ҳайдарнинг гумонларини баттар алангалатди. Назарида, опаси зовурда балчиққа беланиб, сўнг ҳеч нима кўрмагандай ота уйига кириб келгандек туюлди.

Ҳайдар у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ётди. Кўзларини қаттиқ юмди: «Йўқ, бу нарсанинг тагига етишим керак. Карим пачоқнинг қучоғидаги ўша аёл ким?»

Ҳайдар барибир ўз опаси ҳақидаги шубҳалардан қутулолмади. Ойгулнинг озгина ўйноқи феъли, машмашали ўтмиши бунга халақит берарди. Ўшанда, бундан беш-олти йил аввал ҳам, Ойгул ҳақидаги миш-мишларга ишонишмаганди. Оқибати нима бўлиб чиқди. Барибир бу ғийбатларда оз бўлса-да ҳақиқат бор экан-ку? Шамол бўлмаса дарахт барги бекорга қимирламайди, деб беҳуда айтишмаган-да. Ойгул алал-оқибат «оппоқ» чиқмади-ку?! Ҳар бало кутиш мумкин бу замоннинг қиз-жувонларидан!

Тонгга яқин йигитнинг кўзи илинди.

* * *

Ҳайдар эртаси куни чошгоҳга яқин қўшни боланинг велосипедни олиб минди-да, зовур томон кетди. «Барибир бу бошогриқни бир ёқли қиламан. Балки... ўша ерда бирор белги қолгандир» хаёлидан ўтказди Ҳайдар, ўйдим-чуқур йўл бўйлаб велосипедни авайлай-авайлай ҳайдаркан.

2-С.Бобоев
Inv №

KO'RSATISH
10828

17
Inv №

KUTUBXONA MARKAZI
164401-2017

Кун иссиқ эди. Чанқаган дарахтларнинг барглари алла-нечук қоп-қорайиб кўзга ташланади. Пайкалларда эртаги буғдой майсалари хийла бўй чўзиб бошоққа кирган, яшил денгиздай чайқалиб ётибди.

Ҳайдар унда-мунда учраб қолган таниш-билишлар билан кўриша-кўриша, сўраша-сўраша ниҳоят зовурга, кеча «Жи-гули» паналатиб қўйилган буталар ёнига етиб келди. Атроф жим-жит. Анча олисдаги катта трасса йўл қора тасмадек ғира-шира кўринади. Аммо трасса бўйлаб аҳён-аҳён ўкдек учиб ўтиб қолган машинанинг гувуллаган товуши бемалол эшитилади.

Зовурнинг нариги тарафи катта-кичик пайкаллар. Ҳув, қишлоқ биқинида ишлаб ётган трактор элас-элас кўзга ташланади.

Ҳайдар тоғдек тупроқ уюмларидан ошиб ўтди-да, кечаги жойга яқин борди. Худди тажрибали изқуварлардек тева-ракни синчков-синчков, зийраклик билан кузатди.

Буталар чайладек хурпайиб ўсган сойликка уч-тўрт қучоқ ўт-ўлан тўшашиб тузуккина жой қилишган экан. Юмалаб ётган ароқ шишаси, ҳар хил ширин ичимликлардан бўшаган идишлар, овқат қолдиқлари бу ерда базми жамшид уюштирилганидан далолат берарди.

«Демак, Карим пачоқ бу ерга ҳеч кимни мажбурлаб, суд-раб келмаган, ҳар иккови аввалдан келишишган», – дея хаёлидан ўтказди Ҳайдар, ўзича илк хулосани ясаб.

Ҳайдар қалин кўрпадек тўшалиб ётган сўлгин ўт-ўланларни титкилашга тушди. Шу пайт хас-хуслар орасидан нимадир кўзига ярқираб кўринди. Ҳайдар шартга энгашиб ялтироқ нарсани кўлига олди. Олдию ҳам ҳайратдан, ҳам қувончдан қичқириб юборишига сал қолди. Унинг қўлида бир дона олтин гардишли, ёқут кўзли зирак товланиб турар эди. Ҳайдар ҳаяжон билан зиракни қуёш нурида бир-икки жилвалантириб кўрди. Кўрдию қўлларида ғоят қимматбаҳо нарсани ушлаб турганига амин бўлди.

Ҳайдарнинг юраги қувончдан ҳапқирарди. Ноёб топилма уни аввало нохуш қийноқлардан, ифлос шубҳалардан халос

этди. Бу зирак Ойгулники эмас! Ҳайдар кеча шомда опасининг қулоғидаги зиракни ўз кўзи билан кўрди-ку?! Демак, Ойгул покиза, у бу ерда бўлмаган.

Ҳайдар сўлғин ўт-ўланларни титкилаб зиракнинг иккинчисини излашга тушди. У қувончига қувонч қўшилишини, биратўла бир дунё бойликка эга бўлишни истарди. Бироқ қўлидаги зиракнинг жуфти топилмади.

Ҳайдар ҳаммаёқни титкилаб, синчковлик билан текшириб чиқди. Йўқ. Иккинчиси, хойнаҳой, ўша аёлнинг қулоғида қолган. Бунисини беҳосдан тушириб қўйган-у, лекин сезмаган.

Ҳайдар ҳафсаласи пир бўлиб изига қайтди. Қайтдию йўл-йўлакай миясига урилган фикрдан кўзлари чақнаб, лаблунжи кулгидан ёйилиб кетди: «Шилиш керак! Анави, аблаҳ Карим пачокни бошлаб шантаж қиламан...»

Ҳайдар бутун далани тўлдириб қаҳ-қаҳ отиб кулди.

* * *

Қуёш қип-қизариб уфққа бош қўйди. Подадан қайтаётган молларнинг мўъраши, қўй-қўзиларнинг маъраши теварак-атрофни тутди. Чангакка шом инмоқда эди. Ҳайдар қишлоқ марказида, ўзига хос чорраҳа вазифасини ўтовчи муюлишда Карим пачокнинг йўлини пойлаб турарди. У бугун кун бўйи бу фермадор корчалонни қармоққа илинтириб, борбудини шилиб олиш режасини тузган эди. Умуман айтганда, Ҳайдарнинг бунақа ишларга суяги йўқ. Пойтахтда кўпларнинг шўрини қуритган. Айниқса, тилла буюм ўғирлаб сотадиган, сохта долларлар билан шуғулланадиганларнинг роса ўтакасини ёриб, обдан «соғиб ичган». Аммо ҳеч бирида Ҳайдар ўзини айбдор санаб, виждони қийналган эмас. «Буни ҳаёт дейдилар, – дея ўз-ўзини юпатган у, – ҳар гал одамларни чув туширганда, ҳар ким орқа-олдини тозалаб, ҳушёр юриши керак. Озгина сирғалдингми, энди бу ёғига чида...»

Кўп ўтмай таниш «Жигули» кўринди. Ҳайдар атай йўлни кесиб ўта бошлади. Шитоб елиб келаётган машина секинлашди.

– Ўв, намуноча имиллайсан йўл ўртасида? – деб ўшқирди Карим пачоқ хумдек бошини машина деразасидан чиқариб, – тезроқ ўт!

Ҳайдар у томон юзланди.

– Ассалому алайкум, Карим ака.

– Ия, Ҳайдармисан? Қара-я, танимабман.

Карим пачоқ «Жигули»ни йўл чеккасига тўхтатиб, лапанглаганча машинадан тушди. Сўнг ўзи томон йўналган йигитга қучоқ очди. Аммо Ҳайдар атай совуққонлик билан узалиб, қўл учида кўришди.

– Қачон келдинг, йигит? – деди Карим пачоқ иззат-нафси топталганини яширмай. – Шаҳарда журиб, тоза тумшуғинг кўтарилиб кетибди-ёв, одам билан нописанд кўришасан.

Ҳайдар илжайди.

– Қучоғлашаман, дейсиз... қучоғингиз тозами ўзи, ишқилиб, зовурнинг сувида чайиниб олганмисиз?

Карим пачоқ бирдан ҳушёр тортди. Хазон тус митти кўзларида саросима пайдо бўлди.

– Бу нима деганинг, ошна? ...Тушунмадим.

– Айтдим қўйдим-да, – Ҳайдар ўзича бепарво бир чеккага «чирт» эттириб тупурди. – Мен кеча келдим, пешиндан сўнг.

– Таксида келдингми?

– Йў-ў... сизга ўхшаган бойваччалар таксида юради. Биз бечораларга автобус ҳам бўлаверади. Катта йўл ёқасига тушиб қоламизу... буёғи қишлоққача яёв. Жуда зериксак, зовур атрофини томоша қили-иб... бир амаллаб уйгача етиб оламиз.

Карим пачоқ беўхшов илжайиб туксиз иякларини қашлаган бўлди.

– Қани, машинага ўтир. Сенинг гапинг кўпга ўхшайди.

– Бажону дил.

Уларнинг ёнидан икки бола бир сурув қўй-қўзиларни ҳайдаб ўтди. Димоғларга чанг аралаш, мол шалтоғининг қўлансаси урилди.

– Ҳим-м... кўрибсан-да... – деб гудранди Карим пачоқ машина ичида ёнма-ён ўтиришгач.

Ҳайдар унинг товушидаги титрокни, юз-кўзидаги саросимани дарров илғаб олди.

– Ҳа, кўрдим, – деди сўнг, овози темирдай жаранглаб.

– Ука, буям бир эркакчилик-да.

– Жуда яхши. Қандингизни уринг, даврингизни суринг.

– Кесатма. Сен ҳам шаҳарда тоза юрмагандирсан?

– Ҳа, бизларда ҳам бўп туради, ака. Лекин гувоҳларга кўз ҳақи бериб турамиз. Ортиқча гап-сўзга ўрин қолдирмаймиз.

– Шунақами?.. – Карим пачоқ Ҳайдарга синовчан кўз ташлаб, илжайди. – Жуда соз.

Сўнг бир интилиб машина қутисини очди. Қутича даста-даста пулга лиммо-лим эди.

– Мана сенга кўз ҳақи, ука. Ол, керагича ол.

Ҳайдар пул дасталарини кўриб бир шошган бўлса, ишнинг бу қадар жўнлашишидан минг шошиб қолди.

– Э-э, менга пулингиз керакмас, – дея йигит қўл силтаб, юзини четга бурди. – Ўзингизга буюрсин. Мен... мен шунчаки ҳазиллашдим.

Карим пачоқ дадиллашди.

– Ҳазилингни жўраларингга қиласан. Сени хўб тушундим... манави пулдан истаганингча ол, олу мени тинч қўй. Билдик... шаҳарга бориб зўр ҳунар ўрганибсан.

Ҳайдар ортиқча тихирлик қилишга ҳожат қолмаганини англади.

– Ўзингиз... атаганингизни узатинг, – деди тиржайиб. – Сўнг... туя кўрдингми, йўқ. Мен бошқа дамимни чиқармайман, тавба қилдим.

– Шундай бўлсин йигитча гап.

Карим пачоқ икки даста пулни Ҳайдарнинг тиззасига ташлади.

* * *

Тўй ўтди. Ҳайдар янгалик бўлди. Умар виқор билан чимилдиққа кирди. Тўғриси, чангакликлар яқин орада бундай данғиллама, серчиқим тўй кўришмаган эди. Ичкилик дарё бўлиб оқди. Маст-аласт қийқириб тентираган нечов,

йўл бўйларида, томорқа чеккаларида юмалаб ётган нечов. Никоҳ базмига пойтахти азимдан таниқли бир хонанда таклиф этилган экан. Фонограммаларнинг чинқириги етти қир ошиб, уйкудаги жониворларни ҳам уйғотиб юборган бўлса ажабмас. Қош-кўзлари обдан бўяб-бежалган, лорсиллаган кўкраклари ярим очик раққоса қиз каттаю кичик эркакларнинг эхтиросларини жўштириб, кўзларини уйнатди. Ҳатто Раим тракторчи пул қистириш баҳонасида раққосанинг дудоқларидан икки марта ўпиб олди. Теваракда қий-чув кўтарилди. Бу савил бўсалар нақ уч ойлик жамғармасини совурган бўлса-да, Раим тракторчи мағрур-мағрур кўкрак кериб, ароқ сипқорди. Тўй адоқлаб қолган бир маҳал қай гўрдандир Карим пачоқ пайдо бўлди, ғирт маст. Гандираклаб оёқда зўрға турибди. У шу пайтгача тўйхонада йўқ эди. Тўғрироғи, уни таклиф этишмаганди. Аммо базмнинг сўнгги нағмалари авжланиб турган чоғ кутилмаганда даврага суқилиб кирди. Шу пайт Ойгул дугоналари билан ўртада эшилиб-эшилиб рақс тушмоқда эди. Карим пачоқ елка учириб, қўл сермаб ўзича куй оҳангига мос йўрғалай кетди. Йўрғалай-йўрғалай Ойгул томон тиржайиб юрди. Жувон ҳам кулимсираб у томон юзланди. Афтидан оломон бу икковлон ўртасида кечмиш миш-мишларни туйқус эслаб қолганди.

– Бўш келманг, Карим ака!

– Ойгул, олға!

– Бир-бирига ҳўб ярашганини-чи уларнинг!

Даврадан шундай луқмалар пайдар-пай эшитила бошлади.

Бир пайт Карим пачоқ чўнтагидан бир даста пул чиқариб Ойгулнинг устига сочиб юборди. Ойгул шўхлик билан кўз қисиб, ҳув, танноз раққосага тақлидан ишвалар қилиб бой-ваччага бақамти келди. Даврада қий-чув баттар авжланди. Шу орада ғирт маст Тиркаш – Ойгулнинг эри гандираклаганча ўртага чиқди-да, Карим пачоқнинг гарданига мушт сермади. Аммо Карим пачоқ чап бериб қолдию, рашкчи эр мункиб қулади. Тагин бир амаллаб ўрнидан қўзғалди. Пайтдан фойдаланиб Карим пачоқ унга ташланди. Аммо андак ҳушёрроқ икки кимса уни судраб даврадан чиқариб кетди.

Тиркаш эса Ойгулга ташланди. Бироқ шапалоқ учун узалган қўлини хотини ҳаводаёқ илиб олди-да, эрини силтаб тортди. Тиркаш худди кучукваччадек Ойгулнинг қучоғига кириб кетди. Жувон унинг бўйнидан маҳкам қисганича даврадан судраб чиқди. Давра кучли қаҳ-қаҳадан ларзага келди.

Ҳайдар бу воқеаларни нафас олмай, тек қотиб кузатиб турди. Карим пачоқнинг туйқус тўйхонада пайдо бўлиши йигитни буткул лол қолдирганди. Ҳайдарнинг наздида ўша шомдаги хуфиёна келишувдан сўнг Карим пачоқ унинг кўзига буткул кўринмаслиги, пана-пасқамда биқиниб юриши, шаҳарлик тиллафурушни учратиб қолса, етти букилиб ялтоқланиши керак эди. Ўшанда ҳўб ажойиб суҳбат бўлганди-да, ўзиям! Ҳайдар фермачи бойваччанинг нақ бўғзидан олди-я! Тўғриси, ишнинг бу қадар жўн ва осон битишини йигит сираям ўйламаганди. Карим пачоқ обдан тихирлик қилади деган хаёлда эди. Аммо иш хамирдан қил суғургандай битди. Ҳайдарнинг чўнтаги қаппайди. Ҳайдар ҳар гал Карим пачоқнинг бўзариб кетган афтини, дир-дир қалтираётган қўлларини эсларкан, бу довдир бойваччани ҳали кўп бора «соғиб ичишига» ишончи комил эди. Аммо...

Карим пачоқнинг туйқус тўйхонада пайдо бўлиши, устига-устак Ойгулга тирғалиб, пул сочиши уни хийла таажжублантириб қўйди. Ҳатто, ич-ичида аллақандай хавотир ва ташвиш уйғотди. Эски шубҳаларни яна қўзғаб юборди. Айниқса, Тиркаш поччасининг лапашанг, бўш-баёвлиги бир кулгусини қистаса, бир гашини келтирарди. «Бир хотинни йиғиштириб ололмасанг, баттар бўл», деб хаёлан жеркиди у. Тиркашни жаҳл билан сўкарди.

Мана, тўй-томоша ўтганига уч кун бўлди. Уч кунки Ҳайдарда ором йўқ. Кундузлари тўй асоратларини бартараф этиш, рўзгор юмушлари билан югуриб-елса, тунлари ташвишли ўйлар исканжасида тўлғониб чиқади. Чала-ярим ухлаганиданми тез-тез боши оғриб, аъзойи бадани зирқирайдиган бўлиб қолди.

Бугун ҳаво эрталабдан қизиб кетди. Кўзларини уқалаб ҳовлига чиққан Ҳайдар эринган куйи ҳовли этагига ҳожатга

бориб қайтди. Сўнг обдастадаги сувга енгил-елпи юз-қўлларини чайиб меҳмонхонага кирди-да, сочиққа артиниб, сочларини тараган бўлди. Шу пайт эшик енгилгина тақиллади.

– Мумкинми, ҳазрат?

Эшик қия очилиб Умарнинг, уч кунлик куёвнинг хушхандон чехраси кўринди.

– Кир, киравер, – деди Ҳайдар акаси томон пешвоз юриб. Умар илжайди.

– Кўрманани тайёрла. Янганг сенга салом бермоқчи.

Худди шуни кутиб тургандай ичкарига қимтинибгина келин кирди. Меҳмонхона ўткир атир-упа исига бурканиб кетди. Келиннинг эғнидаги қизғиш кўйлак, бошидаги ҳошиялари зарҳал оппоқ рўмоли ўзига ғоят ярашган эди. У бармоқлари кўш-кўш узукларга тўла оппоқ, лўппи кўлини кўксига босиб уч карра таъзим қилди.

– Раҳмат, янга, кўп яшанг, – деди Ҳайдар алланечук ҳаяжон ва тотли ҳисларга чулғаниб. – Бахтли бўлинглар.

Умарнинг оғзи қулоғида эди.

– Янгангнинг юзини кўришни истайсанми?

Ҳайдар аввалдан ҳозирлаб қўйгани, гардишига тилла суви юритилган жажжи соатни чўнтагидан чиқариб келин томон юрди.

– Арзимас бўлсаям, шу мендан эсдалик.

– Ў-ҳў-ў, – деди Умар ҳануз илжайган кўйи, – кўрманачаккимас, – сўнг келинга мурожаат қилди. – Гулбиби, қани юзингни кўрсат, қайнингга.

Гулбиби қимтинибгина рўмолини қия суриб юз кўрсатган бўлди. Унинг қуюққина пардоз-андоз берилган чехрасида, андак қалин, қимтилган лабларида келинларга хос табассум ўйноқлар эди. Узун-узун киприкли кўзлари хумор-хумор боқади. Ҳайдар янғасининг кўҳликкина эканини пайқади. Ичу ташини ажиб бир ҳислар чулғади.

– Ана, танишиб ҳам олдик, янга, энди бундан буёғи мендан қочмасангиз ҳам бўлади.

Гулбиби енгилгина таъзим қилди. Умар илжайди.

Бу хонадонда бахт, шодлик шарпалари кезиб юрарди. Давлаткул ака ҳам, Бибитош янга ҳам мамнун. Келинлари одобли, тарбия кўрган, маънили заифага ўхшайди. Тўғри, уй-рўзғор юмушларига ҳали қовушиб кетгани йўқ, ҳарнечук уч-тўрт кунлик келин-да, аста-секин янги хонадоннинг пас-ту баландини англаб-тушуниб, кейинчалик ўз вазифасига тузуккина киришиб кетса ажабмас. Бир келин бўлса шун-чалик бўлар! Келинни келганда кўр, сепини ёйганда кўр, деганлари ҳақ гап экан. Гулбибининг сепи Умар икки йил қора терга ботиб қурган икки ҳужрали кулбага сигмай кетди. Қишлоқ аҳлига ҳали урф бўлмаган аллақандай мебеллар, диван, курсилар, қимматбаҳо матолардан тикилган кўрпа-ёстиқлар, турли-туман кийим-кечаклар кўрган кўзни куйдирарди. Чангакнинг не-не ичиқора, ҳасадгўйлари юрак чангаллаб қолишган бўлса ажабмас.

Айниқса, овозаси етмиш маҳаллага етган тўйни айтмай-сизми? Чангакликлар кўпдан бери бундай дабдабали базмга гувоҳ бўлишмаган эди. Тўғри, тўйнинг асосий харажати келин тарафдан бўлди. Дастурхоннинг тўри ҳам ўшаларники бўлди. Давлаткул ака даврада кўр тўкиб ўтирган казо-казоларнинг, янги замон бойларининг кўпини танигани йўқ. Бироқ барибир кўнгли кундай чарақлаб турди. Ахир, тўй уникида, унинг хонадонида кечмоқда эди-да! Ишқилиб Худо унга бундай тўйлардан беҳисоб кўришни насиб этсин. Ишқилиб, ўғли Ҳайдаржоннинг ҳам бахт-иқболи худди шундай кулиб боқсин!

Ҳайдар эса ўша тўй кунидан бери яна безовталаниб қолган эди. Хаёлидан гоҳ тўй даврасига маст-аласт, нопи-санд кириб келган Карим пачоқ, гоҳ шўх-шаддод Ойгул, гоҳ ўша зовур лабидан топилган бир дона гавҳар зирак лип-лип этиб ўтарди. Ҳайдар бир тўхтамга келолмай гаранг, ўй-фикридаги шубҳа-гумонни ҳайдаб сололмай азобланмоқда эди. Чин-да, шубҳаланмасликнинг ҳеч иложи йўқ. Ўша зовур лабадаги шармандали манзара, Ойгулнинг туйқус кечки

пайт ота уйида пайдо бўлиши, ниҳоят, тўйдаги икковининг қилиқлари алланечук бир-бирига боғлиқдай туюларди. Ўша чошгоҳ топиб олинган зирак ҳам гумонларини тарқатиб юборолмади. «Ойгулнинг қулоғидан тушмаган бўлса, Карим пачоқнинг чўнтагидан тушиб қолгандир» деган бир ўй йигитнинг юрак-бағрига ханжардай ботар, опасининг жирканч йўлда эканига очиқ-ойдин ишона бошлар эди.

Мана, ҳозир ҳам ўша топилдиқ бир дона бебаҳо зиракни яшириб қўйган жойидан чиқариб, зимдан томоша қиларкан Ҳайдарнинг кўнгли оғир, ифлос шубҳаларга тўлиб тошди. Лаблари аламдан қимтиниб, қўллари мушт бўлиб тугилди.

Шу пайт айвон томондан гурс-гурс қадам товушлари эшитилди. Ҳайдар зиракни шоша-пиша тўрвасининг ичига яшириб қўйди.

– Мумкинми, кирсак майлими? – эшик қия очилиб Умарнинг бахт, қувонч балққан чеҳраси кўринди.

– Салом бермасанг, бир ямлаб ютаман, – деб ҳазиллашган бўлди Ҳайдар акасига пешвоз юраркан.

– Эй, тиллафуруш, сенга бир нозик савол бор.

– Сўйла, қулоғим сенда.

– Манави матоҳ неча пул туради?

– Ия, – беихтиёр қичқириб юборди Ҳайдар. – Буни қаёқдан олдинг?

– Нега бўкирасан. Ўзимники.

Ҳайдар юраги гурс-гурс уриб, кўзи тинган кўйи ерга ўтириб қолди.

– Ҳазиллашма.

– Ҳазили йўқ, – дея ҳануз илжайарди Умар. – Янганг бир донасини йўқотиб қўйган экан. Бошимиз қотди, бир донани тақиб бўлмаса, сотмоқчимиз. Қанчаларга кетар экан-а?

– Билмадим, – дея аранг минғирлади Ҳайдар акасининг қўлидагига қўрқа-писа кўз ташлаб оларкан.

Умар илжайган кўйи ўша топилдиқ зиракнинг жуфтини у томон тантанавор узатиб турарди.

Зирак Гулбибиники! Демак, ўша Карим пачоқнинг қўйнидаги танноз шу экан-да! Суюкли акажонисининг хотини, унинг таъзим устига таъзимни қотираётган янгаси. Қандай шармандалик!

Ҳайдар тўлғониб ётган жойидан ух тортиб туриб кетди. Ёнидаги чойнакдан ютоқиб-ютоқиб яхна чой сипқорди.

Тун. Ланг очик деразадан қоп-қора осмон мўралайди. Қайлардадир тун ҳашаротлари зор-зор чирқиллайди. Енгил эсган эпкиндан дераза тагидаги дарахт барглари маҳзун шитирлайди. Тонгга ҳали узоқ.

Ҳайдар туйқус йўлиққан шармандагарчиликдан қутулиш йўлларини ҳаёлан изламоқда эди. Нима қилсин? Бор аччиқ ҳақиқатни ота-онасига, акасига айтиб берсинми? Хўш, қандай исботлайди? Ана, исботлади ҳам дейлик, сўнг-чи? Сўнг, Умар уриб-тепиб хотинини ҳайдайди, катта жанжалга айланади. Шусиз ҳам бу хонадонга ҳасадгўйларча қараб юрган не бир маҳалладошлар бети қолиб, кети билан кулишади. Бу машмашалар Карим пачоқнинг қулоғига етиб борса-чи? «Ҳақини берганмиз, Ҳайдарбой билан келишганмиз», деб қаҳ-қаҳ отиб келмайдими?! Ўшанда тегирмон тоши кимнинг бошида айланади, ахир?!

Ҳайдар ўзи қўйган тузоққа ўзи тушганини англаб, гужанак тортган қўйи бош чангаллаб қолди. Панжалари билан қуюқ сочларини асабий тароқлади. Чукур-чукур уф тортди.

Хўш, бу мудҳиш сир ҳақида ҳеч кимга оғиз очмаса-чи? Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолса-чи? Йў-ўқ! Карим пачоқ ич-ичида кулиб ўтади, бир кунмас бир кун бирор даврада «Гулбиби мендан қолган сарқит» деб гап тарқатади. Мана шу маймун башара махлуқнинг олдида Умарнинг, Давлаткул ака хонадонининг тили қисик, боши эгик бўлиб ўтади. Йў-ўқ, бундай бўлиши мумкин эмас! Оила шаъни учун, ака номус-ори учун ҳали туриб берадиган укалар бор!

Ҳайдар шашт билан қад ростлади. Тишларини ғижирлатиб, қўлларини мушт қилиб тугди: «Ўлдираман! Ўша махлуқни ўлдираман... Қолгани бир гап бўлар...»

Ҳайдар қоп-қора тун қўйнига телбавор тикилди.

* * *

Мана, неча кундирки, Ҳайдар пайт пойлайди. У Карим пачоқни гумдон қилишнинг минг бир режасини туза-туза, ниҳоят, уни бирор-бир овлоқ жойда пичоқлаб кетишга қасд қилган. Шу сабаб кун иссиқ бўлишига қарамай, кийиб олган пиджагининг ичига обдан чархланган, ўткир, узун тигли пичоқни яшириб олган. Аммо Карим пачоқни ёлғиз, овлоқ жойда учратишнинг ҳеч имкони бўлмапти. Лекин Ҳайдар кузата-кузата, пойлай-пойлай шу нарсга амин бўлдики, Карим пачоқ ичкиликка қаттиқ ружу қўйибди. Куну тун маст. Унинг бу қилиғига, ҳатто, ҳамқишлоқлар ҳам ҳайрон. Чунки Карим пачоқ илгарилари давраларда, тўй-ҳашамларда оз-моз ичкилик ичар, кўча-кўйда гандираклаб юрганини биров кўрган эмас эди. Не сабабдандир у туйқус ароқхўрга айланди-қолди. Янги замон бойваччасининг бу аҳволидан Ҳайдар хурсанд бўлди. «Худонинг ўзи ишимни ўнглапти», дея ҳаёлидан ўтказди.

Бир пайтлар давлат хўжалигига тегишли бўлган, кейинчалик Карим пачоқнинг мулкига айланган ферма қишлоқнинг кунчиқар томонида, катта-кичик экинзорлар тугаб, қир-адирлар бошланиб кетган ялангликда жойлашган эди. Уч-тўрт узун, паскам бинолардан иборат ферма тевараги баланд девор билан ўралган. Ҳовлидаги пичан-сомон ғарамлари, шифер билан қопланган молхона томлари ғира-шира кўзга ташланди. Ичкарига олиб кирадиган баланд ва кенг темир дарвоза аҳён-аҳён очилиб, ёпилиб кимлардир кириб, кимлардир чиқиб турибди. Пода-пода молларнинг бўкириши, чўпонларнинг асабий қичқириғи баралла эшитилади. Буларнинг бариси янги замон бойваччаси – Карим пачоқнинг ишлари авж, ошиғи олчи эканлигини исботлаб турарди.

Фермахонадан анча олисда, дов-дарахтлар қуюқ ўсган йўл бўйида Ҳайдар чошгоҳдан бери пойлаб ётибди. У режани бугун амалга оширишга қатъий қарор қилган. Шу сабаб ҳам эрталаб фермага отланган Карим пачоққа қорама-қора шу ерга келган эди. Карим пачоқ дарвозадан кириб кетди. Ҳайдар эса уни пойлаб туриш учун айнан шу ерни танлади. Чунки бу ер кузатувга жуда қулай. Иккинчидан, Карим пачоқ йўлнинг шу қисмидан ўтаркан машинасини, албатта, секинлатади. Йўл ёмон, ўйдим-чуқур, устига-устак, кескин бурилишли. Ҳайдар ўз режасига кўра, Карим пачоқ фермахонадан чиқиб қишлоққа қайтаркан, бутазорга анча яқинлашган пайт, тасодифий йўловчи каби йўл ўртасига чиқади. Ферма хўжайини уни кўриб тўхтайти. Ҳайдар, у билан кучоқлашиб кўришган бўлади ва... пичоқ сўнгги сўзни айтади. Мабодо, Карим пачоқ эски «ошно»сига безътибор ўтиб кетмоқчи бўлса... Ҳайдар бу ёғини ҳам ўйлаб қўйибди. Ишқилиб, Худо хоҳласа, ниятини амалга оширади. Энг муҳими, Карим пачоқ ёлғиз қайтсин! Агар бирортаси ёнида бўлса, иш пачава. Шунча кутганлари бугун ҳам бекор кетади.

Ҳайдар ичикиб теваракни синчковлик билан кузата бошлади. Кун иссиқ. Олис-олислардан сарғая бошлаган адирлар ола-қуроқ, жимирлаб кўзга ташланади. Йўлнинг ўнг тарафи бўйлаб ўтиб каттаю кичик экинзорлар оралаб кетган ариқдан лойқа сув чайқала-тўлғона оқмоқда. Дов-дарахтлар, ўт-ўланлар узра чумчуқлар чирқиллашиб учиб-қўнишади. Экинзорлар ўртасида аллақандай дала шийпони гира-шира кўринади. Сувоқлари кўчиб, деворлари нураб, томлари қўпорилиб ётганига қараганда, кимсасиз, ташландиқ. Йигит яшириниб ётган жойдан бир чақиримча наридаги сертупроқ, тор йўл ўша томон элтади.

Ҳайдар бетоқат бўла бошлади. Мана, кун пешиндан оғаяптики, анавидан дарак йўқ. Ишқилиб, қайтармикан? Қайтар, чўпонлар билан тунаб қолмас...

Ҳайдар қўйнидаги ўткир, узун тигли пичоқни тагин бир сидра кўздан кечирди. Чаккимас, бир зарбада ҳар қандай полвонни иккига бўлиб ташлайди. Йигит пичоқнинг зарур

пайти осонгина кинидан суғурилишини бир-икки синаб, ўзича у ёқ-бу ёққа сермаб кўрган бўлди.

Теварак тандирдай кизиб кетди. Ҳайдар елим идишдаги сувнинг сўнгги қултумларини ичиб тугатиб, идишни бир чеккага улоқтирди. Шу пайт фермахона дарвозаси ланг очилиб, Карим пачоқнинг «Жигули»си ташқарига чиқиб тўхтади. Машина эшигидан ферма хўжайини ивирсиб тушди. Ҳайдар жон-жаҳди билан ўша ёққа тикилган эди. Тикиларкан, таажжубдан пешоналари тиришиб кетди. Карим пачоқ гўё узоқ сафарга отлангандай, гўё, энди ҳеч қайтмайдигандай дарвоза олдида уймаланиб, хўжайинини кузатиб қўйишга чоғланган хизматчилар билан бир-бир қучоқлашиб, ялашиб-юлқашгандай бўлди. Сўнг қучоғини кенг ёйиб бир-икки чарх уриб айланди.

«Гирт маст, шекилли» хаёлидан ўтди Ҳайдарнинг ҳануз фермахона томон пусиб, тикиларкан.

Ниҳоят, «Жигули» қўзғалди. Орқасидан куюк чанг-тўзон кўтарилди. Кузатувчилар машина ортидан тагин пича термилиб туришгач, кун тигидан қочиб, ўзларини ичкарига уришди. Дарвоза оғир ёпилди.

Ҳайдарнинг юраги гурс-гурс ура бошлади. «Жигули» тобора яқинлашиб келмоқда. Йигит шоша-пиша теваракни кузатди. Жим-жит. Яқин атрофда ҳеч бир қора кўринмайди.

«Айни пайт...» ўйлади Ҳайдар ҳаяжондан энтикиб.

Бир пайт анча яқин келиб қолган «Жигули» чайқала-чайқала секинлашди, сўнг ташландик дала шийпони томон элтувчи тор, сертупроқ йўлга шитоб билан бурилди. Бурилдию қуруқ чанг-тўзонга бурканиб тўхтади. Ўсиқ ўт-ўланлар, буталар орасида машина деярли кўринмай қолди. Бироздан кейин Карим пачоқ уловидан тушиб, гўё эндигина кўраётгандай теваракка термилганича туриб қолди. Сўнг ариқ лабига келди. Чўнқайиб юз-қўлларини лойқа сувда чайган бўлди.

Ҳайдар атрофга аланглай-аланглай ўсиқ ўт-ўланлар ора-лаб ўша томон юрди.

Бир пайт Карим пачоқ қўлларини юзига босган қўйи беўхшов бир товушда ўкириб йиглаб юборди. Сўнг

чўнқайган ўрнидан даст туриб қулоч ёйди. Унинг қўлида узун тигли пичоқ кун нурида ялтираб кетди.

Ҳайдар эҳтиёткорликни ҳам унутиб, тик турганча бақадек қотиб қолди.

* * *

Ҳайдар қандай қилиб қишлоққа, ўз уйига етиб келганини билмай қолди. Юраги қинидан чиққудек тепар, кўйлаги шўр тердан ивиб кетган эди. Йигит ошхонага кириб челақдаги сувдан ютоқиб-ютоқиб ичди. Сўнг теваракка олазарак кўз ташлаганича ичкари кириб кетди. Хайрият, оғилхона тарафда куймаланиб юрган онаси унга эътибор бермади.

Ҳайдар қўлтиқлаб олган пиджагини хонанинг бир чеккасига улоқтирдию кўрпача устига ўзини ташлади. Беҳол чўзилди. Ўз-ўзига устма-уст пичоқ санчиб, ихраганича қулаган Карим пачоқ хануз кўз ўнгида лоп-лоп жонланиб турарди. Ҳайдар қандай, қачон орқасига ўгирилиб қочганию, қай бир пана-пасқамлардан чопиб уйигача етиб келганини эслаёлмасди. Фақат кўз ўнгида ихраб, қалтираб қулаган Карим пачоқ, машина кузовига сачраб кетган қон.

Қалин пардалари туширилиб, нимқоронғи қилиб қўйилган хона салқин эди. Анча чўзилиб ётгач, Ҳайдар аста-секин ўзига кела бошлади. Аммо юрагини аллақандай кўрқув, таҳлика қоплаб олган эди. Ўзини қандайдир шилимшиқ, исқирт нарсани ушлаб олгандек ҳис этарди.

Ҳайдар судралиб бурчакдаги эски, ойналарига дарз кетган сервант ёнига борди. У ерда «тўй муборак»дан омон қолган, Ҳайдар дадиллик учун ҳар кеч қиттак-қиттак ичиб яримлатиб қўйган ароқ бор эди. Йигит шишани даст кўтариб тахир, илиқ суюқликдан икки-уч ҳўплади. Ароқ томоқларини куйдириб ўтди. Ҳайдар ёстиқни юзига босиб ҳидлади. Шундан сўнг ваҳима чекиниб, йигитнинг фикр-хаёли тиниқлаша бошлади.

Қизиқ, Карим пачоқ нега ўз жонига қасд қилди экан? Ишида ишкали бормикан ё? Наҳотки, шунча бойликни ташлаб кетишга кўзи қийган бўлса?

Ҳайдар арокдан тагин уч-тўрт култум ичди. Газак ўрнида ачимсиқ тер иси анқиб турган кўйлагини оғиз-бурнига босиб ҳидлади.

«Уни Худонинг ўзи жазолади» ўйлади Ҳайдар ёстиққа ёнбошлаб чўзиларкан.

* * *

Карим пачоқнинг ўлими ўша куниёқ Чангакда дув-дув гап бўлди. Кимдир уни бўғизлаб кетишибди, дея ваҳима кўзгаса, кимдир ферма хўжайини ўз жонига қасд қилгани ҳақида шов-шув кўтарарди.

– Охири ит ўлимини топибди, – деди Давлатқул ака кечки овқат устида.

У илгаритдан Карим пачоқни ёмон кўрарди. Шу сабаб мархумлигига қарамай, бойваччага нисбатан нафратини яшириб ўтирмади.

Бибитош янга эрини инсофга чақирди.

– Ўтган одамнинг орқасидан унақа гапирманг-е, гуноҳ бўлади. Худо охиратини обод қилсин.

– Э-э, охират борми унда! Фирт бузуқи, товламачи нусха эди.

– Бечорани қачон чиқаришаркан?

– Э, ким билади, ҳали унинг ўлигини органга олиб кетишган.

– Вой, нега?

– «Нега» эмиш... текширишади-да, ўзи ўлганми ё... биров қасд қилганми...

Ҳайдар ўзаро гап-сўзларга бепарводек овқат ичиб ўтирарди. Сухбатга аралашмади. Аралашса, гўё ота-онаси унинг сиру синоатини билиб оладигандай туюлди.

Чангак тун чодрасига бурканди. Қоп-қора осмонга юлдузлар чўгдек сачраб кетди. Олис-олисларда енгил, салқин эпкин эсиб қовжирок беда ҳидини димоғларга келтириб урди.

Ҳайдар уйга сиғмади. Аммо кўчага чиқишга ҳам негадир юраги бетламас, аллақандай таҳликадан аъзойи бада-ни бўшашарди. Шу сабаб ҳовли этагида, оғилхоналар ёни-

да бемақсад тентиб юрди. Томорқага ариқдан жилдираб оқаётган сувни кузатган бўлди. Аҳён-аҳён «ух» тортиб, узоқ-узоқ хаёл суриб қолади.

Шу пайт кўча деворидан аллаким тап этиб ошиб тушгандай бўлди. Ҳайдар дарҳол ўзини дарахт панасига олиб ўша ёққа мўралади. Уй айвонидаги чироқ нурлари томорқа томонни ола-чалпоқ ёритиб турарди. Ҳайдар ғира-шира ёруғда девордан ошиб, ариқ лабида саросималаниб турган шарпа ўн икки-ўн тўрт ёшлар чамасидаги ўспирин эканини пайқади.

– Тўхта, кимсан? – деб овоз берди у, дарахт панасидан вазоҳат билан чиқиб.

Ўспирин уни кўриб тахтадай қотиб қолди. Сўнг чанга-лида маҳкам сиқимлаган нарсасини шоша-пиша чўнтагига тикдию девор томонга тисарилди. Ҳайдар бир ҳатлаб унинг ёнида пайдо бўлди.

– Тўхта, барибир қочиб қутулолмайсан.

У қўриқиб кетган ўспириннинг билагидан маҳкам тутди.

– Қўйворинг... – аранг сас берди бола пичирлаб. – Қўлимни оғритдингиз.

– Кимсан?

– Салимман... Қўлдош чўпоннинг ўғли.

– Нега ярим кечаси бировларнинг деворидан ошиб юрибсан? Ўғримисан?

– Йў-ўўқ, – жон ҳолатда бош чайқади Салим. – Мен... мен адашиб...

– Бекорларни айтибсан. Чўнтагингга нима тикдинг?

Ўспирин чўнтақларини бир-бир титишга тушган Ҳайдарга жовдираб тикилди.

– Жо-он ака, қўйворинг, бошқа келмайман...

– Бу нима? – Ҳайдар боланинг ёлворишларига ортиқ эътибор бермай, унинг чўнтагидан топиб олган қоғоз тахламини ёйиб ёруғга тутган бўлди. – Нима бу, хатми?

– Билмадим...

– Ия, ғалча экансан-ку, чўнтагингдаги нарсани қандай билмайсан?

– Рост, билмайман... Эрталаб буни менга Карим акам берган эдилар.

– Карим? – дарров ҳушёр тортди Ҳайдар, – қайси Карим, пачоқми?

– Ха, хўжайинимиз. Уни бугун биров ўлдириб кетибди.

– Нима учун берганди?

Салим пишиллаб жавобдан тайсалланди.

– Ўв, – Ҳайдар унинг биқинига туртди, – гапир, нега чайналасан?

– Кечқурун Гулбиби келинга киритиб бер, ҳеч ким кўрмасин дегандилар.

Ҳайдарнинг аъзойи баданига ғалати бир титроқ инди.

– Сен... буни очиб кўрдингми? Ўқидингми?

– Ўлай агар, очганим йўқ, мен... мен бировларнинг хатини ўқимайман.

Ҳайдар боланинг гарданига енгил шапатилади.

– Йўқол энди! Бу қоғоз ҳақида бировга оғиз очсанг, сени ўлдираман! Йўқол. Қандай келган бўлсанг, шундай даф бўл.

* * *

«Гулим, Гулбибим! Мени кечир, сени охирги марта бевозта қиляпман. Бу – видео хати. Сени икки дунёда ҳам ақаб ўтаман. Сен менинг севгимга севги билан жавоб бердинг. Бу мен учун тенги йўқ бахт, чексиз қувонч. Гулбиби, мендан ҳамқишлоқларим, таниш-билишларим бир умр нафратланиб ўтди, мени итдан ҳам ёмон кўришди. Билмадим, нега? Кимнинг арпасини хом ўрибман? Мен ҳеч кимга ёмонлик раво кўрган эмасман аслида. Тўғри, бой бўлиб, ялло қилиб яшадим. Лекин бировнинг ҳисобидан эмас. Ҳеч қачон ҳеч кимнинг товоғига қўл чўзганим йўқ. Нимаики топган бўлсам, ўз меҳнатим билан, ўз пенсона терим билан топдим. Юсурдим-елдим, тадбиркорлик қилдим, ниҳоят, тўкин дас-турхонли, фировон турмушли бўлдим. Гулим, лекин ҳузур-ҳаловат топмадим. Одамлар мени аввалгидан баттар ёмон

кўришди. Тўғри, жуда хунукман, Худо шундай яратган бўлса, мен нима қилай? Лекин юрагим тоза, покиза. Аммо юракни суғуриб олиб бировга кўрсатиб бўлмас экан. Мен севги истадиму, Муҳаббат изладим. Бундай бахтни фақат сендан топдим, Гулбиби. Сени менга йўлиқтирган Худойимга минг шукр. Аммо тақдир ўз билганидан қолмади. Мен, ёши бир ерга бориб қолган бир тасқара, ниҳоят, севгини топдим. Гулбиби, лекин йўлларимиз айри-айри эди. Буни икковимиз ҳам яхши билардик. Шу сабаб мен чеккага чиқдим. Сенга, сенинг бахтингга халақит беришни асло истамайман. Лекин сенсиз ҳам яшашни хоҳламайман. Бойлик, мансаб, молу мулк мен учун бир чақа. Барча-барчаси муҳаббатсиз бир чақага арзимаЙди. Менга сенсиз ҳеч нарса керак эмас, ҳеч нарсанинг қизиги йўқ. Ҳаёт мен учун тугади. Тўғрироғи, тугатишни ўзим хоҳлаб қолдим. Мени кечир, Гулбиби. Лекин армоним йўқ, ахир, чин муҳаббат мевасини татиб кўрдим-ку! Алvido, Гулим.

Карим».

Ҳайдар сирли хатни – эгасига етиб бормаган мактубни ўқиб тугалларкан, газаб ва аламдан ўзини кўярга жой тополмай, хона бўйлаб юра бошлади. У худди қафасга тушган оч қашқирга ўхшарди.

Аниқ! Демак, ҳаммаси кундай равшан! Гулбибининг бузуқлигига, ўша кунги танноз ана шу ўзича маъсума келинчак эканига бундан ортиқ исбот керакмас! Ҳайдар ўлдиради бу ифлосни! Ўша тасқара ўйнашининг ортидан асфаласофилнга жўнатади! Йўқ, оила шаъни, ака номуси учун ҳеч нарсадан қайтмайди!

Ҳайдар хануз хона бўйлаб асабий юраркан, туйкус акасининг кулгусини эшитиб, чўчиб тушди. Секин деразага яқин бориб ҳовлига мўралади. Умар қудуқ ёнида Гулбиби билан сув сепишиб, ёш болалардек ўйнашарди. Айвондаги электр чироғи ёғдусидан келинчак устидаги қип-қизил, зар ҳошияли халат худди оловдек жилоланарди.

– Эй, Ҳайдар! – деди Умар, ногоҳ укасига кўзи тушиб, – қарама, уят бўлади. Ҳозир олдингга кираман.

Ҳайдарнинг гаши келди. Димогида истехзоли илжайди. Кўп ўтмай афт-ангорига сув сачраган Умар эшикдан ҳовлиқиб кирди.

– Суюнчини чўзавер, ука!

– Нима? – тўнгиллади Ҳайдар. – Тинчликми?

– Зўр янгилик!

Умар бугун кун бўйи қайнотаси билан казо-казоларнинг идорасида бўлганини ютоқиб ҳикоя қилишга тушди.

– Насиб бўлса, бу ҳафтадан бошлаб Нурафшондаги ёғ-мой зовудида ишлайман. Аканг қарағай, бош инженер!

– Зўр... буюрсин...

Умар укасининг тумтайган башарасига қараб таажжубланди.

– Намунча қовоғингдан қор ёғаяпти? Мазанг йўқми?

– Э, сал-пал... бош оғрияпти.

– Юз грамм-юз грамм қиламизми?

– Йў-ўғ-е... ухламоқчиман.

– Ихтиёринг. Лекин са-ал қовоғингни оч, уйқуни ҳам чўчитиб қочириб юборасан. – Умар ажабланиб елка қисганича чиқиб кетди.

* * *

Ҳайдар ўзича экинларни суғорган бўлиб чошгоҳга довур томорқада ивирсиб юрди. Зимдан янғасининг ёлғиз қолишини пойлади. Давлаткул ака саҳармардондан далага чиқиб кетган. Умар ҳалигина туман марказига йўл олди. Ёғ-мой заводига ишга кириш учун айрим ҳужжатларини тўғрилаш керак эмиш. Юз-кўзида мамнуният, хаяжон. Ана, онаси ҳам Ғаффор ҳисобчининг касалманд хотинидан хабар олиш учун кичкина бир тугунни қўлтиқлаб дарвоза томон юрди.

– Келинжон, катта қозонда сув иситворинг. Мен дарров қайтаман, биргалашиб кир ювамиз.

– Йўғ-э, хола, – тантиғланди Гулбиби, – бемалол гурунглашиб ўтираверинг, кирни ўзим ювиб ташлайман, озгина экан-у...

Бибитош янга келинидан хурсанд, уни алқаган бўлди.

– Ўлай сизга, болам. Ишқилиб, қўп уриниб қолманг-да.

Қайнонаси чиқиб кетгач, Гулбиби ошхона ёнидаги ўчоққа ўт қалаб, қозонда сув иситишга киришди. Унинг эғнида ҳаворанг, парча-парча гулли кўйлак, бошида елвагай ташланган рўмол. Кийимлари ўзига ҳўб ярашгани учунми, ҳарқалай, келинчакнинг ўзи ўчоқ бошига ярашмай турарди.

Ҳайдар янгасига яқин келиб томоқ қирди.

– Ву-уй, ассалўм... – ўзича қимтинибгина салом берган бўлди Гулбиби.

Ҳайдар алик ўрнида беўхшов тиржайиб, ўчоқ яқинидаги тўнкага ўтирди.

– Энди би-ир ўйнаб берадиган бўлдингиз, келин пошшо.

– Вуй, нега?

– Сизга хат бор, – Ҳайдар тунда қўлига киритган варақни Гулбибига намоишкорона узатди. – Ишқилиб, ўқиб хурсанд бўласиз.

Гулбиби қайнисининг истехзо, нафрат қалққан юзига қўрқа-писа кўз ташлади. Сўнг ботинмайгина варақни қўлига олди. Ҳайдар келинчакни синчковлик билан кўзларини тигдай қадаб кузатиб турарди.

– Овоз чиқариб ўқисангиз ҳам қарши эмасмиз. Сиз ойм-тилланинг кимлигингизни бутун дунё билиб қўйсин.

Гулбиби варақча енгилгина бир кўз ташлаб чиқдию, ўчоқда чирсиллаб ёнаётган оловга ташлади.

– Нима қилдинг, ифлос!

Ҳайдар ўридан ирғиб туриб кетди. Турдию хатни янгасининг қўлига бериб катта хато қилганини англади. Бузуқини фош этувчи далилдан айрилди-қолди!

Гулбиби қайнисининг ўшқиритишини эшитмагандай, челадаги сувни қозонга ағдариб, бепарво ўз ишида давом этди.

– Шу билан қутуламан, деб ўйлаяпсанми, – дея Ҳайдар истехзоли тиржайди, – ундан зўр исботларим бор, сени фош қиладиган.

Ҳайдар Гулбибини ҳақорат қилиш учун бисотидаги энг жирканч сўзларни териб-териб айтаркан, янгасининг бепар-

волигидан, ўзи кутганидек, йиғлаб оёғига бош урмаганидан баттар жаҳли чиқди.

– Мен сени уйимиздан итдек ҳайдайман! Йўқолган зирагининг бир донаси менда. Зовур ёқасидан топиб олганман. Карим пачоқнинг қўйнида ётганингни ҳам кўрганман. Хўш, бу ёғига не дейдилар, келин пошшо?

Гулбиби қайнисига енгил бир кўз ташлаб олди.

– Ҳақорат қилманг, бешигимни тебратиб қўйганингиз йўқ. Ниятингиз нима ўзи? Нима истайсиз мендан?

– Йўқол! Йўқол, уйимиздан! Акамнинг кўзига чўп суқиб юрма. Эсам сени ўлдираман.

– Менинг жавобимни акангиз берадилар. Мен у кишининг хотиниман.

Ҳайдар янгасининг бепарво туриб, бемалол гапиришини кузатаркан, бадани худди чумоли юргандек жимирлашиб кетди. «Наҳотки, акам ҳаммасидан хабардор? Наҳотки, асло, бўлиши мумкинмас...»

– Йўқ, сендай бузуқига номусимизни топтатиб қўймайман.

– Номус?! – деди Гулбиби Ҳайдарга тик қараб. – Оти чиққан опангизни юмалоқ-ёстиқ қилиб узатганда ҳам номус ҳақида ўйлагансизларми? Бу тўғрисида бошқа гапирса ҳам, сиз гапирманг.

Ҳайдар бошига калтак теккан тентакдай гангиб қолди. У осмонга тупиргани ўз юзига келиб тушишини сира кутмаган эди.

– Кўрамиз ҳали, – деб йигит, беихтиёр томорқа томон бурилди, – мен ҳаммангни ўлдираман.

* * *

Тун. Ака-ука ароқ ичиб, совиб қолган картошка қовурдоқ еб ўтиришибди. Ҳайдар икки-уч пиёла ароқни босиб-босиб ичса-да, негадир маст бўлмади. Умар бугун туман марказида кўрган-кечирганларини, не бир амалдорлар қайноғасининг отини эшитиши билан тиззаси қалтирашини айтиб, бетиним мақтанарди.

– Энди бундан кейин ишларим беш, ука, – деди у пиёладаги ароқни сипқориб юбораркан.

Ҳайдар аччиқ ҳақиқатни акасига қандай айтишни билмай, Умарга ўқтин-ўқтин хомуш тикилиб ўтирарди.

– Ака, – деди у, ниҳоят юрак ютиб, галдаги бир пиёла ароқни ичиб юборгач, – хотинингни ҳайда, у бузуқ.

Умарнинг ичкиликдан қизарган кўзлари укасига ўқдек қадалди.

– Нима?! Нима деб валдираяпсан? Тилингни кесиб оламан-а?!

– Аввал гапимни эшит, кейин хоҳласанг мени чиқариб, сўй.

Ҳайдар шундай дедию чўнтагидан ҳув, зовур ёқасида топилган зирак донасини чиқариб хонтахта устига қўйди.

– Бу нима? – деб сўради анчагина ширакайф Умар.

– Бу янгам йўқотган ўша зиракнинг донаси. Буни қаердан, қандай топганимни биласанми?

– Хўш-ш...

Ҳайдар кўрган-билганларини шоша-пиша, алам ва ғазабдан ҳансираб, ҳаяжонланиб айтиб берди. Гап охирида тунги хат можаросини ҳам қистириб ўтди.

Умар ияк-даҳанини қашлаганча, ичкиликдан қизарган кўзларини қоп-қора деразага тикиб, хомуш эшитди.

– Гулбиби Карим пачоқнинг ўйнаши бўлган, – дея изтиробли ҳикоясини тугатди Ҳайдар.

Умар пишиллаганча пиёлаларга ароқ қуйди.

– Бу мингир-мингирларингга ишонмайман, ука. Қани, пиёлани кўтар, ич. Босиб-босиб ич!

– Ака...

– Ич деяпман сенга.

Улар бир-бир кўтариб пиёлаларни бўшатишди.

– Ака, оиламизнинг, сенинг ор-номусинг пок бўлиши керак, – деб эҳтиёткорона мингирлади Ҳайдар. – Ҳайда, анови искиртни.

– Ука, янгангни ҳақорат қилма, у аввало бировнинг бола-си, кейин менинг хотиним. Хўш-ш... Сенинг гапларинг умуман асоссиз. Гулбиби... янганг чимилдиққа кирганда фариш-

тадай тоза эди. Ўзим гувоҳман-ку?! Яна қанақа исбот керак сенга.

– Ака, – истехзоли илжайди Ҳайдар. – Ҳозирги тиббиёт керак бўлса ўликни қайта тирилтиради. Унақа... унақа майда-чуйда йиртиқларни тикиб қўйиш...

– Ҳайдар, ўчир овозингни!

– Бўпти... ўзингиз биласиз.

Умар шашт билан пиёласидаги ароқни сипқориб юбордида, гандираклаганича ўрнидан турди.

– Ҳайдар, – деди у кўрдек пайпасланиб эшик тутқичидан тутаркан, орқасига ўгирилиб. – Агар... агар мени десанг... мени ўйласанг, иккинчи бунақа иплос гапларни кўзгама!

– Бўпти... Кўзгамайман. Эртагаёқ бу ердан йўқоламан.

– Оқ йўл, сенга, ука, – Умарнинг кўзларида жикқа-жикқа ёш айланди. – Лекин унутма, сенинг гапларингга ишонмадим, ишонмайман.

– Тўғри... сен айтганларимга ишнолмайсан. Бунга... бунга ҳаққинг йўқ.

Умар хўрсиниб, ёшланган кўзларини ерга қадади.

* * *

У олис-олисларга бош олиб кетади. Энди ҳеч қачон Чангакка қайтиб келмайди. Бундай шармандалиқдан ё ўлиб, ё дарбадар йўқолиб қутулиши мумкин. Энди у бу бешаън оилага бегона, энди у бундай беномус акага ёт!

Ҳайдар нарсаларини йиғиштираркан, беихтиёр ўпкаси тўлиб, кўзларига ёш қалқиб чиқди. У ўзининг бу қадар тез ва осон мағлуб бўлишини кутмаган эди.

Шу пайт дарвоза томондан ғала-ғовур эшитилди. Кимдир уни чақиргандай бўлди. Онаси экан.

– Ҳайдаржон, дарвозага чиқ, сени сўрашяпти.

Ҳайдар истамайгина ташқарига чиқди. Чиндан ҳам дарвоза ёнида баланд бўйли, бақувват, жинси шим, энги калта, ҳаворанг кўйлак кийган икки нотаниш йигит турарди.

– Норов Ҳайдар сизми? – деб сўради улардан бири Ҳайдар билан тезгина саломлашгач.

– Ҳа.

Нотаниш кимса чўнтагидан гувоҳномасини чиқариб пеш қилди.

– Жинойт қидирув бўлимиданмиз. Биз билан ҳозироқ идорага борасиз.

– Тинчликми? – ҳангу манг сўради Ҳайдар.

– Борганда биласиз.

Шу орада ичкари уйдан чиққан Умар, кўйлаги тугмаларини қадай-қадай етиб келди.

– Нима гап? Нима... – дея ҳовлиққанча гудранди у, нота-ниш кимсалар билан қўшқўллаб кўришиб чиқаркан.

Йигитлардан бири тагин гувоҳномасини чиқариб, иста-майгина ўзини таништирган бўлди.

– Сабабини билсак бўладими? – деб сўради Умар тову-шига бир қадар виқор бериб. – Мен Ҳотам аканинг куёвлари бўламан, Хуррам чавандоз бизга қайнога.

Изқуварлар андак саросималаниб бир-бирига тикилиш-ди.

– Укангиз са-ал шубҳа остида, – деди улардан бири Умарга юзланиб. – Ҳамқишлогингиз Бердиев Каримнинг ўлими юзасидан... Текшириб, гаплашиб кўрамузу... ҳаммаси жойида бўлса қайтариб юборамиз.

– Карим пачоқнинг ўлимидами? – беихтиёр қичқириб юборди Умар. Қичқирдию ранги ўзгариб укасига юзланди. Ҳайдар четга қаради.

– Тезроқ бўлинг, Ҳайдар, – дея қистаган бўлди изқуварлардан бири, – вақт зиқ.

Умар укасининг елкасига қўл ташлади.

– Бўпти, бориб кела қол. Мен... мен ҳозир Хуррам акага бориб хабар бераман. Кўнглинг тўқ бўлсин.

* * *

Дунёда ҳамма нарса ҳимояга, эътиборга муҳтож. Ҳатто, номус ҳам. Номус ўз вақтида қўриқланмай, хорликка ташлаб қўйиларкан, у бир куни қаттиқ қасос олади. Қасоски, унинг ўлчови бир инсон умрига тенг. Вақтида қадрланмаган, ўз

вақтида ҳимоя этилмаган номус учун у ҳам энди ўз ҳаёти билан товон тўлаши керак. Токи, теваарак-атрофдагилар билсин, кўрсин, ор-номус учун ҳар нарсага тайёр инсонлар бор бу дунёда...

Ҳайдар шундай хаёллар оғушида жаҳлдор терговчи ҳузурида ўтирар эди.

– Норов, ҳазиллашмай гапиринг, – деди терговчи Ҳайдарга тик қараб. – Охирги марта сўраяпман, ўт билан ўйнашмай, ростини айтинг, Бердиев Каримнинг жонига сиз қасд қилдингизми?

– Ҳа, мен...

– Нима учун?

– Номус учун!

– Нима, тушунмадим?

– Балки, сиз ҳам тушунмассиз, номус учун деяпман...

ҚИСМАТ ЖУМБОҒИ

Толиб ўн беш ёшидан буён Гулсеварни яхши кўрарди.

Гулсевар у вақтларда ўн уч яшар қизча эди. Бир йилга яқин Толиб Гулсеварни орқаваротдан кузатиб юрди. Кейин хат ёзди. Лекин Гулсевар унга жавоб бермади. Қайтанга кўча-кўйда, мактаб коридорида кўриб қолса ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Аммо Толиб ҳам бўш келмади: хат устига хат ёзаверди, қизнинг дарслари тугашини кутиб мактаб ёнида соатлаб пойлаб тураверди.

Ниҳоят, орадан уч йил ўтгандан кейингина қиз унинг севги мактубларига жавоб бера бошлади.

Шундай қилиб, икки юрак ўртасида севги ришталари боғланди.

Сочлари қўнғирга мойил, юзи сутдек оппоқ, қайрилма киприклар атрофини ўраб турган катта-катта кўзлари боққанида қорачиқлари йўқ бўлиб, ошиқона сузиладиган, пуштиранг бармоқлари юмшоқ, овози майин ва жуда ёқимли бўлган бу қизни Толиб чин дилдан яхши кўрарди. Уни еру кўкка ишонмасди. Гўё бирор кун кўрмаса, овозини эшитмаса, «Сени севаман, Гулсевар!» деб такрорлаб турмаса қиз айниб, бошқа

бирова кўнгил қўядигандек туюлаверарди. Йигит Гулсеварни йўқотиб қўйишдан чўчирди. Шунинг учун ҳам уят-андишани йиғиштириб қўйиб уйланиш ҳақида онасига ўзи биринчи бўлиб оғиз очди.

– Совчиликка боринг деяпсанми?!

Уч қизнинг ичида яккаю ёлғиз бўлган ўғлини бошига кўтариб, кўз қорачиғидай асраб юрадиган, бир гапини икки қилмайдиган онаси қулоқларига ишонмаётгандек ўғлига ҳайрат билан боқди. Зеро, онанинг назарида ҳали ўғли ёш бола эди...

– Гулсевар бор-ку... Адҳамларнинг маҳалласида турадиган қиз... Бир марта кўрсатувдим...

Толиб юзидан таралаётган иссиқ ҳовур тафтидан қизариб, тутила-тутила гапирарди.

Онаси ниҳоят ҳаммасини фаҳмлади, ўғлининг нияти астойдил эканлигини ҳам англади, аммо шунга қарамасдан нимагадир ўй суриб қолганди.

– Совчилар келиб қўймаётган эмиш... – ўзидан қўшиб сўзлади Толиб.

Айни дақиқада ёлғонни жуда равон сўзлаганидан йигитнинг ўзиям ҳайратга тушди.

– Майли, совчиликка бораман, – деди ахийри Санобар хола ўйчан оҳангда. – Ҳатто қизнинг ўзи қанақа, ота-онаси ким деб сўраб-суриштириб юрмайман ҳам. Уни сен яхши кўрибсанми, бўлди, шунинг ўзи етарли менга. Лекин... болам, очигини айтсам, ҳали тўйга тайёр эмасман-ку!

– Нега? – «Шу ҳам баҳона бўлдимиз?» дегандай онасига тик боқди Толиб.

– Тўйнинг ўзи бўлмайди. Лекин, майли, буни бир амаллармиз. Қариндош-уруғларимиз бор, тўёналарни олдиндан йиғиб олсак ҳам бўлади, ҳозир кўпчилик шундай қиляпти. Мени ташвишга солган нарсаси – уйимиз. Аҳволига қара. Қиз берадиганлар энг аввал уйингни кўриб кетишади.

– Мен... Гулсеварга ўзим тушунтираман, – деди вужудини чуллаган иссиқ ҳовур бирдан муздай терга айланган Толиб бир хил бўлиб.

– Мен ўзимча аввал иккита синглингни узатиб, кейин сени уйлантирсамми, деб ўйлаб юрувдим. Шунда ҳар қалай хоналаримиз етарли бўларди-да.

Толибнинг нафаси чиқмай қолди.

Онаси унинг қўлидан тутиб, бармоқларини силади.

– Майли, сен айтганингча бўла қолсин. Лекин қиз томон рози бўлмаса, хафа бўлиб қоласанми, деб қўрқаяпман.

– Нега рози бўлишмас экан? Рози бўлишар... – деди Толиб негадир ўзи ҳам айтаётган сўзларига ишонқирамаётгандай журъатсиз оҳангда.

– Бораверайми ахир?

Толиб бирпас ўйланиб қолди. Афтидан, қизни кўз олдига келтирди, унинг сўзларини эслади. Сўнг бирдан дадил тортиб:

– Бораверинг. – деди қатъий оҳангда. – Шароитимиз ҳақида гапиришдан уялманг, сиқилманг. Қийинчиликларни биргаликда енгиб ўтамиз денг!

Она ўғлига кулимсираб қаради. Кейин меҳр билан сўради:

– Шоирларга ўхшаб гапирдингми, болам?

– Э, Гулсеварга шеър ёзавериш шоир бўлиб кетганман, ойи! – Толиб эркаланиб онасининг кўксига бошини қўйди.

– Вой, бечора болам...

Улар нафақат она-бола, балки дўст ҳам эдилар. Она ўғилга суяниб яшарди, ўғил онага...

* * *

Икки кундан кейин Санобар хола синглиси Манзурани олиб Гулсеварларнинг уйига йўл олди. Манзура ҳар қалай неча йиллик муаллима, гапга чечан, айтадиган сўзини ўрнига қўйиб гапиришни боқлайди.

– Дарров совчи бўлиб бормасдан аввал келин бўлмишнинг таг-зотини яхшилаб бир суриштирмадик-да, опа, – деди йўлда кетаётганлари маҳал Манзура.

– Ўғлим шу қизни танлабдимми, шуни келин қиламан, Манзура! Шу кунларга етганимга шукр!

– Жиллақурса биттагина ҳамсоясидан сўраб кўрайлик.

– Нимасини сўрайсан?! Айтдим-ку айтадиганимни. Менга қолса, ўғлимнинг сўзи ерда қолгунча, шайтоннинг бўйни синсин, Манзура!

– Ўзингиз биласиз, опа. Айтдим-қўйдим-да... Эскилар билиб айтишган ахир...

– Жуда гапиргинг келаётган бўлса, бошқа гаплардан гапир... Бунақа висир-висирларингни бас қил.

– Майли, опа. Сизга бошқа бир воқеани айтиб бермоқчийдим ўзи. Яқинда мактабимизда қизиқ бир воқеа бўлди... Тўққизинчи синфда ўқиётган бир қизимиз бир артист йигитга «ўламан-куяман» деб хат ёзибди.

– Йўғ-э?

– Ҳа, опа, ишонаверинг...

Гангир-гунгир ҳангома қилганларича келаётган опасингил кўзлаган манзилларига етганларини ҳам сезмай қолишди.

Тўққиз қаватли уйнинг биринчи қаватидаги биринчи хонадоннинг темир эшигини очган аёл ўрта яшар, сочларига оқ оралаб қолган бўлса-да, ёшлигида сулувларнинг сулуви бўлганлиги юз-кўзларидан, иссиқ истарасидан билиниб турарди.

«Қизнинг онаси шу бўлса керак», дегандай синглисига маънодор кўз ташлаб қўйди Санобар хола.

– Ассалому алайкум. Кечирасиз, Худойберган аканинг уйлари шуми? – деди мулозамат ила қўлини кўксига қўйган Манзура.

– Ҳа, шу. Келинлар, келинлар, меҳмонлар, ичкарига марҳамат...

Аёл ним эгилиб салом берган бўлди, сўнг шоша-пиша ўзини ортга олиб, меҳмонларга йўл бўшатди.

Опа-сингил остона ҳатлашди-ю, бир неча сония лол аҳволда туриб қолишди. Зеро, ичкаридаги ҳашамат уларни ҳайратга солганди. Йўлакнинг ўта замонавий тарзда жуда ғаройиб йўсинда таъмирлангани бир тараф, шу ернинг ўзида, чап томонга қўйилган алламбало мебелнинг ўзи бир тараф эди. Ахир бундай қимматбаҳо, хорижники эканлиги кўриниб турган мебелнинг кириш эшиги олдида туришининг ўзи

увол-ку! Бироқ уй эгалари шуни ўзларига лозим топибдиларми, демак...

Санобар хола синглисига қаради, синглиси опасига... Уй бекаси уларни меҳмонхонага бошлади:

– Бу ёққа марҳамат.

Улкан меҳмонхона эса...

Во ажабо! Ана ҳашамату, мана зеб-зийнат!

Полга тўшалган қалин гиламнинг ўзи бозорда миллион сўмдан ошиқ туриши аниқ! Юмшоқ мебель, дарпардаларни-ку, айтмаса ҳам бўлади! Шифтда осилиб турган биллур қандил ҳам Манзура опанинг камида бир йиллик маошига келса керак...

Нақшинкор думалоқ столнинг устига тўшалган дастурхондаги ғоятда ажойиб, турфа ширинликлар солиб қўйилган жажжи идишлар (ҳойнаҳой, соф биллур бўлса керак) жуда антиқа эди.

Фотиҳа килиб, сўрашиб бўлганларидан сўнг Санобар хола уй бекаси чой қўйиб узатган пиёлани лабига теккизишга ийманди, эҳтимолки нимадандир ҳадиксиради. Зеро, пиёла ҳаддан ташқари нафис эди, сал қаттиқроқ ушласанг синиб кетадигандек, дув-дув тўкиладигандек...

Хайриятки, Манзуранинг гапга чечанлиги, бунақанги вазиятларда ўзини йўқотиб қўймаслиги шу ерда жуда қўл келди. У бир пиёла чойдан кейиноқ гапни узоқдан бошлаб ўтирмасдан ташрифларининг асл боисини очиқ айтди-қўйди. Ҳатто меҳрибон ва меҳнаткаш опаси ҳамда унинг мўмин-қобил ўғли ҳақида ҳам тўлиб-тошиб маълумот беришга улгурди.

Қизнинг онаси Шарифа опа аввалдан огоҳлантириб қўйилган чоғи, меҳмонларнинг гапларидан чўчиб кетмади ёки эсанкираб ҳам қолмади. Фақат:

– Мен ҳозир отасини чақириб келай, ўзларинг бемалол гаплашасизлар, – деди-да, хонадан чиқди-кетди.

Беш дақиқалар чамаси давом этган шивир-шивирлардан кейин хонага басавлат, башанг кийинган киши виқор

билан кириб келди. Бу киши қизнинг отаси Худойберган ака экан.

Қисқа салом-алик, ҳол-аҳвол сўрашишлардан сўнг мез-бон гапни чўзиб ўтирмасдан мақсадга ўта қолди:

– Қизимни сўраб келибсизлар, деб эшитдим...

Манзура дарҳол гапни илиб кетди:

– Ҳа, қизингизга элчи бўлиб келдик. Элчига ўлим йўқ дейдилар. Тўғрироғи, қулчиликка келдик. Қизи бор эшик очиқ дарвозадай гап...

Худойберган ака кулимсираб қўйди. Кейин бир муддат дастурхон четини қайириб-ёзиб ўтирди-да, ахийри Санобар холага юзланди:

– Бу дейман... асли қаерликсизлар?

– Шу ердан, шаҳардан.

– Шунақами?

– Ҳа.

– Ҳм... – Худойберган ака афсус билан бош чайқади. – Эсиз...

– Вой, бу нима деганингиз, тушунмадик, – деди Манзура ҳовлиқиб.

– Биз асли Сурхондарёданмиз. Оиламизда қизларимизни фақат Сурхондарёга бериш удум бўлган. Шунинг учун биз сизлар билан куда бўла олмаймиз. Хафа бўлмайсизлар.

Ваҳмадан нафаси ичига тушиб кетган Санобар хола га-пиролмай қолди. Яхши ҳамки ёнида синглиси бор экан.

– Вой, нега шаҳарликка қиз бермайсиз? – ажабланиб сўради Манзура. – Аслини сўрасангиз, бизнинг отамиз ҳам бу ерга бир пайтлар водий тарафлардан келиб қолган. Ундан кейин, нима, шаҳарликнинг қулоғи карми, кўзи кўрми?

– Мен ундай демоқчимасман. Худога шукр, ҳаммамиз ҳам шу шаҳарнинг нонини еб юрибмиз. Лекин бизнинг оила-да шундай удум борлигини айтдим, холос.

– Удумларингиз яхши эмас экан!

– Яхшими-ёмонми, у бизнинг удум! Унга қарши борол-маймиз.

Шундай дея Худойберган ака ўрнидан турмоқчи бўлди, лекин Манзура муаллима осонгина таслим бўладиганлар хи-

лидан эмасди. Ҳозир ҳам жувон бир оғиз гапи билан қизнинг отасини жойига қайтиб ўтиришга мажбур қилди:

– Удумга қарши борсангиз нима бўлади? Сизни сазойи қилишадими ё шаҳардан бадарға қилишадими?

– Йўғ-э, унчаликка борилмайди, – жилмайиб қўйди мезбон. – Лекин кўплар билан қариндош-уруғчилик ришталари узилади. Бу ёмон.

– Қизингизнинг бахти учун қариндошлик ришталаридан воз кеча олмайсизми?

– Йўқ.

– Қизингиз удумга амал қилишни хоҳламаса-чи?

Бирдан жиддий тортган Худойберган ака маҳмадона жувонга зарда билан боқди:

– Менинг қизим бунақа қилмайди!

Кўриниб турибди, Манзуранинг бетгачопарлиги Худойберган акага ёқмади. Бироқ у аёллар билан жанжаллашиб, гап талашиб ўтирганидан ор қилдими, юзини бармоқлари билан силаган бўлди ва дарҳол ўрнидан турди.

– Шарифа, – деди у йўлакка чиқаётгани маҳал баланд овозда. – Совчиларга айтадиганимни айтдим. Энди бу ёғига ўзинг қара!

Санобар хола синглисининг сонидан чимчилади.

– Индамай туришинг керак эди, – жаҳл билан пичирлади хола. – Бу муомалангда битадиган ишним бузасан.

– Ўзини кўрмайсизми? Индамасак, нақ осмондан келаяпти-ку!

– Қиз уники. Осмондан келади-да... Хоҳламаса мажбурлармидинг? Лекин билиб қўй, бу киши бизни синаб кўраётган бўлишям мумкин, – деди Санобар хола умид билан.

– Йўғ-э!

Манзура ўйланиб қолди.

– Энди бир оғиз ҳам гапирмайман, – деб қўйди жувон бироздан сўнг.

– Қилар ишни қилиб қўйиб...

Шу пайт хонага Шарифа опа кириб келди.

– Опажон! Толибжон ёлғизгина ўғлим. Қизингизни беш, йўқ, олти йилдан буён яхши кўраркан. Билишимча, Гулсе-

варнинг ҳам ўғлимда кўнгли бор. Илтимос, яна бир марта яхшилаб ўйлаб кўринглар. Биз уч-тўрт кундан кейин келамиз, — деди Санобар хола ялинчоқлик билан Шарифа опага.

— Майли, ўйлашиб кўрамиз. Лекин умидвор бўлмаганингиз яхши. Гулсеварнинг отаси бир сўзли одам, ушлаган ерини ҳеч қўйиб юбормайди, — деди Шарифа опа «уф» тортиб қўяркан.

— Фарзандларимиз тақдири ҳал бўлаётганида бир сўзлилик қилмай турсинлар, илтимос, — яна эланди кўзлари жикқа ёшга тўлган, товуши титраётган Санобар хола.

Шарифа опа «хўп» дегандек бош ирғаб қўйди, сўнг дарров ўзига жовдираб тикилиб турган меҳмондан кўзларини олиб қочди. Шундан кейин эса тилини ичига ютиб юборгандек миқ этмасдан, дастурхондан кўз узмай ўтираверди.

Буни кўрган Санобар хола ноилож фотиҳага қўл очди...

* * *

— Энди ўғлимга нима дейман? Бечора болам ишгаям бормасдан уйда кутиб ўтирибди, — деди кўчага чиққанларидан кейин кўз ёшларига эрк берган Санобар хола пиқиллаб.

— Мен Толибга ростини айтиб қўя қоламан, — ўзининг фикрини билдирди Манзура. — Бечора бекорга умидвор бўлмасин. Бунинг оқибати яхши бўлмайди. Биз ҳам эсимиз борида этагимизни ёпайлик. Хира пашшадай қайта-қайта ялиниб келиб, буларнинг кўзига ҳам ёмон кўринмайлик.

— Сен бу ёғига аралашма, ўғлимга ўзим ётиғи билан тушунтираман.

— Ҳақиқатни эртароқ билгани яхши, — эътироз билдирди сингил. — Ана шунда бўлмайдиган ишдан умидвор бўлиб вақтини ўтказгандан кўра, бошқасига ҳаракат қилади.

Санобар хола синглисига оғриниб назар ташлади:

— Сен Толибни яхши билмас экансан. Болам ҳеч қачон дарров чекиниб қўяқолмайди. Элдан бурун таслим бўлмайди. Мен уни яхши биламан.

— Вой опажоним-ей, соддалигингиз қолмади қолмади-да! Ҳозирги ёшлар севги нималигини билишармиди! Бир йигит бир вақтнинг ўзида бир неча қиз билан севишиб юради.

Ёки аксинча, бир қиз бирваракайига бир неча нодон йигитни лақиллатиб, бурнидан ип ўтказиб юради. Охирида ҳаммасини ора йўлда қолдириб, компьютер орқалими биронтаси билан топишиб олади-да, ўшанга тегади-кетеди. Бугун ҳаттоки хатларни ҳам компьютер орқали ёзишади. Ё бўлмаса SMS юборишади. Кўз ёшлари билан суғорилган, ярадор юракнинг расми чизилган қулоч-қулоч мактублар бизнинг давримизда қолиб кетган! – деди Манзура қизишиб кетганидан қерда эканликларини ҳам унутганча.

Кўз ёшларини артиб олган Санобар хола бошини мағрур кўтарди ва ички ғурур билан садо берди:

– Менинг болам ундайларданмас.

– Лайли-Мажнунлар, Фарҳод-Ширинлар ўрта асрларда қолиб кетган. Қолиб кетганлари, балки яхши ҳам бўлгандир. Улар барибир бизнинг замонга сиғмасди, – яна ўз билганида туриб олди нимагадир чуқур хўрсиниб қўйган Манзура.

– Мен унақа гапларингга тушунмайман. Аммо-лекин ўз боламни яхши биламан. Агар севган қизига етиша олмаса, ўғлим хароб бўлади. Мен шундан қўрқаман, – деди Санобар хола овози титраб.

– Қани, бўлмаса ўтириб, аввал ўзимиз бир маслаҳатлашиб олайлик-чи. Ҳар қалай, гапни бир ерга қўйиб олганимиз яхши-да, опажон.

Опа-сингил маҳалла кўчаси тугаган жойда ўриндиққа нафасларини ростлаш баҳонасида ўтиришди-да, уйда илҳақ бўлиб ўтирган Толибга айтадиган гапларини келишиб олишди.

* * *

– Яхшиям шу бугун борганимиз, – дея гапни бошлади Манзура уйдан отилиб чиққан Толиб билан ичкарига кирганларидан кейин анчайин кўтаринки оҳангда. – Қизнинг отасиям, онасиям уйда экан. Бизни яхши кутиб олишди. Бир ишора бўлган шекилли-да. Шундаям «Ўйлашиб, кенгашиб кўрайлик. Қизимизнинг кўнглини билайлик. Уч-тўрт кун-

дан кейин яна келарсизлар», дейишди. Ишқилиб, одатимизга амал қилишди. Шундан кейин «хўп» деб келавердик.

Толиб холасининг сўзларини жон-жаҳди билан тингларди-ю, аммо нигоҳи онасининг маҳзун чеҳрасида кезинарди.

– Ойи... рози бўлишармикан? – деб сўради Толиб нимадандир кўнгли ғаш тортиб, юраги увишгандек онасига жавдираб тикиларкан.

– Рози бўлиб қолишар, болам, – деди Санобар хола ўғлининг дилини оғритиб қўйишдан қўрққандек эҳтиёткорона оҳангда. – Қизнинг кўнгли бор-ку, аслида. Шу томондан биз ютишимиз мумкин. Лекин сен ҳар нарсани ўйлайверма. Юрагинг сиқиладиган бўлиб қолади.

– Демак, умид қилсам бўларкан-да, – Толиб енгил тортгандек онасига жилмайиб қаради. – Мен ишга ўтиб келаман. Кеч қолсам хавотир олманг.

– Телефон қиласанми?

– Албатта.

Толиб кийиниш учун нариги хонага ўтди.

– Мана, кўрдингизми ҳозирги ёшларнинг аҳволини, – деди Манзура опасига пичирлаб. – Уялмасдан онаси билан маслаҳатлашиб ўтирибди. Атай ишга бормасдан пойлаб ўтирганига нима дейсиз?

– Ўғлим эшитиб қолса хафа бўлади, – ваҳима билан кўзларини олайтирди Санобар хола. – Гапирмай қўяқол.

– Э, нега гапирмас эканман? Истасам ҳозир чақириб, ўзига айтаман гапимни!

– Барака топгур, менга айтақол ўша гапингни, – деди Санобар хола ялингудай бўлиб.

– Биласизми, қадимда балоғатга етган йигитдан ота-онаси бирон киши орқали сўраттирган кимнинг қизида кўнгли борлигини!

– Сен маза қилиб яшайдиган хўп ажойиб замонлар бўлган экан-да, а?

Шу вақт Толиб хонага бош суқди:

– Мен кетдим, ойи.

– Яхши бориб кел.

Эшик очилиб-ёпилди.

– Энди бемалол гапиравер, – деди Санобар хола синглизига ўтирилиб. – Қанча гапинг бўлса эшитаман.

– Тўғри, ҳозир замон ўзгарган...

– Менимча, замон ўзгаргандан кейин одамлар ҳам, урф-одатлар ҳам ўзгаради-да!

– Аммо муҳаббат ўзгармаслиги керак эди!

– Қанақасига... Муҳаббат ҳам ўзгарар эканми?

– Ҳозир муҳаббат учун ўзини қурбон қиладиганлар йўқ.

– Нафасингни иссиқ қилсанг-чи!

Синглизининг сўзлари Санобар холага ёқмади. Гўё севган қизига етиша олмаган ўғли ўзини бир бало қилиб қўядигандек онанинг юрагини ваҳима босди...

* * *

Орадан бир ҳафтани ўтказгач, Санобар хола синглизига билан яна Гулсеварларнинг уйига боришди.

Бу сафар Худойберган ака ишда экан. Уларни Шарифа опа кутиб олди. Лекин бека ҳам аллақайёққа боришни мўлжаллаб турган эканми, меҳмонларни истар-истамас, унчалик хушламасдан ичкарига таклиф қилди.

Ўша дастурхон, ўша ноз-неъматлар. Хандонпистаю тоғ бодомининг бир донаси ҳам камаймаган, гўё бу уйда одам, бола-бақра яшамайдигандек...

– Отасининг ишлари шошилишч бўлганидан сизларга айтadиган гапини менга тайинлаб кетди, – деди Шарифа опа қисқа ва лўнда гапиришини таъкидламоқчидай дангал, анчайин дағал оҳангда. – Сизлар келиб кетганларингиздан кейин ўзаро гаплашиб ўтириб қизимизни болалигида бир қариндошимизнинг ўғлига «бешиккертди» қилиб қўйилганлиги эсимизга тушиб қолди. Уям бир фотиҳадай гап-да. Бузиб бўлмайди. «Аввал бир карра «йўқ» десам, энди икки карра «йўқ» дейман», деди отаси. Хафа бўлмайсизлар энди...

Бу хонадонга не-не умидлар билан келган Санобар хола-нинг юзи бўрдай оқариб кетди. Тили калимага келмай, Шарифа опанинг юзига тикилиб қолди.

– Қизингизнинг ўзи нима деяпти? Ўша қариндош йигитни яхши кўрармикан ёки бизнинг Толибжонними? – дея қалтисроқ савол берди аччиқланганини яшириб ҳам ўтирмаган Манзура қошларини чимирганча.

– Қизимиз биздан ўтиб нима дерди? – ёқтирмайроқ, энсаси қотиб жавоб қайтарди уй бекаси. – Отасининг феълини билади. Шунинг учун ҳам юзимизга оёқ босмайди.

– Қизингиз Толибжонни яхши кўради! Нега буни била туриб ўзингизни билмаганликка оласиз? – қизишиб кетди Манзура. – Шу замонда-я?!

Санобар хола синглисига хавотирланиб қараб қўяркан, жон-жаҳди билан лабини тишлади. Бироқ Манзура бунга парво қилмади. Кўзлари ўт бўлиб ёнаётган Манзура Шарифа опага қаттиқ тикилиб қолганди.

– Мен билан уришгани келдингизми? – Шарифа опанинг ҳам авзойи бузилди. – Совчи деган ҳурматини билиб, индамай чиқиб кетмайдими? Ё қизимга зўрлик билан эришмоқчимисиз? Ё уни етаклаб чиқиб кетмоқчимисиз?

Санобар хола кескин жавоб беришга тараддудланаётган, калта-калта нафас олаётган, кўкраклари кўтарилиб-тушаётган Манзуранинг енгидан тортиб, «бас қил» дегандай қараш қилди, сўнг Шарифа опага юзланди ва иложи бориचा вазмин оҳангда гапиришга уринди:

– Майли, йўқ десангиз йўқ-да. Зоримиз бор, зўримиз йўқ... Фақат сиздан ўтиниб сўрайман, яна бир марта яхшилаб ўйлаб кўринглар. Агар билсангиз, ўғлим қизингизни жонидан ортиқ яхши кўради.

– Майли, яна ўйлашиб кўрармиз, – деди Шарифа опа ҳам сал паст тушиб. – Лекин яна келиб овора бўлиб юрманг. Жавобимизни телефон орқали айтарман.

Санобар хола бир хил бўлиб кетди. Сўнг «кетдик» дегандек синглисини туртди. Қандайдир муҳим гаплари ичида қолиб кетганидан норози бўлаётган Манзура тўнғиллай-тўнғиллай ўрнидан қўзғалди.

– Опа, – деди кўчага чиққанларидан кейин бўғилиб кетган одамдай кўксини тўлдириб чуқур нафас олган Манзура, – Гулсевар шу хотиннинг қизи бўлса, тўғрисини айтаман, у Толибжонга умуман мос эмас! Агар салгина фаҳм-фаросати бўлганида эди, бу хотин ўзини бунчалар катта олмасди. Гапини қаранг: «... қариндошимизнинг ўғлига бешиккерт қилиб қўйилгани бирдан эсимизга тушиб қолди!» эмиш. Бўлмаса шу эсдан чикиб кетадиган нарсами? Иккинчидан, агар бу хотин бизни писанд қилганида эди, ҳеч ҳам бундай демаган бўларди. «Бирдан эсимизга тушиб қолди» эмиш! Бўлмаган гап! Турган-битгани беписандлик, ҳурматсизлик! «Сенлардан қутулиш учун шу тахлит жавоб ҳам бўлаверади», дегандай кўзларини чақчайтирганини-чи! «... бирдан эсимизга тушиб қолди» деб, бизни майна қилиб ўтирмасдан оддий, жўнгина тилда «Қизимиз шундай қилинган», деса бўларди-ку. Яна буям камдай: «Жавобимизни телефон орқали айтарман», дегани-чи! Буниси ҳаммасидан ҳам ўтиб тушди. Билиб қўйинг, энди ўзлари илтимос қилиб келишсаям бормаймиз. Сиз, опа, яна ялиниб юрманг, хўпми? Билиб қолсам хафа бўламан-а! Камбағал бўлсак ҳам бизнинг ўзимизга яраша гуруримиз бор!

Санобар холанинг эса нафаси чиқмасди. Хола ердан кўз узмай келарди, тўхтаганларида илкис бошини кўтарди. Манзура тахта бўлиб қолди: опасининг кўзлари жикқа ёш, лаблари пир-пир учар, ияги қалт-қалт титрарди!..

– Ўғлимга нима дейман?.. – Тўсиққа урилиб лат егандек хирқироқ овоз чиқди онанинг бўғзидан. – Толибжонимга нима дейман?..

– Вой опажоним-ей. Шунга шунчами? Ваҳима қилманг. Буниси бўлмаса бошқаси-да! Нима дунёда қиз зотига қирон келибдими? Дарахтни тепсангиз бас, бир эмас, тўрттаси ёғилиб турибди-ку...

Санобар хола синглисига дарров жавоб бермади. Кўзда ёш билан номаълум нуқтага тикилганча ғамгин ва паришон ҳолида бир муддат туриб қолди.

Манзура ўзича «Ҳозир опам машаққатли ўтмишини, қийналганларини рўқач қилиб дийдиёсини бошлайди. Агар шундай қилса, майли, жим тураман, гапириб ичини бўшатиб олсин, ҳарна енгил тортади», деган тахминга борди.

Бироқ кутилмаганда Санобар хола ўзини босиб олди, ҳатто кўзларидан оқаётган ёш ҳам ўз-ўзидан тийилди.

Шунга қарамасдан, холанинг овози ҳамон бўғиқ ва хирқироқ эди:

– Бошқа қизни танлай қол, десам, ўғлим юзимдан ўтолмай айтганимни қилиши мумкиндир. Лекин унда... бир умр ўзи суймаган ошни ичиб ўтишга мажбур бўлади. Бундай қисматни боламга раво кўргим келмаяпти-да, Манзур...

Манзура пешонасини тириштирди:

– Унда нима қил дейсиз?

– Ҳозирча Толибга тўғрисини айтмай турамиз, – деди Санобар хола ўйчан оҳангда. – Мен яна бир уриниб кўрай-чи.

– Бу нима деганингиз? – жаҳли чиқиб кетди синглининг. – Нима қилмоқчисиз ўзи? Агар яна остоналарига қадам босадиган бўлсангиз, улар сизни уриб ҳайдашдан ҳам қайтишмайди! Шуми ниятингиз?

– Сен Толибжонга индамай турсанг бўлди. У ёғини ўйлама. Қолганини ўзимга қўйиб бер.

Манзура алам билан лабини бурди:

– Шу ергача шерик қилиб, энди тўрт томонинг қибла демоқчимисиз? Сиздан буни кутмагандим.

– Унақа демоқчи эмасман. Аввал сен гапни эшит.

Санобар хола шошилинича тузган режасидан синглисини воқиф қила бошлади.

... Улар ота-онадан бир ўғил ва икки қиз эдилар. Ота-она ҳаёт пайтларида фарзандлар ҳам иноқ яшардилар. Бир майизни учга бўлиб дегандай...

Фалокат кутилмаганда содир бўлди.

Олти ой ичида аввал оталаридан, кейин оналаридан айрилганларидан сўнг шу пайтгача иноқ яшаб келган жигарларнинг ўртасига нифоқ тушди. Мерос талашиш можароси бошланди. Йўқ, йўқ, қирғинбарот уруш бўлмади, қон тўкилмади. Лекин Санобар хола тўсатдан меросдаги

улушидан айрилиб қолди! Гарчанд ота-онасидан қолган ҳовли кенг-мўл бўлса-да, гарчанд тўрт фарзанди билан шу ҳовлида, отасининг вафотидан сўнг ёлғиз онасининг қарамоғида яшаётган бўлса-да.

– Ҳовли фақат меники, унда бошқа ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Бу аканинг даъвоси эди!

Табиатан юмшоқ кўнгил, истиҳоласи баланд Санобар хола ҳеч қасерга арз-дод қилиб бормади. Бунинг ўрнига йиққан-терганининг устига бироз қарз кўтарди-да, болалари билан «дом» деб аталмиш кўп қаватли бетон қафасга чиқиб кетди. Аммо шундан кейин акаси билан юзкўрмас бўлишди...

– Аканинг олдига бормоқчимисиз? – кўзлари чақчайди Манзуранинг. – Шунча вақтдан кейин... Оч-яланғоч, бир сўмга зор юрган кунларингиз ялиниб боришдан ор қилган эдингиз. Энди арзимаган нарсани деб гурурингизни оёқости қиласизми?!

Санобар хола оғир хўрсиниб қўйди:

– Мен гуруримни боламнинг бахтидан устун қўя олмайман. Агар шу ишнинг битиши акамга боғлиқ бўлса, эшигининг тагига ётиб олсам ҳам у кишининг розилигини олмасдан қўймайман.

– Лекин акам сиз ўйлаган одам эмаслигини ўзингиз ҳам яхши биласиз-ку, – ишонқирамай бош чайқади Манзура. – Пулга, бир оғиз ширин сўзга зор бўлиб юрганингизни билиб-эшитиб ўтириб «ғинг» демаган одам...

– Майли, у кунлар ўтди-кетди. Ҳадеб эслайверма. Совчилик азалдан эркакларнинг иши бўлган-да. Тарихни яхши биласан-ку, буни мендан кўра ҳам яхшироқ тушунсанг керак. Худойберган ака бизни аёл киши деб писанд қилмади-ёв. Ҳар қалай, қулчиликка эркак киши борса яхши бўларди-да. Биз ҳовликиб кетиб, аёллигимизга борибмиз-да, масаланинг бу ёғини ўйламабмиз.

– Аёл билан эркакнинг ҳуқуқи тенглашганига неча замонлар бўлиб кетди. Ахир йигирма биринчи асрда яшаяпсиз, – деб тўнғиллади Манзура. Аммо опасининг қоши но-

рози тарзда чимирилаётганини кўрган заҳоти гапни бошқа томонга бурди:

– Майли, ўзингиз биласиз. Лекин, менимча, бу билан бирон нарса ўзгариб қолмайди-ёв. Эски ҳаммом, эски тос дегандай...

– Фол очмай тургин энди, – синглисидан илтимос қилди Санобар хола. – Элбурутдан ёмон ният қилганинг қилган, а...

Манзура тили учига келиб қолган эътирозли сўзларини базўр ичига ютди. Сўнг, чидай олмади шекилли, барибир тўнгиллади:

– Кўрасиз, акажоним сизни кўрган заҳоти пул сўраб келибди деган ўйдан кўрқиб кетади. Шайтонлаб қолишيام мумкин...

Ўн йилдан буён аразлаб, юзкўрмас бўлиб кетган синглиси мутлақо кутилмаганда ўз оёғи билан уйига кириб келганини кўрган Фахриддин аканинг кўнглидан бир неча сония ичида не ўйлар ўтмади дейсиз: «Ўзини тутишидан пул сўраб келганга ўхшамайди... Юз-кўзларидан касаллиги ҳам сезилмаяпти... Ақлим етмаяпти, нечук энди бирдан?..»

– Олдингизга бир илтимос билан келдим, ака, – деди Санобар хола ҳол-аҳвол сўрашишдан сўнг гўё орадан аразли ўн йил ўтмагандай, меҳрибон ака-сингил кечагина хайрлашгандай гина-кудуратсиз, самимий оҳангда. – Толибжонни уйлантирмоқчийдим. Севган қизи бор экан. Энди эркак кишининг йўриғи бошқа. Буни ўзингиз ҳам яхши биласиз. Шунга ўзингиз бориб, қиз томоннинг розилигини олиб берсангиз бас.

«Ҳар қалай пул билан боғлиқ бўлмаган иш экан-ку», деган фикр йилт этиб хаёлидан ўтди Фахриддин аканинг. Шундан кейин анча енгил тортган ака улуғворлик билан катта ҳиммат кўрсатаётган пуштипаноҳ каби синглисининг илтимосини қабул қилди.

– Тўғрисини айтсам, совчилик борасида биззи олдимизга тушадигани йўқ. Неча-неча пишмаган ошларни пишириб келганмиз. Жиянимиз учун ҳам қўлимиздан келганини аямаймиз, албатта. Қайси куни боринг десанг, ўша куни бораман-у, ишни битириб қайтаман, – дея керилиб қўйишдан ўзини тийиб туролмади ака.

Айни пайтда Фахриддин аканинг кўнглидан бошқа бир ўй ҳам ўтди: «Зора шу билан синглимнинг юрагидаги арази тарқаб кетса. Бир ўқ билан икки куённи урардим-да ўзиям...»

Санобар хола эса бир оғиз илтимос қилиши билан акасининг жон-жон деб рози бўлганига жуда хурсанд бўлиб кетди. Ўн йиллик араз, азоб-уқубат хотираси ёзги тумандай бир зумда тарқади-кетди.

– Дам олиш куни борсангиз яхши бўларди. Қизнинг отасиям уйида бўларди. У одам билан ўзингиз эркакча гаплашиб кўрардингиз, – деди Санобар хола эҳтиром билан. Зеро, айни дамда хола гўё не машаққатлар билан туширган келини қўлидан бир пиёла чой ичгандай кўнглида ёқимли ҳузур-ҳаловат туймоқда эди.

– Адресини ёзиб берарсан.

– Албатта.

Санобар хола қизнинг манзилини ёзиб бергандан кейингина очигига кўчди ва Манзура билан икки марта совчиликка боришганини, икки марта ҳам ноумид қайтишганини, лекин бундан Толибнинг беҳабарлиги, уни хафа қилиб қўймаслик учун бу гапларни айтмаганини кискача гапириб берди.

Аммо бу гапларни эшитганидан кейин ҳам Фахриддин ака пинак бузмади:

– Совчилик хотинларнинг иши эмас. Уйимга иккита хотин бостириб келиб, қизимни сўраб турса, мен ҳам бирон баҳона билан йўқ деб юборган бўлардим... Кап-катта хотин бўлиб, шунга каллаларинг етмадими? Мендан бир оғиз маслаҳат сўрасаларинг бўларди-ку!..

Шу куни Санобар хола акасининг уйдан қушдай енгил тортиб чиқди.

* * *

Кечкурун ўйчан ҳолда ишдан келган Толиб онасининг юзидаги ўзгаришни дарров пайқади.

– Бугун бошқачасизми, ойижон?

Бўйи базўр кўкрагига етадиган, озгин, юз суяклари туртиб чиққан онасини Толиб энгашиган ҳолда авайлаб кучиб олди.

Санобар хола хушнудлик билан кулимсиради:

– Шундай, ўзим...

– Ишимиз пишиб қолдими дейман, а? – сирдошларча маъноли қаради Толиб.

– Ҳа, шумтака, мени авраб-алдаб сўраб олмоқчисан-да. Шу қилганингга ҳеч нарса айтмайман!

– Айтмасангиз айтманг, ўзим сўраб билволаман!

– Вой-вой! Кимдан сўраб биласан? Ё ўзинг совчиликка бормоқчимисан?

– Гулсевардан сўраб оламан!

– Гулсеваринг ҳали ҳеч вақони билмайди. Нима, ота-онаси унга ҳисоб берармиди?!

– Ҳисоб беришмасаям, ҳар қалай, унинг тақдирини ўзидан сўрамасдан ҳал қилишмас...

«Аллақачон ҳал қилиб юборишган!» дейишдан Санобар хола базўр тилини тийиб қолди.

Ўғлининг илҳақ, умид-илинж тўла кўзларига қараб онанинг юраги шувиллаб кетди. Мабодо рад жавобини эшитса борми, Толибнинг қандай оғир аҳволга тушиб қолишини кўз олдига келтирди.

«Яхшиси уни умидвор қилиб туриш керак!» деган хулосага келган Санобар хола ўғлига жиддийлик билан қаради:

– Бу иш осон битадиган ишлардан эмас, болам. Айниқса, шаҳар жойда! Бу ер кичкинагина қишлоқ эмаски, ҳамма бир-бирини таниса, бир-бирини яхши билса, «Ҳа, фалончининг ўғли экан, ота-онасиниям, боласиниям яхши биламиз, биз розимиз. Омин, Аллоҳу акбар!» деб юборишса... Бунақа вақтда қизнинг ота-онаси жуда қийин аҳволга тушиб қолади. Улар-нияма тушуниш керак! Бир парчагина этни тарбиялаб, одам қилиб, сўнг бировга бериб юбориш осон эмас, болам...

– Фаҳмлашимча, яна бораркансиз-да?

– Албатта. Керак бўлса ўн марта бўлсаям бораман. Қизларини келин қилиб олгуниimizча у хонадон учун сочи-миз супурги, қўлимиз косов...

Толиб онасининг қоқсуяк, дағаллашган қўлини ушларкан, биринчи марта кўраётгандай бир зум тикилиб қолди. Сўнг «Билаклари тол хивичдай бўлиб қолибди-я», деган махзун ўй хаёлидан кечди; орзу юлдузлари порлаб турган, барқутдай тиниқ кўнгил осмони хира тортгандай бўлди.

– Мени кечиринг, ойи, – деди Толиб онасининг пуштиранг кафтини юзига босганча, чўпдай бармоқлар орасидан термилиб.

– Нега бундай дейсан? – ҳайрон бўлди овози титраб кетган Санобар хола.

– Сизни шунча овора қилиб қўйдим...

– Ундай дема, эси йўқ!..

Санобар хола бошқа гапиролмади.

Онанинг кўзларига ёш қуйилди. Ортда қолган ҳаёти ўзининг бутун кўргуликлари-ю ташвишлари билан залварли тошдек вазмин юмалаб келиб қаршисида туриб олди.

– Бунақа бўлади деб ўйламагандим. Санжар айтгандики... – ҳамон онасининг кафтини юзига босганча титроқ овозда пичирлади Толиб.

Санобар хола кўз ёшларини ичига ютди. Дарров ўзини ўнглаб олиб:

– Ўша Санжаринг бекорларни айтибди! – деди. – Сенинг юрагингни сиқиш ёки Гулсевар билан ораларингда бир гап чиқариш учун ғаламислик қилган у. Ўзингни қўлга ол. Мени ўйлама. Ҳозир мен нима қилаётган бўлсам, эртага сенам боланг учун шуни қиласан! Ўзингнинг бошингга тушганида биласан буни.

– Мен ҳар қалай эркак кишиман...

Санобар хола ўғлининг лабига бармоғини босди:

– Бўлди, у ёғига ўтма!

Толиб онасининг чўпдек озғин, аммо олов сачрагандек тафтли бармоғини ўпди.

* * *

Якшанба куни пешиндан кейин Фахриддин ака милтиғи тоб еган овчидай қовоғи солиқ ҳолда уйга кириб келди.

«Тиқ» этса эшикка тикилиб ўтирган Санобар холанинг юраги зирқ этди. Аканинг рафтори қувонарли эмасди...

– Толиб қани? – деб сўради Фахриддан ака дабдурустдан зарда билан.

– Толиб... ухлаётганди... – безовталиқ билан жавоб қайтарди Санобар хола.

– Чақир, гап бор!

Санобар хола шайтонлаб қолаёзди:

– Ака, нима гап бўлса, менга айтинг... Аввал мен эшита-йин... Кейин Толибга ўзим бафуржа...

– Сен эшитадиган гап эмас. Чақир Толибни!

Шу чоғ эшик томондан:

– Нима дейсиз? – деган дағал овоз эшитилди. Жони то-вонига тушиб кетган Санобар хола «ялт» этиб шу томонга қаради. Остонада Толиб ёвқараш қилиб турарди. Аслини ол-ганда, йигит тоғасини азалдан ёмон кўрарди...

– Кел, бир кўришиб қўййлик. Кўчада дуч келиб қолсанг тескари қараб ўтардинг. Энди бундай қилмагин, жиян. Одам-га қаттиқ тегаркан...

Андак ялтокилик, андак таъна аралаш ачитиброқ сўзлашга тиришарди Фахриддин ака. Бундан кўра «Сен зумрашага жаҳл қилишни ким қўйибди?!» дегани тузук эди.

– Менга қаттиқ тегмайди! – деди Толиб гап оҳангини ўзгартирмай.

– Ўғлим... – Санобар хола ўрнидан туриб, ўғлининг ёнига келди. – Қани, бор, тоғанг билан кўриш!

Толиб ерга қараганча тураверди, қимир этмади.

– Толиб деяпман!

Санобар холанинг овози ҳам илтимос, ҳам буйруқ оҳангида янгради.

Охири Толиб ўрнидан жилди. Бориб, бир сўз демасдан тоғаси билан кўришди. Сўнг қаршисига келган онасининг ёнбошига ўтиб олди.

Фахриддин ака синглисига «Сен чиқиб тур!» дегандай қараш қилди.

Санобар хола ноилож йўлакка чикди, лекин узоққа кетма-ди. Беихтиёр қулоқларини динг қилди.

Ичкаридан акасининг овози эшитиларди:

– Сен бола нима ишлар қилиб юрибсан ўзи?! Кўнглим бор деб, дуч келган қизни яхши кўраверасанми? Осилсанг бўйинг етадиган ерни мўлжаллаб осилмайсанми? – Юрагида аллақандай алами бор-у, имкон туғилганида пайтдан фойдаланиб, заҳарли нишини санчиб олишга аҳд қилгандай аччиқ заҳарханда қилди Фахриддин ака.

– Яхши кўрган қизингнинг отасиям, онасиям бир пулга қиммат одамлар экан агар билсанг! Мен боғдан келсам, улар тоғдан келишади. Уй-жойлари бир аҳволда экан, дейишадими-ей! Отаси ташлаб кетган экан, дейишадими-ей!.. Отаси аллақандай бетамиз, ипириски бўлмаса тўртта бола билан хотинини ташлаб кетармиди, дейишадими-ей!.. Ишқилиб, эшитмаган гапим қолмади. Ўша уйдан қандай чиқиб келганимниям билмайман. Энди сенга айтмоқчи бўлган гапимни эшит: олтиндан ясалган маъбуда бўлсаям ўша қиздан воз кечиб қўя қол! Ўзингга ҳам, бечора онангга ҳам жавр қилма, бола! Ўйлаб иш тут!

Толиб бошини кўтаролмай қолди.

Фахриддин ака яна нималарнидир қаттиқ-қаттиқ гапириб, афтидан, ичида йиғилган барча зардобини тўкиб солди чоғи, кетиш учун ўрнидан қўзғалди.

Толиб ерга қараганча тураверди.

Йўлакдан онасининг йиғламсираб гапирган овози олислислардан, узоқ ўтмиш қаъридан келаётгандек элас-элас эшитилди:

– Отаси йўқ экан, дейишибдими?.. Отасини аллақандай бетайин дейишибдими?.. Болаларимнинг отасиз эканлиги эсимдан чиққан экан, раҳмат, минг марта раҳмат эслатиб қўйганлари учун!.. Сиздан ҳам хафаман, ака. Шу гапларни ўзимга айтиб қўя қолсангиз ҳам бўларди. Мен уларга боламнинг отаси бетайин эмаслигини, хато қилганида кечира олмаганимдан ажралишни ўзим талаб қилганимни, кейинчалик ёрдам бераман деганида ҳам ўзим бош тортганимни, ҳамма-ҳаммасини тушунтириб қўярдим...

– Э, қўйсанг-чи шунақа гапларни! Агар ўша аблаҳ ташлаб кетмаганида эди, бу кунлар бошингга тушмасди! Сенам жа

осмондан олиб гапирасан-да!.. Ҳалиям бўлса ўшанинг олдига бор!

Фахриддин ака гўё барча кўргуликларнинг сабабчисини топиб, оғирликни ўзидан соқит қилгандай чертиб-чертиб гапирди.

– Бормайман... бормайман...

– Бунчалик эканлигингни билганимда!..

Эшик шарақлаб ёпилди.

Толиб илкис бошини кўтарди. Унинг юзига қараб бўлмасди. (Агар рассом бўлганимда, қоғоз қоралаб ўтирмасдан, унинг юз қиёфасини чизиб қўя қолардим. Ва бу суратнинг тагига «Таҳқирланган одам» деган номни ёзиб қўярдим.)

Беш дақиқалар чамаси Толиб бир нуқтага тикилиб қолди, сўнг шахд билан ўрнидан турди. Эшик кесакисига беҳол суяниб қолган Санобар хола сергак тортди ва ўғлининг йўлини тўсди:

– Қаёққа?

– Йўлимдан қочинг, ойи! – алам билан гапирди Толиб.

Санобар опа ўғлининг иккала қўлидан маҳкам ушлади:

– Қаёққа бормоқчисан?

– Айтсам қўйворасизми?

– Ҳа.

– Ўлдираман! Гулсеварни ҳам, унинг ота-онасини ҳам!

Кейин уйларига ўт қўяман!

– Вой шўрим...

Санобар холанинг юзи пахта бўлиб қолди.

– Йўлимдан қочинг, ойи...

– Битта қизни деб қамалиб кетмоқчимисан?

– Қизни дебмас!

– Эсингни йиғ, жон болам, – қаршилиқ кўрсатишига қарамай Санобар хола ўғлини қучоқлаб олди. – Ўзингга ҳам, менга ҳам жавр қилма. Сен борлигинг учун бу дунёда яшаб юрибман. Ишонганим-суянганим, дардкашим-сирдошим ҳам сенсан-ку! Сен борлигинг учун ғамни ғам деб билмадим; ташвишлардан чарчамадим; битта йиртиқ калишни неча йиллаб киясиз, деб устимдан кулганларида ҳам хафа бўлмадим.

Толибжоним улғайса ҳаммаси эсимдан чиқиб кетади, деган орзу билан яшадим. Сен бўлсанг!.. – Санобар хола йиғлай-йиғлай, ўғлининг елкаларига шапатилаб-шапатилаб гапида давом этди: – Сен бўлсанг аллақандай одамларнинг сассиқ гапларини деб ўзингни хароб қилмоқчисан! Менинг хонумонимга ўт қўймоқчисан! Шу ҳам адолатданми? Шунинг учун яшаб юрганмидим...

Бирдан Санобар хола жим бўлиб қолди.

– Ойи... – қўрқа-писа овоз берди Толиб. Онадан садо чиқмади. – Ойижон...

Толиб онасини даст кўтариб олди. Санобар холанинг боши «шилқ» этиб ўғлининг елкасига тушди. Толиб беихтиёр йиғлаб юборди: онаси қушдек енгил эди!

– Ие, нега мени кўтариб олдинг? – ҳайрон бўлиб сўради ётоқхона эшиги олдига етар-етмас кўзлари катта-катта бўлиб очилиб кетган Санобар хола.

Толиб оғзини очишга ҳам улгурмади, Санобар хола бир силтаниб ўғлининг кучоғидан ерга тушди.

– Ойи, бирпас ётинг...

– Нега ётаман?.. Вой-бўй, мунча рангинг оқариб кетибди? Қани, бу ёққа кел-чи.

Она-бола энсиз каравотга ёнма-ён ўтиришди.

– Сизни ҳушингиздан кетиб қолдингизми деб қўрқиб кетдим... – деди Толиб ерга қараганча, сўзларни бўлиб-бўлиб.

– Сал нарсага ҳушдан кетаверадиганлардан эмасман, болам. Қўрқма. Манави терим жуда қалин, унча-мунча нарса ўтмайди.

– Қийналиб кетдингиз...

– Сен ёнимда экансан, ҳеч қачон қийналмайман. Қийналдим деб айтмайман ҳам.

– Қизларингиз-чи?

– Учала қиз ҳам иккаламизнинг меҳмонимиз. Ҳадемай «пир» этиб учаласи уч томонга учиб кетади. Охир-оқибат бу уйда мен, сен, хотининг ва болаларинг қоламиз.

Толиб девордаги қанақади қорамтир доғга узоқ тикилиб қолди. Сўнг доғдан кўз узмаган ҳолда:

– Ойи, энди... совчиликка бормай қўя қолинг, – деди шикаста овозда.

– Нега?

– Кўнглим совиди...

– Ростингми?

– Толиб...

– Мен айланиб келаман.

Толиб ўрнидан турди.

...Ҳайит арафаси эди. Толиб ишдан кечроқ қайтди. Бунинг устига... у оёқда тик туролмасди... Фирт маст эди.

Йигит зўрға остона ҳатлади-ю, эшик кесакисига суянди.

– Ойи, ойижон...

Чопиб чиқиб, ўглини бу аҳволда кўрган онанинг бошидан ҳуши учди.

– Ичдингми?.. Рўза тутиб юрувдинг-ку! – Санобар хола ўглининг қўлтиғидан тутиб хонасига олиб кирди. – Ёт, жойингга ёт! Туфлингни ўзим ечиб оламан.

– Мендан... хафа эмасмисиз, ойи? – кўзларини аранг очиб сўради Толиб.

– Хафа бўлдим. Шундай кунлари... шундай кунлари бекор ичибсан-да! Гуноҳ-ку бу!

Толиб кўксини силади, сўнг афтини бужмайтирди:

– Э!..

– Ким билан ичдинг? Рўза кунлари ҳам ичадиган одам бормикан?

– Санжар ишхонамга борган экан...

– Аллақаёқларга йўқ бўлиб кетганди-ку, яна пайдо бўлиб коптими?

– Ишлагани кетган экан... Кўнглим айнияти, ойи...

– Вой, ҳозир!..

Санобар хола чопиб борганча ювиниш хонасидан тоғора олиб келди.

Толиб зўрға бошини кўтариб, тоғорага эгилди. Ўқчиди, лекин қайт қилмади. Қийналиб кетди.

– Ҳаҳ, болажоним-а, сенга зарилмиди?.. Ичкиликни кўтармаслигингни ўзинг ҳам билардинг-ку!

– Куйганимдан ичдим, ойижон, куйганимдан...

Санобар хола қаттиқ сесканиб тушди.

Толиб ичидаги ҳовурни босмоқчи бўлгандек оғзини катта-катта очиб нафас олди. Бошини ёстикдан кутармоқчи бўлди, аммо эплай олмади, «шилқ» этиб қулади. Бўғриқиб кетган юзида аллақандай қизил тошмалар пайдо бўлди.

Санобар хола уни ухлади хаёл қилиб энди ўрнидан жилаётганди, тўсатдан Толиб қўлини узатиб гўлдиради:

– Ойи...

– Мен шу ердаман, болам.

– Менга ёрдам беринг, ойи...

– Нима қилай, айт, болажоним.

– Мана бу еримни куйдираётган ўтни ўчиринг, – Толиб чап кўксига онасининг кафтини босди. – Қийналиб кетдим! Уни ўйламайин десам ҳам хаёлимга келаверади...

Санобар хола ўглининг қўлини юзига босди. Она унсиз йиғларди...

* * *

Эртаси эрталаб Толиб уйқудан уйғонганида Санобар хола уйда йўқ эди.

Бу вақтда Санобар хола шаҳар марказидаги муҳташам бинолардан бирининг олдида турарди. Онанинг эғнида ўн беш йил аввал тиктирган одми кўйлаги, оқ оралаган сочларини яшириб турган рўмоли ҳам анчайин рангини йўқотган.

Ниҳоят, зулукдай қора хизмат машинасидан тушиб, бино эшиги томон келаётган басавлат кишини кўрган заҳоти Санобар хола унинг истиқболига шошди.

Басавлат киши аввалига эътибор бермади, аммо аёл жуда яқинига келиб қолгандан кейингина ноилож кўз ташлади ва ногоҳ жойида таққа тўхтади.

– Санобар?!

– Яхши юрибсизми... – деярли пичирлаб салом берди Санобар хола.

– Ўзинг тинчмисан?

– Бир илтимос билан келувдим олдингизга. Вақтингиз бўлса чеккароққа ўтиб гаплашсак... Ана, скамейка ҳам бор экан...

– Йўғ-э... – эркак аёл кўрсатган томонга қараб сесканиб кетди. Кейин бино томонга ишора қилди: – Юр, кабинетда гаплашамиз.

Эркак аёлни бинога бошлади.

Икковлон каттақон, залварли эшикдан ичкари киришлари билан йўлакдан келаётган калтагина юбкали, қўғирчоқдай чиройли қиз шошиб уларга пешвоз чиқди.

– Ассалому алайкум, Турсун Аҳадович. Соат ўн бирга ва-зирликка ўтаркансиз, йиғилиш бор экан, – деди қиз гўё унинг борлигини ҳам кўрмаётгандай Санобар холага мутлақо парво ҳам қилмасдан.

– Хўп.

Икковлон узун йўлакнинг охирида жойлашган қабул-хонадан ўтиб, муҳташам кабинетга киришди. Кенг-мўл хона ажойиб мебеллар, юмшоқ курсилар билан жиҳозланган эди. Деразага куёш нурларини ўтказмайдиган парда тутилган.

Эркак билан аёл узунчоқ столнинг икки тарафига юзма-юз ўтиришди. Аммо дарров суҳбатга киришиб кета олмадилар, гўё тилларини ютворгандек ҳадеганда ҳар иккисидан ҳам садо чиқмади.

Турсун Аҳадович ўзини вазмин, сипо тутаетган бўлса-да, титраётган бармоқлари унинг ҳаяжонланаётганини сездириб қўярди. Кабинет соҳиби ҳалидан буён зўр бериб бармоқларини қаерга яширишни ўйларди. Ниҳоят у қўлларини стол остига олди.

Санобар хола эса айтмоқчи бўлган сўзларини минг чигириқдан ўтказиб, тайёрланиб келган бўлса-да, дабдурустан гап бошлай олмади. Ахир ўрталарида оз эмас, нақ ўн йиллик айрилиқ девори турибди...

Аллаким сассиз ва қия очилган эшикдан бўйлаб кетди.

Санобар хола йўталиб қўйди.

– Хўш... Эрталабдан йўлга чиқибсан... Тинчликми?..

Нимагадир Турсун Аҳадович тутилиб-тутилиб гапирди. Санобар хола аранг пичирлай олди:

– Толиб масаласида келгандим...

Турсун Аҳадович безовталаниб қолди, ҳатто юзи қорайиб кетгандек бўлди:

– Толиб... Толибга нима бўлди? Тинчликми? Тезроқ гапирсанг-чи!

Санобар хола иложи борица совуққонлик билан, лекин ердан кўз узмаган ҳолда, кўз ёшларини тўкмасдан, шунга қарамасдан, овозидаги титроқни яшира олмаган ҳолда яқин кунлар ичида бўлиб ўтган воқеаларни қисқа тарзда сўзлаб берди.

– Шунақа де?! – Турсун Аҳадович собиқ хотинининг сўзларини охиригача эшитишга сабри чидamay ўрнидан туриб кетди. – Ўзича писанд қилмабди-да... Бойвачча экан-да...

Ғазаб ичида ўйланиб қолган Турсун Аҳадович хонада у ёқдан-бу ёққа бориб кела бошлади. Кутилмаганда у бирдан юришдан тўхтаб, собиқ хотинига юзланди:

– Нима қилай, айт! Ишхонасига тафтишчи устига тафтишчи юбориб, кулини кўкка совурайми ўша Худойберган деганларининг! Ўзи эмаклаб келсинми олдимга?

Санобар хола кўрқиб кетди. Ҳатто дилида бу ерга келганига пушаймон ҳам бўлди.

– Нима қилиш кераклигини айт, мен шунга қараб ишга киришаман, – деди Турсун Аҳадович бу сафар ётиги билан.

– Бировнинг кулини кўкка совуриш шарт эмас, – деди Санобар хола энди бироз ўзига келиб. – Агар вақтингиз бўлса бирровга кириб чиқсангиз... Ўзингиз совчи бўлиб... ҳар қалай, эркак киши борса...

– Совчиликка? – аввал ажабланиб қолган Турсун Аҳадович ногаҳон шарақлаб кулиб юборди. – Дарров шунақа демайсанми! Мен бўлсам... мен бўлсам боядан бери ўғлимнинг севгисини писанд қилмаган, бунинг устига оиламизни ҳақоратлаган бойваччани қандай қилиб чилпарчин қилиб ташласам экан деб зўр бериб бош қотириб ётибман.

Енгил тортган Санобар хола ҳам кулимсираб қўйди. Аммо чин юракдан хурсанд бўла олмади. Бир вақтлардагидек...

Аллақандай хижиллик, бегоналик сояси ўрталарига тушиб турарди. Бунн Турсун Аҳадович ҳам ҳис қилди чоғи, кулишдан тўхтади, жиддий тортди. Сўнг жойига қайтиб ўтирди. Бир сўз демасдан собиқ рафиқасига синчиклаб тикилди. Гўё аёлнинг чеҳрасидан афсус-надоматга ўхшаш нимадир қидиргандай...

Пировардида Санобар хола беихтиёр:

– Мажбур бўлмаганимда бу ерга келиб, сизни безовта қилмасдим, – деб юборди.

Ҳолбуки, она бу гапни суҳбат муқаддимасида айтишни режалаштирганди...

Айни шу ҳақиқатни эшитишни кутиб яшаб юргандек бирдан Турсун Аҳадовичнинг юраги тўлиб кетди. Назарида ўзига бир вақтлар етказилган озорлар учун хирож сифатида собиқ тан маҳрамини гапи билан чимдиб олмоқчи бўлди:

– Ниҳоят бизга ҳам эҳтиёж сезибсиз-да... Керак бўлиб қолибмиз-да...

Ажабки, Турсун Аҳадовичнинг овози ўзи истаганчалик истехзоли-таънали эмас, иддао-гинадан холи, аммо нимагадир маҳзун, жуда маҳзун эшитилди. Бунн ўзи ҳам сезди, ҳайрон бўлди, аммо афсусланмади.

Санобар хола бўлса гап тагидаги нимкосани аллақачон фаҳмлаган, фаҳмлаши асносида аъзойи баданидан совуқ тер қуйилиб келганини сезган, аммо ҳолатини сездирмасликка ўзида куч топа олган эди.

Ахир таъна жуда мулойим оҳангда айтилсаям, барибир таъна-да! Ҳам хиёнат, ҳам таъна! Ҳали бу одам ўзини жабрдийда ҳисоблаб юрган экан-да! Қилар ишни қилиб қўйганидан кейин ҳам-а...

Санобар хола ўрнидан оғир қўзғалиб эшик томон юрди. Аммо мана шундай, индамай кетаверишни ўзига эп кўрмади. Хола ортига ўгирилди. Унинг кўзлари жикқа ёшга тўлган эди. Бироқ қорачиқлар сувда акс этган оловдек ёниб турарди.

– Ҳа, бир вақтлар менга керак эмассиз, деганман, – деди Санобар хола сўзларни дона-дона қилиб. – Ҳозир яна ўша гапимни такрорлайман, маъносини тузукроқ англаб олинг: «Сиз менга керак эмассиз!...»

Эшик зарб билан очилдию, зарб билан ёпилди. Гўё эшик урилгандек юзи ловуллаган Турсун Аҳадович қалқиб кетди. Қулоқлари тагида эса собиқ рафиқасининг ҳозиргина айтган сўзлари янгради: «Сиз менга керак эмассиз!.. Сиз менга керак эмассиз!.. Сиз менга керак эмассиз!..»

Турсун Аҳадович устма-уст жиринглаётган телефонга ҳам қарамасдан шоша-пиша ташқарига йўл олди.

Турсун Аҳадович бундан ярим соатча бурун учрашган ерларида кичкинагина бўлиб, бош эгганча кетиб бораётган собиқ хотинига етиб олди.

– Санобар, тўхта, сенда гапим бор.

Санобар хола эса бир лаҳзага ҳам тўхтамасдан, аксинча, қадамини тезлатиб йўлида давом этаркан:

– Менинг сизга гапим йўқ, – деди қуруққина қилиб. – Айтадиганимни айтдим...

– Мен тушундим... Энди тушундим... – ҳовлиқиб-энтикиб, қандайдир ғайритабiiй ҳаяжон оғушида шоша-пиша гапира кетди Турсун Аҳадович. – Сенга керак бўлмасам ҳам болаларга керак эдим. Лекин мен бунн ўша вақтда тушунишни истамадим. Кўнглимга қулоқ тутдим...

Шу чоқ...

Шу сонияда...

Ён-верига, ўтган-кетганларга ҳам парво қилмасдан шипиллаб кетаётган аёл бирдан таққа тўхтади. Санобар холанинг кўзларида бир лаҳзага синчковлик ва қизиқиш акс этди. Зеро, доноликда ҳаттоки Сукротни ортда қолдирадиган аёллар ҳам айни қизиқувчанлик туйғуси олдида ожиздирлар.

– Хўш? – деди Санобар хола довдираб туриб қолган Турсун Аҳадовичга тик қараб. – Кўнглингизга қулоқ тутган бўлсангиз... энди... бахтлимисиз?

Бир қараганда савол ўта оддий ва жўндек эди. Бироқ унинг замирига шундай қақшатқич маъно яширинган эдики, бунн илғаган Турсун Аҳадович беихтиёр қалтираб кетди.

– Мен...

Турсун Аҳадович гапира олмади. Бирдан бошини эгиб, нигоҳларини ерга тикди. Бу эркак учун қаршисида қуёш каби

порлаб турган асл ҳақиқатга тик қараш оғир эди: кўзларини кўр қилиб қўйиши мумкин ахир...

Ичида бир нима «чирт» этиб узилиб кетгандай ўзини беҳол сезган Санобар хола бир амаллаб ўзини қўлга олди ва индамай йўлида давом этди.

Турсун Аҳадовичнинг музтар аҳволда туришиданоқ аёл аллақачон ўзининг саволига жавоб топганди...

* * *

Кутилмаганда фавқулодда қувончли хабар келди: Худойберган ака қизини Толибга беришга рози бўлибди! Ҳатто: «Майли, сизлар истаган вақтда тўй қиламиз, – дебди нимагадир эриб кетган Худойберган ака деганлари. – Фақат урф-одатларимиз сурхондарёчасига бўлади».

– Сурхондарёда қанақа урф-одатлар бор экан? – ҳайрон бўлиб сўради Санобар хола телефон орқали хушхабарни етказган Турсун Аҳадовичдан.

– Менам аввал ҳайрон бўлдим. Кейин суриштирсам, ўзимизникидан унчалик фарқ қилмас экан. Фақат куёв томонга сал оғирлик тушаркан. Икки миллион сўмча қалин пули, кичик ва катта тўй учун бири кичикроқ, лекин иккинчиси росмана боқилган новвос. Хуллас, яна алламбалолар эди, эсимдан чиқибди...

Ширинлик шимиб ўтириб беҳосдан қалампирни тишлаб олгандек Санобар холанинг афти буришиб кетди. Ҳатто бир неча сонияга нафаси ҳам чиқмай қолди, шекилли.

– Алло, Санобар, эшитяпсанми? Нега индамай қолдинг? Ё хурсанд эмасмисан?

– Хурсандман. Лекин... лекин қудамиз бу ёғиниям боплаб қўйибди-ку.

– Хурсанд бўлсанг бўлди. Бу ёғини ўйлама. Мен аллақачон икки миллионлик қалин пулини бериб қўйдим. Бошқа харажатлар учун яна пул юбораман. Рози бўлганларининг ўзи биз учун катта гап. Аслида унча катта кетишмасаям бўларкан. Ўзимизга қарашли одамлардан экан-у... Мени кўрган заҳоти

таниб қолдию, дарров иккала қўлини кўтариб таслим бўлди-қўйди... Ишқилиб, ўғлимга фойдам текканидан хурсандман...

Афтидан, Турсун Аҳадович ҳеч бўлмаса миннатдорлик сўзларини кутмоқда эди ва шу сабабли жим бўлиб қолди. Аммо собиқ рафиқаси тарафдан бир сас келавермагач, гўшакни қўйиб қўйди.

Санобар холанинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Она ўзини қайтадан дунёга келгандай ҳис этди. Собиқ эри билан унинг ишхонасида учрашиб келганидан буён юрагини эзиб ётган таҳқирли туйғу баҳорда ёққан қордай бир зумда эриб кетди.

Энди тўйга тайёргарликни бошлаб юбориш керак. Тезликда. Аммо ҳозирча бу ҳақда Толибга айтмай тургани маъкулмикин? Аввалига Манзурадан суюнчи олиши керак, лекин у ҳозир балконда Толиб билан гаплашиб ўтирибди. Манзура ўзининг «қадимчилар...» ҳақидаги фалсафасини янги авлод вакили бўлган Толибнинг миясига сингдиришга уринаяпти.

Санобар хола аста ўрнидан турди ва балконга яқин келиб, эшикдан мўралади.

– Лайли-Мажнунлар бизнинг замонамизга ҳам сиғмасди, деганимнинг сабаби бор, – дея уқтирарди бир қўлига ярим палла олма, иккинчи қўлига дастаси узун ошпичоқни тутган Манзура қизғинлик билан. – Ҳамма замонларда пул, бойлик, инсоннинг қайси табақага мансуб эканлиги катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳаттоки ҳал қилувчи аҳамиятга. Ишонмасанг, мана, ўзингни мисол қилиб олайлик. Сен билан Гулсеварнинг муҳаббати ҳам...

– Мен Гулсеварни Қайс Лайлини севганчалик севган эмасман, – дея эътироз билдирди Толиб ўзини бепарво кўрсатишга уриниб. – Шунинг учун ундан осонлик билан воз кечиб қўя қолдим.

– Шошилма, ҳозирча сен масаланинг у томонига ўтмай тур. Мана, сен Гулсеварга уйланмоқчи бўлиб совчи юбординг. Лекин қизнинг отаси... ҳаҳ, оти нимайди-я... Хурсанд акамиди...

– Худойберган ака, – кулимсираб тузатиш киритди Толиб.

– Нима фарқи бор Худойберганми, Хурсандми? Балога йўлиқсин, илойим... Хуллас, қизнинг отаси рад жавобини берди. Нима учун? Аҳамият беряпсанми, конфликт битта, фақат замон ва маконда фарқ бор. Воқеалар шаклангина сал бошқачароқ, моҳиятига кўра эса икки томчи сувдай ўхшаш...

Санобар хола ўғли холасининг маърузасига зўрға чидаб ўтирганини сезиб турарди. Бола бечоранинг лаблари кулиб тургандай-ку, лекин юз-кўзларидан бир олам қайғу ёғиларди.

Буни эса ўзи севган мавзуда фалсафа сўқишни яхши кўрадиган Манзура тушунмасди. Бу манзарани кузатиб турган Санобар холанинг ортиқ сир сақлашга бардоши етмади.

– Толибжон, бошингни кўтар, болам. – Санобар хола ўғлининг ёнига бориб, унинг сочларини меҳр билан силади. – Худо зоримизни эшитганга ўхшайди...

– Тушунмадим, ойи, – дея онасига қайғули назарини тикди Толиб.

Санобар хола оғзининг таноби қочиб бораётганини ҳис этган ҳолда тантанали равишда эълон қилди:

– Менга ҳозиргина телефон қилишди. Худойберган ака тўйга рози бўлибди.

Толиб ўрнидан учиб туриб кетди. Нигоҳларидаги қайғу пардаси ўрнини илинж ва хавотир эгаллади.

– Ростданми?

– Ҳализамон Гулсеваринг ҳам телефон килиб қолса керак. Ўз оғзидан эшитсанг ишонасанми?

Уларнинг гапини бетоқатланиб кузатаётган Манзура аралашиб, Толибга дўқ урди:

– Агар бу гап рост бўлса... Қайси қиз бу гапни айтиб суюнчи олади? Уялади-ку. Гулсеваринг телефон қилишини кутиб ўтираверасанми? Ўзинг қил. Йигитсан-ку! Тўғрироғи, Худо хоҳласа бўлгуси эрисан-ку!

– Тўғри айтасиз, – деганча Толиб йўлакка ошиқди. Телефон ўша ерда эди. Лекин ҳаяжонланиб-энтикиб қолган, вужуди дир-дир титраётган Толиб нимагадир телефон олдига етмасдан чопиб ортига қайтди. У шу келишида онасини даст кўтариб олди ва гир айлантиришга тушди.

– Хой, эси йўқ бола! Бу нима қилганинг? Ерга тушир мени, бошим айланиб кетди! – дерди Санобар хола танбех бергандек бўлиб, ўзи бўлса қотиб-қотиб куларди.

Ниҳоят Толиб онасини айлантеришни бас қилди. Сўнг Санобар холани авайлаб тушираркан, кўзлари бахтдан чақнаган ҳолда холасига ўтирилди ва фахр билан:

– Хола, билиб қўйинг, ўша Лайли-Мажнунларингизнинг менинг онамга ўхшаш оналари бўлганида ҳижронда қолиб, ўлиб кетишмасди! – деди.

Гапга уста Манзура шу заҳоти жавобни ўхшатди:

– Онанг – сенинг халоскор фариштанг бўлади! Шуни унутма!

Толиб яна йўлакка отилди.

Бир фурсатдан сўнг у эшикдан мўралаб, қувонч билан хитоб қилди:

– Ойи, мен бир жойга ўтиб келаман!

Йигит жавобни ҳам кутиб ўтирмасдан ғойиб бўлди. Манзура кулимсиради:

– Учрашувга кетаяпти, ҳойнаҳой.

Санобар хола ҳам хушнуд жилмайди.

Толиб шу кетганча уч соатлардан сўнг қайтиб келди. Аммо... ўглининг машқи пастроқ эканлигини Санобар хола дарров сезди.

– Нима, Гулсевар билан уришиб қолдиларингми? – ўсмоқчилаб сўради она ўглидан.

– Нега уришаман?

– Бўлмаса нега...

– Чарчадим шекилли... Бирпас ётсам майлими?

– Майли, ёта қол. Устингга аёл ташлаб қўяйми?

– Йўқ.

Санобар хола хонадан чиқди. Сўнг ошхонада бирров тайсалланиб турди-да, балконга ўтди. Очiq турган дераза раҳига кўксини босганча ташқарига тикилди.

Аллақачон оқшом кўнган, шаҳар ранг-баранг чироқлар ва ой ёғдусига ғарқ бўлган, енгил шабада эсарди. Кўп қаватли уйларнинг соялари улкан ва қоп-қора филларни эслатарди...

Кимдир елкасига қўлини қўйди. Қўлнинг залварли кучи-ни ҳис этган хола ортига ўтирилмасданоқ сўради:

- Бирор гапинг борми, ўғлим?
- Ойи... – Толиб шундай деди-ю, жим бўлиб қолди.
- Гапиравер, болам, қўрқма.
- Ҳушдан кетиб қолмайман, гапиравер.
- Аниқ ҳушдан кетмайсизми?
- Йўқ.
- Нега бундай қилдингиз?..
- Нима қипман?
- Дадамнинг олдига бормаслигингиз керак эди!
- Менинг ўрнимда сен бўлганингда нима қилардинг?
- Мен бундай қилмасдим!
- Йигирма йилдан кейин ҳам шу гапни айтармикансан?
- Мен... у кишининг... берган пулларини қарз деб ҳисобладим... қайтаришга аҳд қилдим...

– Қандай қилиб?

– Эртага ишлагани кетяпман. Чимкентга. Икки ой аввал Санжар таклиф қилганида йўқ дегандим. Боя розилик бердим. Икки ойда бемалол ўзимизнинг пулда икки миллион сўм ишлаб келишим мумкин экан. Тўйни келганимдан кейин қиламиз... – Тўсатдан Толиб гапдан тўхтади, сўнг дона-дона қилиб, таъкид оҳангида деди: – Тушунинг, ойи, улар қизини сизнинг ўғлингизга эмас, амалдор Турсун Аҳадовичнинг ўғлига беришга рози бўлишган!.. Менга эса отам томонидан кўрсатилган бундай олижанобликнинг сира кераги йўқ!

– Эсингни еб қўйдингми? – жаҳл билан ортига ўгирилаётган Санобар хола овози борица бақириб юборди. – Ё мени тириклай гўрга тикмоқчимисан?! Ниятинг шуми? Айт, ниятинг шуми?

Толиб бир сўз демасдан қайрилди ва шу ҳолида, миқ этмасдан уйдан чиқиб кетди. Ўғли ҳозироқ Чимкентга жўнаб кетадигандай ваҳимага тушиб қолган Санобар хола чопиб унинг ортидан ташқарига чиқди.

Болалар майдончасидаги ўриндикда сигарета чекиб ўтирган ўғлига кўзи тушган Санобар хола енгил тортди ва

Толибнинг кўзига кўриниб қолмаслик учун дарров ортига қайтди. Аммо уйга кирмади. Подъезд йўлагидан иккинчи қаватга кўтарилди ва йўлакчадаги дераза ортига биқиниб олганча ўглини кузатди. Толиб узоқ ўтирди. Мана, ниҳоят у ўрнидан турди. Қаергадир бормоқчи шекилли, катта йўл томон икки-уч қадам ташлади. Шунда... шунда беихтиёр ўгли ортидан талпинган Санобар хола ўзини деразадан ташлаворай деди. Яхшиямки Толиб тўсатдан ортига қайтди.

Санобар хола пилдираганча зиналардан кўтарилиб уйга кирди ва каравотига ётиб олди.

Толиб сассиз қадамлар билан гўёки пишиллаб ухлаётган онасининг тепасига келди, оёқ учида ётган адёлни онасининг устига оҳиста ёпди.

Толиб бир неча дақиқа онасининг юзига тикилиб турди-да, сўнг яна оёқ учида юриб йўлакка чиқди. Йўлакдан эса яна ташқарига...

Хонада оғир сигарета иси қолди. Санобар хола нимагадир бу ҳидни тўйиб-тўйиб ҳидлади. Кейин эса азобли кунларини эслаб ҳам йиғлаб олди ва шу ҳолида, кўз ёшларига ғарқ бўлганча ухлаб қолди.

Эрталаб Санобар хола уйкудан турганида уйда Толиб йўқ эди...

* * *

– Мен бу одам билан тўрт йилдан бери ҳамкорлик қиламан, – деди Санжар чегарадан эсон-омон ўтиб олганларидан кейин сафар олдидан қаҳвахонада ўтирганларида Толибга мактаниб. – Зўр одам! Шаҳардаги бойвачча мирзақуруқларга ўхшамайди. Қўли очиқ, жуда сахий. Ёқиб қолсанг, шартномада келишилганидан ташқари ҳам мўмайгина пул бериб юбораверади!

Толиб қизиқиб сўради:

– Сен у билан қандай танишгансан?

– Мол олиб борганимда.

Толиб ўзича синчковлик қилмоқчи бўлди:

– Қанақа мол?

– Аввалига газит-журнал оборганман. Эсингдами, бироз вақт газит бозоридаям юрдим.

– Танишинг газит савдоси билан шуғулланадими?

– Газит билан ҳам. Эртаги помидор-бодринг билан ҳам. Қурилиш билан ҳам. Ҳатто чорвачилик билан ҳам. Ўзи айтган.

– Э-ҳа, сахийлиги бежиз эмас экан-да.

– Шундай одамлар ҳам бор, оғайни... Асли қозоқлашган ўзбеклардан экан... Хўш, тайёرمисан йўлга чиқишга?

– Ҳа.

– Яхши. Кетдик бўлмаса.

Ярим соатлардан кейин Санжар буюртма қилган таксида йўлга чиқишди. Орқа ўриндиқда ўтирган Толиб ойнадан ташқарига қараб кетарди. Лип-лип ўтаётган дарахтлар, дала-лар, узоқдан оқариб турган қишлоқ уйлари, йўл четида кетиб бораётган одамлар, аллақандай тепаликлар – бари-бариси унинг эътиборини ўзига тортарди.

Толиб бора-бора зерика бошлади. Санжар билан гаплашмоқчи бўлди, лекин у аллақачон уйқуга кетганди. Миллати номаълум бадқовоқ ҳайдовчига ҳар эҳтимолга қарши рус тилида гап қотиб кўрди, лекин суҳбатлари ковушмади. Тўғрироғи, ҳайдовчи қовоғини очмаган ҳолда «бурк» этиб қўйди, холос.

Шундан кейин Толиб ҳам ўриндиққа суяниб олди ва кўзларини юмди. Бироздан сўнг у ҳам уйқуга кетди. Бирок кўп ухлай олмади. Текис йўлдан кетаётган бўлса ҳам, машина барибир машина-да, силкитавери-чайкатавери уйқу бермади.

Санжарга қойил қолиш керак. У ҳамон қилт этмасдан ухларди. Гўё онасининг қорнида ётгандай... «Қатнайвери-бу йўлларга ўрганиб кетган» деган ўй ўтди Толибнинг хаёлидан. Бир муддат яна ташқарига тикилди. Йўқ, яна уйқу элитди. Бу сафар бир соатдан мўлроқ ухлади-ёв.

Толиб уйғонганида ҳамон йўлда кетишаётганини кўрди.

Йигитнинг назарида Чимкент деганлари нари борса бир ярим-икки соатлик йўл эди. Яъни шаҳардан тўқсон-юз километрлик масофада. Аммо уларнинг йўлга чиққанларига

аллақачон икки соатдан ошиб кетди, манзил эса кўринай демасди. Ҳамон кимсасиз далалар...

Толиб бўйини чўзиб машина спидометрига қаради: роп-па-роса бир юз беш километр. Лекин қани Чимкент? Жанубий Қозоғистоннинг марказий шаҳри ҳисобланган Чимкент қани?

– Санжар, уйғоқмисан? – Ўртоғининг елкасига туртди Толиб. – Анча юриб қўйдик-ку. Ўтиб кетмадикми, ишқилиб.

– Офис Чимкентда. Лекин биз танишимнинг уйига бора-япмиз, – дея жавоб қайтарди Санжар ортига ўгирилмасдан, ҳаттоки кўзларини ҳам очмасдан.

Толиб хотиржам бўлди.

Яна бирон соатлардан кейин улар аллақандай кишлокнинг тош тўкилган кўчасига кириб боришди. Кўчанинг икки томонида оқариб турган уйлар жуда оддий, кўримсиз эди. Баъзи уйларнинг томида ҳаттоки оддий шифер ҳам йўқ.

Бироқ улар етиб борган уй бошқа уйларга мутлақо ўхшамасди. Икки қаватли, қўш дарвозали гиштин уй жуда ҳашаматли бўлиб, алоҳида ажралиб турарди.

Такси ҳайдовчисига ҳақини бериб жўнатиб юборганидан кейин Санжар дўстини қўш дарвозанинг бири ёнига бошлади.

– Сорибой ака, ҳўв Сорибой ака! – дея овоз берди Санжар қия очиқ дарвозадан бош суқиб.

Жавоб бўлмади.

– Эшикни тақиллат, – деди Толиб.

– Бу ерда эшикни тақиллатиб юришмайди. Тўғри бостириб кириб бораверишади. Қани, кетдик!

Аввал Санжар ичкарига кирди, Толиб унга эргашди.

Ҳовли катта ва кенг эди. Камида йигирма сотихча чиқадиёв. Кунчиқарга қараган икки қаватли уйнинг ёнидан яна бир неча хонадан иборат бир қаватли уй тушганди. Ҳовли юзасининг анчагина қисмига плита ётқизилган, гир атрофи гуллар билан қуршалган. Чорбоғ томон эса қалин дарахтзор.

– Уйи жуда ажойиб қурилган, а? – деди Санжар паст овозда. – Худо хоҳласа, ер олсам, кўрасан, худди шу уйнинг проектини олиб кетаман.

Кимдир томоқ қиргандай бўлди.

– Ассалому алайкум, миймонлар.

Елкалари кенг, барваста, бароқ қошлари тикандай, аммо улкан бошида битта ҳам туки йўқ йилтирбош бир кимса иккинчи қават зинасидан шошилмай тушиб келиб, уларнинг қаршисида тўхтади.

– Ассалому алайкум. Хайрият, уйда экансиз, Сорибой ака, – деди Санжар ялтоқланиб.

– Уйдаман, қариндас, уйдаман.

Сорибой ака деганлари кўришиш учун қўл узатди. Сўнг:

– Қани, ичкарига марҳамат, – дея мулозамат қилди-да, ўзи меҳмонларнинг олдига тушиб йўл бошлади.

Улар ён томондан тушган хоналарнинг бирига киришди. Хона унчалик катта эмасди, лекин, тан бериш керак, безаклари зўр, ҳаттоки антиқа дейиш мумкин.

– Сорибой ака, – дея гап бошлади Санжар нон ушатилиб, бир пиёладан чой ичганларидан кейин, – бу йигит менинг ўртоғим бўлади. Ўн йил бир синфда ўқиганмиз. Ҳозир у пулга муҳтож бўлиб турибди. Агар мени укам десангиз, шу йигитга ҳам тузукроқ иш топиб беринг, илтимос.

Сорибой ака йилтир бошини қашиди.

– Ишдан кўпи йўқ, – деди у бироздан сўнг. – Лекин бу йигит эплай олармикан? Шаҳар боласи бўлса...

– Эплайди. Эплай олмаса ўзим ёрдам бериб тураман. Хўп денг, ака!

Сорибой ака тикандай қошларини кериб Толибга юзланди:

– Курилишда ишлаш қўлингдан келадими, ука?

– Заводда токарь эдим... Уйнинг у ёқ-бу ёғини ўзим ремонт қилардим...

– Чорвадан-чи, хабаринг борми?

– Йўқ, – очиғини тан олди Толиб.

– Ҳа, шаҳарда мол нима қиларди...

– Аввал бирор ҳафта синаб кўринг, – ўртага тушди Санжар. – Қайси соҳага уқуви бўлса, кейин шунга қараб иш бераверасиз-да, ака.

– Яхши гап айтдинг, – маъқуллаб бош ирғаб қўйди Сорибой ака.

Шундан кейин Сорибой ака деганлари Толибни ишга қабул қилди. Ўзининг шахсий фирмасига. Кейин икки ўртада шартнома тузилди. Шартнома олти ойлик муддатга тузилган эди. Бордию бу ерда ишлаш Толибга ёқиб қолса, шартнома муддатини бемалол бир йилгача чўзиши мумкин экан.

Ҳаммаси қонуний эди. Компьютерда чиқарилган шартнома, юмалоқ муҳр, имзо, иш берувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, ишга кирувчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, маош миқдори, ҳаттоки форс-мажор шароитларгача...

– Ишни қачондан бошлаймиз? – сўради Толиб.

– Бугунча дам олинглар. Эртдан ишга киришасизлар, – деб жавоб қайтарди Сорибой ака.

Кечаси шу хонада тунашди.

Толиб эрталаб уйғонганида ёнида Санжар йўқлигини кўрди. Ҳайрон бўлди. Юзини ювиб келди ҳамки, ўртоғи кўринмади.

– Бир иш билан Туркистонга юбордим, – деди Сорибой ака Толибнинг бу хусусдаги саволига жавобан. – Кечга довур келиб қолар. Қани, жигит, юмушга отлан!

– Нима қилишим керак?

– Кўчада машина турибди. Чиқиб ўтира тур. Мен ҳозир...

Толиб илдам юриб дарвоза олдига чиқди. Чиқди-ю, оғзи ланг очилиб қолди: шундоқ эшик ёнида яп-янги «Жип» турарди.

То Толиб ўзига келиб олгунча ичкаридан чиқиб келган Сорибой ака рулга ўтирди ва йигитга ишора қилди:

– Кетдик.

Йўлга тушишди.

Кун анча ёйилиб кетган.

Ҳаво дим. Гармсел эсарди.

Чамаси бир соатлардан мўлроқ йўл юрганларидан кейин пасқам уйлару дарахтлардан иборат овул ва овулчалар ортда қолиб, чўл, ҳақиқий чўл бошланди. Сарғайган бий далалар бағридан ўтган ўнқир-чўнқир йўлда гоҳ чайқалиб, гоҳ ўқдай

учиб бораётган машина ҳали-бери тўхтайдиганга ўхшамасди. «Бу чўлу биёбонда қандай ишларни бажариш мумкин?» – дея ҳайрон бўлаётган Толиб ўйлаб ўйининг тагига етолмасди. Чапдастлик билан рулни бошқариб кетаётган, йўлдан кўз узмаётган Сорибой акага сўз қотишга эса негадир журъат қилолмади.

Ниҳоят атрофи харилар билан ўралган катта майдон, бир неча сарой ва пичан ғарамлари кўзга ташланди.

Ҳаво ўзгарди.

Сорибой ака машинани майдонга жуда яқин келтириб, машина тумшуғи деярли хариларга тақалгандан кейингина чаққонлик билан тормозни босди.

– Қани, тушмайсанми, жигит, – деди у эшикни очиб.

Толиб тош боғлангандай оғир бўлиб қолган оёқларини базўр кўтариб машинадан тушди.

– Юр. Бу ерни мен «махсус зона» деб атайман.

Сорибой ака тахтадан ясалган эшикни очиб, Толибни ичкарига бошлади. Димокқа пичан ва мол гўнги ислари қоришган ҳаво урилди. Толиб беихтиёр бурнини жийирди.

– Манави хона сеники, – дея Толибга қўққайиб турган паскамгина уйни кўрсатди Сорибой ака. – Кейин ўзинг кириб томоша қилаверасан. Ҳозир бу ёққа юр.

Сорибой ака эшигига каттакон кулф осилган бино томон юрди. Бу улкан оғилхона эди. Ичкарида ола-була, шохлари мугуздай ўнга яқин новвос кавш қайтариб ётарди.

– Мана шу сенинг ишхонанг! Умрингда мол боққанмисан? Толиб секин бош чайқайди.

– Ҳа, нега қовоғинг осилиб кетди? Пул топиш осонми сенга? Ё эплай олмайман деб кўрқаяпсанми? Кўрқма, узоғи билан икки кунда, нари борса уч кунда кўзинг пишиб қолади. Бошида нима қилиш кераклигини ўзим тушунтириб тураман.

Толиб ҳайрон бўлиб сўради:

– Бу ерда мен ёлғиз ўзим ишлайманми?

– Ҳа, нима деб ўйловдинг? Ишга шерик бўлган пулга ҳам шерик бўлади-да. Сенга эса мўмай пул керак.

– Санжар...

– Унинг иши бошқа ерда. Зериксанг, олдинга келиб туради. Айтиб қўяман. Ош-овқатингни ўзинг эплайсан. Ичкарида қозон-ўчоқ, умуман ҳамма нарса бор. Хабар олиш учун одам юбориб тураман. Аммо-лекин новвосларга яхшилаб қара. Бирортаси ўлиб қолса мендан яхшилик кутма. Пулини ойлигингдан уриб қоламан.

– Икки ойдан кейин уйимга ўтиб келишим керак. Буни Санжарга айтгандим.

– Менга айтганди. Майли, яхши ишласанг, икки ойдан кейин уйингга бориб келасан, – деди Сорибой ака, сўнг новвосларга қандай қараш, нималар қилиш кераклигини батафсил тушунтира бошлади.

Умрида ҳаттоки битта тўти ҳам ушламаган, товуқ ҳам боқмаган Толиб Сорибой аканинг оғзидан чиқаётган ҳар бир сўзни диққат билан тингларкан, ҳар қалай, бажарилиши лозим бўлган ишларни эплай олишига ич-ичидан ишонди.

Фақат... Фақат юрагини кемирган мубҳам бир ғашлик Толибнинг таъбини тирриқ қилиб турарди.

– Мана бу нима? – дея латта-путта ўралган нарсани кўрсатди Сорибой ака машина олдида борганларида.

– Милтиқ.

– Отишни биласанми?

– Биламан.

– Бу ерда қашқирлар кўп. Ҳушёр бўл. Биронта йиртқични бу ерга яқинлаштирма. Яқин келганини аямасдан қаншаридан от! Терисини шилиб, тузлаб, қуритиб ол-да, асраб қўй. Сотасан вақти келганида. Ана сенга пул! Ҳе, сен шаҳарликлар жонларингни қийнамай яшаб ўргангансанлар. Каллангни ишлатганингда бу ерларда довдираб юрмасдинг. Уйингда ўтириб ҳам пул топардинг... Ҳа, майли... Ўзинг биласан. Лекин, айтиб қўяй, молга эҳтиёт бул. Улар сенга омонат. Кун совигунча шу ерда туради улар. Кейин овулга олиб кетиб, ем билан боқаман.

Шу сўзларни айтганидан сўнг Сорибой ака машинасига ўтирдию, жўнади-кетди.

Толиб на бир дарахт, на бир гиёҳ унган чўлу биёбонда, номаълум бир нуқтада ёлғиз ўзи сўппайиб қолаверди. Қўлида латта-путтага ўралган милтиқ билан...

Сорибой ака учириб кетаётган машина ортидан кўтарилган қуюқ чанг кўкка ўрлади.

Толиб чуқур хўрсинди.

Йигит юрагини қамраган ғашлик тобора кучайиб бораётганини ҳис қилди. Ўзини чалғитиш мақсадида ён-верини кузатди, сўнг узоқ-узоқларга, бепоён чўлнинг кўз илғамас сарҳадларига, еру осмон туташган нурли чизикқа нигоҳини қадади. Ловуллаётган қуёш бу ерда заминга анча яқин тургандай туюлар экан.

Оғилхона томондан новвосларнинг мўърагани эшитилди.

Толиб истар-истамай «махсус зона»га кирди. Кўққайиб турган бошпанасининг эшигини очди, аммо дафъатан ичкарига киролмади. Хонадан бадбўй ҳид анқирди. «Нима бало, ичида одам ўлиб қолганми?» Толиб дастрўмоли билан оғизбурнини бекитди, кейин эшикни кенгроқ очиб қўйди. Шу вақт яқинлашиб келаётган машина моторининг овози эшитилди. Толиб чопиб ташқарига чиқди.

– Сенга бир гапни айтиш эсимдан чиқибди, – деди машинадан тушиб келган Сорибой ака. – Бу ёққа юр-чи.

Ҳозиргина Толиб кира олмаган бадбўй хонага Сорибой ака ҳеч иккиланмасдан кириб борди.

– Манавининг ичидаги шприц билан дориларни кўраяпсанми? – Сорибой ака деворда осиглиқ турган яғир «ап-течка»ни очиб, Толибга яқин келтирди. – Илон чаққанда ишлатиладиган укол булар. Бу ерда илонлар кўп. Сен эҳтиёт бўл. Бирорта новвосни илон чақадиган бўлса, дарров шу уколдан биттасини урсанг, олам гулистон! Фақат ғафлатда қолма! Манави эса газли тўппонча. Илон ҳужум қилиб қолганда шартта кўзига қараб отсанг, бирпасга тинчиб қолади. Шунда шартта бўйнидан ушлайсан-да, оёгинг тагида мажаклаб ташлайсан газандани. Тушундингми? Яхши.

Сорибой ака қандай тез келган бўлса, шундай тез қайтиб кетди.

Толиб лол бўлиб, гарангсиб қолаверди.

Худди мана шу дақиқагача у ҳаётда ўзини нималар кутиб тургани ҳақида ўйлаб кўрмаганди. Бундан уч-тўрт йил аввал, мактабда ўқиб юрган ўсмир вақтларида кўнгли кўп нарсаларни орзу қиларди. Билими кучли бўлганидан ўқитувчилари уни олдинда ёрқин келажак кутаётганини башорат қилишарди. Шундай гап-сўзларга чин дилдан ишониб, ўзини аллақачон даҳо киёфасида тасаввур қилишга ўрганиб қолган йигит университетга кириш имтиҳонидан йиқилганидан кейин бирдан ҳафсаласи пир бўлиб кетди.

Ёрқин келажак ҳам, гўзал ва тўкин ҳаёт ҳам бир ҳовуч аслзодалар маҳрига тушган, деган тушунча пайдо бўлди онгида. «Бу дунёда бирон нарсага эришмоқчи бўлсанг бунинг учун ёнингда ё зўр тирговуч, ё чўнтагинг тўла пул бўлиши керак экан, – деб ифодалади у мазкур фикрини содда тарзда. – Менда эса бу нарсаларнинг иккови ҳам йўқ. Энди билсам, дадам ташлаб кетган вақтлардаёқ менинг тақдирим ҳал бўлган экан аслида».

Мана шундай сўзлар билан ўзини ўзи оқлаган бўлди, мақсадига эришишга моддий томондан кучи етмаслигига ўзини ишонтирди. Аслида иродасизлик қилганини ўзиданда яширди. Шундан кейин ёрқин келажак ҳақида орзу ҳам қилмай қўйди. Ярим кўнглини тўлдириб турган бир илинж – муҳаббатига суянди. Гулсеварга уйланади, бола-чақа орттиради, тамом-вассалом!

Ҳаёт – мовий денгиз мисоли сокин, унда ҳар қандай одам рулсиз ва компассиз кемага ўхшаб шамол йўналишига мос равишда сузиб кетаверади, деб ўйларди Толиб. Бироқ оддийгина оилавий ҳаловат ҳам осонликча насиб қилмаслигини қайдан билибди! Бу чўлу биёбонда дарбадар юриши эса тушига ҳам кирмаганди. Бунинг устига Сорибой аканинг сахро илонлари ва очофат қашкирлар ҳақидаги сўзлари!..

Толибнинг юрагидаги ғашлик энди ваҳима-хавотир билан алмашинди. У азалдан илондан қўрқарди. Сорибой аканинг гапларидан кейин йигит ерга оёқ босишдан ҳам чўчиб қолди. Назарида чор-атрофини илонлар галаси қуршаб олгандай қулоқларига ҳар томондан вишиллаган овозлар эшитиларди.

Оғилхона томондан яна новвосларнинг мўърагани эшитилди.

Молларга емиш бериш керак! Аммо Толиб оғилхонага қайрилиб ҳам қарамади. Ҳамон қўлида ушлаб турган милтиқни қўлтиғига қисганча ҳозиргина Сорибой ака машинасини учуриб кетган иланг-биланг йўл бўйлаб тез-тез юриб кетди. «...Қаншаридан от, эмиш!.. Илон чаққанда эмлайсан эмиш!.. Пул топиш осонми сенга, эмиш!.. Бекорларни айтибсан, бойвачча! Бу ерда бир кун, ҳаттоки бир соат ҳам турмайман. Пулинг бошингда қолсин, кетаман!» дерди у шитоб билан юриб бораркан ўзига ўзи овоз чиқариб гапирганча.

Бироздан кейин Толиб югура бошлади. Анча жойгача югуриб борди. Ҳарсиллаб қолгандан кейин қадамини секинлатди. У тўхтамасдан, бир дақиқа ҳам дам олмасдан узоқ юрди. Ногоҳ иланг-биланг йўл аллақаякка ғойиб бўлиб, ҳамма томон бий далага айланиб қолди. Толиб қаёққа юришини билмасди. Тўрт томони ҳам кимсасиз ва адоқсиз кенглик. Яқин ўртада бирор тирик жонзот кўринмасди. Гармсел ғувилларди, холос.

Толиб ҳолдан тойди. Лекин у яна йўлида давом этди. Дуч келган томонга қараб таваккалига югурди. Узоқ югурди. Оёқлари чалкашиб, йиқилиб қолмагунча югураверди, югураверди. Кейин гуп этиб юз тубан йиқилди...

* * *

Толиб кўзларини очганида қуёш уфқ томон оққан, тева-ракдан шом ҳиди келарди. Йигит тип-тиниқ осмонга тикилиб ётди. Унинг юрагини бояги қизгин ғалаён тарк этган, лоқайд бўлиб қолганди.

Бироздан кейин Толиб аста ўрнидан туриб ўтирди. Оёқларида жон йўқ, бутун вужуди бўлаклаб ташлангандай беҳол-бемадор эди. Аммо мияси ҳар доимгидай равон ишлаб турарди. «Бу қандай кўргулик? – дерди у ўзи ўзига. – Пул топаман деб қандай балога йўлиқиб қолдим? Ҳаммасига Гулсеварни севиб қолганим сабаб бўлди чамаси. Мен Гулсеварга уйланаман демаганимда ойим совчиликка ҳам, дадамнинг

олдига ҳам бормасди. «Меҳрибон» дадажонимнинг неча йиллардан бери ухлаб ётган виждони бирдан уйғониб, ойим чеккан изтиробларга тўлов сифатида икки миллионлик товон пули ҳам бормасди. Бечора ойим... Худойберган ака қизини бева аёлнинг ёлғиз жигарбандига эмас, Турсун Аҳадовичдай амалдорнинг ўғлига берганини фаҳмламади чоғи... Акс ҳолда орияти кўзиб кетган бўларди. Мана энди аллақандай тақирбош бойваччанинг омонатларига кўз-қулоқ бўлиб подачилик қилишим керак. «Молларим сенга омонат» эмиш! Ҳе, ўша омонатларингни!.. Ҳозир бораману, ҳаммасини бўғизлаб ташлайман!..»

Жаҳл Толибга куч берди.

У ўрнидан туриб атрофга аланглади ва лол бўлиб туриб қолди.

Зеро, у яна Сорибой ака ташлаб кетган манзилга қайтиб келганди.

Ана, сал нарида кўзга ташланаётган пасқам бино...

Толиб бино томон гоҳ тез, гоҳ вазмин қадам ташлаб бораркан, аста-секинлик билан хаёлидан новвосларни бўғизлаб ташлаш фикри ўча бошлади. Ичаклари қулдираб, қорни очганини билдирди. Толиб қадамини тезлатди.

Эшик очиқ қолганидан хона ичидаги ҳаво анча тозаланди. Лекин бадбўй ҳид барибир сақланиб қолган. Толиб қўлидаги милтиқни дёвордаги михга илиб қўйди-да, хона ичини кўздан кечирди. «Ёқимли ҳид» таратаётган матоҳни топди. Бу кимдир – Толибдан аввал яшаган киши бўлса керак ҳойнаҳой – овқат қилиш учун арчиган-у, лекин ташлаб юбориш эсидан чиққан картошка пўчоқлари эди. Толиб уни чиқариб ташлади. Бу ерда инсон яшаши учун ҳамма нарса бор эди: ўрин-тўшак, қозон-товоқ дегандай. Эшик ёнидаги илгакда қишки кийимлар илиғлик турарди. Лекин буларнинг ҳаммаси шу қадар исқирт эдики, унча-мунча одамнинг таъби тортмасди.

Толиб қизлар ичида ўсганидан жуда кўнгли нозик эди. Чети учган, ичи сарғайган пиёлада чой ичмасди. Бундай озодаликка уни онаси ўргатганди. Уй ҳамиша топ-тоза, идиш-

товоқлар ярқираган, кўрпа-тўшаклар паркудек оппоқ, дастурхонда эса доғ бўлмасди. Онасиникига ўхшаш рўзгор тутишни Толиб бошқа ҳеч қаерда кўрмаганди. Бу ерда эса...

Толиб ошқозони ҳуштак чалаётганига қарамасдан идиш-товоқларни олиб ташқарига чиқди. Уйча орқасида оғзи ёпилган қудуқ бор эди. Қудуқдан бир пақир шаффоф, муздай сув тортиб олган Толиб эринмасдан идишларни ювиб тозаллади. Шундан кейингина ўзига егулик тайёрлашга киришди. Халтадаги қоқланган гўштни овқатига ишлатмади (лекин ташлаб ҳам юбормади) – ҳиди ёкмади. Нима бўлганда ҳам шаҳарлик олифта-да.

Шундан кейингина Толиб бошини эгганча жон аччиғида мўъраётган новвосларга ем беришга жўнади.

... Алламаҳалда Толиб беҳосдан сапчиб ўрнидан туриб кетди. У даҳшатли туш кўрганди. Тушида йигит Сорибой аканинг омонат новвосларини битта ҳам қолдирмай сўйиб ташлаган эмиш. Ҳамма ёқ қип-қизил қон... Ўлган моллар жасади қалашиб ётганмиш...

Юраги кўкрак қафасига сиғмай тез урганидан Толиб анча вақт ўзига келолмади. Кўз олдидан атрофга сачраган қон ва новвосларнинг ўлиги нари кетмасди.

«Жуда қизиқ туш, – деб ўйлади у тонг ёришган маҳал анча ўзига келиб. – Новвосни бўғизлаш тугул жимитдай сичқонни ўлдиришга ҳам юрагим дов бермайди-ю, бутун бошли подани қириб ташлабман-а! Тушимнинг таъбири нима экан, а?...»

* * *

«Бугун саккизинчи кун... Тўққизинчи... Ўн иккинчи...» – дея ҳар куни хотирасига «ёзиб» қўярди Толиб. Бошқа илож йўқ. Чунки бу ерда на қоғоз, на қалам бор. Шаҳарда яшаган кунларида, ҳатто, туғилган кунини ҳам календарь саҳифасига қизил қалам билан белгилаб қўярди. Хотирасига ишонмасди. Назарида ҳамма нарса эсидан чиқиб кетадигандек туюлаверарди. Бу ерда инсонни хижолатдан қутқарадиган на календарь бор, на қоғоз-қалам. Ҳар доим панд бериб туриш эҳтимоли бўлган хотирадан бўлак ҳеч нарса, ҳеч нарса йўқ!

«Қадимги одамлар календарсиз, коғоз-қаламсиз қандай яшашган экан? Ахир хотирага буткул ишониб бўлмайди-ку. Қадимгиларга хотира керак бўлмаган дейдиган бўлсак, унда тараққиёт қандай қилиб ривожланди? Жуда қизик нарсас экан. Мана, менинг эслаб қолиш қобилиятим яхши эмас. Ҳар қалай, ўзим шундай ҳисоблайман. Бу ерда нима қиларканман? Кунларни, ҳафталарни қандай эслаб қоларканман?» дея фикр юритарди Толиб бўш вақтларида. У энди қўли ишдан бўшади дегунча ўй ўйларди. Бошқа нима ҳам қилсин? Дардлашадиган бирон кимса ёнида бўлмаса. Зерикканида бориш учун кўнгилочар жойларни бу ерда орзу қилиб ҳам бўлмайди.

Чўл.

Увиллаган шамол.

Ёлғизлик...

Толиб шу ёшгача ҳеч қачон ёлғиз қолмаганди. Ҳар доим одамлар орасида иш-ташвишлар билан андармон бўлиб, онасини, сингилларини яхши кўриб, Гулсеварни севиб, тоғасию дадасини ёмон кўриб яшади. Нима учун тоғаси билан дадасини ёмон кўришининг сабабини ўзи биларди. Аммо бу ҳақда ҳеч қачон жиддийроқ ўйлаб кўрмаганди. Ҳар доим ўзини камситилган, таҳқирлангандай ҳис қиларди. «Тоғам ойимни ранжитмаслиги керак эди!» «Дадам ойимни ташлаб кетмаслиги керак эди!» деб ўйларди қатъиятлик билан. Бошқа ҳеч нарсас...

Бу ерга, оламнинг кимсасиз, қуруқ ҳаво, сув ва тупроқдан иборат чекка гўшасига тушиб қолганидан буён йигитнинг табиатида ўзи сезмаган ҳолда аллақандай ўзгаришлар юз бераётганди. Бу ўзгариш дастлаб унинг ўзи сушт деб ўйлаган хотирасида юз берди чамаси. Ахир у бирор ерга ёзиб қўймаса ҳам кунларни аниқ эслаб қолаётганди-да. «Хотирам анча дурустга ўхшайди. Мен календарга суяниб қолганимдан хотирамга ишонмай қўйган эканман-да», деган хулосага келди Толиб бир куни. Бироқ у ҳаддан ташқари зерикарди, сиқиларди. Ёлғизлик ва сукунатдан юраги тарс ёрилгудек бўларди. Мудом ҳар хил транспортларнинг шовқин-суронига, одамларнинг ғала-ғовурига ўрганиб қолган қулоқлари жимжитликка кўника олмаётгандек ўқтин-ўқтин чинқириб қўярди.

Иттифоқо, кунларнинг бирида кундалик ишларини саранжомлаб бўлиб, қудуқ ёнидаги дўнглик устида олов рангда шуълаланаётган уфқда яллиғланиб ботаётган қуёшга тикилиб ўтираркан, беҳосдан кулоқлари аллақандай эшитилмас товушларни илғаётганини пайқаб қолди. Қандайдир бир нидо ўзини чорлаётгандек туюлди ва Толиб худди ҳозир аллақандай мубҳам даъват янграётган томонга бемақсад, лекин ишонч билан жўнаб қоладигандай ирғиб ўрнидан туриб кетди. Бу ҳол бир неча дақиқа давом этди. Кейин Толиб яна жойига қайтиб ўтирди. Ҳайрон бўлди. Кулоғига чалинган товушлар қаердан эшитилди? Жуда ғалати товушлар эди. Балки бу товушлар чўл узра кўршапалакдай қанот ёзаётган шомнинг сурмаранг қаъридан сизиб чиққандир. Эҳтимол бу товушлар номаълум зулумотдан отилиб чиқиб, номаълум зулумотга қуйиладиган, алоҳида иқтидори бўлган одамларгина тушунадиган гаройиб товушлардир? Шунинг учун Толиб уларни илғаб олишга олди-ю, тушунишга ожизлик қилгандир.

Толибнинг бутун жисми кулоққа айланди. У яна ўша гаройиб даъватни эшитишни истарди. Аммо бу сафар кулоқларига чигирткаларнинг чириллаши чалинди.

Бирдан мубҳам кайфият чулғаб олди йигитни. Вақт тўхтаб қолгандек туюлди. Сокинлик – сунъий фароғат шу қадар юрагини сиқиб юбордики, ўзини қўярга жой тополмай қолди. «Қани эди бу бемаъни ҳаётдан, анови чигирткаларнинг чириллашидан бир ёқларга қочиб кетсам – қаёққа бўлса ҳам майли», дея орзу қилди.

Толиб онасининг меҳрибон қўлларини соғинган эди.

Бу ерга келганининг ўн еттинчи куни «Жип»да икки йигит келишди. Машинадан тушган заҳоти бири оғилхонага кириб, молларни кўздан кечирди. Сўнг Толибнинг олдига келиб, дабдурустан дўқ ура кетди:

– Молларни хор қилибсан-ку, ярамас! Кун бўйи дам олиб ётишга келганмисан бу ерга? Ишлаш керак, билдингми, яхшилаб ишлаш керак!

– Қўлимдан келганича қараяпман. Бундан ортиғини талаб қилишга ҳаққингиз йўқ, – деди дили оғриган Толиб асабий тарзда.

– Вой ярамас пайтавақулоқ! Гап қайтаради-я яна! Жигингни эзиб кўярдим-у... – йигит сўкинганча нари кетди.

Иккинчи йигит машинадан тушмади ҳам. Толибни ёнига чақириб:

– Анавиларни тушириб ол! – деб буюрди машина багажига ишора қилиб.

– Сиздан бир гап сўрамоқчийдим, – деди Толиб унга қараб. Кейин жим бўлиб қолди.

– Сўрамайсанми сўрайдиганингни! – деди йигитнинг жаҳли чиқиб.

– Санжар деган йигитни танисангиз унга айтинг...

– Ҳеч қандай Санжарни танимаيمان! – деди йигит кўрслик билан. – Қани бўл, нарсаларни тушириб ол, агар очликдан ўлиб кетмай десанг!

Толиб индамай келтирилган озиқ-овқатларни туширди.

Оғилхонага кириб, новвосларни кўриб чиққан йигит Толибга баъзи топшириқларни берди. Кейин иккала йигит «Жип»да қайтиб кетишди.

Олиб келинган нарсаларни уйчадаги яшиқларга жойлаш билан андармон бўлган Толиб бехосдан пешонасини деворга уриб олгандай чўчиб тушди. Қўлидаги қоғоз халтани ерга ташладию, хонадан отилиб чиқди. Югурганча ҳозиргина «Жип» жўнаб кетган йўлга чиқди. Кейин аллақачон қора нуқтага айланган машина ортидан югуриб кетди. Оёғини қўлига олиб, жон-жаҳди билан югурди. Бироздан кейин ҳаллослаб қолди. Ўпкаси бўғзига тиқилди. Шунда ҳам югуришдан тўхтамади. Ахийри силласи қуриб йиқилди. Қақроқ ерга юзини босганча анча ётди. Сочлари, қош-киприклари тупроқ гардидан оқариб қолди.

Ярим соатлардан сўнг Толиб ортига қайтди. Кўзларида ҳалқаланган ёш юзига оқиб тушди. Чарақлаб турган қуёш нурлари унинг юзида қотиб қолган марварид доналарида акс этди.

Шу куни Толиб ҳеч иш қилмади. Кудуқ ёнидаги дўнглик устида узоқ ўтирди. Уни афсус-надомат, ғам-ғусса чулғаб олганди. «Мен ахир улар билан кетишим мумкин эди. Бу ердан

қочиб кетгудай бўлиб юрибман-ку. Нега улар келганларида машиналарига чиқиб ўтириб олмадим? Бу фикр нима учун улар жўнаб кетганларидан кейин миямга келди? Эҳ, хомкалла!...»

Толиб бошини уриб ёргудай бўлар, жазавага тушар, ўзидан нафратланарди. Ғофиллиги учун ўзини сира кечиролмасди. «Шунчалик ҳам гўл бўламанми?!» дея ўйлайвериб ўзини ўзи қийнаб юборди. Бу камлик қилгандай ўзига жисмоний жазо чорасини қўллади: кун бўйи туз тотмагани етмагандай, кечкурун ҳам оч қолди; уйчага кирмасдан, тап-тақир дўнглик устида ётди.

Алламаҳалга бориб Толиб жисмонан беҳад ҳолдан тойди, мадорсизланди. Аммо фикран ҳамон тийрак эди. «Нега ўзимни бунча қийнаёпман! – дея савол берди ўзига ўзи юлдузлар чарақлаётган осмонга тикилиб ётганча. – Ахир бу қисмат бўлиши мумкин-ку, деган фикр келди илк марта хаёлига. – Қисмат! Менинг бу ерда саргардон юришим мўмай даромад илинжи эмас, аслида Худойи таоло томонидан бу дунёда ер юзида менга раво кўрилган ҳаётнинг бир бўлагидир, эҳтимол. Ахир айтадилар-ку, ҳаётимизнинг ҳар бир лаҳзаси бизнинг олдиндан белгилаб қўйилган тақдиримиз деб. Мен бу ерга адашиб ёки алданиб эмас, ўз тақдиримга риоя қилиб келиб қолгандирман. Беш дақиқа аввал машинага ўтириб олганимда ҳозир уйда, онамнинг олдида бўлардим. Таасуфки, менинг ақлим беш дақиқа кеч кирди. Демак, ҳали бу ерда бўлишим керак экан. Аммо икки ҳафтадан кейин анави тақирбош йигитлар келиши билан ҳеч нарсага қарамасдан машинага чиқиб оламан. Қаршилик кўрсатишса шартта отиб ташлайман иккаласини ҳам... Ҳеч бўлмаса оёғидан ярадор қиламан. Аяб ўтирмайман. Ахир милтиғим бор-ку!»

Қисмат тушунчаси унга тасалли берди, холос. Аммо бу ҳақиқатни ич-ичидан тан олгиси келмасди сира: «Агар йигирма тўрт ёшимда ҳаёт билан видолашиш тақдиримда ёзилган бўлса, шаҳарда сайр қилиб юрганимда ёки ишдан қайтаётганимда машина уриб кетса ҳам бўларди-ку. Қисмат билан юзма-юз келиш учун неча чақиримлаб йўл босиш, овлоқ бир жойда дарбадарларча яшаш шартмиди? Қисмат –

агар у чиндан ҳам бор бўлса – инсонни бунчалик қийноқ-азобларга солиши шартми, умуман нима ҳаққи бор бунга?! Наҳотки биз унинг кўлида кўғирчоқ бўлсак?..»

Орадан бир ҳафта ўтди.

Кунлар совиди.

«Бу ёғи энди куз, кунлар илишига умид қилмасам ҳам бўлади, – деб ўйларди йигит молларга гоҳ ем-хашак ташиб, гоҳ уларни суғориб юрганида. – Анови тақирбошлар тезроқ келақолса яхши бўларди. Онам роса йўл қараб ўтиргандир. Неча марталаб йиғлаб ҳам олгандир? Дадам бизни ташлаб кетганларида эсимни таниб қолгандим. «Нега дадам бизни ташлаб кетишига йўл қўйиб бердингиз?» деб ойимдан кўп сўрардим. Энди билсам бечора ойимни эзиб юборган эканман. Нафсиламрини айтганда, – дея овоз чиқариб гапириб юборарди у ўзи сезмаган ҳолда, – менинг даъвойимда ҳам жон бор-да. Агар ойим қаттиқ турганларида, оила муқаддас эканлигини тушунтириб қўйганларида дадам бизни ташлаб кетмасмидилар?!»

Толиб иш билан андармон бўлиб юрган вақтларида ўзи билан гаплашиб вақтини ўтказарди. Қудуқ ёнидаги дўнглик устида ўтирганида эса чексиз коинот бағрига сингиб кетгандай мутлақо ҳеч нарсани ўйламасдан бий даланинг абадий ҳамроҳи бўлган сукунатга кулоқ тутарди. Сукунат унинг кулоқларига алланималарни шивирларди. Йигит бу товушларнинг садаф мунчоқ доналаридай бир-бирига ишқаланишини, бир-бирига жўр бўлиб сирли оҳанг таратаётганини ҳис қиларди. Лекин қанча тиришмасин, бу товушлар маънисини чақишга ожизлик қиларди. Улар афсунли эди.

* * *

Яна бир ҳафта ўтди.

Толиб тонг отишини орзиқиб кутганидан кечаси кўз юммади ҳисоб. Ўзича йўл тадоригини кўрди. Лаш-лушлари орасига милтиқни жойлади. «Ҳар эҳтимолга қарши қулай жойда турсин», деб қўйди ичида. Кейин уйчанинг дарчаси-

фат деразаси олдида ўтирганча тонг отишини кута бошлади. Алламаҳалга бориб эса кўзи илиниб кетганини сезмай қолди.

Йигит уйғонганида тонг отган, аммо шариллаб ёмғир қуярди. Толиб кўзларига ишонмагандек ташқарига югуриб чиқди. Ҳа, ҳақиқатан ҳам ёмғир челақлаб қуярди.

«Бу ёмғирда ҳеч ким йўлга чиқмайди, — деди у аллақандай хавотирдан увушган юрагига далда бериб. — Менимча, улар ёмғир тўхтагандан кейин келишади. Майдалаб ёққан ёмғир эзиб, узоқ ёғади. Шаррос қуйган ёмғир тез тўхтайди. Ҳадемай келиб қолишади».

Кўп ўтмасдан ёмғир ҳам тинди. Аммо ҳаво совиб кетди.

Қорнинг ҳиди келарди.

«Менимча, улар йўлнинг селгишини кутишяпти, — дея ҳаёлидан ўтказди Толиб «Жип»нинг ҳар қандай ҳавони ҳам, йўлни ҳам писанд қилмаслигини ич-ичида ҳис этиб турган бўлса-да, умид узгиси келмай. — Пешингача келиб қолишар!..»

Пешин ҳам ўтди.

Кеч кирди. Толиб ўзини қўярга жой тополмай қолди. «Эртага ҳам кутаман, келиб қолишар. Ахир озиқ-овқат ҳам тугаб қолди. Шунини ўйлашсаям келишади», — бостириб келаётган қора ҳаёлларни ўзига яқинлаштиргиси келмасди Толибнинг. Ҳаво совуқлигига қарамасдан у уйчага киргиси келмай, майдон атрофида кезиб юрарди. Жуда хомуш эди. Юрагига қил ҳам сиғмасди.

Яна бир тун ва кунни амаллаб ўтказди. Аммо кейинги кунини у ўзини бошқаролмай қолди. Қолган-қутган озиқ-овқатни халтага солди. Милтиқ билан «аптечка»ни ҳам олди. Сўнг уйчанинг эшигини шахт билан очдию, худди биров ортидан қувлаётгандай отилиб чиқди.

Тун бўйи ёмғир ёққанди. Эрталаб туман тушди. Ёмғирга бўккан қип-яланғоч чўл узра очофат махлуқдай ёпирилган туман қақроқ заминнинг сўнгги шарбатини ҳам сўриб олишга аҳд қилгандай тобора забтига оларди, изғирин шамол эсарди, тобора ортда қолаётган уйча шамол ҳар дафъа ҳамла қилганда мана ҳозир гуп этиб кулаб тушадигандек дийдираб турарди.

Туманда ҳамма нарсa, жумладан ўзи ҳам омонатга ўхшаб туюлди Толибга. Бироқ у бунга парво қилмади. Йўлига кўндаланг бўлаётган туман, шамол ва совуққа қасд қилгандек жаҳл билан олға юриб кетди. «Ҳадемай туман тарқаб кетади, кейин юриш осон бўлиб қолади», деб тасалли берарди у ўзига.

Лекин туман борган сари қуюқлашарди, аста-секин шамол зўрайди, совуқ кучайди. Толибнинг қадам олиши сустлашди. Худди оёқларини ердан аранг узиб олаётгандек қийналиб юрарди. Теграсида ҳануз айланаётган туман кўзига бало-қазодек кўринарди. Чунки Толиб қанча уринмасин, туман увадалари орасидан бир қадам ҳам нарини кўра олмаётганди. Бунга сари унинг қаҳри кўзирди. Ҳолдан тойганини, совуқ жон-жонидан ўтиб бораётганини сезса ҳам кимгадир аччиқ қилгандек зўр бериб олға интиларди. Бироқ нима учундир ҳар бир босган қадами ортга ташланаётгандек йўли унмасди.

Чўл буткул туманга ғарқ бўлди.

Вақт ўлди.

Олам чексизлик қаърига қулади...

* * *

Толиб ҳушига келиб, кўзларини очганида борлиқни қуршаган кўкимтир-кумушранг оқим ғойиб бўлган, осмонни қоплаган зил-замбил булутлар четидан куёш мўралаб турар, лекин ҳаво шу қадар совиб кетгандики, йигитнинг беихтиёр тишлари такиллаб бошлади. У бироз тамадди қилиб олди. Шундан кейин ичига иссиқ киргандай бўлди, дадил тортди.

Толиб ўрнидан туриб атрофни кузатди. Чор-атроф тақир чўл, бий дала. Лекин...

Лекин ҳов нарида яна ўша таниш пасқам уй... харилар... «махсус зона»...

Толиб яна ўзининг маконига келиб қолганини англади. Бу сафар ҳам.

Толиб бошини солинтирганча ортига қайтди. У ерда қолган изига қараб бораркан, бир нарсага ҳайрон бўлди: ор-

тига қайтаётганида қадам олиши анча енгил тортганди, ҳатто бирон марта ҳам сирпанмади.

Уйчасига яқинлашганда Толибнинг қадам олиши беихтиёр янада тезлашди. Йигит иссиққина уйчага эмас, ўз тақдири билан юзма-юз бўлишга ошиқаётгандек жадал юриб кетди.

«Менинг ёзигим шу экан, — хаёлидан ўтказди у уйчага кириб, тўшакка чўзиларкан. — Буларнинг ҳаммаси ёзигим экан. Энди кетишга ошиқмайман. Тақдирга қарши бормасдан жимгина яшайвераман!..»

Шу оқшом йигит хотиржам ухлади. Бу ерга келганидан буён у биринчи марта тиниқиб ухлаганди.

Эрталаб одатдагидек эски пахталикни кийиб сим билан маҳкам белини боғлаб олди ва ишчан кайфиятда ташқарига чиқди. Чиқди-ю, кўзлари қамашиб кетди.

Ҳаммаёқ оппоқ қор эди!

Кечагина ёмғирга бўкиб ётган далалар энди қор остида қолганди. Қуёш олис-олисларда, элас-элас кўзга ташланаётган чўққилар оралиғида «йилт» этиб турар, оқиш-кўкимтир осмонга бош тираган қоялар ял-ял ёнар, бутун борлиқ оппоқ шуълага чулганганди.

Толиб улуғвор манзарага тикилиб қолди. Кўзлари қамашиб, ёшлангунча тикилиб турди, сўнг оғилхона томон юрди. У ердаги ишларини саранжом қилгач, уйча томидаги қорни курашга киришди. Йигит энди бу юмушларни ҳеч бир ранж-аламсиз бажарарди.

Толиб яна бир нарсани эслади. Сорибой ака кун совиганидан кейин новвосларни овулга олиб кетишини айтганди. Демак, у кишининг тез орада келиб қолиши аниқ.

Шунга қарамасдан, ҳар эҳтимолга қарши Толиб озиқ-овқатни тежаб ишлата бошлади.

Икки кун сурункасига қор ёғди.

Кейин ҳаво шу қадар совиб кетдики, туфлаган тупугинг ерга тушмасдан лабингда музлаб қоладиган бўлди. Бундай совуққа чидаш учун иссиқхонада ўсган гулдай нозик шаҳарлик одамдан бениҳоя катта матонат талаб қилинарди. «Ҳатто моллар ҳам мендан кўра чидамлироқ экан, ҳар қалай совуққа чидаш беришаяпти, — дея гудранарди Толиб тишлари

такиллаб, аъзойи бадани дир-дир титраганча новвосларнинг тагини кураб юраркан. — Менимча, булар бундай совуққа аллақачон мослашиб улгуришган бўлишса керак. Агар Сорибой ака етиб келмаса, мен яна бир ҳафтага, жа нари борса икки ҳафтага чидашим мумкин. Кейин совуқдан тиришиб ўлиб кетаман. Тақдиримга шу ерда совуқ қотиб ўлиб кетишим ёзилган экан-да. Ҳаммадан кўра онамга қийин бўлади. Онам менсиз қандай яшайди, билмадим. Дарвоқе, Гулсевар... У аллақачон фотиҳани бузгандир. Ишлаш учун кетаётганимни унга айтмагандим. Ҳа, ҳақиқатан ҳам фақат онамга қийин бўларкан...»

Бу ерга келганидан буён Гулсевар ҳақида умуман ўйламай қўйганди Толиб. Муҳаббат борасидаги аввалги тушунчалари негадир чиппакка чиққанди. Тасаввур кўзгусида музлаган жасади устига ўзини ташлаб фарёд чекаётган онаси ва сингиллари гавдаланарди, холос.

Кунлар имиллаб ўтарди. Толиб ўзи ўйлаганидек совуқдан тиришиб ўлиб кетмади. Вужудида ўзи сезмаган ҳолда аллақачон тупроққа қоришиб кетган, гала-гала бўлиб ғорларда яшаган аждодларининг ғайрат-шижоати, куч-қуввати, сабр-бардоши уйғонганиданми, у ҳам жисман, ҳам руҳан кундан-кун чиниқиб бормоқда эди. Йигит энди бўш вақтларида қор остидан бўртиб турган саксовулларни йигиб келиб, уйча ёнига тўплаб қўярди. Ахир саксовулдан соз ўтин борми!

Тежаб ишлатаётганига қарамасдан, озиқ-овқат кундан-кунга камайиб борарди. Сорибой акадан ҳам, ҳалиги йигитлардан ҳам дарак йўқ. Новвослардан биттасини сўйиб олса ҳам бўларди. Аммо йигит бунга журъат қилмади. Сорибой аканинг «Молларим сенга омонат» деган сўзлари қулоғидан нари кетмасди.

Бир куни у энг катта саксовул остида кўзлари жовдираб турган қуённи кўрдию, шартта ўзини унинг устига отди. Кейин ўша ернинг ўзида қуённинг терисини шилиб олди...

Бир окшом Толиб алламаҳалда чўчиб уйғонди ва кўзларини катта-катта очганча шифтга тикилиб қолди. Ғира-шира қоронғуликда шифтда аллақандай жонзотлар осилиб

туришарди. Йигитнинг қулоқларига вишиллаган товушлар чалинди. Толиб ирғиб ўрнидан турди. Лекин ундан аввал қандайдир муздай нарса «тап» этиб унинг қорнига тушди! Аъзойи бадани қалтираб кетган йигит жон ҳолатда муздай нарсани қўли билан ушлаб улоқтириб юборди. Кейин ирғиб ўрнидан турди. Бу вақтда шифтда аргимчоқ бўлиб турган жонзотлар бирин-сирин ўзларини ерга отишди. Хона ичинини ваҳшатли вишиллаш тутиб кетди. Кичкина бошларини баланд кўтарган илонлар галаси чўғдек ёнаётган кўзларини қалтираб турган Толибга қадаганча тек қотиб туришарди!

«Қочиш керак, лекин эшик қаерда? – эсанкираб қолган Толиб ташқарига қочиб чиқиш ҳақида ўйларди-ю, оёқларини ердан узолмасди. – Дарвоқе, газли тўппонча бор эди-ку, аммо у қаерда?»

Илонлар худди келишиб олгандек Толиб ҳаракатланса ҳаракат қилишарди, тўхтаса улар ҳам тек қотиб қолишарди.

– Энди билдим, шу ерда илонларга ем бўлиб ўлиб кетиш кутиб турган экан мени! – Алам ва қўрқувдан дир-дир титраётган Толибнинг гезарган лабларидан шу сўзлар ҳавога учди. – Қисмат нима учун бу ерга бошлаб келганига энди ақлим етди!..

Йигитнинг қалбини афсус-надомат, ғусса чулғаб олди. Тирик қолишдан буткул умидини узди. Қалби бўм-бўш бўлиб қолди. Яшаш иштиёқи юрагини тарк этди. Ҳаётини тақдир ҳукмига ҳавола қилгандай бир дақиқа чамаси ҳаракатсиз туриб қолди.

Худди шуни кутиб тургандай илонлардан бири Толиб томонга ўзини отди. Йигит ихтиёрсиз равишда чаққонлик билан ўзини четга тортди. Илон кичкина бошчаси билан деворга зарб билан урилди-ю, шу заҳоти шилқ этиб қулади. Дастлабки хуруждан омон қолгани Толибни руҳлантириб юборди. Вужудини тарк этган куч, туйғулари яна ўзига қайтди. У чаққонлик билан эшик ортидаги деворда осиглиқ турган «аптечка» ёнига учиб борди. Лекин уни қўлга олишга улгурмади – иккинчи илон Толибга ташланганди. Бу сафар йигит қўрқувдан титраб ўлимни кутиб турмасдан шахт билан эгил-

дию ерда ётган аллақандай темир парчасини олиб, илоннинг бошини янчди.

Кейинги рақибларни даф қилиш анча осон кечди. Чунки Толиб «аптечка»даги газли тўппончани олиб улгурганди.

* * *

Эрталаб Толиб тўққизта илоннинг ўлигини ташқарига олиб чиқиб ёқиб юборди.

«Ақл бовар қилмайди», дея гўлдирарди у нуқул. Кейин оғилга бориб новвослардан хабар олди. «Аптечка» қўлида. Ахир илонлар молларга ҳам даф қилган бўлиши мумкин-ку. Сорибой ака бежиз огоҳлантирмаган экан.

Ярим соатлардан кейин Толиб оғилдан мамнун чиқиб келди. Илонлар молларга ҳужум қилишмаганди.

«Биринчи илоннинг деворга бориб урилишида аллақандай маъно туйдим. Шу нарса менга куч берди-ёв. Иккинчи илоннинг бошини янчган темирнинг оёғим остида ётиши ҳам бежиз эмасдай туюлди. Ўша темир ерда ётмаганида нима бўларди? Икки қадам нарида «аптечка» турганди, лекин унга етиб олиш осон эмасди, — деди у анчадан кейин буткул ўзини босиб, хотиржамлик билан фикр юритаркан. — Йигирма тўрт ёшингда илон чақишидан ўлиб кетиш аламли-да. Бу жуда бе-маъни ўлим бўларди. Бахтсизлик ва кулфатдан чиқиш учун тақдир ҳар доим дарча қолдиради, деганлари шудир, балки. Ўша дарчадан чиқиб кетиш учун одамнинг ўзида нимадир бўлиши керак экан».

Толиб энди ҳеч нарсадан ҳадиксирамай қўйди. Кўзлари тўрт бўлиб Сорибой акани ҳам кутмасди. У энди ўз кучи ва довюраклигига ишониб яшарди. Бу ерда Толиб бошқа пайтда ҳеч қачон ўргана олмайдиган нарсаларини ўрганди. У энди қуён ёки бошқа бирон жонзотни осонлик билан тутиб оларди. Кейин ўзи ўлдирган жониворнинг гўштини қор сувида қайнатиб ёки оловга тоблаб, иштаҳа билан ерди. Йигит энди дастлабки кунлардагидек ёлғизликнинг мунгли жоду-

сидай кулоқларига чалинаётган сирли даъватга кулоқ тутиб ўтирмасди, яшаш учун курашарди.

Толиб «тақдири азал» деган тушунча аллақандай чала ёки мубҳам эмас, чин ҳақиқат эканлигини тан олиш билан бирга тақдир эзиб ташламаслиги учун қаршилик кўрсатувчи кучни ҳам ўзида топганди.

«Қисмат худди темирчининг босқонига ўхшаркан, – дерди энди ўзига ўзи. – Аввал мажақлайди, кейин тоблайди».

Йигитнинг қалбидаги ўзи мавжудлигини сезмаган табиий манбалардан ирода деб аталмиш бебаҳо «ёқилғи» билан бирга сезгирлик, олдиндан ҳис қилиш туйғуси ҳам тошиб чиқаётганди. «Ҳали олдинда мени яна бир (балки бир неча) синов кутиб турибди чамамда, – деб ўйларди у. – Ахир Со-рибой ака милтиқни бежиз ташлаб кетмагандир».

Дарҳақиқат, милтиқ ҳамон деворда осиглиқ турарди. Ўқдондаги саноқли ўқларнинг ҳаммасини ишлатиб қўймаслик учун куён ёки каклик овига чиққанидагина милтиқдан фойдаланарди Толиб.

Бир куни йигит шамоллаб, касал бўлиб қолди. Томоғи бўғилиб, иситма аъзойи баданини ларзага соларди. «Қанийди қайноққина сут ичсам, – деб орзу қилди Толиб. Ногоҳ унинг кўз олдида онасининг сиймоси гавдаланди. Ҳозир уйда бўлганидами... – Бечора ойим... Мени тирик кўришдан умидини узиб ҳам қўйгандир. Ахир бу ерга келганимга неча ой бўлди? Эҳ-ҳе...»

Иситма, очлик тобора йигитни ҳолдан тойдирарди. Яна икки кун шундай ётса кейин бутунлай ўрнидан тура олмайди-гандек туюлганидан хавотирга тушди. Куён гўштидан озгина қолганди. Толиб инқиллаб юриб олов ёқди, ҳалиги гўштни чала-чулпа тобладию, пок-покиза туширди. Гўшт яхши пишмаганди, қони силқиб турарди. Лекин йигит бунга парво ҳам қилмади.

Эртаси куни шифтда осилиб турган илон боласини тутиб олиб, шўрва қилиб ичди. Шундан кейин тез тузала бошлади.

Бир окшом аллақаердан узук-юлук увиллаш қулоғига чалинди. Йигит хушёр тортди. Бироз ўтгач увиллаш янада якқолрок, янада яқиндан эшитилди: «Бўри!»

Толиб сакраб ўрнидан турди ва милтикни қўлига олди. Кейин деразадан ташқарига бўйлади. Уйчанинг олд тарафидан ҳеч зог кўринмасди. Лекин аллақаерда бўриларнинг бири қўйиб, бири увилларди.

Толиб ташқарига чиқди-да, уйчанинг орқа томонига ўтди. Шунда ой шуъласида товланаётган қор устида бўриларнинг қора шарпаларига кўзи тушди.

Толиб икки-уч кадам ташлади. Сўнг тўхтаб кута бошлади. Тўлин ой нуридан атроф кундузгидай ёришиб кетганди. Бўрилар чамаси олтита эди. Баҳайбат бўри олдинда, қолганлари орқароқда тумшуқларини кўтариб, қулоқларини динг қилганча чўккалаб турардилар. Улар худди кенгаш қилишаётгандек эдилар.

Толиб аста қор устига ўтирди. Бир қўлини милтиқ қўндоғига қўйди. Иккинчиси билан патронларни ушлаб кўраркан: «Ким билсин, балки улар мени тинч қўйишар», деб қўйди секин. Ич-ичидан бўриларнинг ортга қайтиб кетишларини истарди у. Чунки ўқлар сони бўрилар сонига тенг эди. Битта ўқ нишонга тегмай зое кетса борми...

Шу чоғ бўриларнинг бир-бирини жангга чорлаётгандек даъваткор увиллаши чўл узра янгради.

Толиб милтикни ўқлади. Энди отмаса бўлмайди, чунки бўрилар тобора яқинлашиб келарди. Уларнинг авзойи бузуклиги шундай кўриниб турарди.

Толиб ҳаяжондан қўли қалтираганча бўрилардан бирини нишонга олди.

Ўқ овози янгради. Ўртадаги бўри ер тишлади. Бошқалари ҳуркиб қочиш ўрнига гўё қасд қилишгандек тўппа-тўғри босириб келаверишди. Бу ҳолдан аллақандай маъно қидирган Толибнинг ҳаяжони зўрайди. У роса мўлжаллагач, иккинчи ўқни узди. Лекин минг урингани билан кўнгилдагидек мўлжалга ололмади шекилли, ўқ зое кетди.

Толибнинг баданини совуқ тер қоплади. Айнан шу ўқни у ҳаддан ортиқ диққат-эътибор билан нишонга тўғрилаганиди, афсуски...

Ажабо, учинчи ўқ ҳам хато кетди. Ўқдонда бор-йўғи ол-тита патрон бор эди. Учтаси кетди, учтаси қолди. Бўрилар эса бешта ва улар шафқатсизлик билан ёнаётган кўзларини лўқ қилганча ҳеч нарсадан ҳайиқмай тобора яқинлашардилар. Афтидан улар бу ерда тайёр луқма – оғилда новвослар галаси борлигидан бохабар, шекилли.

Толибнинг асаблари ортиқ дош бера олмади. У кетма-кет ўқ узди. Бўрилардан иккитаси кулади. Қолганлари эса кутилмаганда ортига қайтишди.

Толиб энгил тортди. Бироқ худди шу вақт иккита бўрининг яна изларига, ўзи томонга қайтаётганини кўриб қолдию, йигитнинг қўлидан милтиғи тушиб кетди. «Ё Тангрим...» инграб юборди у беихтиёр. Шу пайт бўриларнинг кичикроғи ўлиб ётган бўрилардан бирини судраб орқасига қайтди. Баҳайбат бўри эса ҳеч нарсани писанд қилмайдигандек жадаллик билан уйча томон юрди. Аммо уйчага яқин қолганида бирдан тўхтади-да, орқа оёқларида ўтирганча Толибга тикилди.

– Тамом! Бу сафар қутулишнинг сира иложи йўқ. Қисмат ажални бўри қиёфасида рўпара қилди. Энди унга қарши чиқишга кучим етмайди, – дея ғўлдиради Толиб титраб-қақшаб.

Йигитнинг бу нидосида ҳаётга, яшашга бўлган кучли муҳаббатнинг армони ошкор сезилди.

Оппоқ сўйлоқ тишлари ярқираётган бўри Толибнинг индамаётганини билиб янада яқин келди. Йигит жон ҳолатда бақирмоқчи бўлди, бироқ шу заҳоти фикридан қайтди. Қочиш ҳақида эса, ҳатто, ўйламади ҳам. Бордию қочса бўри унга орқадан ҳамла қилишини биларди...

Толибнинг олазарак нигоҳи бирдан ерда ётган милтиққа тушди ва секин узалиб уни қўлига олди. Сўнг ўзидан кўз узмай яқинлашаётган бўрининг йиртқичона кўзларига тикилиб тураверди. Бўри гўё у билан искашмоқчи бўлгандек ириллаганча яқинлашди. Шу чоғ Толиб бор кучини тўплаб

милтиқ қўндоғи билан бўрининг бошига туширди. Баҳайбат бўри сапчимоқчи бўлгандек олдинга интилди-ю, ерга қулади. Унинг қаншаридан тизиллаб қон оқарди...

Эрталаб Толиб бўрилар жасадини йиғиб келди-да, биринкетин териларини шилиб ола бошлади.

* * *

Орадан бир ойга яқин вақт ўтди.

Толиб молларнинг тагини тозалаб юрарди. Аллақандай мотор овози эшитилди. Юраги ҳаприқиб кетган йигит оғилдан югуриб чиқди. Уйча ёнида нотаниш «Жип» машинаси турар, бир аёл ва икки эркак аланг-жалаң қилганча шу томонга келишарди.

Толибнинг қўлидан кураги тушиб кетди.

– Ойи!..

– Ўғлим...

Санобар хола ўғли томон отилди.

Эркаклардан бири нотаниш, иккинчиси эса Турсун Аҳадович эди.

Турсун Аҳадович ҳам кучоғини кенг очганча ўғли томонга яқинлашиб келаверди...

* * *

– Бу ерда эканлигимни қандай билдингизлар? – кўзларига ишонгиси келмасди Толибнинг.

– Ойинг айтиб беради, – деди Турсун Аҳадович ҳамон кўз ёшларини тия олмаётган собиқ рафиқаси томон ишора қиларкан.

– Кейин... кейин... – деди Санобар хола пиқиллаб.

– Кетдик унда.

– Мен ҳозир сизлар билан кета олмайман, – деб қолди Толиб шу вақт. – Сорибой аканинг омонатини ўзига топширишим керак.

– Бу киши Сорибой аканинг вакили бўлади. Омонатни шу одамга топширасан, – деди Турсун Аҳадович нотаниш

эркакни кўрсатиб. Сўнг беихтиёр: – Жин урсин ўша Сорибой акангни! – деб юборди.

Улар шу куниёқ уйга қайтишди.

Санобар холанинг йўл-йўлакай ҳикоя қилишига қараганда, Толибни ишлагани кетди деб ўйлаганидан бир ойча бежавотир юрган. Бир куни кўчада Санжарни учратиб қолгану ҳайрон бўлган. Ахир Толиб «Санжар билан бирга ишлагани кетаяпмиз», деган эди-да. Хола шу заҳоти Санжарнинг олдига бориб, ундан Толибни сўраган. Санжар Толибни яқин ўртада кўрмаганини айтган. Шундан кейин ваҳимага тушган Санобар хола яна Турсун Аҳадовичнинг олдига бориб, бор гапни айтган. Турсун Аҳадович шу куниёқ Санжарни қидириб уйига борган. Лекин уни уйдан топа олмаган. Бир неча кунлаб пойлаб юриб ҳам Санжарни тута олмаганидан кейин Турсун Аҳадович милицияга хабар берган. Санжар эса қаёққадир ғойиб бўлган эди. Уни топиш учун милиционерлар ҳам роса овора бўлишибди. Охири ўша жин чалгур Сорибой аканинг уйдан топишибди. Сўраб-суриштирувлардан сўнг маълум бўлишича, Санжар билан Сорибой ака анчадан бери таниш экан. Улар ошналари билан тез-тез бирон жойда тўпланишиб, қимор ўйнаб туришаркан. Ўйинларнинг бирида Санжар ютқазиб қўйган. Шартга мувофиқ у энди Сорибой акага икки йил ишлаб бериши керак экан. Шунда Санжар Сорибой ака билан келишиб, унга Толибни рўпара қилади! Аммо яқинда, биринчи ёмғир ёққан куни машинасида йўлга чиққан Сорибой ака жарга тушиб кетиб ҳалок бўлади. Сорибой аканинг фарзандлари йўқ экан. Қиморбозлик қилавериб, кўплаб қариндош-уруғлари билан ҳам юзкўрмас бўлиб кетган экан. Уйда, фирмасида эса ёлланган ишчилар хизмат қилишаркан, холос. Ҳамма ишни шахсан Сорибой аканинг ўзи бошқараркан. У ҳалок бўлгач, хизматчилар тарқаб кетишган. Шу сабабли Толибнинг олис чўлда новвос боқаётганлиги, унга озиқ-овқат олиб бориш кераклиги, кун совигандан кейин новвосларни овулга олиб келиш лозимлиги ҳеч кимнинг эсига ҳам келмаган...

– Э, ҳа! – деб юборди Толиб онасининг сўзларини ҳайратланиб тингларкан. – Гап бу ёқда экан-да. Мен бўлсам Сорибой ака нега келмаяпти деб ҳайрон бўлиб юрибман.

– Ана шунақа! – деди Санобар хола. – Сен бўлсанг Санжарни ўртоғим деб, унга ишониб юрибсан. Икки ойда икки миллион ишлаб келиб отамнинг қарзидан қутуламан дейсан-а, тагин. Ҳеч замонда отанинг қарзидан қутулиб бўларканми?

Турсун Аҳадович «Кўй шунақа гапларни» дегандек Санобар холага қараб қўйди, сўнг Толибга юзланиб:

– Ўғлим, биламан, мендан хафасан, – дея гап бошлади.

Аммо Толиб ҳозиржавоблик билан отасининг гапини бўлди:

– Аввал шундай эди. Лекин бир ҳақиқатни ниҳоят тушуниб етдим. Сизларнинг ажрашиб кетишларингиз энгилтаклик эмас. Бу қисмат экан. Аслида тақдир китобида шундай ёзилган...

Турсун Аҳадович ўғлининг қўлини сиқиб қўйди.

Толиб ўйланиб қолди. «Тақдир китоби бунча мураккаб тилда ёзилган бўлмаса, – деди у ўзига ўзи. – Бундан чиқди, кимсасиз саҳрода қисмат билан юзлашиш шу вақтгача англамаган нарсаларимни англамоғим учун, ота-онам ажраб кетишлари, институтдан йиқилишим, Гулсеварни севиб қолишим, Худойберган аканинг қалин пули сўраши ва ҳоказо-ҳоказолардан кейин бу дунёда Санжар деган сотқин ўртоғим бўлиши ва у чимкентлик Сорибой ака деган қиморбозга ўйинда ютқазиб қўймоғи лозим бўлган экан-да. Бундан ташқари, илонлар, бўрилар, новвослар ва мен тутиб еган қуёнлар ҳамда какликлар... Эҳ-ҳе!...»

– Ўғлим, Гулсевар сени кутаяпти, – деди шу маҳал онаси Толибни аста туртиб.

– Тўй бўлмайди, – жавоб берди Толиб.

– Нега?! – Санобар холанинг кўзлари олайиб кетди. Турсун Аҳадович ҳам ўғлига «ялт» этиб қаради.

– Билмайман.

– Ие, буёғи қизиқ бўлди-ку! Нега билмайсан? – ҳайрон бўлди Турсун Аҳадович.

Толиб жавоб бермади. У чиндан ҳам нима учун бундай қарорга келганини билмасди. Фақат Гулсеварга уйлана олмаслигини ҳис қиларди, холос. «Мен ростдан ҳам бу ҳақда аниқ бир нарса дея олмайман, – хаёлидан ўтказди Толиб. – Уйлана олмаслигимни биламан фақат. Тўғри, қисмат мени ўз изидан эргаштирди, бирда панд берса, бирда мукофотлади. Аммо барибир яна битта ечиб бўлмас жумбоқ ташлаб кетди...»

Ҳаётнинг ўзи аслида ечиб бўлмас жумбоқлар силсиласидан иборат эмасми...

ТУНГИ КЎРҚУВ

Қир этагида ястаниб ётган Қизилбет қишлоғи аста-секин шом қоронғулигига бурканиб бормоқда. Подадан қайтаётган мол-ҳол, кўзиларларнинг маъраши, муъраши авжида. Туёқлар остидан кўтарилган чанг-тўзон қишлоқ узра кирчил пардадай ёйилган.

Элмурод қорамтир тусга кирган осмон тоқига умидвор кўз ташлади. Лекин излаганини тополмай ҳафсаласи пир бўлди.

«Чиқмабди, бу кеч ҳам янги ой чиқмабди», хаёлидан ўтди унинг.

Элмурод даштдан қайтмоқда эди. Қишлоқ қўй-қўзиларини боқиш навбатини қойилмақом дўндириб келяпти. Бу навбат ҳар хонадонга ҳар ойда бир марта келади. Хонадон аҳлининг мавқеи, иззат-обрўси қандай бўлишидан қатъи назар, чўпонлик навбатига бориши шарт. Лекин бари бир ғўддайган бойваччалар, туман марказида аллақандай лавозимда ишловчилар уч-тўрт сўм чойчақа эвазига ўз чўпонлик навбатларини бировларга юклашади. Улар, кўпинча, Элмуродга ялиниб келишади. «Илтимос, Муроджон, мановигинани олиб қўйиб, менинг ўрнимга бир чўпонлик қилиб кел», дейишади. Бундай илтимослардан Элмурод ерга кириб кетгудек бўлади, бағри тирналади. Лекин, начора. Бойвачча ҳамқишлоқлар эса ўлганнинг устига тепгандай сурбетларча тиржайишади. Қўлларидаги ақчани намоишкорона санаб, кўз-кўз қилишади.

Элмуроднинг ўз таклифларини рад этмаслигини, тўғрироғи, рад эта олмаслигини жуда яхши билишади, Элмуроднинг бошқа қилар иши йўқ, устига-устак рўзғори ҳаминқадар, қўли юпқа, бировлар узатадиган, арзимас бўлса-да, чойчақага ҳамиша зор-интизор.

Элмурод Холназар чолнинг ўртанча боласи. Ака-опалари уйли-жойли бўлиб, ўзларидан тинчиб кетишган. Энди навбат Элмуродга келиб турибди. Лекин бу ҳали уйланмайман, ўқишим керак деб ғўддайиб тургани-турган. Лекин ўқиш дегани ўз бошига бўлмас экан. Афтидан, унинг учун ҳам таниш-билиш, ақча-мақча керакка ўхшайди. Мана, Элмурод уч йилдан бери ҳеч қайси олий ўқув юртига илашолмай, йиқилиб қайтади. Ёш эса кетяпти. Бу йил роппа-роса йигирма иккига кирди. Лекин хануз на ўқиш бўлди, на бирор ишнинг бошини тутди. Ота-онаси, ё ака-опалари бирор нарса деб койиса нукул ерга қарайди. Қайси кун чўлга кўчиб кетган опаси ва поччаси меҳмон бўлиб келишган экан. Поччаси ижарага каттагина ер олганини, яхшигина ёрдамчи, яъни ишчи кераклигини айтди. Зимдан Элмуродни шу ишга таклиф қилган бўлди.

– Мен ҳали ўқишим керак, – деб одатдагидай тўнғиллади Элмурод.

Дастурхон теварагида ўтирган онаси ва отасининг фиғони фалакка чиқди.

– Ўв, серри, – деди Холназар чол бўғилиб, – шу пайтгача ўқишга киролмадинг, уч-тўрт ойлаб шаҳарда дайдиб юрдинг, бор энди. Сен ўқимасанг ҳам зотимиз хафа бўлмайди.

– Кўрпага қараб оёқ узатган маъкул, укажон, – деди опаси Хадича бош чайқаб. – Поччангга ёрдам бериб юрсанг, ойига бир-икки қоп буғдой олиб турасан. Ҳарна, отамга, рўзғорга ёрдам.

Элмурод ортиқ гапирмай, хонадан сирғалиб чиқиб кетди. Ўқсиб-ўқсиб, силкиниб-силкиниб йиглагиси келарди. Ахир бу не хўрлик, не кўргулик? Ҳали шу пайтгача унга ҳеч ким ҳамдard, ҳамнафас бўлмади. Нукул турткилашгани турткилашган. Одам бўлмайсан дейишади. Ҳали зотимиздан биров

ўқиб ёлчиган эмас дейишади. Зимдан Элмуроднинг акаси Пардабойга ишора қилишади.

Пардабой пойтахтда театр ва рассомчилик институтида ўқиган. Айни пайтда вилоят театрида ишлаб юради. Актёр. (Сўнгги уч-тўрт йил ичида ичкиликка ружу қўйган.) Вилоят марказига бориб келган бир-икки ҳамқишлоқ уни маст-аласт ҳолда кўчада юмалаб ётганини кўрган эмиш. Холназар чол бундай миш-мишдан қаттиқ куюнди, хафа бўлди. Бир гал Пардабой қишлоққа келганда обдан койиди, «Сасисанг қишлоқда саси, шаҳарни ифлос қилма», деди. Пардабой, «Ичсам ўзимнинг пулимга ичаман, менинг ҳаётимга ҳеч ким аралашмасин», деб бўқирди. Хуллас, даҳанаки жанг роса ярим тунгача давом этди. Пардабой саҳармардон яна шаҳрига жўнаб кетди. Отаси унинг ортидан ғамгин қараб қолди.

Элмурод акаси Пардабойга бир ачинса, бир ундан жаҳли чиқади. Уни кўп ҳам кўргиси келмайди. Афтидан, Пардабой ҳам уни соғиниб юрмаса керак, ҳатто укаси вилоят марказига ўқишга кириш илинжида борганида ҳам ёрдам бериш у ёқда турсин, аранг икки марта ижара уйига сўроқлаб борди, холос. Вақтим йўқ, бош қашлашга қўл тегмайди, деб ўзини оқлаган бўлди.

Элмуроднинг синфдошларидан тўрттаси талабалик гаштини суриб юришибди. Иккитаси вилоят марказида, иккитаси пойтахтда ўқишяпти. Улар аҳён-аҳёнда, таътил чоғлари қишлоққа келиб ўзларини кўз-кўз қилишади. Элмурод бу синфдошларига ўртаниб-ўртаниб, ҳавасланиб-ҳавасланиб қарайди. Беихтиёр кўзларига ёш қалқиди. Айниқса, талаба-синфдошлардан бири Элмурод учун жуда қадрли, жуда азиз. Элмурод унинг жажжи суратини ҳамиша кўкрак чўнтагида асраб юради. Овлоқ-овлоқда, айниқса, қўй-қўзи боқиб юрган кезларида унга тикилиб-тикилиб қарайди, ўзича пичирлаб гаплашади. Жуда-жуда соғиндим, дейди. Бу талаба-синфдош – Барчиной. Бердиқул муаллимнинг қизи. Кулча юз, қуралай кўз. Элмурод уни саккизинчи синфда ўқиб юрган кезларидаёқ севиб қолган. Пинҳона ўртанган, ёнган. Бошқа синфдошларидан Барчинойни қизганган. Назарида қиз ҳам унга бефарқ эмасдек эди. Кўрганда кулиб қарарди,

суҳбатлашиб қолишса, олдидан дарров кетишга баҳона изламасди. Элмурод Барчинойни турганда ҳам, хаёлидан ўтказганда ҳам олам-олам қувончга чулғанади. Уни узоқ йиллар кўрмагандай соғинади. Лекин Барчинойга севги изҳор қилишга ҳеч ботинолмади. Ҳали мавриди эмас деб ўйлади. Элмурод бирор олий ўқув юртининг талабаси бўлиб, сўнг секингина кизни бир чеккага тортиб, кўнгил дардини айтишни истарди. Айтганда ҳам пўрим уст-бошда, маданий, шаҳарча лаҳжада айтишни, қизнинг сўзсиз таслим бўлишини истарди. Афсуски, чархи кажрафтор деганлари чин экан.

Элмурод хўрсиниб боши узра қоп-қора чодрадай ястанган осмонга кўз югуртирди. Йўқ, ҳилолдан дарак йўқ. Кўк токининг у ер-бу ерида пайдо бўлган юлдузчалар ҳамма-ҳаммасига ўзлари айбдордек хоксорона мўлтирашади.

Қишлоқни яйловдан қайтган мол-ҳолнинг ўкирик-бўкириги тутди. Ем еб ўрганган жониворлар ўзлари тегишли хонадонлар тараф илдам одимлашарди. Оғилларда аксариятининг мурғак болалари қолган. Улар ҳам оналарини кутиб бетоқат маърашади, оғил эшиқларига ўзларини уришади.

Элмурод заранг таёқни ҳорғин судраганича ўз ҳовлиларига яқин келди. Бу ерда ҳам қиёмат-қойим, даштдан қайтган она совлиқлар болаларини сўроқлаб аччиқ-аччиқ маърашади, унга жавобан оғилхона ичидан қўзичоқларнинг қий-чуви эшитилади. Янгаси ва онаси кўра саранжомлаш билан банд.

Шу пайт дарвоза ёнида бир шарпа кўринди. Оқ оралаган сочлари ўсиқ-пахмоқ, озгинлигидан хийла новча кўринади. Эғнидаги одми кўйлаги, худди кўриқчи ёғочга илинган матодай шалвираб турибди. Элмурод Пардабойни дарров таниди.

«Акам келибди-да» ялт этиб хаёлидан ўтди унинг. Бу ўйдан хуфтон кўнгилнинг бир чеккаси андак ёришгандай бўлди. Чунки Пардабой охириги марта отаси билан жанжаллашиб кетганида Элмурод акам энди қайтмаса керак, деб ўйлаганди. Йўқ, Пардабой қайтибди! Ана, чала ёнган гўладай бўлиб, дарвоза ёнида турибди.

– Ассалому алайкум, ака, – деди Элмурод илжайганча Пардабойга пешвоз юриб. – Қишлоққа келибсиз-да.

Пардабой ҳам илжайган кўйи укаси билан илиқ кўришган бўлди.

– Сизларни соғиндим-да.

– Қачон келдингиз?

– Пешинга яқин. Бироз ёнбошлаб оёқ узатгандим, ухлаб қолибман. Ҳозир уйғониб ташқари чиққаним.

– Чарчабсиз-да.

– Ўзинг қалай, Мурод, – деди ака укасига ачинганнамо кўз ташлаб, – юрибсанми сурув ортидан?

Элмурод аччиқланди.

– Бошқа нима қилай? Акага ўхшаб мундай ёрдам берай демайсиз.

– Сабр қилиб тур, – деди Пардабой негадир сирли кўз қисиб жилмаяркан, – ҳали ҳаммаси зўр бўлади.

– Ким билади, сабр қила-қила чарчадим, – деди Элмурод оғир сўлиш олиб.

– Сени Қушқияда кўринганингдан бери кузатиб турибман, нега мунча осмонга аланглайсан? Ё ўз юлдузингни излаяпсанми?

– Йў-ўғ, – деди Элмурод хижолатланиб, – ўзим шунчаки...

Пардабой ҳамон укасига истехзоли кулимсираб, тикилиб турарди.

– Ё ҳилол чиқишини кутяпсанми?

– Э, боринг-е, – деди Элмурод баттар уялиб, – ҳилолни нима қиламан? Кўп эзма бўлманг.

У шоша-пиша дарвозадан кириб кетди.

Пардабой ёшлигида хийла хушрўй эди. Қоп-қора сочлари кўпириб, қулоқларини кўмиб турарди. Қизларникидек қошлари остидан алланечук хуморланиб боқувчи кўзлари неча-неча жононларнинг эс-хушини ўғирлаган. Айниқса, кийган кийими, худди Пардабой учун атай тикилгандай ярашиб туришини айтмайсизми? Хуллас, Қизилбет қишлоғидан чиққан бу хушсурат йигит пойтахтдаги олий ўқув юртини битириб, энг нуфузли, энг довруғи дoston театрда ишлаш

орзусида юрарди. Истеъдоддан ҳам Худо қисмаган Пардабойнинг иқтидорини, қобилиятини устоз-ўқитувчилар ҳам бот-бот эътироф этишарди. Қизилбетлик бўлажак актёр ҳам ўз устида бетиним ишларди. Тез-тез у-бу спектаклларда, ҳатто, киноларнинг оммавий сахналарида кўриниб турарди. Бу Пардабойнинг ҳам тажрибасини оширса, ҳам ҳамённинг тўлов қувватини оширарди. Кўлга киритган гонарарига Пардабой саховат билан ҳамсабоқларини, ора-чора устозларини меҳмон қилиб турарди. Ўзи туғилиб ўсган туманида эса кундан-кунга обрўси ошиб борарди.

Хуллас, Пардабой олий ўқув юртини тамомлагунча кўзга яқин бўлиб қолди. Эл оғзига тушди. Сўнг тўсатдан сувга тушган игнадек йўқ бўлиб кетди.

Омадсизликнинг ҳаммаси Пардабой институтни битириб, шаҳардаги нуфузли театрлардан бирига иш сўраб борган кундан бошланган эди. Ўшанда театр маъмурияти ёш актёрни гўёки хушмуомалалик билан кутиб олган бўлдию, лекин уни ишга олиш масаласини аччиқ ичакдай чўзди. Аввалига бўш ўрин йўқлигини, бироз сабр қилиб туриш лозимлигини айтишди, сўнггра Пардабойга шаҳарнинг доимий қайдидан ўтмаганини баҳона қилишди. Пардабой ҳали-ҳануз содда, қишлоқи йигит эди. Устига-устак, талабалик кезлари оз-моз орттирган шон-шуҳратининг шамолида ҳамон учиб, кўниб юрарди. Шу сабаб театр маъмуриятининг гап-сўзларига лаққа тушди. Уларнинг важларини чин юракдан деб қабул қилди. Эрта-индин театр жамоасига қабул қилинишига ишонч билан кунора ҳашаматли бино олдида пайдо бўлиб, гоҳ ходимлар бўлимига, гоҳ бош иш юритувчига учрашиб, ивирсиб юрди. Пардабой бундай бесамар келиб-кетишлардан, ҳавойи орзулардан чарчамади, лекин маъмурият чарчади. Йигитчанинг собит ирода билан кутиб юриши уларнинг жонига тегдими ёки ёш актёрга раҳмлари келдими, ажойиб кунларнинг бирида ниҳоят масала узил-кесил ҳал қилинди.

– Сизни директор сўраяпти, – деди юз-кўзи обдан бўялган ходимлар бўлими мудираси, – ҳозироқ кираркансиз.

Аёл бу гапни Пардабойнинг юзига қарамай, кўзларини бир уюм қоғоздан узмай айтди. Пардабойнинг юраги гурс-гурс ура кетди. Тиззалари билинар-билинемас қалтиради.

– Хўп, хўп. Ҳозир кираман, – дея аранг гўлдиради у, кенг залнинг тўридаги қабулхона томон одимларкан.

Пардабой директорнинг ҳузурига ўша илк иш сўраб келган кунни кирган эди. Шундан бери ҳам хаш-паш дегунча олти ой ўтибди. Кейинчалик уни йўлакда, гоҳ актёрлар бўлмасида бир-икки учратдию, лекин узук-юлуқ салом беришдан нарига ўтмади. Суст босди. Чунки қаршисидаги нафақат театр директори, балки бутун мамлакатда довруғи дoston, машҳурдан-машҳур актёр ҳам эди-да. Унча-мунча актёрлар кўрди дегунча «устоз-устоз»лаб етти букилиб қолишади.

Пардабой минг бир ҳаяжон ва ҳадик оғушида қабулхонага кирди. Енг-ёқасиз, калтагина кўйлаги баданини сириб турган, қош-киприклари таранг тортилган ўқ-ёйдаи котиба унга савол назари билан қаради.

– Сизга ким керак, – деди у Пардабойни хушламайгина кўздан кечираркан.

– Директорга кирмокчи эдим.

– Қандай масалада?

– Чақиртирган экан... – деди Пардабой узук-юлуқ гудраниб. Сўнг ўзининг кимлигини айтган бўлди.

Котиба миннату иддао билан ўрнидан туриб, қизғиш қопламали эшикдан кириб кетди.

Қабулхонанинг кенг-мўл деразасидан баҳор мўраларди. Ям-яшил дарахтлар, шохдан-шохга кўниб-учиб ўйноқлаётган қушчалар якқол кўзга ташланади. Чарақлаб турган офтоб ичкарини чароғон қилиб юборган.

Котиба шу кирганича ярим соат йўқ бўлиб кетди. Ниҳоят, у кўйлаги этакларини бир қўли билан пастга тортқилаб, бир қўли билан эса бироз кўкиб қолган соч турмакларини тўғрилаб чиқиб келди.

– Кираркансиз.

Директор кабинети жуда кенг ва ҳашамдор эди. Тўрдаги қизғиш стол ортида сочлари тепага қаратиб текис таралган, қалин қабоқ устидаги қошлари сийрак, семиз юзлари бироз

солқи тортган «Устоз» ўтирарди. У Пардабойнинг саломига билинар-билинемас бош ирғаб алик олган бўлди.

– Хўш, нималар қилиб юрибсиз? – деб сўради у томдан тараша ташлагандай.

Пардабой дабдурустан нима деярини билмай қолди. Устоз унга алланечук бегона кўз билан қараб турарди. Шундай бўлса-да, олти ойлик саргузаштларини узун-юлуқ айтиб берди, Устознинг ваъдаси ҳақида бот-бот эслатди.

– Ука, – деди Устоз узундан-узоқ эснаб олгач, – гапнинг очиги, бу ерда ортиқ овора бўлманг. Штатларни қисқартириш ҳақида юқоридан буйруқ олганмиз, қолаверса, шаҳарда пропискангиз йўқ. Хуллас, энди бу ерда кўп ўралашмай, вилоятингизга қайтиб кетаверинг. Ахир, у ёқда ҳам театр бор, маданият уйлари бор. Кўринган одам пойтахтда қолиб кетаверса нима бўлади. Хуллас, ука...

Хуллас «ука»нинг қиличи синиб, қалкони тешилиб, директор ҳузуридан чиқди. Иш йўқ. Буткул рад этилди.

Пардабой қачон театр ҳудудидан чиққанини, қачон унинг ёнидаги қаҳвахонага кирганини билмайди. Бутун борлигини зулмат қоплаганди. Қулоқлари остида директорнинг қиличдек кескир сўзлари жаранглаб турарди. «Иш йўқ. Вилоятга қайтинг...»

Пардабой ёнига келган, оқ этак тутган хизматчи қизга икки юз грамм ароқ ва газак учун нарсалар буюрди. Одатда, у ичкиликка сира қизикмасди. Ора-чора, туғилган кун, тўю тантана муносабатлари билан бир-икки қултум ютишини ҳисобламаса, Пардабой кайвонилар боплаб таърифлайдиган, ичмайдиган, бинойи йигитлар сирасига кирарди. Бироқ айна пайтда у қандай қилиб ароқ буюртма қилганини, бундан не мақсадни кўзлаганини ўзи ҳам билмасди. Назарида, ҳозир тўйиб-тўйиб ичиши, ҳамма-ҳаммасини унутиши керак эди.

– Мумкинми?

Қўлларини иягига тираб паришон ўтирган Пардабой овоз келган томонга чўчиб ўғирилди. Унинг шундоққина тепасида ёши олтмишларни қоралаган, юзлари серажин, эгнига анча уриниб қолган кўйлак кийган, сийрак сочларига қуюқ

оқ оралаган Ориф Йўлчи турарди. Пардабой уни кўриб одатдагидек на ҳовлиқди, на шошди. Ўзини танимасликка олиб тураверди.

– Ёнингизга ўтирсак, майлими? – деди Ориф Йўлчи сигарет ва қуюқ қаҳвадан сарғайиб кетган тишларини кўрсатиб илжаяр экан.

Пардабой бепарво ишора қилди.

– Марҳамат, ўтираверинг.

Ориф Йўлчи стулларнинг бирини оғир ғижирлатиб чўқди. Йигитга алланечук истехзоли кўз ташлаб қўйди.

– Ароғингизга мени ҳам шерик қиласизми?

Пардабой бу гапга нима деб жавоб беришни билмай, елка учириб қўя қолди.

Ориф Йўлчи ҳам таниқли актёрлардан. Талабалар ўртасида у ҳақда ҳам тез-тез суҳбатлар бўлиб турарди. Суҳбатлар баъзан уч-қуйруқсиз баҳсларга, тортишувларга айланиб кетар эди. Айрим талабалар Ориф Йўлчини юксак истеъдодли, буюк актёрлар сафига қўшса, баъзилари уни ўртамиёна ҳисоблашарди. «Итнинг орқа оёғи» деб очиқ-ошкора масхара қилишарди. Улар бунинг исботи тариқасида Ориф Йўлчининг шу пайтгача бирорта ҳам жиддий бош ролни ижро этмаганини, юксак мукофоту унвонлари йўқлигини рўқач этишарди. Пардабой бундай баҳсларга дадил аралашмаса-да, ўша пайтлар шон-шуҳратли талаба бўлгани учунми, ҳар қалай у ҳам ич-ичида Ориф Йўлчини омадсиз, ўртамиёна актёр деб ҳисоблар, унга бир ачинса, бир энсаси қотар эди. Ич-ичида ўзича Тангрига ҳам илтижо қилиб қўярди: «Ё Худо, шундайлардан бўлиб қолишимдан ўзинг асра!»

Мана, нон-насиба экан, бугун ўша, ўзи бир пайтлар ўхшаб қолишдан чўчиган Ориф Йўлчи билан юзма-юз ўтирибди.

– Адашмасам, сиз Пардабой Норбоев бўлсангиз керак, – деди Ориф Йўлчи, хизматчи қиз келтирган ароқни бетакал-луфлик билан ўзи томон суриб қўяркан.

Йигит сергакланиб бош ирғади. Бош ирғаркан, ўзининг таниқлилигидан, ҳатто, Ориф Йўлчи ҳам уни билишлигидан кўнгли бир қур ёришиб кетди.

– Мени каердан танийсиз? – дея номига сўраган бўлди.

– Каердан бўларди, – деди Ориф Йўлчи, йигит учун келтирилган ароқни қадаҳга қуйиб ўзи сипқориб юбораркан, – ижроларингизни кўрганман, одатим шунақа, ёш актёрларнинг ижодини эринмай кузатиб бораман. Ҳар қалай, ҳаракатларингиз ёмон эмас.

Ориф Йўлчи газак учун келтирилган кўкат-сабзавот тўғрамаларини ютоқиб чайнай бошлади. Шу орада ёнларидан ўтиб қолган хизматчи қизга ўн сих кабоб ва олма шарбати келтиришни буюрди.

– Бугун сизни би-ир меҳмон қилай, – деди Ориф Йўлчи, графиндаги қолган ароқни яна ўз қадаҳига қуйиб оларкан, – қолган гаплар кейин.

Пардабой уни анграйиб кузатиб турарди. Ўзича Ориф Йўлчининг янги бир қиррасини, яъни шилқим ароқхўр эканини ҳам кашф этгандай бўлди. Бироқ унинг қўлидан ўзи буюртма қилган, кекса актёр тап тортмай сипқориб юборган ароғини тортиб олишга негадир журъат этолмади. Гудранганча Ориф Йўлчига «бемалол, бемалол» деб қўйди. Шу орада хизматчи қиз олма шарбати ва ўн сих кабоб келтириб қўйди.

– Қани, шарбатдан ичинг сиз, – деди кекса актёр йигитга имо қилиб, сўнг дабдурустдан сўради, – театрға ишга кирдингизми?

Пардабой бош чайқади.

– Йўқ, киролмадим.

– Нега?

Пардабой тўлиб турганиданми, ё Ориф Йўлчининг алла-нечук очик чехраси маъқул келдими, ишқилиб бошидан кечирган оворагарчиликларни оқизмай-томизмай айтиб берди.

– Шунақа денг, – деди Ориф Йўлчи истеҳзоли илжайган кўйи бош чайқаркан. Унинг истеҳзоси театр маъмуриятига қаратилган эди.

– Ҳа, бўш ўрин йўқ дейишди.

– Қани, кабоб совиб қолмасин, Пардабой, тезроқ тинчитайлик буни.

Қизик, Ориф Йўлчининг бетакаллуф, қўпол қилиқлари тобора йигитга ёқиб борарди. Ҳатто кўнгилсизликларни уну-

тиб иштаҳаси очилиб кетди. Кекса актёр яна юз грамм ароқ келтириб ичди. Пардабойга бир томчи ҳам қуйиб бермади.

Қаҳвахонада ҳўрандалар сийрак эди. Синчиклаб қараган киши уларнинг аксарияти театр ходимлари эканини дарров билиб олади. Суҳбатлар мавзуси ҳам одатдагича: ижролар, спектакллар...

– Энди гап бундай, Пардабой, – деди Ориф Йўлчи ниҳоят, кабоб паққос туширилгач, – эртага шу пайт, шу ерда яна учрашамиз. Мен сизни театрга ишга олишларини илтимос қилиб кўраман.

Эртаси куни Пардабой келишилганидек ҳозир у нозир бўлди. Бироқ барибир кечикибди. Ориф Йўлчи кечаги стол устини нозу неъматларга тўлатиб, илжайган кўйи йигитни кутиб турган экан! Егуликлар қаторида турган графиннинг бўш туришига қараганда кекса актёр аллақачон томоғини хўллаб олган.

– Марҳабо, марҳабо, Пардабой Норбоев, – деди у кенг кулоч ёйиб, – театримизнинг, санъатимизнинг порлоқ эртасига хуш келибсиз.

Ориф Йўлчининг илтифотлари ёқиб тушдими, ё унинг авзойидан иш битганини сездими, ҳарнечук, Пардабой қувонч ва ҳаяжондан бироз довдираб қолди. Кекса актёр билан кавовланиб кўришиб, пойинтар-сойинтар сўрашган бўлди.

– Қани, дастурхонга марҳамат, – деди Ориф Йўлчи, – совиб қолмасдан паққос туширайлик.

Улар жимжит овқатлана бошлашди. Ора-чора кекса актёр Пардабойнинг оиласи ҳақида, ўқишлари ҳақида узук-юлуқ савол берган бўлди. Лекин йигитнинг назарида у жавобларни лоқайдлик билан эшитгандай туюлиб, бироз оғринди. Ориф Йўлчи яна ичди. Пардабойнинг олча шарба-ти тўла пиёласига чўқиштириб, ортиқча мулозаматсиз ароқ сипқорди.

Кеч кириб келарди. Дераза ортидан тобора қорайиб бораётган осмон кўзга ташланади. Қаҳвахонанинг қай бир бурчагида магнитофондан ҳазин куй таралмоқда.

– Гап бундай, Пардабой, – деди Ориф Йўлчи, – дастурхон учун хизматчи аёл билан ҳисоб-китоб қилиб юборинг, сиз

ишга қабул қилиндингиз. Эртадан бошлаб менинг гуруҳимда репетицияларни бошлайверасиз. Кадрлар бўлимига учрашинг. Бўпти, эртагача хайр. Яхши дам олинг.

Ориф Йўлчи ортиқча гап-сўзсиз, йигит томон бир шўх кўз қисдию ўрнидан турди. Сўнг алланечук енгил қадамлар билан, ҳатто, тузукроқ хайрлашмай, ташқарига чиқиб кетди.

Пардабой ҳангу манг бўлиб қолди. Худди сеҳрланган бақадай кекса актёрнинг ортидан анграйганча қотди. Кўнгли беадоқ миннатдорчиликка тўлиб тошган эди. Лекин у сўзга айланиб бўғзидан отилиб чиқишга иймангандай, бутун вужудини жўштириб турарди.

– Раҳмат, Ориф ака, – деди аранг, ҳаяжон билан ўрнидан тураркан.

У ташқарига чиқиб кекса актёрни топиш учун тевааракка аланглади. Лекин Ориф Йўлчи гира-шира қоронғуликда кўзга ташланмади. Шу пайт Пардабой тахтадай қотди. Ногоҳ у кўк тоқида тиллақошдек ярқираб турган ҳилолни кўриб қолганди. Негадир беихтиёр ўлкаси тўлиб, кўзларига ёш қалқди.

Эртаси куни ҳаммаси силлиққина кечди. Ходимлар бўлимидаги аёл аллақандай қоғозга қўл қўйдириб олдида, ҳисобчига йўллади. Бироқ Пардабой қувноқ кайфиятда ҳисобчининг хонаси томон йўл оларкан, орқасидан ходимлар бўлими мудираси маънодор қараб қолганини сезмади. Иттифоқо, ҳисобчи ҳам йигитни, аллақандай қоғозга қўл қўйгач, маънодор нигоҳлар билан таъқиб қилиб қолди.

Шундай қилиб, Пардабой Норбоев, истеъдодли ёш актёр Ориф Йўлчининг гуруҳида иш бошлади. Кекса артист уни бир қадам ҳам ёнидан жилдирмас эди. Ўзи режиссёрлар билан гаплашиб, йигит учун икки-уч кичик-кичик роллар олиб берди.

Кунлар шу тариқа ўтиб борар эди. Ҳаш-паш дегунча уч ой ортда қолди. Тўсатдан фалокат рўй берди. Ярим тунда аллақайси қаҳвахонадан маст ҳолда чиққан Ориф Йўлчини машина туртиб кетибди!

Бу хабарни эшитган Пардабой касалхона манзилини аниқлаб ўша ёққа югурди. Бутун вужудини хавотир, таҳлика

эгаллаганди. Йўл-йўлакай дилида, тилида бир илтижо айланди: «Ё Худо, устозимни асра, дардини арит!»

Бироқ чархи кажрафтор деганлари чин экан! Ориф Йўлчи касалхонадан чиқмай жон берди. Пардабой чинакамига, худди отасидан ажраб қолгандай ўкириб-ўкириб йиғлади. Унинг йиғлаганини кўрибми, ҳар қалай, Ориф Йўлчининг қарахт турган фарзандлари ҳам кўзларига ёш олишди. Лекин не бахтки, Пардабой устози билан видолашишга улгурди. Ўша куни у ҳаллослаб етиб келганида Ориф Йўлчи бутун аъзойи бадани оппоқ доқа билан ўраб ташланган кўйи, гоҳ-гоҳ ҳушидан кетиб ётарди. Бироқ у Пардабойни таниди.

– Сен, Худо хоҳласа, буюк актёр бўласан, – деди пичирлаб, зўрға-зўрға нафас ростлаб.

Пардабойнинг кўзига ёш қуйилиб келди. Ориф Йўлчи қазо қилгач, у чинакам ўғил, чинакам шогирд сифатида ҳамма маъракаларда бел боғлаб турди. Ҳатто чўнтагидаги оз-моз жамғармасини ҳам харж қилди. Лекин кўнгли тўқ эди. Чунки ой охирлаб борар, йигитнинг чамасига кўра, у баъзи бир гонорарларини қўшиб ҳисоблаганда яхшигина маош олишни мўлжалларди.

Ҳаёт шундай ғалати, шундай сирли экан. Ўлган ўлиб, тириклар яна турмуш ташвишлари билан андармон бўлиб кетаверар экан. Кун ўтган сайин Пардабой ҳам устозининг ўлимига кўникди. Иш ҳақида ўйлай бошлади. Ориф Йўлчининг маъракалари ўтгач, бир кун дам олдию, яна театрға йўл олди. Янги спектаклдан кичик бир роль теккан, машғулотға улгуриш керак.

Теваракда куз шарпаси кезарди. Йўл чеккасидаги дархатлар ҳорғин ва маъюс ҳолда ҳазонлар сочади. Ёз жазирамасининг шашти хийла сусайган. Аҳён-аҳён шамол аллақердандир парку булутларни ҳайдаб келади.

Пардабой ҳаёлан ой санасини эсларкан, туйқус маош куни эканини билиб қувониб кетди. Шу сабаб, аввало, касса туйнуғи томон ошиқди.

– Норбоев, сиз директорға учрашар экансиз, – деди кас-сир қиз кўзларини олиб қочиб.

– Нега? – ажабсиниб сўради Пардабой.

– Билмадим... Тез учрашсин деб тайинладилар. Пардабой минг бир хаёл билан қабулхона томон юрди. Чиндан ҳам театр директори уни кутиб турган экан. Лекин бу гал у ўрнидан туриб, ёш актёрни хушмуомалалик билан кутиб олди. Директор алланечук безовта эди. Қуюқ сочларини панжалари билан тез-тез асабий тароқларди.

– Ҳаёт шу экан-да, Пардабой, – деди у оғир бир сўлиш олиб, – яхши бир ижодкор дўстимиздан ажралиб қолдик. Ориф акани Худо раҳматига олган бўлсин.

Пардабой бош эгиб хомуш ўтирарди.

– Хў-ўш... ука, – гапида давом этди директор. Шу баробарида саросималаниб гоҳ у, гоҳ бу қоғозга бемақсад қўл чўзарди, – аччиқ бўлса ҳам сизга бир сирни очишга мажбурман. Биз... биз сизни расмий ишга олганимиз йўқ.

– Нима?

– Биласиз... бўш ўрин йўқ эди. Лекин раҳматли Ориф ака оёқ тираб туриб олди. Шу йигит театримиздан кетмаслиги керак, деди. Мен вазиятни тушунтирдим. Шунда Ориф ака антиқа таклиф ташлади. Пардабой театрда олти ойча ишлаб туради, шу пайт ичида унга ойликни ўз ёнимдан бериб турман, деди. Мен ҳам ўйламай-нетмай «хўп» деб юборибман.

Тўғрироғи, Ориф аканинг чин кўнгилдан гапирганига ишонмаган эдим. Кейин билсам, у киши жиддий айтган экан. Отдел кадрниям, бухгалтерниям шунга кўндирибди. Улар гўёки сизга расмий қоғозларга қўл қўйдиргандек бўлгани билан, аслида Ориф ака ўз чўнтагидан пулни маош сифатида сизга топширган.

Пардабой тахтадай қотиб қолди. Томоғига данакдек қаттиқ бир нарса тиқилгандай бўлди. Кўз олди тобора қоронғилашиб борарди.

– Энди бу ойча маошсиз ишлаб турасиз, келгуси ойдан биз сизни расмий ишга қабул қиламиз. Тўғрироғи, Ориф аканинг ҳурмати учун шундай қиламиз...

Пардабой директорнинг гапи тугамасдан беихтиёр ирғиб туриб йўлакка отилди. Ундан шитоб билан театр боғига чиқди. Чиқдию, шу пайт томоғига тиқилиб турган нарса

ўкирик бўлиб бўғзидан отилди. Кўзлари қуйилиб келаётган ёшдан хира тортди.

Йўқ, Пардабой театрда қолмади. Тўғрироғи, ҳар бир устунни, ҳар бир жиҳози Ориф Йўлчини эслатиб турган бу ғўшада ортиқ хотиржам юролмаслигини, бемалол ишлаёлмаслигини туйқус англаб етди.

Пардабой ўз вилоятига кетишга қарор қилгани ҳақида директор ўринбосарига қуруққина айтдию, ўша кунийёқ, оқшом пайти поездга ўтирди. Поездга ўтираркан шаҳар билан буткул хайрлашиш мақсадида теваракка яхшилаб назар ташлади. Шу лаҳза... шу лаҳза осмон тоқининг бир четида уч-тўрт митти юлдуз қуршовида дийдирабгина турган ҳилолга кўзи тушди.

Дунёда афсоналар кўп, ривоятлар кўп. Афсонаю ривоятларга боғлиқ муқаддас жойлар, муқаддас удумлар кўп. Хусусан, қизилбетликлар ҳам ҳилол илк балққан уч кечани ғоят муқаддас санашади. Янги ой милтирабгина турган оқшом осмонга кўзи тушган ҳар бир ёшу қари беихтиёр дуога қўл очади, энтикади. Ўз тилақларини, орзую армонларини айтишга ошиқади. Айтишларича, яъни афсоналарда тилга олинмишича, худди ҳилол балққан кеча Қизилбет қишлоғининг кунчиқардаги Тақирқир ён бағрида Кокилдор ота пайдо бўлармиш. Кимда-ким ул зотни кўриб, икки-уч оғиз суҳбатлашиш бахтига муяссар бўлса, жамики орзу-ниятига эришар экан. Узоқ умр, фаровон ҳаёт унга ёр бўларкан. Баъзи бир дуохон лўлилар лутф этгандай, ҳам тахтидан, ҳам бахтидан тегар экан!

Кокилдор отанинг муборак қиёфасини кўрганлар ҳам, кўрмаганлар ҳам эъзозу эҳтиром ила уни бир хил таърифлайди. Бош-адоқ оппоқ кийинган, қўлида букри ҳасса, қош-киприклари ҳам оппоқ. Лекин негадир ўнг қулоғи устидан бир қаричча тушиб турган кокили қоп-қора. Одамлар Кокилдор ота қиёфасини беҳуда бу қадар ипидан-игнасиғача тасвирлашмайди. Бунда ўзига хос сабоқ бор. Кимда-ким ҳилол балққан кеча Тақирқирда шундай қиёфадаги қарияни кўрса, демак, у Кокилдор отани кўрган бўлади. Лекин ўпкаси йўқ, ҳовлиқмалар ҳам кўп.

Нодир ҳисобчи бир гал хилол балққан кеча Тақирқир ёнбағрида Кокилдор отани кўрдим деб бутун дунёга жар солган. «Ўлай агар, оппоқ кийимда экан» деган у, оғзидан тупук сачратиб. Лекин кўп ўтмай, ўша оппоқ либосдаги қария, кампирининг дағдағасидан кўркиб, Тақирқирга сарпойчан қочиб чиққан Раҳимбой оқсоқол экани маълум бўлди. Нодир ҳисобчи мулзам тортиб қолди. Шундагина Тақирқирда кўринган ҳар қандай шарпага сажда қилиб қолмай, одамлар оғзида бот-бот такрорланган аломатларнинг бор-йўқлигига эътибор бериш лозимлигига иқрор бўлди. Айниқса, унинг қоп-қора кокилига, эгри ҳассасига диққат қилиш керак. Нодир ҳисобчи эса оқ кўйлак-иштоннинг шамолда елкандек шишишини кўриши биланок орқасига қарамай қочган. Кўрқув ва ҳаяжон исканжасида Кокилдор отага йўлиққан чоғ унга эъзозу ҳурмат билан салом бериши кераклигини, у билан суҳбатлашиши зарурлигини ҳам унутган.

Ҳа, Қизилбетда Кокилдор отанинг номи ва шаъни шундай улуғланади. У зот ҳақида дард ва изтиробга лиммо-лим, бир-биридан қизиқарли афсоналар юради. Одамлар бу хил ривоятларга шак-шубҳасиз ишонади. Кокилдор отага хоҳ яширин, хоҳ ошкора эъзоз-эҳтиром кўрсатади.

Қадим-қадим замонларда Сурхон-Бойсун томонларда бир кичкинагина подшолик бўлган экан. Бу мамлакат кичкинагина бўлса-да, эл-улуси аҳил, турмуши тўкин ва фаровон экан. Одамларнинг яхшилигидан, ҳукмдорларнинг одил ва меҳрибонлигидан Тангри ҳам бу подшоликдан ўз раҳм ва марҳаматини дариг тутмас экан. Баҳорда дала-даштни паррандаю даррандаларнинг ўзлари шудгор қилиб, ўзлари уруг қадар экан. Сўнгра вақти-соати етиб, ҳосил етилгач, дон-дунни чумоли-қумурсқалар лашкари одамларнинг омборларига ташиб беришар экан. Боғлар-чи, боғларни айтмайсизми?! Чорбоғлардаги мўл-кўл ҳосилни шўх шамоллар авайлабгина ерга тўкиб, хирмон қилишар экан. Сўнгра уни кишиларнинг ўзлари хоҳлаганича еб, хоҳлаганича ғамлаб олишар экан. Лекин уларнинг энг яхши кўрган амали – далаларида, чорбоғларида етиштирилган ҳосилнинг ярмисини

хайру эҳсон қилиш экан. Хайру эҳсон қилганда ҳам яширинча, ҳеч кимга овоза қилмасдан, миннату таъмадан холис равишда бир-бирларининг уйларига ташлаб кетишар экан. Қизганчиқлик, ҳасад-адоват, бахиллик ва ёвузлик бу мамлакат одамларига ёт экан. Балки шунинг учундир, бу юртни Сарсара, яъни «тозаларнинг тозаси» деб аташган.

Хуллас, Сарсаранинг довуғи бутун дунёга машҳур бўлибди. Дўстлар кулиб, душманлар куйибди. Лекин бу кўҳна дунё шунчалар маккор, шунчалар чигалки, унинг жумбоқларига жавоб тополмай, лолу ҳайрон қоласан. Бошингни минг бир тошга урсанг-да унинг не бир сиру синоатини англаёлмай гирён ўтасан. Кўҳна дунёнинг ажаб ҳолларидан бири шундаки, бағрига яхшиларни қанча кўп жойлаган бўлса, тагин яна шунча ёмонларни ҳам қўйнида яйратиб қўйибди. Худди шундай бадкирдор инсонлардан бири султон Сармаст эди.

Султон Сармаст улкан бир мамлакатнинг ҳукмдори экан. Қаттиққўл, ёвуз, жоҳил ва очкўз бу тождор ўз халқининг конини зулукдек сўриб, азоб-уқубатга қўяр экан. Мамлакатни хароб, эли оч-юпун бу ҳукмдор қўшни подшоликларга ҳам тез-тез босқинчилик ва талончилик юришлари қилиб турар экан. Кунлардан бир куни хуфияларидан бири султон Сармастга Сарсара юртининг таъриф-тавсифини етказибди. Шундай гўзал ва обод юртнинг дарагини эшитган ёвуз ҳукмдор тинчини йўқотибди. Қандай қилиб бўлса ҳам Сарсарани босиб олишни, бойликларини талаб, эл-улусни кул қилишни режалаштирибди. Шундай мақсадда ўз амир-амалдорларига катта лашкар тўплашни буюрибди. Аслида бу юртда лашкар тўплаш унчалик қийин иш эмас экан. Чунки оч-юпун одамларга қай йўл билан бўлса ҳам бир бурда нон топишнинг қандай фарқи бор? Улар бир бурда нон илинжида ҳеч нарсадан қайтишмайди: лашкар десанг лашкар бўлади, чавкар десанг чавкар бўлади. Султон Сармастнинг ҳам ютуғи шунда экан. Хуллас, бу бадкирдор ҳукмдор қўшин тўплаб, Сарсара сари юриш бошлабди. Улар йўл юрса ҳам, мўл юришаверишсин, энди икки оғиз сўзни Сарсара томондан эшитинг.

Султон Сармастнинг катта қўшин тўплаб келаётганини эшитган Сарсара подшоси ва унинг амиру амалдорлари зудлик билан ҳимоя чораларини кўришга киришишибди. Эл-улус ўз улуғларининг чақириқларига лаббай деб жавоб берибди. Хуллас, энг аввало, мамлакат ҳудуди баланд ва мустаҳкам девор билан ўралибди. Лашкар яхши ҳарбий таълим олибди. Ёвуз душмандан ҳимояланиш учун барча чора-тадбир кўрилибди.

Лекин ҳамма бало шунда эдики, сарсараликлар табиатан тинчликпарвар, тараққийпарвар халқ бўлгани учун, уларда на аскар, на қурол-яроғ бор экан. Жангчилик, қон тўкиш уларга ёт экан. Шу сабаб туйқус келган кўргуликдан буткул гангиб қолишибди. Не қилиш кераклигини, не бир чора-тадбир кўриш кераклигини билишмабди.

– Эй, халойиқ, – дебди шунда улуғ ёшли оқсоқоллардан бири, – бизнинг яккаю ягона ҳимоячимиз, суянчимиз яратган Тангри, келинлар, баланд тоққа чиқиб Тангримизга илтижо қиламиз, фақат Ўзидангина нажот сўраймиз.

Бу фикр эл-улусга ҳам, юрт раҳнамоларига ҳам маъқул бўлибди. Сарсараликлар мамлакат ҳудудидаги баланд тоғ этагига йиғилишибди. Улуғ ёшли оқсоқол ва яна уч-тўрт ибодатгўй, тақводор киши чўққига кўтарилишибди. Улар илтижо билан дуо қилишибди:

– Эй, пок ва қудратли Тангри! Биз ҳамиша Сенга ибодатда бўлдик. Амрингга бўйсундик. Лекин бутун бошимизга фалокат келиб турибди. Ёвуз ва осий бир банданг устимизга қилич қайраб келмоқда. Ё, Тангри, Ўзинг уларга кифоя бўлгин. Бизни золимнинг зулмидан Ўзинг асра!

Халқ гулдурос овозда дуога жўр бўлиб турибди: «Ўзинг асра!» Одамларнинг қий-чуви, илтижо ва ўтинчи шу қадар жаранглабдики, еру кўк ларзага келибди. Ларзанинг зарбиданми, ё бошқа бир сабабданми илтижо ва нолалар ҳар гал гулдурос билан такрорланганда тоғ ўз-ўзидан бир қулоч-бир қулоч пасаяр экан. Ниҳоят, у кичик бир тақир қирга айланиб қолибди. Шу аснода халқ илтижосига жавобан сарсараликлар устидан бир қуш ғалати товушда сайраганича учиб ўтибди. Унинг сайроғида «омонлик», «омонлик» деган сўз яққол се-

зилиб турар экан. Бу муждадан мутаассир бўлган халқ сажда қилганлари ҳолда ер кучиб, Тангрига беадоқ шукроналар айтишибди. Улар сажда қилган кўйи шукроналар айтаверишин, икки оғиз сўзни ёв томондан эшитинг.

Султон Сармаст Сарсара гира-шира кўриниб турадиган беҳудуд ялангликка беадоқ лашкарлари билан қўналга қурган экан.

Ҳаммалари бетоқат. Тезроқ уруш бошлаб Сарсарани горат қилишни истайди. Айниқса, оч-юпун лашкар очкўзлик ва ташналик билан Сарсара томон тиш қайраб кўз ташлайди. Лекин худди шу лашкар ичида Кокилдор лақабли бир оқкўнгил, покиза йигит бор экан. Унинг ўнг қулоғи устида бир қаричча ўсиб турган кокили бўлгани учун тенг-тўшлари шундай деб аташар экан. Бу кокилнинг ҳам ўзига яраша ривояти бўлган.

Ривоят шулки, йигит она корнидан шу кокили билан туғилган. Балки бунга унинг тақводор, ибодатгўй ота-онаси сабаб бўлгандир. Ҳар қалай, улар соғлом туғилган боланинг кокили бежиз эмаслигини, бунда бир ҳикмат борлигини англашган. Англашган ва Яратганга беадоқ шукроналар айтишган, болаларига покизалик, обидлик тилашган. Қарангки, Кокилдор чиндан ҳам шундай инсон бўлиб вояга етган. Тевараги жабр-зулм, риё ва ёлғон, қашшоқлик ва ҳаромхўрликка тўла бўлишига қарамай, у Ҳақ йўлидан озмаган. Ҳамиша яхшилик тарафида бўлган. Эзилганларга, хўрланганларга кўмак бермоққа ошиққан. Лекин минг афсуски, Кокилдорнинг бундай оқкўнгиллиги, олийжаноблиги, қавмдошлари орасида қадр топмаган. Барчалари унинг устидан кулишар экан. Саховатлилигини, тантилигини нодонликка, калтафаҳмликка йўйишар экан. Мабодо Кокилдор яхшилик ва эзгуликка чорлаб панд-насиҳат қилса, уни масхаралаб ҳақоратлашар, ҳатто тош отиб, калтаклашар экан. Бечора йигит нима ҳам қила оларди? Ҳаммасини Худога солиб, афсус-надомат билан бош чайқаб қўяркан, холос. Худди шундай қайгули кунларнинг бирида унинг қайғусига қайғу қўшилиб Сарсара устига юриш бошланибди. Кокилдор Сарсара ҳақида кўп ва хўб эшитган эди. У ернинг оқкўнгил, меҳнаткаш ва ҳалол қавмига ҳаваси

келиб юрарди. Ўзи ҳам жуда кўп бор ўша ёққа бош олиб кетишни ният қилган. Бироқ ичидаги бир овоз бунга монёлик қиларди. «Сен шу ерда кўпроқ кераксан, қавмингни ташлаб кетма».

Кокилдор ич-ичидан бу илоҳий даъватга беихтиёр бўйсунарди. Дала-даштда чўпонлик қилиб юрган бу йигитни ҳам лашкар сафига мажбурлаб олишади. Бир-икки аскарликдан бош тортганида уни султон навкарлари каттиқ калтаклашади. Кокилдор ноилож Сарсара урушига жўнайди. Лекин кечаю кундуз ибодат қилади, дуо қилади. «Ё, Танграм, қавмимга инсоф ва диёнат бер! Ё, Танграм, Сарсарани Ўз химоянгга ол. Мен мазлум бандангга тўзим бер».

Кокилдор, одатда, тунлари, овлоқ бир даштликка чиқиб ибодат ва илтижо қилар эди. Шундай тунларнинг бирида лашкар қўналғаси теварагида айланиб юрган султон Сармаст ва унинг ёнидаги мулозимлари Кокилдорни тутиб олишади.

«Қайдан келяпсан?» деб сўрашади ундан.

«Ибодат қилиб олдим», соддалик ва оққўнгиллик билан жавоб беради йигит.

Султон Сармаст унга кўп ҳам эътибор бермайди.

«Ибодат қилса қилибди-да» деган хаёлга боради. Лекин унинг ёвуз фолбини йигитни зимдан кузатаркан, дарров хушёр тортади.

«Ҳазратим, — дейди султон Сармастга ялтокланиб, — бир қошиқ қонимдан кечинг, сизга бир сирни очаман».

«Сўйла, қария».

«Менга илоҳий пайғом етди, бу йигит сизга ва салтанатга катта фалокат олиб келади. Уни дарҳол қатл айламоқ лозим!»

Султон Сармаст кибру ҳаво билан қаҳ-қаҳ отиб кулади. Фолбиннинг гапларига ишонмайди. Сўнг бепарволик билан дейди:

«Қўявер уни, қария. Бунақа ибодатгўй лапашанглар биринчи жангдаёқ ўлиб кетади. Шўрлик, менинг марҳаматимдан ўшангача яшаб турсин!»

Султон Сармаст яна қаҳ-қаҳ отиб кулади. Фолбиннинг қайта-қайта айтган гапларига кулоқ солмайди.

Шундай қилиб, Кокилдор муқаррар ўлимдан омон қолибди.

Сарсараликлар саҳар чоғи тоғ этагида ибодат ва илтижони бошлаб юборишган бир пайтда Кокилдор ҳам уйғоқ эди. Қўналға ёнидаги улкан харсанг устида мунғайибгина ўтирарди. Сарсараликларнинг гулдурос солган илтижо ва нолалари ёв қўналғасига ҳам эшитилиб турарди. Бу гулдуросдан, ҳатто, султон Сармаст ва унинг хос мулозимлари уйғониб кетишибди. Аввалига ҳангу манг бўлишган. Сўнг бу гулдурос илтижо ва нола товуши эканини англашиб, ҳузур қилишган. «Эҳ, нодонлар, – дебди султон Сармаст, – Тангридан нажот сўрагунча, мендан шафқат сўрасаларинг бўлмайдами?»

Сўнг мириқиб қаҳ-қаҳ отиб кулибди. Мулозимлар ҳам унга қўшилишибди.

Бу пайтда Кокилдор ҳануз харсанг устида тек қотиб ўтирар, ич-ичида Тангрига илтижо қилар экан. Бир пайт осмонда бир қуш пайдо бўлиб, ғалати бир тарзда сайрай бошлабди. Кокилдорнинг теварагида чарх уриб учибди. Шунда йигитнинг қулоғига бир илоҳий сас эшитилибди. «Шу қушга эргаш!»

Кокилдор қуш ер бағирлаб учган тарафга қараб юра бошлабди. Ҳайрону лол бўлганидан анчагина юриб қўйганини сезмай қолибди. Йигит қушга эргашиб бир сайҳонликка тушибди. Шу асно қуш унинг қўлига қўниб, қанотлари билан кафтини силабди-да, сўнг сал наридаги кичик бир тош бўлаги устига қўнибди. Кокилдор буткул ҳайрону лол. Қуш қанотлари билан ўша тош бўлагини силабди. Тош шу лаҳзадаёқ қуйма олтинга айланибди. Қуш эса ғалати сайраган қўйи йигит теварагида яна бир карра чарх ургач, туйқус кўздан ғойиб бўлибди. Кокилдор бу сиру синоатни дарров англаб етибди. Дарҳол ердан бир тош бўлагини олган экан, қўлидаги шу лаҳзадаёқ олтинга айланибди. Йигит кўзида ёш билан илтижо қилибди: «Ё, Тангрим, мени сийлаб, каромат ато этганинг учун Ўзингга минг бора шукр. Қасамки, неъматингни фақат яхшиликка ишлатаман».

Ўшанда Кокилдор сайхонликдан кўнгли тоғдай кўтарилиб қайтган экан. Лекин уни султон фолбини кўйган айғоқчи кузатиб юрганини йигит билмабди. Қўналға ёнида айғоқчи Кокилдорнинг йўлини тўсиб чиқибди.

«Мен ҳаммасини кўрдим!» дебди у бадхоҳлик билан тиржайиб.

«Қўлингни бер», дебди йигит хотиржам қиёфада.

Айғоқчи илкини узатибди. Кокилдор унинг кафтини бир силаган экан, айғоқчининг кўлида бир уюм олтин пайдо бўлибди.

«Лекин бу сирни ҳеч кимга айта кўрма, – дебди Кокилдор. – Агар айтсанг, олтининг тупроққа айланиб қолади».

Айғоқчи тиржайибди: «Айтиб, ўлибманми, туя кўрдингми, йўқ».

Айғоқчи шарпадай қилпанглаб кўздан ғойиб бўлибди.

Кокилдор ўша тунда ҳар бир чодирга кириб, уйқудаги ҳар бир аскарнинг кафтини силаб чиқибди. Йигит фақатгина соқчилар ҳушёр қўриқлаётган султон қароргоҳига киролмабди, холос.

Ана энди эрталаб томошани кўринг. Саҳар чоғи уйғонган аскарлар мундоқ қараса, ҳар бирининг қўйни тўла тилло эмиш. Улар аввалига ҳангу манг қолишибди. Сўнг бойликларини бир-биридан яширишга киришибди. Энди улар айшишрат қилишни истаб қолишганди. Жанг қилиб, ўлиб-нетиб қолишни ҳеч бири хоҳламасди. Шунинг учун кейинги тунда аскарлар якка-якка, тўп-тўп бўлиб яширинча қўналгадан қочиб кетишибди.

Султон Сармаст эрталаб не кўз билан кўрсинки, лашкар қўналғаси ҳувиллаб ётибди. Ҳаммаёқ тўзгин. У даргазаб бўлиб хос мулозимларини сўроққа тутди.

«Нима гап? Бу не ҳодисот?!»

Мулозимлар лом-мим дея олишмайди.

«Эй, олампаноҳ», – деб гап бошлайди шунда фолбин, – ҳодисанинг сири менга аён».

«Сўйла, қария».

«Бу ўша, сиз қатл этишга рози бўлмаган ибодатгўй йигитнинг иши».

Фолбин шундай деб сиру синоатни ўзи билганича таърифлаб-тавсифлаб беради.

«Тутинглар ўша Кокилдорни!» – деб бўкиради султон хос навкарларига.

Хукмдорнинг бу фармони ибодатгўй Кокилдорга аён бўлган экан. У қочоқ аскарларга қўшилиб, қирма-қир, даштма-дашт ошиб кетаётган жойида соч-соқоли оппоқ, эгри ҳасса тутган қарияга айланиб қолибди. Бироқ не ҳолки, унинг ўнг қулоғи устидаги кокили қоп-қоралигича ҳилпираб тураверибди. Фолбин бошчилигида аскарларни таъқиб этиб, Кокилдорни излаб келаётган навкарлар ибодатгўй йигитни танишмабди. «Ҳой, чол, йўлдан қоч» деб ёнгинасидан ўтиб кетишибди. Бироқ тулкидай айёр, илондай заҳарли фолбингина чолга эътибор бериб қарабди. Лашкар ичида бу қария нима қилиб юрибди, деган шубҳа кўнглидан кечибди. Шунда у чолнинг ўнг қулоғи устида ҳилпираб турган қоп-қора кокилини пайқаб қолибди. «Бу ўша, ўша йигит!»

Фолбин бир гуруҳ навкарларга чолни тутишни буюрибди. Кокилдор лашкардан ажралиб, тик тоғлик томон қочибди. Бу орада кеч тушиб қолган экан. Осмонда уч кунлик ҳилол балқиб турар экан. Султон навкарлари Кокилдорни дарҳол ўраб олишибди. Шунда йигит кўкка қўл чўзиб илтижо қилибди: «Ё, Тангрим, Ўзинг мадад бер!»

Бир пайт ҳилол ёғдулари ерга арғамчидай эшилиб тушибди. Кокилдор эса дарҳол нур арқонга осилиб осмонга чиқиб кетибди.

Алқисса, Сарсара мамлакати шу тахлит ёвузлар босқинидан омон қолган экан. Султон Сармаст ва унинг очкўз лашкари ўша дашту биёбонда олтин, бойлик талашиб, ўзаро жанг қилиб, қирғинга учрабди. Бунинг ҳамма-ҳаммасини Кокилдор йигит ҳилол устида туриб кузатиб турган экан. У ҳануз тирик эмиш. Ҳилол балққан тунлари аҳён-аҳён ерга тушиб, яхши инсонларга йўлиқар эмиш. Кимки, Кокилдорнинг суҳбатига муяссар бўлса, унинг толеи порлаб, ризқу насибаси бутун, иззат-обрўси баланд бўлар экан. Шу сабаб ҳам бу авлиё зотни эл-улус ардоқлаб «Кокилдор ота» деб аташар экан.

Бу қадимий, маҳзун ва масрур ривоятга биров ишонади, биров ишонмайди. Лекин ҳамма ҳам ўша серхислат, серҳиммат авлиёга йўликишни, ўз дарду хасратини айтиб нажот сўрашни ва алалоқибат унинг соҳир дуосидан кушойиш топиб, мурод-мақсадларига эришишни, бахтиёр, саодатманд инсонга айланишни жуда-жуда хоҳлайди. Айтишларича, қизилбетлик Эшим, Жаббор, Нурилла деганлар қачонлардир Кокилдор отага дуч келишган экан. Шу сабаб, иқбол юлдузлари порлаган экан. Эшим ҳозир Эшим Пиримкулович, Жаббор эса Жаббор Гурганович, ҳар иккиси ҳам пойтахтда ишлашади, нуфузли амалдорлардан. Нурилла эса вилоятда энг эпчил, энг бой-бадавлат тадбиркорга айланган. Егани ҳам, емагани ҳам олдида. Бир-икки марта Кокилдор отанинг ҳақиға деб Тақирқирда қўй сўйиб, худойи ҳам қилган. Бу ҳақда қизилбетликлар ҳали-ҳануз оғизларидан думба ёғи томдириб гапириб юришади.

Қишлоқ аҳлининг бармоқ букиб, қайта-қайта ҳисоб-китоб қилишича, табаррук авлиёга энг охири йўлиққан қизилбетлик, бу – Эшмирза. У бундан тўрт йил аввал, йўқолиб қолган қари эчкисини кечки пайт Тақирқир томонларда излаб юрган маҳали Кокилдор отага дуч келган. Кокилдор ота йигитчага рўйхушлик кўрсатган, мол савдосида суяги қотган бўлгани учунми, туйқус учрашувдан довдираб, ўзини йўқотиб қўймаган. Бутун расм-русумини келиштириб табаррук авлиё билан гаплашган. Ўз орзу-тилақларини айтган. Эшмирзанинг кейинчалик тўлиб-тошиб ҳикоя қилишича, у Кокилдор отага обдан тавозе кўрсатгач, уч йилдан бери университетга ўқишга киролмаётганини айтибди. Авлиё унинг ҳақиға дуо қилибди. Ўша ёз Эшмирза чиндан ҳам ўзи орзу қилган университет талабаси бўлди. Унинг бот-бот қасам ичиб таъкидлашича, имтиҳон чоғи тўғри жавобларни кимдир қулоғига шивирлаб тургандек бўлибди.

Эшмирзага омад кулиб боққан йили Элмурод илк бор шаҳар билан тўқнашган ва илк бор пешонасидан лат еб, яъни-ким, ўқишга киролмай қайтган эди. Аммо ҳали тушкунликка тушмаганди. Келгуси йили, албатта, талаба бўлишига ишонарди. Ўзини осмондаги юлдузни бенарвон урадиган учар,

зукко билимдон ҳисобларди. Бирок, минг афсуски, Элмурод тагин икки йил кетма-кет йиқилди. Имтиҳонларда, ҳатто, ўша биринчи йилдаги натижага ҳам эриша олмади. Бу ҳол йигитчанинг руҳини синдирди, шаштини пасайтирди. Энди у нажот истаб тўрт тарафга жавдирайдиган бўлди. Элмурод, айниқса, бир нарсадан жуда-жуда қўрқарди. Барчинойни йўқотиб қўйишдан! Барчинойдан айрилиб қолишдан. Аслида унинг пойтахтдаги институтга интилишига ҳам сабаб шу. Элмурод куралай кўз синфдош қизга муносиб бўлишни истайди. Тамом-вассалом.

Ўтган ёз, ғалати бир воқеа юз берди. Элмурод иккинчи гал ҳам ўқишга кира олмай, дарду дунёси қоронғу бўлиб, бировларнинг кўзига кўринишга ҳам юзи чидамай, уйда кўкрагини захга бериб ётарди. Бир пайт акасининг жажжи қизалоғи ёнига келди.

– Ака, сиззи Барчин опам чақиряпти, – деди у берган ялтироқ конфетни оғзига соларкан.

– Ким? – истар-истамас пўнғиллади у.

– Барчиной опам... менга конфет берди.

Элмурод илкис қад ростлади.

– Сизни мактаб боғига келсин, деди.

Элмурод конфет ейиш билан овора жиянининг юзидан чўлпиллатиб ўпди-да, дик этиб ўрнидан туриб, апил-тапил кийинишга тутинди.

Мактаб сойликка яқин жойда эди. Чиндан ҳам унинг тузуккина боғи бор. Берди муаллим мактаб боғбонлигини ҳам ўз зиммасига олган. Тирикчиликка ҳарна-да...

Барчиной алдамаган экан. У каттакон қайрағоч соясида аллақандай газетани ўқиб ўтирар, гоҳ ўша газета билан елпиниб-елпиниб оларди.

Элмурод уни кўриб беихтиёр тўхтаб қолди. Барчиной кундан-кунга гулдек чирой очиб, ял-ял яшнаб борарди. Ҳаворанг кўйлаги андак тўлишиб қолган қиз қоматини сириб, уни яна-да жозибалироқ кўрсатарди. Қалин, коп-қора сочларининг турмаклари ҳам ўзига ярашган. Бир сўз билан айтганда, шаҳар ҳавоси, талабалик ҳаёти Барчинойга анча ёққанлиги сезилиб турарди.

Элмурод секин хуштак чалиб келганини билдирди.

– Вой, Мурод, салом, – дея Барчиной ўрнидан дик этиб турди. Жилмайган кўйи синфдошига қўл узатди.

– Салом, – деб кўйди Элмурод қизнинг оппоқ, лўппи қўлидан ботинмайгина тутиб кўришаркан.

Барчиной синфдошининг бу йил ҳам ўқишга киролмаганидан хабардор эди. Ўтган гал, дўкон ёнида туйқус учрашиб қолиб бироз ҳасратлашишган эди.

– Ҳали ҳам хафа бўлиб юрибсизми? – деди Барчиной жилмайиб. – Кўйинг-е, сизга ярашмас экан.

– Жуда шарманда бўлдим-да, – деб пўнғиллади Элмурод.

– Умидсизланманг, келгуси йил албатта кирасиз.

Қизнинг ширин сўзлари, самимий, беғубор жилмайиб туришларидан Элмуроднинг кўнгил ғашликлари тумандек тарқаб кетди. Унинг ўрнини аллақандай сурур ва қувонч эгаллади.

– Раҳмат, раҳмат сизга Барчин, – дея олди Элмурод аранг, юрак ғалаёнларини ифодалашга бошқа сўз тополмай. Икковлон бир-бирига анча пайт сўзсиз қараб қолишди. Ҳар икковининг ҳам бир-бирига айтар гаплари кўп эди. Лекин керакли сўзни тополмай қийналишар ва бу ширин қийноқдан ҳузурланишарди.

– Дадам беда ўриб қўйган экан, – деди ниҳоят Барчиной, дарахтзор ортига ишора қилиб, – шуни боғлаб чиқишни менга тайинлаганди. Қарасам, бир ўзим эплай олмайдиганга ўхшадим, шунинг учун сизни чақиртиргандим, узр, синфдош.

Элмурод шундай гўзал, устига-устак, талаба қизнинг шунча қишлоқ йигитлари орасидан атай уни танлаб чақирганидан осмону фалакларда беқанот учиб юарди. Масту мустағриқ эди.

– Яхши қилибсиз, Барчин, – деди у ҳаяжонли бир товушда, – бекорга ҳам уйда зерикиб ётгандим. Мени очик ҳавога олиб чиқиб кўп савобга қолдингиз.

Улар енгилгина кулишиб олишди. Сўнг боғ этагидаги бедазор томон ёнма-ён кетишди.

Август қуёши аёвсиз қиздирарди. Хийла қақраб қолган дарахтзор алланечук қорамтир бўлиб кўзга ташланади. Оёқ остидан оҳиста кўтарилган чанг унда-бунда ҳурпайиб турган ўт-ўланлар устига оҳиста кўнади.

Бердикул муаллимнинг бедапояси анчагина бор экан. Ўн-ўн беш кун аввал чалғида ўриб чиқилган беда тутамлари, ерда бир текис ёйилиб, қуриб-қовжираб ётарди. Теваракни аллақандай дашт ўт-ўланларининг ҳиди тутган.

Улар ишга киришдилар. Элмурод қовжироқ беда уюмларини чаққонгина боғлам ҳолига келтирар, Барчиной эса унга шпагат ипидан бир қулоч-бир қулоч кесиб узатиб турарди.

Йигит қизнинг оппоқ билакларига, гоҳо энгашган пайт чала-ярим кўриниб қоладиган бўлиқ кўкракларига ўғринча кўз ташлар экан, аллақандай ёқимли ҳисларга чулганар, бу ҳислардан баттар ҳаяжонланар, баттар каловланар эди. Айниқса, ип узатган пайтлари қизнинг лўппи бармоқларига дағал қўллари тегиб кетаркан, гўё электр симини бехос ушлаб олгандай бутун аъзойи бадани жимирлаб кетарди.

Улар чамаси бир соатча вақт ичида ҳамма ўрилган бедани боғ-боғ қилиб чиқишди.

– Раҳмат сизга, Мурод, – деди Барчиной синфдошига ичгани сув узатаркан, – сизсиз жуда қийналардим.

– Қўйсангиз-чи, Барчин, арзимаган иш-ку, бу. Элмурод елим идишдан сувни тўкиб-сочиб, ютоқиб ича бошлади. Барчиной уни завқ билан кузатиб турарди.

– Қора ишга қолганда Алпомиш экансиз, – деди у андак ноз билан.

Элмурод қизнинг мақтовларидан ўнғайсизланиб, ичкиси келмаса-да, елим идишни яна оғзига олиб борди.

– Мурод, келгуси ёзгача пойтахтда ишлаб турсангиз-чи, – деб қолди бир маҳал Барчиной. Унинг қуралай кўзлари ниманидир чамалаётгандай, режалаштираётгандай андак қисилиб, андак сузилиб турарди.

– Қанақа иш? – ажабсинди Элмурод.

– Шу... шунақа иш-да. Ана... кўплар ишлаб юришибди-ку...

– Мардикорчилик қил, деяпсизми?

– Шундай деса ҳам бўлар. Нимаси ёмон бунинг? Элмурод калласига калтак теккандек, гандираклаб кетди. Ҳам уятдан, ҳам ғазабдан бўғриқди.

– Ўтиборингиз учун раҳмат, – деб пўнгиллади у. Сўнг қўлидаги идишни бир чеккага улоқтириб, илкис юриб кетди.

Барчиной ҳангу манг қотиб қолди. У Элмуроднинг хатти-ҳаракати ҳазил ё чинлигини билолмай саросимада эди. Қиз эс-ҳушини йиғиб олгунча Элмурод хийла узоқлашиб кетди.

– Мурод! – деб қичқирди Барчиной, туйқус ўзига келиб, – Мурод, тўхтанг! Сизга нима бўлди?

Лекин синфдош тўхтамади. Унга жавобан бир қўл сермаб қўйди-да, юришни жадаллаштирди. Барчиной унинг ортидан уч-тўрт қадам қўйди-да, яна тўхтади. Сўнг негадир хўрлиги келиб беихтиёр йиглаб юборди.

Қайрилмай, телбаларча одимлаётган Элмурод ортидан кўзёш қилиб қолган кизни кўрмади. Унинг хаёлида бир-биридан аламли, бир-биридан нафратли ўйлар палахмон тошидай чарх урарди.

«Мардикорлик қил деди-я? Устимдан кулди-я! Бу кунингдан ўл демоқчи-да. Тенгим эмассан демоқчи-да!»

Элмурод бир дарди минг бўлиб, ич-ичида фарёд уриб уйига етиб келди. Шу-шу яна одамови бўлиб қолди. Лекин Барчинойдан қанчалар хафа бўлган эса-да, ичи-таши қанчалар нафратга тўлиб-тошган бўлса-да, қизни яна шунчалар соғинар, уни яна кўргиси келарди. Бироқ йигитлик гурури устун келибми, Барчиной билан учрашишдан ўзини тийди. Бу орада ёзги таътили тамом бўлган Барчиной яна пойтахтга кетиб қолди. Элмурод эса, бу қайсар қизни таслим қилишнинг бирдан-бир йўли ўқишга кириш, катта обрў-ўтиборга эришиш деган қатъий фикрга келди. Ўқишга кириш эса ҳануз ушалмас орзу. Шундай ночор-нотавон кунлари Элмурод туйқус Эшмирзани эслади. Унинг бахтли учрашувини эслади.

«Мен ҳам Кокилдор отага йўлиқсам эди...» деган хаёл омадсиз йигитчага тинчлик бермай қўйди.

Ҳилол балққан кечалари тез-тез Тақирқирга чиқиб келадиган бўлиб қолди. Бироқ зим-зиё тунда ҳеч кимни учрата олмай ноумид ортига қайтарди.

Бу гал Элмурод бошқача ният қилган. Ҳилол чиқса, Тақирқирга бориб то тонг отгунга қадар ўша ерларда кезинади. То Кокилдор ота учрагунча юраверади. Керак бўлса, ҳилолга боқиб бўзлайди. Табаррук авлиёни ерга чорлайди. Майли, кўрганлар нима деса деяверсинлар. Устидан кулишса ҳам, бутун қишлоққа гап-сўз қилишса ҳам майли. Лекин Кокилдор отани кўрса, унга ниятини айтса, охир-оқибатда ўқишга кирса, бас. У бунинг учун ҳамма нарсасага тайёр.

Элмурод талаша-талаша охурдан ем еяётган қўйларга хомуш тикилиб тураркан, шуларни хаёлидан ўтказди. Юракбағри беадок андуҳга тўлди. Сўнг бошини оҳиста кўтариб осмонга қаради. Секин беихтиёр қуйилиб келган ёшдан кўзлари хира тортиб ҳеч нарсани кўрмади.

Ўша худойида Пардабой ҳам қатнашган. Катта қирнинг бир четида истехзоли илжайиб ўтирган. Чунки у бундай афсона-чўпчакларга шубҳа билан қарарди. Лекин истеъдодли бир ижодкор сифатида бундай эртақ-ривоятлар замирида эл-улуснинг орзу-армонлари яширинганини, кишилар худди шундай авлиёнамо зотларнинг кўмагига, марҳаматига мангу мухтож бўлиб келишганини чуқур англади. Англагани учун ҳам халқнинг ишончига, удумига ҳурмат-иззат билан қараш керак деб ҳисобларди. Тўғри, ҳув ўшанда, Ориф Йўлчи унга йўлиққан ўша оқшомда, кўк тоқига зеб бериб турган ҳилолни кўриб, ногоҳ Кокилдор ота афсонасини эслаганди. Назарида улуг авлиё Ориф Йўлчи қиёфасида унга дуч келгандек туюлган ва кўнглида аллақандай умид пайдо бўлганди. Бироқ вилоят марказидаги театрда иш бошлагач, тагин машаққатлар гирдобида қолиб ўша умидлари сўнди. Янги ишхонада Пардабойни маъмурият кўп ҳам хушламасди. Унга ҳеч бир жиддий роль беришмади. Ҳолбуки, пойтахт тупроғини ялаб қайтган, унча-мунча устозларнинг назарига тушган бу ёш актёрнинг қобилятини, истеъдодини тузуққина пайқаб туришарди. Ҳойнаҳой, ҳаммамиздан ўзиб кетади, мансаб курсимизни эгаллаб қўяди, деган бадбин ўй билан

унга хайрихоҳлик қилишни исташмасди. Устига-устак, Пардабой ростгўй, бетгачопар инсон эди. Театрда қўйилаётган асарларнинг аксарияти хом-хатала, саёз ва қуруқ эканлигини рўй-рост айтиб, катта-кичик йигинларда баралла танқид қилиб қоларди. Театрни ўз томорқасига айлантириб олган баъзи бировларни аямай фош қиларди. Бироқ кўкка туфласанг юзингга тушади, деганларидек, бундай ҳақиқатпарастликдан шўрликнинг фақат ўзигина жабр кўрарди. Раҳбарият, актёрлар унинг қаршисида илжайиб туришса-да, орқаворатдан бу ёш актёрни сиқувга олишга, эътибордан қолдиришга ҳаракат қилишарди.

Пардабой жамоанинг ўзига кўрсатаётган совуқ муносабатини аввалига назар-писанд этмади, ишонч-ихлос билан ишга киришди. Албатта, ҳаммасининг меҳрини, ҳурматини қозонаман деган умидда эди у! Ўлиб-тирилиб меҳнат килди. Пардабойнинг театрға, санъатға ўз қарашлари бор эди. Саҳнада қўйилган ҳар бир асар томошабинларнинг юрак-юрагига сингиб кетиши, уларни руҳан бойита олиши, кўнгилларида умид чироқларини ёқиши керак, деб ҳисобларди. Аммо унинг бундай эзгу ҳис-туйғуларига барча лоқайд ва истехзоли қарарди. Ҳар ҳолда Пардабойға шундай туюларди.

Бу нохушлик уни руҳан ерга урди. Устига-устак, оила масаласида ҳам омади чопмади. Ўзи севган, мисли фаришта билиб ардоқлаган қиз ҳам, тўйдан сўнг ялмоғизга айланди-қолди. У Пардабойни назарига илмай, шаллақилик қилар, ҳар нарсани баҳона қилиб жанжал чиқарар, кунора ота-онасиникига кетиб қолар эди. Бу ҳам етмагандай қайнона-қайнотасининг буларнинг турмушига аралашавериши йигитнинг гурурини букди. Ишхонадан кўраётган жабру жафолари устига оила можаролари ҳам қўшилдию, Пардабой буткул мағлуб бўлди. Ичкиликка берилди. Маст-аласт кўча-кўйда юмалаб ётадиган бўлди. Бундан душманлари кулиб, дўстлари куйди.

Мана, икки йилдирки – шу. Йигит топган пулига май-хўрлик қилади, енгилтак жувонларға илакишади. Ижарада турган каталакдек хужраси тўзғиб-бижғиб кетган. Усти-

га киядиган тузукрок кийими ҳам йўқ. Ўзи ҳам озиб-тўзиб, қоқ суякка айланган. Ора-чора ҳеч қурса бир марта қорин тўйғазиб кетиш илинжида қишлоққа келишини ҳисобга олмаганда, Пардабой ўз қариндош-уруғларидан ҳам буткул узилишиб қолган. Энди бу ёғига қандай кун кўришни, қандай тирикчилик қилишни билолмай боши гаранг.

Ўзи туғилиб ўсган хонадон дарвозаси ёнида маъюс тураркан, Пардабой ана шуларни хаёлидан ўтказди. Ичинини куйдириб келаётган дард-ҳасратни буткул чиқариб ташламоқчидай, чуқур-чуқур уф тортди. Чор-атрофга ғамгин кўз ташлади.

Шом қоронғуси қурумдай қуюлиб келарди. Қай бир хонадонда доғланаётган ёғ ҳиди ҳавони тутган. У ер-бу ердаги ғўзапоя, пичан ғарамлари қоп-қора сағанадек кўзга ташланади. Дала ишларидан ҳорғин қайтаётган кишилар аҳён-аҳёнда шарпадек кўзга ташланиб қолади.

Пардабой укаси Элмуродни қандайдир бўлакча меҳр билан яхши кўрарди. Шунинг учунми, гарчанд уни ҳар замонда бир кўрса-да, укасининг дард-ҳасратларини теран англарди. Боя ҳам қўй-қўзиларга эргашиб, кўкка аланг-жалаң қилиб келаётган Элмуродга кўзи тушдию, инисининг ниятини дарров пайқади. Элмурод осмондан ҳилолни излаяпти! Янги ой чиқишини бетоқат кутяпти! У Тақирқирда Кокилдор отага йўлиқиш, ундан нажот сўраш орзусида. Элмурод бу дунёда ҳаммадан умидини узган. Биргина илинжи энди фақатгина ўша афсонадан.

«Акага ўхшаб бундай ёрдам ҳам берай демайсиз».

Элмуроднинг бу гапи тўла ўкинч, тўла ўпка-гина эди. У шундай деб дарвоза ёнида турган Пардабойга ўз хафагарчилигини билдириб ўтди. Лекин ўз ёғига ўзи қоврилиб тургани учун акасидаги ички бир ўзгаришни пайқамади.

Бу ўзгариш бир ойча аввал бошланган эди. Ўшанда чўнтагида бир чақаси ҳам йўқ Пардабой торгина ҳужрасида исқирт, жанда кўрпага бурканиб ухлаб-ухлаёлмай, туриб-туролмай ётар, азоб-машаққатлардан зада кўнглида ўз-ўзини ўлдириш режаси шиллиқ қуртдай ғимирлар эди. Бир пайт

кўзи илинганини билмай қолди. Ғалати бир туш кўрди. Тушида Ориф Йўлчи Тақирқирда чўнқайиб ўтирган эмиш. Тинмай Пардабойни ёнига чорлармиш. Бундай қараса, унинг ёнида укаси Элмурод кулиб турган экан. Олдида бир сурув қўй-қўзи ўтлаб юрибди. Пардабой ҳарчанд уринса-да, устоз томон боролмас эмиш. Шундагина оёқ-қўли маҳкам боғланганини англабди. Тепасида театр директори тамаки тутатган қўйи тиржайиб турган эмиш. Ориф Йўлчининг: «Пардабой, сен буюк актёрсан, сен буюксан! Тур ўрнингдан, тур!» деган овози баралла эшитилиб турарди.

Пардабой жон ҳолатда ўрнидан туришга, қўл-оёғини бўшатишга уринибди.

Шунда у чўчиб уйғониб кетди, ғарқ терга ботган. Ўнг оёғи жанда кўрпанинг йиртиғига кириб қолган экан.

Пардабой кўрган тушидан ўзига келолмай анча пайт шифтга термилиб ётди. Юраги гурс-гурс урарди. У кўрган тушини миридан-сиригача эслашга, таъбирини англашга ҳаракат қилди. Бироқ жўяли бирор фикрга келолмади. Лекин ич-ичида бир илиқлик, бир ёруғлик пайдо бўлганини пайқади.

«Йўқ, бундай заифлик менга тўғри келмайди, ўзимни қўлга олишим керак, — дея хаёлидан ўтказди Пардабой, — устоз менга танбеҳ берапти, ўрнингдан тур деяпти».

Йигит ирғиб ўрнидан турди. Ваннахонага ўтиб обдан ювинди. Сўнг хужрасини тартибга келтирган бўлди. «Энди бир қултум ҳам оғзимга олмайман» — хаёлида қатъий аҳд қилди Пардабой. У аввалига аҳдимда туролмасам керак деган хавотирда эди. Йўқ, ҳали иродаси кучли экан. Ичкиликдан буткул тийилди. Ҳамкасбларининг истехзоли қарашларига эътибор бермай, ўз юмушлари билан астойдил шуғуллана бошлади.

Шу алфозда ўн-ўн беш кун ўтди. Пардабой тўсатдан қишлоқни қўмсай бошлади. Лекин чўнтаклари бўм-бўш эди. Ҳатто йўлқирага ҳам пули йўқ. Яхшиям шу орада театр рўпарасидаги институтда ишловчи бир танишини учратиб қолди. Таниши руҳшуносликка оид илмий рисоласини таҳрир қилиб беришни илтимос қилди. Пардабой бажонидил рози бўлди. Ва ниҳоят, яхшигина хизмат ҳақи олди.

Қўлига пул тушгач, бозорга югуриб, отасига маҳси-калиш, онасига жун рўмол сотиб олди. Сўнг, тагин режасидаги баъзи бир харидларни қилгач, дарҳол қишлоқ йўлига отланди. Негадир у ўз-ўзидан шошилар, буткул бегона юртга бораётгандай ҳовлиқар, ҳаяжонланар эди. Назарида ҳамма уни илҳақ-интизор кутаётгандай туюларди. Бироқ келди, кўрди. Афсуски, ҳеч ким у қадар соғиниб қолмаган экан. Ҳатто олиб келган совға-саломлари ҳам ота-онасининг чиройини очолмади. Пардабой чуқур тин олиб тобора қуюклашаётган қоронғуликка маъюс тикилди. Сўнг юлдузлар бирин-кетин жилваланаётган самога юзланди. Юзландию, осмон тоқининг бир четида, аллақандай ғуборлар ортида хирагина қалқиб турган ҳилолга кўзи тушди.

«Янги ой чиқибди! Ҳилол кўринибди!» – беихтиёр шивирлади унинг лаблари. Негадир юраги ҳаприқиб кетди. Узоқ излаган кадрдонини туйқус учратган одамдай энтикди.

«Буни укам кўрдимикан? Лекин жуда хира экан», – хаёлидан ўтказди Пардабой. Сўнг худди биров кўриб қолишидан кўркқандай, теварагига аланг-жалаңг кўз ташлаб дарвозадан ичкарига кирди.

Элмурод ҳилолни кўрган эди. Мол-ҳолларни саранжомлаб, уст-бошларини обдан қоқаркан, яна бир бор умидвор осмонга термилди ва ногоҳ янги ойга кўзи тушди. Бир зум тахтадай қотиб қолди. Беихтиёр юз-кўзларига қувонч қалқди. Кун бўйи тинкаси қуриб дашт кезганига қарамай, ўзини алла-нечук бардам-бақувват сизди.

«Салом, ҳилол, салом, азизим, – дея ич-ичида ҳайқирди у. – Омонмисан, мен сени соғиндим, жуда-жуда соғиндим».

Элмурод шоша-пиша обдастадаги сувга юз-кўзини ювган бўлди. Айвон устунига осиглиқ сочиққа нари-бери артинди. Сўнг ичкарига бош суқди. Отаси Холназар ака хона тўрида ёнбошлаб ўтирар, сийрак соқолларини ўйчан тутамлаб нималарнидир чамаларди. Ўртада ювилавериб оҳори тўкилган дастурхон ёйилган. Онаси куймаланган кўйи дастурхонга нон, қанд-курс қўйяпти. Ошхона томондан сузилаётган шов-ланнинг ёқимли иси димоққа урилади.

– Ассалўқўм, – минғирлаб отасига салом берган бўлди Элмурод.

Холназар ака алик ўрнида бош ирғаб қўйди.

– Сурувни қаерда боқдинг?

– Олашўрда, – деб қўйди Элмурод пойгакрокқа чўкаркан.

Холназар аканинг юзида мамнунлик зоҳир бўлди. Лекин у сир бой бермай норизо пўнгиллади:

– Ялчитмаганга ўхшайсан, моллар кўрага кирар-кирмас емишга от қўйиб кетди.

Элмуроднинг жаҳли чикди. Чунки у бугун сурувни яхши ўтлатганди. Ҳатто баъзи бир қўйлар тўқликдан кавш қайтариб, ётиб қолганди. Лекин у отасига эътироз билдириб ўтирмади. Биладики, барибир бефойда, отаси болаларининг юмушидан мамнун бўлиб ҳали ҳеч қачон бошини силамаган, «баракалла, болам» демаган. Қолаверса, ҳозир талашиб-тортишишнинг мавриди эмас. Ундан кўра овқатланиб бўлгач, бир баҳона топиб кўчага чиқиб кетиш керак.

Кўк тоқида хирагина қалқиб турган ҳилол кўз ўнгида яна бир жонландию, Элмурод беихтиёр жилмайиб қўйди.

– Нега тилла топган тентакдай ўз бошингга куласан? – деди уни зимдан кузатиб турган отаси.

– Ўзим, – минғирлади Элмурод, – бир нарса эсимга тушиб кетди.

Шу пайт хонага Пардабой кириб келди. Минғирлаб, димоғида салом берган қўйи отасининг ёнига ўтиб омонат чўкди.

– Манови шаҳарлик аканг эса, – дея Пардабойга истехзоли ишора қилди Холназар ака, – шомгача сасиб ухлади. Бундан на рўзгорга, на давлатга наф бор.

Элмурод акам одатдагидек тутақиб ҳозироқ отам билан айтиша кетади деган хаёлда эди. Лекин Пардабой ҳамма айбини тан олган муллаваччадай, мулойимгина жилмайиб итоатгўйлик билан бош ирғаб қўйди. Онаси узатган иссиқ чойдан босиб-босиб ҳўплаган бўлди.

Элмурод бу ҳолдан яна бир карра қувонди. Ич-ичида «хайрият» деб қўйди. Зимдан онасига кўз ташлади. Бил-

ди, Пардабой ҳам унга зимдан қараб турибди. Уларнинг нигоҳлари туйқус тўқнаш келди. Шунда Элмурод онасининг юз-кўзидан алланечук ўзгача меҳр, ўзгача хайрихоҳликни пайқади. Тўғрироғи, юрак-юрагидан ҳис қилди. Беихтиёр жилмайди. Акаси ҳам жавобан жилмайиб, кўз қисиб қўйди.

Янгаси буғи чиқиб турган бир лаган шавла келтириб дастурхонга қўйди.

– Қани, бисмилло, – дея лаганга интилди Холназар ака, – қани, овқатга қаранглар, совиб қолмасин.

Улар жимжит овқатлана бошлашди. Элмурод азбаройи очиққанидан ҳамда шошилганидан чала чайнаб ютар, оғзини тез-тез чапиллатар эди.

Онаси одатдагидек меҳрибонлик билан чой узатди.

– Чой ҳўплаб-ҳўплаб е, болам, тиқилиб қоласан.

– Бунингнинг одати шу, доим орқасидан ёв қуваётгандай ҳовлиқади, – деб пўнғиллади Холназар ака.

Элмурод ўзини оқлаган бўлди:

– Бугун даштда жуда очқаб кетдим-да.

Ҳаш-паш дегунча лаганнинг таги кўриниб қолди. Лagan таги кўринган сайин Элмуроднинг кўнглига ғулғула туша бошлади. Ахир, кўчага чиқиб кетишга ҳали баҳона йўқ! У қанчалар бош қотирмасин, жўяли бир баҳона тополмай га-ранг эди. Ниҳоят, лаган пок-покиза тозаланган пайтда хаёли-га бир фикр келди.

– Уста Сайфулланинг ола совлиғи Улбўсин отинникига кетиб қолди, – деди Элмурод ботинмайгина.

– Нега? – ажабсиниб сўради Холназар ака, қўлларини сочиққа артаркан.

– Билмадим.

– Ола совлиқни уста отиндан яқинда сотиб олганди, – дея гапга аралашди онаси, – ўша ердан ем еб ўрганган-да, шунга кетиб қолган бўлса керак.

– Бунни устага айтдингми? – Холназар ака ўғлига саволчан тикилди.

– Айтганим йўқ.

– Ургилдим сендай чўпондан. Буни дарров айтишинг керак эди. Бечора уста чирқиллаб совлиғини излаб юргандир. Ҳозир шу ерга қидириб келади.

– Бориб, хабар бериб қўйсаммикан, – деди Элмурод эҳтиёткорлик билан.

– Хабар бериш ҳам гапми, – дея зарда қилди Холназар ака, – иложи бўлса, отинникидан совлиқни олиб келиб бер. Ишингни ҳалолла-да, серри.

Баҳонасининг бу қадар силлиқ ва осон кечишини кутмаган Элмурод довдираб қолди.

– Хўп, хўп, – дея мингирлади у чаққонгина ўрнидан қўзғалар экан.

– Ит-питлардан эҳтиёт бўл, – деб қўйди уни зимдан кузатиб турган Пардабой.

Элмурод онасига кўз қирини ташлади. Уларнинг алланечук сирли порлаб турган нигоҳлари яна тўқнашди. Ака-ука худди келишиб олгандек баб-баравар бош ирғаб, баб-баравар жилмайишди.

– Бу болаларинг қачон пишиқ-пукта бўлади, билмадим, – дея пўнгиллади Холназар ака кампирига юзланиб, – бирор нарсани ялчитмайди-я.

Элмурод ҳаяжонланиб ташқарига чиқди.

Қоп-қора зулмат қўйнига чўмган Такирқир тепасида синган килич тигидай хилол яркираб турарди. Гуж-гуж юлдузлар алланечук сирли жимирлайди. Тоғ томондан гир-гир эсаётган муздек эпкин кун бўйи қаттиқ қуёш тафтидан лоҳасланган борликнинг ҳовурини босарди.

Элмурод қиялик ён бағридаги харсанг устида чўнқайган қўйи нақ бир ярим соатдан бери ўтирибди. Теварагини қуршаган баланд-паст тепаликлар қоп-қора қабрнинг гумбазларидек тобора ваҳимали кўринмоқда. Қайлардадир ҳорғин ҳураётган итлар товуши элас-элас қулоққа чалинади. Элмурод ичу ташини тобора қоплаб келаётган кўркув ва ваҳимани хайдаб, ҳаётидаги энг ширин, энг шодмон лаҳзаларни эслашга ҳаракат қилди.

Элмурод яна Барчинойни эслади. Унинг табассум балқиб турган юз-кўзлари хотирасида жонланар экан, қоп-қора оқшом ногоҳ ёришиб кетгандай бўлди.

Элмурод ўша мактаб боғидаги аразидан сўнг Барчинойни нақ олти ой кўрмади. Ўз-ўзига гурур, йигитлик шаъни ҳақида матал тўкиб, ўзини овутиб юрди. Ич-ичида ўша арази учун минг-минг пушаймон қилаётганини ҳеч тан олгиси келмасди. Ҳатто бир-икки кечирим сўраб қизга хат ёзмоқчи ҳам бўлди. Лекин, қўли бормади.

Барчиной янги йил арафасида яна қишлоққа келди. Элмурод уни «тўсатдан» учратиб қолиш учун зимдан йўлини пойлади. Афтидан қиз ҳам қаттиқ ранжиган бўлса керак, ҳеч тутқич бермасди. Охир-оқибат улар учрашдилар. Бу учрашув чиндан ҳам ҳеч кутилмаганда, тасодифан юз берди.

Ўша куни Элмурод янги йил олди туман марказидан бозор-ўчар қилиб келаётган эди. Ҳаво совуқ. Куни кеча енгил ёғиб ўтган қор катрон бўлиб музлаб ётарди. Киракаш «Дамас»дан тушган Элмурод тўрва-халтасини кўтариб уйи томон жўнади. Шу пайт бекатга яқин уйдан Барчиной чиқиб қолди! Эғнида енг-ёқаларига момиқ қопланган кашмири пальто, бошида қизғиш шарф, оёғида кўнжи баланд бежирим этик.

Бош-адоқ шаҳар назокатига чулғанган бу қиз тўғри Элмурод томон юрди. Йигит қадамини секинлатди.

– Вой, синфдош, – деди Барчиной яқин келгач. – Ассало-му алайкум.

Элмурод алик ўрнида димоғида мингирлаб, бош ирғаб қўйди. Барчиной табассумдан ял-ял товланиб кўришиш учун қўл узатди.

– Сизни танимабман, бой бўларкансиз.

– Айтганингиз келсин, – деб пўнгиллади Элмурод ва хафгарчилигини билдириш учун атай қош-қовоғини уйди.

Барчиной ҳеч нарсани гўё пайқамагандай эди.

– Янги йилингиз муборақ бўлсин! – деди у самимий, беғубор бир оҳангда. – Омад, бахт ҳамиша ҳамроҳингиз бўлсин.

– Раҳмат... сизга ҳам.

Элмурод арази тарқамаганини яна бир бор таъкидлаш учун тўрва-халтасини тезда қўлига олди.

– Кечирасиз, боришим керак. Йигит кета бошлади.

– Элмурод!

Барчинойнинг алланечук соҳир туйгуларга лиммо-лим товуши йигитнинг юрак-юрагига бориб қадалди. У ялт этиб ортига қаради.

– Мендан хафамисиз? – деди қиз маъюс тикилиб. Элмурод кўзларини олиб қочди.

– Йў-ўғ... нега?

– Агар мендан ўтган бўлса, кечиринг! Мен ўшанда... ўшанда... мардикорчилик қилиб бўлса ҳам ёнимда юринг, демоқчи эдим...

Барчиной шундай дедию шартта ортига бурилди. Сўнг бошини ҳам қилганича тез-тез юриб кетди.

– Барчин, Барчиной, тўхтанг, – деди Элмурод бўғиқ, хирқироқ товушда.

Аммо қиз тўхтамади. Элмурод унинг ортидан анча пайт қараб қолди. Бир пайт у бутун вужуди алланечук қувончларга қорилиб ётганини ҳис қилди. Бутун олам кўзига чароғон кўринди.

Ўша учрашув уларнинг энг сўнгги учрашуви бўлди. Барчиной Элмуроддан ўзини олиб қочадиган бўлиб қолди. Элмурод эса унга етишнинг бирдан-бир йўли ўқишга кириш деган фикрга яна қатъий ёпишиб олди.

Элмурод харсанг устида чўнқайиб ўтирган кўйи ўша сўнгги учрашувни хаёлидан ўтказар экан, Барчинойни соғинганини, жуда-жуда соғинганини қаттиқ ҳис этди. Тақирқир узра маъюс шуъла сочиб турган ҳилолга юрак-бағри ўртаниб термилди.

Шу пайт ёнгинасидаги қовжироқ шувоқлар шитирлаб кетди. Элмурод чўчиб тушди. Шувоқлар орасига қўрқа-пуса кўз ташлади. Лекин ҳеч нарсани илғай олмади. Ҳойнаҳой, қандайдир тункезар кемирувчи егулик излаб юрган бўлса керак.

Лекин бу фикр йигитга таскин беролмади. Аллақандай қора шарпалар бостириб келаётгандай теварагига аланглади.

Бутун борлиқ қуюқ зулмат қўйнида қунишиб ётарди. Кўк тўла юлдузлар ҳам гўё нимадандир ҳуркишгандек ғуж-ғуж бўлиб қолишган. Тун ҳашаротлари бири қўйиб, бири олиб

нолакор-нолакор чириллашади. Нозик бармоқдан учган нозик тирноқдек ҳилол ҳам қалқиб-балқиб тобора узоқлашиб бораётгандай туюларди.

«Йўқ, беҳуда ўтирибман, беҳуда, Кокилдор ота барибир тушмайди», – хаёлидан ўтказди Элмурод, тобора умидсизланиб. У ўрнидан туриб юришга чоғланди. Ўзини жуда-жуда ёлғиз ва заиф ҳис этди. Аввал ҳилолга, сўнг Тақирқир дўнгликларига сўнгги бор хомуш тикилди. Шу пайт... шу пайт...

Элмурод тахтадай қотиб қолди. Қўркув ва ҳаяжондан бутун вужуди дағ-дағ қалтирай кетди. Ахир Тақирқир ён бағридан оппоқ бир шарпа тўппа-тўғри у томонга оҳиста юриб келарди.

«Кокилдор ота!» – ярқ этиб хаёлидан ўтди Элмуроднинг. Юраги гурсиллаб ура кетди. У беихтиёр учтўрт қадам орқага тисарилди. Ич-ичида бир товуш «Қоч! Қоч!» дея қичқирарди. Лекин Элмуроднинг оёқ бўғинлари латтадек бўшашиб қолганди. Бу орада шарпа анча яқин келиб қолди. У кафаннамо оппоқ матога бурканганди. Афт-ангорини куюқ қоплаган соқоли ҳам оппоқ. Қўлида эгри ҳасса. У йигитни кўрди шекилли, оҳиста тўхтади.

«Кокилдор ота! Кокилдор ота бу!» – хаёлан ўз-ўзига ҳайқирди Элмурод. Қўркув-тахлика чекиниб, йигит сўнгсиз қувонч ва ҳаяжон оғушида қолди. У анча дадилланиб Кокилдор отага пешвоз юрди.

– Ассалому алайкум!

Аммо томоқлари қуруқшаб қолганидан товуши алланечук хира ва бўғиқ чиқди.

– Ваалайкум ассалом!

Авлиёнинг алигидан Элмурод ҳангу манг қотди. Назарида у эмас, ҳилол овоз бергандай бўлди. Бу овоз шу қадар майин, шу қадар жарангдор эдики, худди сонсаноксиз олтин буюмлар бир-бирига оҳиста урилгандек туюларди.

– Йўл бўлсин, болам. Адашиб қолдингми? – деб сўради Кокилдор ота эгри ҳассасига таяниб.

Элмурод не деб жавоб қиларини билмай анча шошиб қолди. «Сизни излаб чиқдим» дейишга ботинолмади. Уйдаги баҳонани айтишга қўрқди.

– Кўнглинг тоза, ниятинг холиси, болам? – яна сўради Кокилдор ота.

Унинг овозида алланечук сеҳр, алланечук оҳанг бор эдики, беихтиёр Элмуроднинг ўпкаси тўлиб, ҳиқ-ҳиқ йиглашга тушди. Ҳарчанд уринса-да, ўзини тўхтата олмади. Зўр-базўр ҳўнграб юборишдан тийилди, холос.

– Майли, йигла, йиглайвер, болам. Алҳол, қалбдангина пок кўз ёшлар тўкилади.

– Кечиринг мени, ота, – деди Элмурод зўрға, хиркирок бир товушда, – олдингизда одобсизлик қилдим.

– Сендан ҳеч гуноҳ ўтгани йўқ, болам. Қара, сенга кўшилиб ҳатто моҳ ҳам йиглаяпти, қара, болам.

Элмурод чукур бир хўрсиниб ҳилолга юзланди. Юзландию, ҳайрат-ҳаяжони баттар ортди. Назарида, тиллақошдек янги ой баттар эгилиб кетгандек, сарғиш юзида улкан ёш томчиси қалқиб тургандек туюлди.

– Бу... бу нима... нима учун?! – зўрға гудранди йигит.

Кокилдор ота бошини сарак-сарак қилди.

– У сенинг ғамингга шерик, болам. Сенинг кўнглингдан кечаётган ғуссалар унга аён. Айт, болам, сени нима қийнаяпти? Не тилакларинг бор? Мана, қисмат чархи шоён айланиб учрашиб қолдик. Мен ҳам сенга ҳамдард бўлай, болам. Ҳақингга дуо қилай.

– Сизнинг дийдорингизнинг ўзи менга катта бахт, – деди Элмурод юраги тошиб. Негадир унинг вужудини алланечук неқбинлик, қаноат қоплаб олган эди.

– Тортинма, болам. Яхшилар ҳақиға дуо айлаб, баҳоли қудрат кўмак бериш менга ҳам қувонч бағишлайди.

– Авлиё ота, – деди Элмурод тиз чўкишдан аранг ўзини тийиб, – менинг бир туғишган акам бор. Жуда яхши инсон. Фақат ҳеч омади чопмаяпти. Оиласи ҳам нотинч. Акам ғам-қайғунинг зўридан кўп ичадиган бўлиб қолган. Илтимос, акамнинг ҳақиға дуо қилсангиз.

Кокилдор ота алланечук гужанак тортиб, бошларини эгган кўйи ҳассасига буткул таяниб қолди. Йигитнинг назарида Авлиё ота унинг гапларини эшитиб ухлаб қолгандай туюлди. Бу ҳолдан, ҳатто, қўрқиб кетди. «Ё, гапларим ёқмадимикан» дея ваҳима билан ҳаёлидан ўтказди у.

Бир пайт Кокилдор ота илкис бош кўтарди-да, ҳилолга юзланди.

– Огангнинг исми нима?

– Пардабой...

Кокилдор ота оппоқ, кенг енгларини шалвиратиб, ҳилолдан кўз узмаган кўйи, қўлларини дуога очди.

– Ё, Раббим! Банданг Пардабойни ўз ҳифзу ҳимоянгга ол. Улуғлик ва буюклик ато эт! Ризқу насибасини бутун айла! – Кокилдор ота тагин арабий лаҳжада узундан-узоқ илтижолар қилиб, ниҳоят кафтларини юзига силади.

– Куллуқ, ота, куллуқ, – дея мутаассир бўлиб пичирлади Элмурод.

– Аммо баъд, – деди Кокилдор ота алланечук ўйчан ва ҳорғин товушда. – Моҳ юзидаги хиралик ҳали аримади, болам. Тагин не тилагинг бор? Тортинмай айтавер.

– Менга ҳам дуо қилинг, ота, – деди Элмурод юраги гурс-гурс уриб. Негадир ўз илтимосидан ўзи уялиб кетди.

– Орзуинг не, болам?

Элмурод саросималанди. У ўз орзу-армонини табаррук инсонга малол келмайдиган тарзда, содда ва осон қилиб тушунтириш йўлларини изларди.

– Манглайинг кенг, кўзларинг катта-катта экан, – деди Кокилдор ота вазмин ва ёқимли товушда, – сенга илму ирфон, ҳикмат жоиз. Ҳойнаҳой, улуғ даргоҳларда таҳсил олишни истарсан?

– Ҳа, – деди Элмурод шоша-пиша. У авлиё отанинг сезгисидан, кароматидан яна ҳайрат-ҳаяжонга чулғанди. – Дардимни топдингиз, ота.

Кокилдор ота тагин илкис бош кўтариб ҳилолга юзланди. Аммо бу гал анча пайт ою юлдузларга термилиб қолди. Шундагина Элмурод унинг пичирлаб дуо-илтижо қилаётганини

пайқади. Табаррук отахоннинг титраб-қақшаб шивирлашларида, интиқ-илтижоли тебранишларида алланечук маҳобат, улуғворлик бор эди. Бу улуғворлик, сирлилик кишида ғалати бир кўтаринки ҳислар кўзгарди.

– Моҳга қара, болам, – деди Кокилдор ота юзига фотиҳа тортаркан, – нималарни кўраяпсан?

Элмурод ҳаяжон билан қоп-қора самога юзланди. Юзландию, ҳилолнинг одатдагидан-да ярқираб, одатдагидан-да яқинроқ балқиб турганини ҳис қилди.

– Ой жуда чарақлаб кетди, – деб юборди у беихтиёр.

– Бу орзуларинг ушалишидан дарак, болам...

– Қуллуқ, минг марта қуллуқ сизга, ота, – деди йигит тўлқинланиб, энтикиб.

– Аммо баъд, – Кокилдор ота негадир ўнг кафтини юз-кўзига босиб-босиб олди, – сенинг орзуларингга тилакдош яна бир покиза қалб бор. У ким? Элмурод каловланди.

– Моҳга қара, болам, – деди Кокилдор ота оҳиста. Йигит ҳаяжон билан ҳилолга тикилди. Шунда у ойнинг ёғдулари ичида жилмайиб турган Барчинойни кўриб қолди! Бутун вужудига шодлик, хушҳоллик инди.

– Кўрдингми?

– Кўрдим, – деди Элмурод уятчанлик билан, – аниқ кўрдим.

– У сенинг йўллариңгга илҳақ. Тезроқ ёнига боришинг керак. Энди, хайр, болам. Парвардигорнинг ўзи сени қўлласин. Қани, тезроқ уйингга бор. Ота-онани хавотирга қўйиш яхши фарзандларга мақбул эмас.

Кокилдор ота ортиқ сўз демай, вазмин ва улуғвор қадамлар билан Тақирқир томон кета бошлади.

– Қуллуқ, қуллуқ, – деди Элмурод таъзим билан орқага тисарилар экан, – яхшиликларингизни унутмайман, авлиё ота.

Унинг юраги шодлик ва ҳаяжонга лиммо-лим эди. Бутун вужудига ғалати бир енгиллик, кўтаринкилик сезарди. Қишлоқ томон юзланиб, қадам ташларкан, назарида кимдир уни опичлаб олиб кетаётгандай туюлди.

Элмурод Кокилдор отани сўнгги бор кўриб қолиш учун ортига ўтирилди. Лекин ҳайрату ҳаяжонга лиммо-лим

нигоҳлари қоп-қоронғу зулматда ҳилолнинг заррин шуъла-ларидан бошқа ҳеч нарсани илғамади.

Элмурод катта-катта, дадил-дадил қадамлар билан уйла-ри томон югургилаб кетди.

Айни пайтда олам-олам қувончга қоришиб, қушдек учиб бораётган йигитни Кокилдор ота қир этагидаги харсанг па-насида туриб кузатар, юзидаги ясама соч-соқолини юлиб ташлар эди. Бу – Пардабой эди! У эғнидаги оппоқ либосига бурканган кўйи қоп-қора самога тикилди. Ногоҳ осмоннинг тоқида устози Ориф Йўлчи мамнун бош ирғаб, қараб турган-дай туюлди.

Пардабой беихтиёр жилмайди.

ДАШТДАГИ ФАРИШТА

Аёлнинг оппоқ юзида оппоқ хаёллар кезиниб юрарди. Дуррача тагидан кўпириб чиққан соч толаларидан тортиб енгил оёқ кийимигача алланечук беғуборлик, алланечук жози-ба уфуриб турибди. Қошлари қалдирғоч қанотидек эгилган. Қўнғирга мойил йирик-йирик кўзлари андак хуркак, андак мағрур боқади. Бироз қалин, бироз бўртиқ лаблари жидди-ят билан қимтилган. Эғнидаги сарғиш, қизғиш кўйлаги бу-ралиб-эшилиб ёнаётган алангадек туюлади. Олдидаги кўчма пештахта устига ҳафсала ва маҳорат билан териб қўйилган кип-қизил, сап-сарик олмалар худди Миср эҳромидек қад ростлаган.

Мен бу гўзаллик қошида бир лаҳза ҳайкалдек қотиб қолдим. Йўл азоби – чарчоқ, ланжлик бир зум вужудим-ни тарк этгандек бўлди. Руҳимда, хаёлимда алланечук жўшқинлик уйғонди. Тўғриси, олис бир дала-дашт қўйнида бундай малоҳатга йўлиқаман деб ҳеч ўйламагандим. Шу са-баб ҳам, аёлдан сира кўз узолмасдим. Бир пайт, қоп-қора ба-ланд гавда мени ундан тўсиб қўйди. Бу – Ҳошим. Менинг тўрт йўлдошимдан бири. Киракаш «Нексия»да тикилиб-букилиб жануб томон сафарга чиққанмиз. Ҳошим афт-ангоридан бироз тижоратчига, бироз амалдорга ўхшаса-да,

лекин у ўзини бизга санъатшунос олим деб таништирган. Лекин гирт вайсақи экан. Ҳайдовчи ёнидаги олд ўриндиқни банд этган кўйи жағи тинмай келаяпти. Унинг зўр бериб уқтиришича, Термиз яқинида казиш ишлари олиб бораётган қадимшунослар ғоят ноёб ҳайкалча топиб олишган эмиш!

– Бу маданий ҳаётимизда улкан ҳодиса, – деди Ҳошим ўриндиққа қия ўтириб, бизларга юзланишга ҳаракат қиларкан, – от миниб турган шоҳ ҳайкали. Назаримда, у Кушон подшоҳлиги даврига тегишли. Балки ундан ҳам қадимийдир. Лекин нима бўлган тақдирда ҳам ғоят бебаҳо топилма...

Ҳошим шу орада йўлдошларимиздан бирининг мудраётганини, бири эса аллақасқақадир паришон кўз тикиб гапга кулоқ солмаётганини пайқаб қолди.

– Тарихий санъат асарларидан ҳайратланишга, уларни кадрлай билишга ўрганишимиз керак, – деди у танбеҳу идао билан, – қачонгача фақат қорин ғами билан яшайсизлар.

Ҳайдовчи пешойна орқали йўловчиларга бир-бир кўз ташлаб мийиғида илжайиб қўйди. Ҳошим тутақиб яна анча пайт жавради. Сўнг аразлаган боладай ғудайиб жим қолди. Сийрак қош остидаги митти кўзларини узоқ-узоқларга қадади.

Машина шитоб билан елиб борарди. Қишлоғу дарахтзорлар катта-кичик экин далалари ойна ортидан лип-лип кўзга ташланарди. Пойтахтдан чиққанимизга атиги бир соатча бўлганига қарамай анча йўл босиб қўйибмиз. Олис-олис-ларда ғўза пайкаллари ям-яшил денгиздек чайқалиб ётибди. Ҳаво иссиқ. Машинанинг ярим очиқ ойналаридан ёпирилиб кираётган шамол жуда хуш ёкади.

Ҳошимнинг асабийлиги зум ўтмай тарқаб кетди. Ҳойнаҳой, ўша тарихий топилдиқ хаёлида жонланиб турган бўлса керак, юз-кўзига яна завқ-шавқ, илҳом шарпалари балқиди. Ўз-ўзидан илжайиб қўйди. Вазиятнинг юмшаниданми, ё анчадан бери сўрамоқчи бўлиб турганиданми ҳайдовчи йўлдан кўз узмай гап котди.

– Ҳошим ака, ўша топилдиқни сотса, қанча пул бўлади?

– Нималар деяпсиз, уни сотиш мумкин эмас, – дея тажангларча бош чайкади Ҳошим.

– Масалан, сотса дейман-да.

– Икки юз миллиондан кам бўлмайди. Лекин у миллий бойлигимиз, кўз қорачиғидай асрашимиз керак.

Ҳошим яна авжланиб санъат, гўзаллик ҳақида узундан-узоқ жаврашга тушди. Миллатнинг, мамлакатнинг эртаси худди шундай ноёб санъат асарларига кўп жиҳатдан боғлиқлигини ҳижжалаб тушунтирди. Бу орада машина бир томони куюқ дарахтзорга, бир томони кенг даштга туташиб кетган манзилдан ўта бошлади. Ҳошимнинг азбаройи жаврашларидан кутулмоқчи бўлдим, ё чиндан ҳам у кўзлаган манзил шу ерми, ҳар қалай, ҳайдовчи тезликни пасайтириб гап қотди.

– Акалар, шу ерда ўн беш-йигирма минутча дам оламиз. Анави ошхонада кўза шўрвани бошлайди.

– Жуда яхши бўларди-да, – деди шу пайтгача миқ этмай, мудраб келаётган шерикларимиздан бири.

«Нексия» йўл чеккасига чиқиб, дарахтлар соясида тўхтади. Бирин-кетин машинадан тушдик.

Ростдан ҳам ажойиб жой экан. Куюқ дарахтлар қуршовида мўъжазгина ошхона. Уч-тўртта хизматчи югуриб-елиб юрибди. Ташқарида қантарилган машиналарнинг кўплигига қараганда ҳўрандалар мўл. Демак, овқатни ҳам мазали пиширишади. Лекин кўнглим таом тусамасди. Чарчадимми, ё эрталаб овқатланиб чиққаним учунми, ҳар қалай, иштаҳам йўқ эди. Шу сабаб машина олдида қолдим. Ҳошим сал наридаги сомсапаздан бир дона сомса олиб, тик турган жойида ея бошлади. Ҳайдовчи ва тагин икки шеригимиз хизматчиларнинг мулозаматлари қуршовида ичкарига кириб кетишди. Мен у ён-бу ён юриб теваракни томоша қила бошладим. Машинамиз турган жойдан беш-олти қадам нарида бир қанча хотин-халаж қатор туриб олиб савдо қилишарди. Бирининг олдида пистаю қурут, бириси ҳар хил ширинлигу майда-чуйдаларни пештахтасига уйиб олган. Бириси эса...

Шу пайт унга кўзим тушиб қолди. У қип-қизил, сап-сарик олмалар Миср эҳромидек терилган пештахта ёнида Миср маликаларидек қад кериб, мағрур турарди. Гўзал ва латофатли аёл! Назаримда у овлоқ дашт қўйнига кўкдан тушиб келган фариштанинг ўзгинаси эди. Аёлнинг бутун вужуди-

дан эркалик ва яна эркалик ёғиларди. Йўқ, у шунчаки мева-чева сотиб, харидорлар йўлига кўз тикиб ўтирган тижоратчи эмас. У муҳаббат ва шафқатга лиммо-лим қалб эгасини интиқ-интизор кутиб турган сирли, жозибали хилқат. Унинг қора меҳнатдан андак қадоқланган қўлларидан тутиб, осмондек тиниқ ва тубсиз кўзларига термилиб олис дашт қўйнига сингиб кетиш керак. Шаҳар шовқин-суронидан толиққан, чиқит ва қурум ғуборидан заҳар-заққумга тўлган каллаларни даштнинг тоза ва тотли эпкинларига тутиб покланиш лозим. Дашт шамоли аёлнинг толим-толим сочларини тўзғитиб, димоғимга хуш бўйлар олиб келсин. Энтика-энтика тилим фақат бир сўзни аранг такрорласин – «Севаман». Худди шу сўз еру кўкни момақалдиروқдек ларзага келтирсин. Бу ларзадан мудроқ ва ёғ босган қалблар чўчиб уйғонсин. Уйғонсину ҳаёт ва аёл учун шукроналар айтсин.

Шундай хаёллар оғушида сармаст бўлиб турган бир пайтимда Ҳошимнинг қоп-қора гавдаси аёлни мендан тўсиб қўйди. У қачон сомсасини еб бўлди-ю, қачон сотувчи аёллар қатори томон йўналди, билмайман. Назаримда Ҳошим дилбар ва мағрур аёлга анча пайт мендек ҳайрату ҳаяжон билан термилиб қолган-у, сўнг дадиллик билан у томон юрган. Олма сотиб олиш баҳонасида аёлга тикилиб-тикилиб қарашни, зимдан суҳбатга тортишни режалаштирган. Адашмабман, шекилли. Ҳошим чиндан ҳам олма пештахтаси олдида анча пайт ивирсиб туриб қолди. Олма бўлагидан оғзига солиб тотинган бўлди.

Ҳошимнинг елкалари оша менга аёлнинг бутун чехраси кўриниб турарди. Йўлдошим хуш гаплардан гапирди шекилли, у майин табассум қилди. Аёл табассуми шу қадар гўзал, шу қадар жозибали эдики, уни пайқаган ҳар қандай метин юрак сел бўлиб оқарди. Лекин Ҳошим гоҳ қизил, гоҳ сариқ олма уюми олдида куймаланар, қўл сермаб алланималарнидир гапирарди. Ниҳоят аёл қўлидаги елим идишга қизил олмалардан солиб, тарозига қўйди.

Тушлик маҳали бўлиб қолгани учунми теварак тобора гавжумлашиб борарди. Бир машина жойидан жилса, тагин

иккитаси келиб тўхтарди. Йўловчилар ошхона томон сергак-синчков кўз ташлашар, тушлик қилиб чиққанлардан овқат турларию маза-матраси ҳақида ими-жимида суриштиришар эди.

Ниҳоят Ҳошим елим халтага солинган икки килоча олмани кўтариб етиб келди.

– Қиммат, заҳардан қиммат, – дея асабий ва норози бош чайқарди у, – ҳаммаси олиб-сотар буларнинг. Бор-будларини тортиб олиб, кўзларини мошдай очиш керак.

Ҳошим иддао билан машина эшигини очди-да, қўлидаги елим халтани ўриндиқ устига қўйди. Пўнғиллаб ўзича аллакимларнидир сўккан бўлди.

– Қиммат бўлса, олманг эди, – дедим мен астойдил ранжиб. Негадир Ҳошим назаримда қандайдир муқаддас, қандайдир қутлуғ гўшада сўкинаётгандек туюларди. Шу сабаб, унинг қилиқлари менга тобора ёқмай борарди.

– Олмасдим-ку-я, – деди Ҳошим, – лекин йўл-йўлакай бир оқсоқолни кўриб ўтишим керак. У Самарқандда, катта йўлга яқин бир касалхонада даволанаяпти.

Кўнглим анча хира тортиб қолди. Сабабини ҳеч билолмадим. Яна аёл томон кўз ташладим. У ўша-ўша – латофат ва малоҳатга бурканиб, мағрур турарди. У қандайдир лойқа бир ариқ сатҳида қалқиб-қалқиб оқиб келаётган қизғиш-сарғиш гулдастага ўхшарди.

– Гўзал, жуда гўзал, – деб юбордим беихтиёр.

– Нима, нима гўзал?

Ҳошим гудраниб бир менга, бир теваракка кўз ташлади. Лекин мен нимадан ҳайратланаётганимни тушуна олмай елка учириб қўйди.

– Келинг, машинада ўтириб тура қоламиз, – деди Ҳошим яна негадир аччиғланиб, – ановиларнинг тушлиги ҳам чўзилгандан-чўзилди. Нима балқ базм қилишмаяптими, ишқилиб.

Мен индамай машинанинг орқа эшигини очдим. Бу орада Ҳошим негадир чўнтагидан бир даста пул чиқариб санашга тушди. Сўнг чимирилиб яна бир карра санаб чиқди. Санаган сайин унинг авзойи бузилиб борарди. Афтидан,

пул Ҳошимнинг чамасидан кам эди. У шоша-пиша ҳамма чўнтакларини кўриб чиқди.

– Ярамас, – дея ингранди у ниҳоят умидлари узилгач, – хаёл билан анави олмафурушга икки ҳисса пул бериб юборибман.

– Йўғ-е.

– Ҳа. Мана, пулим кам чиқаяпти.

– Бирор ерга тушириб қўйгандирсиз, балки.

– Йўқ. Энди аниқ эсимга тушаяпти, мен анави аёлга икки ҳисса узатган эканман. Ифлоснинг харомхўрлигини қаранг, айтмасдан чўнтагига солган.

Ҳошим шоша-пиша машинадан тушди. Қаҳру ғазаб билан аёл томонга кўз ташлаб қўйди. Кўнглим ғашлиги баттар ортди. Биламан, Ҳошим бориб ҳозир ўша аёл билан жанжаллашади, пулини талаб қилади. Бу нарса менга сира-сира ёқмасди. Мен айнаи чоғда аёлнинг қанчалик ҳақ-ноҳақлиги ҳақида ўйламасдим, унинг гўзаллик ва латофат балққан қиёфаси ўзгаришидан кўрқардим. Муҳаббат ва шафқат излаётган қароклари нафрат ва ҳақоратга йўлиқишини истамасдим.

– Ҳошим ака, – деб юбордим беихтиёр. Ҳошим эгилиб мен томонга савол назари билан қаради.

– Ҳа.

– Тўғриси, пулингиз машина салонига тушиб қолган экан. Мен топиб олган эдим.

Ҳошим таажжуб билан бир менга, бир машинанинг салонига кўз ташлади.

– Ростданми?

– Мен чўнтагимдан аллақачон чиқариб, қўлимда гижимлаган пулни узатдим.

– Кечирасиз, сизники эканини билмай қолибман. Ҳошим иккилана-иккилана пулни олди.

– Ҳечкиси йўқ, – деди у анча пайт ўйланиб тургач, – сафарда ҳар нарса бўлиши мумкин.

Негадир бутун олам яна кўзимга чароғон кўриниб кетди.

Холматнинг юрагига ғулғула тушди. У новча бўй, сочлари ўсиқ, чарм камзул кийган йигитнинг анчадан бери кузатиб турганини пайқаб қолган эди.

«Пулга эҳтиёт бўлиш керак, пулга» хаёлидан ўтказди Холмат апил-тапил лаш-лушларини йиғиштираркан. Унинг бақувват матодан тикилган тўрваси тахлам-тахлам пулга тўла. Нақ тўрт юз мингу етмиш беш сўм! Сал кам олти юз кило олманинг пули бу!

Қўйлиқ бозорига ғира-шира шом қоронгуси инди. Лекин теварак ҳали гавжум. Шовқин-сурон, бақир-чақир авжида.

Холмат яна зимдан ўша ёққа кўз ташлади. Йигит ҳануз писта чаққан кўйи пиёзфурушларнинг «КамАЗ» автомашинаси ёнида турарди. Алланечук безовта.

Холмат беш кундан бери тиканакдек ўсиб қолган соқол-муртини қашлаб теваракка разм солди. Ўзича анави нусханинг кўзини шамғалат қилиб қочиб қолиш йўл-йўригини излади. Аммо қочиб қаёққа ҳам боради?

Холмат ака Олатўплик. Ҳа, бу ўзининг ўригию олмаси билан машҳур қишлоқ. Олибсотарлар ҳар куз Олатўпга ёпирилиб боришади. Чорбоғ эгаларидан арзон-гаровга мева-чева ундириш пайида бўлишади. Лекин олатўпликлар ҳам пишиқ. Осонликча уларнинг найрангига учмайди. Мева-чевани ё қимматига пуллашади, ё ўзлари машинага юклаб пойтахт бозорларини кўзлаб келишади. Лекин қишлоқ биқинидаги электр станциясида қоровул бўлмиш Холматнинг бундай олди-сотдиларга кўп ҳам уқуви йўқ. Шу боис, одатда, ўз боғидаги мева-чеваларни олибсотарларга арзон-гаров бериб қўя қолади.

Бироқ бу мавсум андак режа ўзгарди. Холмат кенжа ўғлининг хатна тўйини қиш олдига мўлжаллаган. Аммо қўл курмагур юпқа, бел ингичка. У баъзи бир қишлоқ кайвонила-рига дардини дастурхон қилди, маслаҳат сўради.

«Бинойидеккина боғингиз бор, — деди Иброҳим оқсоқол, — олибсотарларнинг сариқ чақасига кўз тикмай, мева-чевани

йиғиб, ўзингиз Тошкентга боринг. Ана, сизга даромад, мулла Холмат.

Ҳамқишлоқлардан Олқор полвон, Сайфулла ҳам оқсоқолнинг гапини маъқуллашди.

«Ҳеч ғам чекманг, – деди Олқор полвон тил тагига бир чимдим носвой ташлаб, – как раз бизга ҳамроҳ бўласиз. Худо хоҳласа, Сайфулла икковимиз бу ҳафта Тошкентни кўзлаб турибмиз. Сиз ҳам тараддуд кўринг.

Холмат тараддуд кўрди. Ўз боғидан чиққан олма роппа-роса икки юз эллик кило бўлди. Пойтахт сафари учун бу кам. Холмат кўни-қўшниларида камига олма йиғди. Сотиб келгач, пулини узишга келишишди. Ҳамсоялар андак оғринишса-да, охири рози бўлишди. Ниҳоят, роппа-роса олти юз кило юк билан сафарга отланди.

Келди. Кўрди. Шаҳар деганлари шу экан – ваҳима, қўрқув. Биров бировга шафқат қилмайди.

Холмат оғир сўлиш олди. Шу баробарида ўша шубҳали нусха томон ошкора кўз ташлади. Йигит ҳам зимдан Холматга тикилиб турган экан. Ногоҳ кўзлар тўқнашди-ю, у дарров нигоҳларини олиб қочди.

«Уҳ, ярамас, текинхўр» хаёлан ҳақорат қилди Холмат.

Қоронгулик тобора қуюқлашмоқда. Ичиккан, ошиққан одамлар оқими анча сийраклашиб қолган. Бозор дарвозаси ёнида уймаланиб турган оғир-енгил автоуловлар бетоқат чинқиради. Кенг кўча бўйидаги, бозор ичи-ташидаги чироқлар бирин-кетин порлади. Теварак сутдек ёришди. Бироқ Холматнинг кўнгли зим-зиё. Юраги безовта депсинмоқда.

«Агар ёлғиз бўлса бир амаллаб тинчитаман», – деб ўйлади у, камарига осилган пичоғини пайпаслаб қўяркан.

Аслида Холмат дўпписини осмонга отиб, қувончдан қийқирса арзийди. Ахир, унинг бугун омади чопди. Беш кундан бери жойидан жилмаган йигирма беш қути олмасини шом олди бирваракайига «оптом» сотди. Шерикларининг ҳоли не кечди – Худо билади.

Олқор полвон ва Сайфулло, очиқ гап, савдонинг пири бўлиб кетишган экан. Улар Тошкентга етиб келишгач, юкни Қўйлиқ бозорига туширишди. Шу орада аллақандай

корейс кампирнинг торгина ҳовлисидан бир ҳужрани ижарага олишди.

«Ҳали Худо билади, Тошканда қанча турамиз, – деди Олқор полвон. – Ҳар қалай, бошпанамиз бўлгани яхши-да».

Олқор полвон билган экан. Чиндан ҳам икки кун бир дона ҳам олма сотишмади. Бундан Холматнинг ҳафсаласи пир бўлиб, тушкунликка туша бошлади. Лекин шерикларининг сиртига сув юқмасди. Афтидан, охир-оқибат кўнгилдагидек савдо бўлишига уларнинг ишончи комил эди.

– Черняевкага кетамиз, – деб қолди Олқор полвон, учинчи куни эрталаб, – у ёқда Қўйлиқдан кўра олма қиммат. Икки ҳисса фойда кўрамиз.

Холмат бир сапчиб тушди. Сайфулло эса полвонни қўллаб-қувватлади.

– Тўппа-тўғри, Черняевкада клиент ҳам кўп. Кетдик, Олқор ака.

– Мен ҳеч ёққа бормайман, – деди Холмат аранг, шерикларига норизо кўз югуртираркан, – мазам йўқ. Нима бўлсам шу ерда бўлай.

Шериклари уни кўндиришга ҳаракат қилишди. Лекин Холмат оёқ тираб туриб олди.

– Бўпти, – деди Олқор полвон охири, – кейин пушаймон чекмасанг бўлди. Сен қолавер. Икки кундан сўнг учрашамиз.

Йўқ. Холмат пушаймон эмас. Қулинг ўргулсин савдо бўлди-да, ўзиям. Фойданинг ҳам чўғи тузук. Аммо... кўзга тушган чўпдек манави ғурбатни қаранг.

Холмат билинар-билинемас титраётган қўллари билан у ёғ-бу ёғини саришталаган бўлди. Шу баробарида ҳануз қоққан қозикдай турган ўғринусха томон кўз ташлади.

«Мен унга олатўплик кимлигини кўрсатиб қўяман. Ҳув, «Зил»нинг панасига ўтиб олсам бўлди, квартирага қараб югураман. Ишқилиб, бир амаллаб кампирникига етиб олсам бўлди. Шериклар ҳам келиб қолишгандир».

Холмат атай олиб қолган бир-икки кило олмани пул солинган тўрва устига тўкди. Ҳалигина нон сотувчи боладан олиб қолган тўрт дона оби нонни ҳам тўрвага тиқиштирди. Хуллас, ўзича пул устини бекитган бўлди.

Аммо олатўплик улгурмади. Йигит туйқус у томон юрди. Холмат сергакланди, зимдан бир қўлини биқинидаги пичоғи устига қўйди.

– Ассалому алайкум, ака, – йигит ногоҳ тавозе билан салом берди.

Холмат азбаройи шошиб қолганидан аранг, узук-юлук алиқ олди.

– Ваалай... Тавба, қўрққанга қўш кўринар деганлари чин экан, манаву боягина кўзига чайир, бақувват йигит бўлиб кўринганди. Ориқ-озғин ўспирин экан-ку, ёши нари борса ўн саккизда. Одоб-ахлоқи ҳам тузукка ўхшайди.

– Кечирасиз, безовта қилдим. Ака, сиз олатўпликмисиз?

– Ҳа, – деди Холмат, ҳануз ҳадик-хавотир исканжасида.

– Мен ҳам шундай деб ўйладим-а... Лекин иккиландим, бироз сизни кузатиб турдим. Охири, сизни танидим ака, подстанцияда қоровул бўлиб ишлайсиз-а, исмингиз Холмат, Холмат ака.

– Ҳа, шундай, – деб гудранди Холмат, юзи андак ёришиб, – сиз мени қаердан танийсиз?

Гўё кўпдан бери излаб юрган одамани учратгандай, йигитнинг юз-кўзига қувонч қалқди.

– Мен хумчалик Икром миробнинг ўғлиман. Исмин Аҳад. Сизни кўп кўрганман, ака.

– Ҳа-а, шундай дегин, – деди Холмат кулимсираб.

Унинг елкасидан тоғ ағдарилгандай бўлди. Хумча шундоққина қўшни қишлоқ. Лекин Холмат Икром деганни тузук танимайди, бир-икки у-бу давраларда кўрган, холос. Лекин манави йигитча худди қон-қариндошига йўлиққандай, хушхандон илжайиб турибди.

– Бу ерларда нима қилиб юрибсан, Аҳад? – сўради Холмат.

– Бу йил ўқишга кирдим, университетга.

– Ўҳ-ў-ў, зўр-ку. Табриклаймиз.

– Раҳмат, лекин, – деб чайналди Аҳад, – са-ал ташвиш чиқиб қолди. Мен контрактга зўрға илашганман, Холмат ака. Контракт пулини тўлаб қўйишим керак. Эртага охирги муддат. Агар тўламасам... мени ўқишдан ҳайдашади.

– Отанг... Икром ака хабардорми?

– Ҳа, – деди Аҳад каловланиб. Отам билан телефонда гаплашгандим.

Унинг гоҳ ҳаяжонланиб, гоҳ хижолатланиб тушунтиришича, Аҳад отаси билан телефонда гаплашган. Отаси «ҳозир иложим йўқ» дебди. Лекин ўн-ўн беш кун ичида, албатта пул топармиш. «Сен унгача, – дебди Икром ака, – Қўйлик бозорига чиқиб қара. У ерда хумчалик, олатўплик мевафурушлар кўп. Бирортасидан пул олиб, контрактни тўла. Ўша одамга мен бу ёгдан қишлоққа келгач, қарзни қайтараман».

– Шунинг учун бозорга чиққандим, – деди Аҳад энтикиб, – сизни менга Худо етказди.

Олатўпликнинг дами ичига тушиб кетди. «Об-бо, ўғридан баттарига йўлиқдим-ку, қарз сўрамоқчи...»

– Ҳа, шунақа де, – овоз чиқариб аранг пўнғиллади Холмат.

– Ака, – деди Аҳад, олатўпликнинг юзига юз босгудек яқинлашиб. – Энди ўзингиз ёрдам бериб юборасиз-да, илтимос.

Талаба шартнома пулини айтди. Бунча пул Холматнинг тўрвасида бор эди. Лекин аллақандай хумчалик Икром деганининг мишиқи боласига шунча ақчани ҳе йўқ, бе йўқ бериб юбораверадими?

– Энди-и, ука-а, – деб гап бошлади олатўплик салмоқлаб. Қўни-қўшнилардан насияга олиб келганини, улар билан дарҳол ҳисоб-китоб қилмаса бўлмаслигини айтиб талабадан юмшоққина қутулмоқчи бўлди.

– Энди-и, укам, гап бундай, – дея тагин такрорлади у томоқ қириб.

Лекин Холмат ногоҳ томоғига суяк тикилгандай жимиб қолди. Хаёлида пишитиб турган гаплари тумтарақай тарқаб кетди.

Холмат шундай дея Аҳадга юзландию тагин туйқус жим қотди. Йигитча унга ишончу умид билан термилиб турарди. Афтидан у мушкулининг осон бўлишига сўзсиз ишонарди.

– Ҳе-ша... – деб зўрга минғирлаб қўйди Холмат, ҳалигина хаёлида пишитиб турган баҳонасини унутиб.

– Ака, сиз хавотир олманг, – деди Аҳад, олатўпликнинг саросимасини ўзича тушуниб, – қишлоққа боришингиз билан отам сизни излаб топади, қарзингизни беради.

– Мен... мен сенинг қўлингга мунча пулни бериб юборолмайман... ҳар ҳолда... ҳали ёшсан.

Аҳад Холматни астойдил қўлтиқлаб олди.

– Ака, пулни менга беришингиз шартмас. Ҳозир бизнинг ётоқхонага борамиз. Яхши дам оласиз. Эртага эрталаб университет кассасига тўлайсиз.

– Йў-ў... – деди Холмат яна бир баҳона топганидан қувониб, норизо бош чайқаб, – сен билан кетолмайман. Хув, сомон бозор ёнида квартирамиз бор. Шериклар Черняевкага кетган. Уларнинг қўшхонасига қараб турибман. Мен... квартирага боришим керак.

Аҳад туйқус тўхтаб олатўпликнинг юзига тикилди.

– Ака, ўзи ёрдам беришни хоҳлайсизми, ё...

Холмат йигитчанинг нигоҳлари билан тагин тўқнашдию каловланди. Чунки бу нигоҳлар ҳануз ўша-ўша қувонч ва умидга лиммо-лим.

– Бўпти, – деб ғудранди Холмат, – розиман, шунга юкиниб кепсан...

– Лекин ҳозир квартирага бормасак бўлмайди. Сен адресингни айт, эртага эрталаб ўша жойга етиб бораман. Қолганига Худо пошшо...

– Раҳмат, ака, – деди Аҳад қувончдан ял-ял яшнаб, – ёрдам беришингизни билардик. Чунки сиз олатўпликсиз...

Талаба Холматни яна бирмунча алқаб тургач, манзилини ҳижжалаб тушунтирди, ҳатто, бир парча қоғозга ёзиб-чизиб берди.

– Ака, сизга ишондим, – деди у, ниҳоят, қуюқ-сууюқ хайрлашаркан. – Эрталаб соат тўққизда сизни ўша ерда кутаман.

– Бўпти, келишдик.

* * *

Аҳад кўздан йўқолар-йўқолмас Холматнинг кўнгли буткул хира тортиб қолди. Бўшанглик қилиб, розичилик бериб юборганига ўзини роса қойиди.

Шериклари аллақачон қайтишган экан. Торгина ҳужра ўртасида дастурхон ясашиб қарта ўйнашарди. Бир чеккада тўзгин дастурхон: дастурхон устида мева-чева, нон бўлаклари, ярим шиша ароқ, табака.

Холмат улар билан ҳол-аҳвол сўрашгач, ҳовлидаги кран сувида ювиниб-чайиниб қайтди. Лекин кўнглидаги хираликдан қутулолмади. Бу хиралик хумчалик талаба хайрлашиб, ваъдалашиб кетган чоғдаёқ унинг ичига ёпирилиб кирган эди.

Ахир одам дегани ҳам шундай бўшанг бўладими? Ҳе йўқ, бе йўқ аллақандай мишиқига ваъда бериб юборди-я! Иложи йўқ, ука, пулим ўзимга ҳозир керак, фалон нарсани олиб кетишим керак, деса, уни биров койирмиди? Хўш, энди нима бўлади?

Кўр бўлиб аллақандай хумчалик талабанинг шартнома пулини тўлайди-да. Кейин-чи? Балки Аҳадбой ғирт ёлгон гапиргандир. Қарз қиёматга қолса-чи?

Холматнинг боши ғовлаб кетди. У ола-чалпоқ ёритилган кўча бўйлаб кампирнинг ҳовлисига қандай қайтиб келганини-ю, анави шериклари билан қандай ҳол-аҳвол сўрашганини ҳам билмайди. Бир-биридан қайсар, ваҳимали ўйлар унинг ич-ичини гижимлар, эговлар эди.

«Уф-ф, ваъдалашгандан кейин бераман энди» деб ўйлади у ювиниб-артиниб ҳужрага қайтиб кираркан.

– Холматбой, – деди Олқор полвон гумбаздек ёнбош ётган жойидан, гўштдор калласини аранг буриб, – савдони қойиллатган бўлсангиз ҳам негадир кайфиятингиз паст, нега?

Сайфулло ҳам қўлидаги халтадан кўз узмай мингиллади.

– Ҳа, тўғри, негадир таъби тирриқ Холматбойнинг.

– Э, чарчадим-да, – деди Холмат паришон қўл силтаб.

У бир интилиб дастурхон устидаги шишадан пиёлага ароқ қуйиб ичди. Бир бўлак яхна гўшtdан газак қилди. Ичи яйраб, ўй-фикрлари бироз тиниқлашгандай бўлди.

– Олқор ака, – деди у, товуқ гўштини бурдалаб оғзига соларкан, – хумчалик Икром миробни танийсизми?

– Ҳа, танийман, – деб қўйди полвон қартадан кўз узмай. – Нима гап?

– Шунинг бир ўгли ўқишга кирибди.

Холмат шу орада, ҳув, шом чоги кўрган-кечирганларини узук-юлуқ қилиб айтиб берди. Шериклар сергакланди. Қарта ўйини бир зум тўхтади.

– Эсинг жойидами? – деди Олкор полвон Холмат томон андак сурилиб, – ростдан ҳам контракт пулини тўладингми?

– Ваъда бердим-да.

– Ўв, – деди полвон, – сен пул топгани келдингми, ё топганингни ҳавога совурганими?

Холмат товуқ оёғини ғажиркан пўнгиллади.

– Нега совурарканман? Қарз бу, эрта-индин отаси қайтаради-да.

– Об-бо, овсар-эй, – деб пиқиллаб кулди Сайфулло, – ҳали шу пайтгача ҳеч ким хумчаликдан қарзини ундириб ололмаган. Улар гирт фирибгар. Неча-нечаларни лакка тушириб кетган.

– Ўша Икром деганинг ўзи, – деди полвон бармоғини бизиз қилиб, – итдан бир суяк қарз. Кўринганни камситиб, чув тушириб юради.

Холмат ҳузурланиб кўзларини бир зум юмди. Қизик, шерикларнинг танбеҳи унга мойдек ёқарди.

«Тавба, бу Икром деганлари ҳўб ғалати одам экан-да. Бозорга бор, олатўплик мевафурушларни топ, улардан пул ол, дебди-я?! Худди олатўпликларга ошириб қўйгандай. Қизик нега Икром мироб бундай деди экан? Бизнинг ёрдам беришимизга шунчалар ишонганми? Ўгли-чи? У ҳам ортиқча ялиниб-ёлворгани йўқ. Шунчаки, пул беришим шартдай сўради-қўйди. Гирт сурбет экан-ку! Мен унинг кўзларига қараб муздай эриб ўтирибман-а!..» Холмат шерикларига кўз қирини ташлаб сўради:

– Соат неча бўлди?

– Ўн икки.

– Вой-бў-ў, ҳали ётмадиларингми?

Шу пайт эшик ғийқиллаб қия очилди, бека кампир бош суқди.

– Эй, кто из вас Холмат?

– Мен...

– Иди, сени чақиряпти.

Кампир лип этиб кўздан йўқолди. Холмат «ким», «қаерда» деб сўрашга улгурмай, ҳовлиққанча беканинг ортидан чопқиллади. Шериклари унинг изидан таажжуб билан қараб қолишди.

Холмат кузнинг муздек эпкинидан яна сергак тортди. Бўй чўзиб дарвоза томон аланглади. Дарҳақиқат қия очик дарвозада кимнингдир шарпаси кўринди.

– Ассалому алайкум, ака.

Шарпа тавозе билан салом бериб, Холмат томон юрди. Холмат қаршисида хумчалик талабани кўриб ҳангу манг қотди.

– Ия, Аҳад! Нима қилиб юрибсан кечаси?

– Кечирасиз, ака. Бир соатча олдин отам оғайнимнинг соткасига телефон қилиб қолди. Пул топибди. Эртага етиб келарканлар. Шунини... сизга айтиб қўяй, безовта бўлманг, эртага сарсон бўлиб юрманг, демоқчи эдим.

Холмат каловланиб қолди.

– Ҳечкиси йўқ, – дея аранг ғудранди у. – Бекор овора бўп келибсан.

– Тунги сайр бу, ака.

Аҳад кулиб Холматнинг қўлини самимий қисди.

– Ака, ёрдам бермоқчи бўлганингиз учун сизга катта раҳмат. Ҳақиқий олатўплик экансиз.

Холмат саросималаниб ерга қаради.

АРМОНЛИ ДУНЁ

*Ёр кетди, кўзим булоги қолди,
Сийнамда тирик фироқи қолди.
Ишқ хотираси каби сочимнинг,
Ёшликда кўпайган оқи қолди.*

ОЙБЕК

Тонг ғира-ширасида уйқуси қочиб уйғонган жувон ёнида дунё беҳабар, донг қотиб ухлаётган эрига бир зум тикилиб қолди. Эри хушбичим, одамлар билан муомалани ҳам жо-

йига кўяди. Топиш-тутиши ҳам ёмонмас, қисқаси, эр деса дегудек! Бироқ турмуш қурганларига беш йилдан ошибдики, Гулсумнинг эрига юраги «жиз» этмайди. Боз устига тақдир уларни фарзанд неъматидан қисди. Ўрталарида биргина «тирноқ» бўлганда ҳаммаси бошқача бўлармиди? Уйкудаги эрнинг осойишта юзига қараб ўтиришдан зериккан аёл чуқур хўрсинди.

...Энди турмуш қурган пайтларида Гулсум ҳеч нарсани ўйламасди. У фақат оилавий ҳаётига, дугоналари ҳавас қиладиган хушбичим эрига тезроқ кўникишни, юрагидаги эзгин хотиралардан тезроқ фориг бўлишни истарди, холос. Кундуз кунлари рўзгор юмушларию қайнона-қайнотага қилинажак хизматлар билан овунадиган келинчак қоронғу тушиши билан анча безовталаниб қоларди. Нима учундир у Илҳом билан ёлғиз қолишдан чўчирди. Кўнгил кўнгилдан сув ичиши лозим бўлган бу сирли оқшомлар негадир Гулсумга «сир»ларини очмасди. У куёвининг ҳазил-ҳузул гапларига, кинояларига баъзан бепарволик билан, баъзида эса қовоқ уйиб жавоб берарди. Аввалига Илҳом хотинидаги ҳолатни янги келинларга хос уятчанликка йўйди. «Тўйгача мени тузукроқ танимаганидан кейин шунақа бўлади-да» деб ўйлади. Бироқ тўйлари бўлганига икки-уч ойдан ошди ҳамки, хотинининг унга муносабати ўзгармай қолаверди. Гулсум унинг ширин сўзларига ҳануз бепарво қарар, эркалатишларини совуқ қарши оларди. Яхшиям Илҳом сабр-тоқатли йигит эди. Ҳадеганда келинга зарда қилавермасди. Шунингдек, ўрталаридаги муносабатнинг хийла совуқлигидан бировни огоҳ этиш ҳам унга анчайин эриш туюларди.

Ана шундай кунларнинг бирида янги куёв қайнота уйига таклиф қилинди. Ўша куни янги куёв билан танишиш ва бу қутлуғ танишувни «ювиш» маросими узоқ давом этди. Аслида Илҳом табиатан одамовироқ эди. Бироқ начора, бугун чидашга тўғри келади. Меҳмонга келган узоқ-яқин қариндошнинг ҳаммаси янги куёв билан обдан ҳол-аҳвол сўрашади. Сўнгра қаерда ишлашини, қанча маош олишини... Хуллас, бир хил саволлар, бир хил жавоблар... Илҳом ичидан гижиниб ўтирарди.

Бир пайт овқат тортилиб, «уриштириш» бошланди. Қизиқ, ичадиган одамга ҳар доим баҳона топилади. Мана, даврадагиларнинг аксарияти янги куёв билан қадаҳ уриштириш ниятида! Илҳом эса деярли ичмасди. Шундай бўлса-да, дастлаб меҳмонларнинг ҳурматига оз-озгина ичиб ўтирди. Бироқ мулозаматларнинг охири кўринмасди.

У бир амаллаб даврадан чиқди. Чорпояда ўтирган қайин укасини имлаб чақираркан, бирор холироқ жой топиб беришини илтимос қилди. Қайин ука эса «майхона»дан зериккан поччани ҳовлининг бурчагидаги пастаккина уйчага бошлади.

— Бирозгина нафас ростлаб олай, кейин ўзим чиқаман, — деди у қайин укага миннатдорона тикилиб. Сўнгра кўрпачага чўзилиб, кўзларини юмди.

Янги куёв... бирпасда куёв ҳам бўлдим-я? Умр бунчалар тезоб бўлмаса. Йигирма уч ёшида ўз оёғига ўзи кишан солиб олиши шартмиди? Ахир у ҳам бирорта олий ўқув юртига кириши мумкин эди-ку! Ана, ўн йил бир партада ўтирган дўсти Алишер кун кеча зангори экранда бутун мамлакатни ўн беш минут қойил қилдирди. Унинг Алишердан нимаси кам?

Илҳом миясига урилган саволлардан кўнгли ғаш бўлди. Ҳар доим шундай: Алишерни кўрса ёки у ҳақда ўйласа дили хуфтон бўлади. Ичида нимадир ўртаб кетади. Бу нима? Ҳасадми ёки худбинликми? Дафъатан Илҳомнинг ўзи ҳам бу саволга жавоб беролмайди. Лекин бир нарса аниқ: у Гулчеҳрани яхши кўрарди. Қизнинг кўнгли эса Алишерда эди. Гарчи Алишер бу пинҳона муҳаббат изтиробларидан беҳабар бўлса-да, Илҳом уни кўрганида маҳзун бўлиб қоларди. Алам қилгани шуки, Алишер Гулчеҳрага уйланмади. Илҳомга мангу армон бўлиб қолган гул чеҳрали қиз эса бошқа бировга турмушга чиқди-да, кетди. Энди ошиқ йигитни бир изтироб қийнайди: Алишерни севган қиз уни севмади. Нима учун? Тўғри, у мактабда яхши ўқимади. Лекин тўрт мучаси соғ, ақл-ҳуши жойида. Яна нима керак? Яхшиям унинг кўнглидаги мана шу армонларни ҳеч ким билмайди.

Бироқ уйлангандан бери унинг дил яралари яна янгиланди. Негадир Гулсум ҳам унга рўйхушлик бермаяпти. Даст-

лаб, хотинининг ийманишларини табиий қабул қилди. Аммо сўнгги кунларда унинг хаёлига тез-тез бир гап келадиган бўлиб қолди: Гулсум ҳам севмайди!

Илҳом ўрнидан туриб ўтирди. Бу ўйлардан унинг кўнгли баттар гашланган эди. У аста ўрнидан туриб жавондаги китоблардан бирини қўлига олди. Муқоваси анчайин уриниб қолганидан китобнинг номини ўқиш қийин эди. У титиғи чиқиб кетган китобнинг тўғри келган жойидан очди-да, ис-тамайгина ўқишга тугинди: «Бўйи етган қизнинг орзуси ос-мондаги юлдузга ўхшайди. Узоқдан ярақлаб кўринади-ю, на етасан, на тутасан. Юлдуз эса олисда сирли-сирли милтираб тураверади. Талпинасан, ҳеч кимга билдирмай хаёл сурасан. Юлдузинг ёнинга тушишини орзиқиб кутасан. Ким билсин «юлдузи юлдузига тўғри кепти» деган гап, балки шундан чиққандир. Менинг юлдузим Кимсан акам эди. У олдим-га келди. Кафтимга кўнди. Рашид абзининг мўричасидан Фотима-Зухра келин билан қайтаётганимизда, Кимсан акам Очил акани урмоқчи бўлганида, Шомурод тоғамнинг (энди менинг эрим бўлиб қолган Шомурод аканинг) никоҳ тўйи куни иккаламиз Тошкентга томошага борганимизда... юл-дузим ёнимда эди. Қўлимдан юлиб олишди. Тўсатдан, ҳеч кимдан сўрамасдан...»

Негадир саҳифадаги ушбу жумлаларнинг тагига қалам билан чизилган эди. Илҳомнинг қалбини нимадир жизил-латиб ўтди. Бу жумлаларнинг тагига бекорга чизилмаган. Ким экан у юлдузини йўқотган шўрлик? Гулсум бўлса-я? У китобни жойига қўйди-да, «Ўткан кунлар»ни олди. Китоб-нинг орқа муқовасидаги ёзувни ўқий бошлади. «Қани эди Кумушбибидек ўз ёримга севишли бўлсам». Ҳойнаҳой, бу сўзларни ҳам Гулсум ёзган бўлса керак. Илҳом бу китоб-ни ҳам жойига қўйиб жавонни кўздан кечира бошлади. Ку-тилмаганда китобларнинг орқа томонига ташлаб қўйилган муқоваси безакли дафтарни топиб олди. Ички бир қизиқиш билан қалингина дафтар муқовасини очди: «Гулсумнинг эсдалик дафтари».

Дафтарда хотинига таниш бўлган йигит-қизларнинг дил сўзлари, тилаклари битилган эди. Бири Гулсумни ҳаддан

ортиқ мактаган, яна бири фақат мактов билан қаноатланмай ўзига ажратилган вараққа чиройли гул чизибди. Илҳом саҳифалардан биридаги ишқий шеърларга кўзи тушиб қолди. Хуснихатнинг чиройлилиги эгасининг анчайин саводли эканидан дарак бериб турарди.

«...Сизга дунёдаги энг олий туйғуларни тилайман. Мудом муҳаббат ҳамроҳингиз бўлсин! Қани энди, мана шу муҳаббатга мен ҳам ҳаётингиз давомида ҳамроҳлик қилсам. Биласизми...

*Фироқни лаҳзага кўмгим келади,
Бедард ёр наҳотки ўнгим келади.
Хазонли боққа кел сени соғиндим,
Сени кўрмай десам, ўлгим келади.*

Азизим, сизга айтажак тилакларим шу жойда поёнига етар экан, сизга айтмоқчи бўлган гапларим яна ўқилмаган китоб янглиғ ўзимда қолаверади. Сизга омонлик тилаб, Даврон».

Илҳомнинг тиззалари қалтираб кетди. Беихтиёр қўлидаги дафтарни гижимлай бошлади. Демак, ҳаммаси тушунарли. Гулсумнинг уни севмаслиги аниқ. Тўғри, бу изҳорларга Гулсумнинг муносабати қандай бўлгани номаълум. Лекин... нега унда бу оташин сўзлар авайлаб-асраб келинди? Агар у йигитнинг гаплари Гулсумга ёқмаганида йиртиб ташлаши ҳам мумкин эди-ку! Эҳ, бу энди қандай савдо бўлди? Севмайдиган аёл билан яшаш мумкинми? Ахир сен уни кучоқлаб ётсангу, сенинг оғушингда у бошқани ўйлаб ётса! Ғурурли эркак учун бундан ортиқ жазо борми? Эркакнинг сингани, ўлгани шу эмасми?

Илҳомнинг қалбини рашк алангаси чулғади. Лекин бу дардни кимга айтади? Хотиним мактабда бир йигитни севган экан, шунинг учун у мени севолмайди дейдими? Йўқ. Илҳом буни ҳеч кимга айтмайди. Ҳатто Гулсумга ҳам. Ахир инсоннинг қалбини сотиб олиб бўлмайди-ку!

Шу пайт хонага Гулсум кириб келди. У Илҳомнинг қўлидаги «Эсдалик дафтари»ни кўриб, анграйганича эри-

га қаради. Илҳом эса дафтарни жавонга қўйди-да, индамай хонадан чиқиб кетди. У шу кетишда тўғри меҳмонларнинг ҳузурига борди ва кетма-кет қадаҳ уриштира бошлади. Янги куёвнинг ғойибдан олган бу журъати бошқаларга ҳам қўл келди.

Ўша куни у алаmidан тўйиб-тўйиб ичди. Бироқ унга бу ичкилик оний кайфият бера олди, холос. У ўзига келганида миясига биринчи урилган фикр: «Гулсум мени севмайди» деган аччиқ иқрор эди. Нима қилиши керак? Тақдирга тан бериб юраверсинми?

Хуллас, бошқалар ҳеч нарсани сезмаган бўлсалар-да, ўша кун уларнинг ҳаётини ўзгартириб юборди. Гулсумни қийнаган нарса Илҳомнинг сокинлиги эди. Эри уни уриб-сўкканида қайтага бунчалик қийналмасди. Илҳом «ичимдагини топ» дейдиган бўлиб қолган эди. У тез-тез ичадиган одат чиқарди. Хотинини ҳеч қаерга жўнатмай қўйди. Гулсум қизлик уйига бормоқчи бўлса, қайнонаси ҳамроҳлигида йўлга тушарди.

Шу тарзда орадан бир ярим йиллик фурсат ўтиб кетди. Гулсумнинг ҳомиладор бўлмаётгани Салтанат холани ташвишга сола бошлади. Улардан бир ой кейин келин туширган Холжон буви бешик тўйга айтиб чиққан кундан бошлаб қайнонасининг «пайтавасига қурт тушиб қолди». Икки-уч кун ўтгач, нонушта пайтида келинига сўз қотди:

– Қайин опангизнинг зўр бир гинеколог таниши бор эмиш. Сизни ўша дўхтирга олиб бориб кўрсатмоқчиман.

Гулсум қайнонаси етовида йўлга тушди. Она-бола олдиндан келишиб қўйган шекилли, қайин опаси уларни бекатда кутиб турган экан. Гулсумни текширган гинеколог Салтанат холага:

– Келинингиз соппа-соғ, хола. Албатта фарзандли бўлади, – деди.

Салтанат хола уйга оғзи қулоғида бўлиб қайтди. У бўлажак набирасига алла айтишни, бешик тебратиб ўтиришни, дунё ташвишларини унутиб набира эркалатишни хаёлан тасаввур этарди.

Лекин орадан ойлар ўтди ҳамки, Салтанат холанинг орзуси орзулигича қолаверди. Хола бир куни ботиниб-ботинмай Илҳомга: «Сен ҳам бир дўхтирга кўринсанг, болам», деб қолди. Ўғил онасига «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бермаган бўлса-да, ҳартугул ўша куни касалхонага йўл олди.

Қатор текширувлардан ўтгач, таҳлил натижаларини олиб врач қабулига кирди. Эллик ёшларга бориб қолган дўхтир қоғозларни бирма-бир кўздан кечиргач:

– Фарзанд кўришингизга тўсқинлик қиладиган бирор нуқсонни кўрмадим. Бу томонлама соғломсиз. Ҳеч қандай хавотирга ўрин йўқ, – деди у.

Ўзининг соғломлигини эшитгач, Илҳомнинг хотинига нисбатан ички адовати ошиб кетди. «Гулсум мени севмагани учун ҳам фарзанд кўрмаяпмиз», деб ўйларди у. «Хотиним ҳалиям ўша Даврондан кўнгил узолгани йўқ».

Ана шундай кунларнинг бирида Гулсумнинг онаси қизидан хабар олгани келиб қолди. Бир-икки соат ўтирган бўлди-ю, кетишга тараддудланди.

– Бугун қишлоқда тўй бор, қудажон, – деди у.

Онасининг дастурхонига ул-бул солаётган Гулсум қизиқсинди:

– Кимнинг тўйи, ойи?

– Нормат полвоннинг Тошкентда ўқиётган ўғли бор-ку. Иسمи Давронмиди? Ўша бола шаҳардан уйланыпти. Айтганча, Даврон сен билан ўқиган эди, шекилли?

Чорпоянинг бир чеккасида эски радиони тузатиш билан овора бўлиб ўтирган Илҳом «ялт» этиб хотинига қаради. Кўзлар тўкнашди. Гулсум беихтиёр нигоҳларини олиб қочди. Шоша-пиша тугунни кўтариб онасини кузатгани дарвоза томон юрди.

Хотини қайтиб ҳовлига кирганида Илҳом шубҳали ўйлар гирдобида қолганди: «Уни унутган бўлса, нега уйланаётганини эшитиб каловланиб қолди? Нега ҳалиям менга муносабати ўзгармаган? Гуноҳкор бўлмаса, нима учун кўзларимга тик қаролмайди?»

Ўша куни Илҳом ўртоқлари билан зиёфатга кетди. Кечкурун эса уйга гандираклаб қайтди. Уйга киргач, ўзини ўринга ташлади. Кейин ҳовлида куймаланиб юрган Гулсумни чақирди.

– Бу ёққа кел, сенда гапим бор.

Рўмолини тузата-тузата уйга кирган Гулсум кўрпачага ўтириб, эрининг сўз бошлашини кутди. Илҳомни рафикасининг итоаткорлиги азобга соларди.

– Менга қара, қачонгача мени қийнаб яшамоқчисан, – деди у хотинига баланд овозда. – Ўртоқларимнинг хотинлари эрларини бошда кўтаришади. Сен бўлсанг менга кўнгилсизсан. Ўртоқларимда икки-учтадан бола бор. Биз бўлсак болага зормиз. Ҳаммасига сен айбдорсан. Сен мени севмайсан, мендан фарзанд кўришни истамайсан.

Гулсум эрининг ғазабнок юзига ҳайрат билан қаради:

– Нималар деяпсиз?

– Ўзингни қўйдаи ювош, фариштадай пок қилиб кўрсатасан. Аслида эса ҳалиям ўша синфдошингдан кўнгил узмангансан.

– Нималар деяпсиз, Илҳом ака? Ўз хотинингизга туҳмат қилишга уялмайсизми?

– Ҳали сенга туҳмат қилаётган эканман-да. Демак, мен кўрган ўша хотира дафтарингдаги сўзлар ҳам ёлгон! Шундайми?

Гулсум индаёлмай қолди. Хотинининг жимиб қолгани маст эрнинг баттар ғазабини кўзгади. Гулсумнинг юзига қулочкашлаб туширди.

– Менга сендай хотиннинг кераги йўқ. Латта-путталарингни йиғиштиргин-да, уйингга йўқол.

Ўғлининг уйидаги шовқинни эшитган Салтанат хола югуриб чиққанида келини дарвозадан чиқиб бўлганди. Ёқавайрон, оёқяланг Илҳом эса супа устида турарди.

– Ҳаётимни барбод қиляпсан...

Аслида Салтанат хола ўғлига насиҳат қилиб, келинини қайтармоқчи эди. Бироқ насиҳати бугун қор қилмаслигини тушуниб турарди. «Бир-икки кун ўтиб, ўғлимнинг ҳоври босилгач, Гулсумни қайтариб олиб келаман», деб ўйлади у.

Лекин Салтанат холанинг овора бўлиб боришига ҳожат қолмади. Эрталаб кайфи тарқаб уйғонган Илҳом шоша-пиша йўлга тушди:

– Ҳим, эрталабдан қаёққа йўл олдинг?

– Гулсумни олиб келаман.

– Ақлинг жойига тушибди-да...

... Гулсум эрининг эртасигаёқ етиб боришини кутмаган эди. «Эрим кеча маст бўлгани учун урганини билмай қолди», деб ўйлади у.

Шунинг учун куёвига тиш қайраб турган онасини гапиртирмади.

– Эридан калтак еган бир менми, ойи? Кеча куёвингиз мастлигида бир бўлди-да. Уйимга кетақолай.

Хуллас, ўшандан бошлаб Илҳомнинг калтаклашию Гулсумнинг уйига аразлаб кетиши тез-тез такрорланадиган бўлиб қолди. Илҳом хотинини уриб ҳайдар, лекин орадан бир-икки кун ўтгач, уни олиб келиш учун отланарди. Назаарида Гулсумни қайтариб келмаса, хотини ўша Даврон билан топишиб оладигандек эди.

Бора-бора Илҳом билан Гулсумнинг жанжалидан Салтанат хола ва Қадам бува ҳам безиллаб қолишди. Доимий жанжаллардан кейин Қадам бува:

– Бундан кўра ажрашиб кетганлари яхши эди, – дерди бош чайқаб. – Келин бечора ҳам қийналиб кетди.

Кўп ўтмасдан янги уй қуриб, уларнинг рўзгорини бўлак қилишди: ўзлари билан ўзлари бўлишсин.

Ўшандан бери икки йилча вақт ўтди. Гулсум билан Илҳомнинг ҳаётида ҳеч нарса ўзгармади. Ҳамон ораларидаги муносабат совуққина, ўрталаридаги ришталар муваққатгина – эрта-индин узилиб кетадигандай туюлади...

Гулсум эрининг юзига тикилганча у билан ўтган умри ҳақида ўйлар экан, бу маҳзун хотиралардан юраги сиқилиб оёғига шиппагини илди-да, ошхонага йўл олди. Ҳар куни шу аҳвол: эрталаб туриб эрга нонушта тайёрлаш, кийинтириш ва кузатиб қўйиш... Сўнгра ҳовлининг у ёқ-бу ёғини шунчаки супуриб-сидириш керак. Қайнона-қайногасининг ҳовлисида юмуш кўп – куни бўйи иш топиларди. Бу ерда

мол-хол ҳам йўқ. Уйини бир тозалаб чиқса бир ҳафтагача тўзгимайди. Гулсумга бу аҳволи шоирнинг машҳур мисрасини эслатади: «Ҳар баҳорда шу бўлар такрор, Ҳар баҳор ҳам шундай ўтади». Унинг ҳам кунлари ана шу тахлит бир хил: зерикарли, эзгин ва маҳзун кечарди.

Илҳом эса ҳалигача фарзанд кўрмаганликларида уни айблайди. Очиқ айтмаса ҳам, юрагида хотинига нисбатан катта адовати бор. Аслида эса Гулсумнинг гуноҳи йўқ. Тўғри, у ростдан ҳам бир пайтлар синфдоши Давронга кўнгил қўйганди. Бирок у пайтлар ҳаётида Илҳом акаси йўқ эди-ку! Аёл илк муҳаббатини, у билан боғлиқ хотираларни аллақачон унутиб юборган. Бирок буни эрига юрак ютиб айтолмайди. Тўғрироғи, бунга журъати етмайди. Қолаверса, у энди ҳаётини Илҳомсиз тасаввур қилолмайди – мана шу бироз баджаҳл, уни ҳар ойда бир-икки марта калтаклаб ота уйига ҳайдовчи эркак унинг жисму жонига айланган. Ҳатто онаси ҳам охирги боришида унга ялинди:

– Энди шу эрингни қўяқол, қизим. Ажрашсаларинг икковинг ҳам бахтингни топармидинг?!

Юз-кўзи моматалоқ Гулсум бош чайқади:

– Мен эримдан кечолмайман, ойи...

Бекор ўтиргиси келмаган аёл ҳовли супурмоқчи бўлди. Қўлига челақни олиб ҳовли чеккасидаги ариқдан сув олди ва сув сепишга киришди. Шу пайт ажриқлар орасида ётган пуштиранг бир нарсани кўриб қолди. У онда-сонда қимирлаб қўярди. Гулсум челақни ерга қўйдию, ажриқ орасидаги нарсани қўлига олди. Бу миттигина мусича боласи эди. Ҳали жиш полапон уясидан тушиб кетибди. Айвон чеккасидаги уяда яшовчи мусичаларнинг тухум қўйиб бола очганини аёл энди билди. «Мусичайи беозор» деб шуни айтишса керак-да!

Полапоннинг ерга тушганидан очофат чумолилар бир зумда хабар топишган шекилли – митти мусича танасида ўнлаб чумоли ўрмалаб юарди. Аёл пуф-пуфлаб чумолиларни тозалади. Шу пайт полапон митти тумшукчасини катта очди – овқат сўрай бошлади. Гулсумнинг қўлида полапон эмас, митти чақалоқ тургандек эди. Жувоннинг юраги

орзикиб кетди. «Сени уйингга элтиб қўяман» дедию, дарров нарвон келтириб қушчани уясига қўйди. Ўша куни Гулсум кечгача хурсанд бўлиб юрди. Унинг уйидаги мусича полапон очибди. Бу яхшиликдан нишона.

Шундан бери Гулсум ҳар тонгда айвон чеккасидаги уяга қўз ташлаб қўяди. Ҳозир у қутқарган полапоннинг қанотлари кўриниб қолган.

Полапон воқеасидан бир ой ўтгач, жувон ўзини ғалати хис қила бошлади. Сал нарсага боши айланиб кетарди. «Наҳотки?!» Миясига келган фикрдан юраги ёрилаёзди. Наҳотки, у олти йил деганда ҳомиладор бўлган бўлса! Гулсум беихтиёр йиғлаб юборди: «Эй Худойим, охири нолаларимни эшитибсан-да! Сенинг караминг кенг, фазлинг кенг! Сен мана шу муҳташам коинотнинг гултожи қилиб бизни яратдинг! Бутун яралгувчилар ичра мукаррам қилдинг, муаззам қилдинг. Сўнгра улуғ-улуғ неъматлар бердинг. Афсуски, биз бу неъматларингга ношукур бўламиз, лек Сен ноумид қилмайсан. Чунки Сен Раҳмонсан-да! Биз мана шу сифатингдан умидвормиз. Озгина ҳаётимизда ана шу умидворлик ҳиссидан мосуво қилмагин. Худойим, менга фарзанд берганинг рост бўлсин! Мен буни бугуноқ Илҳом акамга айтаман».

Гулсумнинг кўзларидан севинч ёшлари қуйиларди. Бироқ... у тагин ўйлаб қолди. Балки ундаги ўзгаришларга сабаб бошқадир. Жувон ҳаёлига келган бу фикрдан кўрқиб кетди. У чўк тушиб яна Худога тавалло эта бошлади: «Худойим, Ўзинг рост қилгин!» У Аллоҳга ёлвориб мақсудини тилар экан, тўсатдан ҳаёлига бир фикр келди. Аммаси дўхтир-ку!

Гулсум апил-тапил кийиниб йўлга тушди. Туман марказига ўн беш чақиримча йўл эди. У ҳаллослаб автобус бекати-га борар экан, тинимсиз бир гапни такрорларди: «Худойим, Ўзинг рост қилгин!»

Гулсумдан бу янгиликни эшитган амманинг ҳам севинчдан кўзлари ёшланди. Бир зумда ҳаммаси ойдинлашди: у ҳомиладор эди!

Аллоҳим, Ўзингга шукур. Энди ҳаммаси бошқача бўлади. Ҳозир у уйига боради-да, энг чиройли кўйлаklarини кияди. Тунов куни Илҳом акаси олиб келган атирдан сепиб олади. Бугун овқат-повқат қилиш йўқ. Илҳомга ош дамлатади. Илҳом бугун жон-жон деб ош дамласа керак. Эҳ, бу хушхабарни эри қандай қаршилар экан-а? Ҳа, айтмоқчи, энди у эрига бир шарт қўяди: бугундан бошлаб анови зормандани ичиш йўқ! Ахир уйдаги ҳамма жанжал ана шу савил қолгурдан чиқади. Бугуноқ у эри билан бу масалада келишиб олади.

Гулсум ширин хаёллар билан манзилга келиб қолганини ҳам сезмай қолди. У табассум билан шофёрга йўл ҳақини узатар экан, пулининг қайтимини ҳам олмасдан шошиб-пишиб автобусдан тушиб кетди. Унинг шу тобда хаёли-ҳуши эрида эди. Ахир у бечора ҳам озмунча қийналдими? Ҳеч эсидан чиқмайди, бир сафар Илҳом ширакайф бўлиб ишдан келди-да, ошхонада қуймаланаётган Гулсумнинг кўлидан ушлаб дарвозага судради:

– Ҳозироқ онангникига кетасан. Қайтиб бу уйга қадам босмайсан.

– Нега? Сизга нима ёмонлик қилдим, ахир!

– Нима ёмонлик қилдинг? Ўзинг билмайсанми? Бугун, ҳатто, энг яқин дўстим Малик ҳам улфатлар ичида мени ерга урди. «Битта хотинни туғдиrolмаган эркак эркакми», дея юзимга солди. Мени маломатга қолдирдинг, Гулсум. Бор, кет, Худо хайрингни берсин...

Илҳом уни дарвозага томон судраб борар экан, тўсатдан ўзи ҳам йиғлаб юборди. Сўнгра Гулсумни маҳкам кучоқлаб олди.

– Айт, нима қиламиз?!

Худога шукур, энди ҳаммаси ортда қолди. Гулсум ҳомиладор бўлди! Энди уларнинг уйидан ҳам чақалоқ йигиси чиқади! Онаси унинг боласига атаб аллақачон бешик олиб қўйган. Эртага онасиникига боради. Бу янгилик ҳаммани қувонтиради.

Гулсум қувонганидан уйига югургилаб борар экан, узоқдан дарвозаси олдида турган тумонат одамни кўриб

таққа тўхтади. Булар кимлар? Нега уларнинг дарвозаси олдида турибди?

– Опа, қаерда юрибсиз?!

Гулсум «ялт» этиб орқасига қаради. Қаршисида йиғидан кўзлари қизариб кетган укаси Зокир турарди.

– Нима бўлди? – Гулсумнинг овози базўр эшитилди.

– Поччам... ичиб... машина уриб кетибди!

– Нима? Нима дединг?!

ИККИ ҚИЁФАЛИ ОДАМ

*Ёдингизда тутинг: агар иблис
тепмоқчи бўлса, бу ишни тўғи билан
эмас, инсон оёғи билан адо этади.*

Станислав ЕЖИ ЛЕЦ

Телефоннинг устма-уст жиринглаши уни трубкани кўтаришга мажбур қилди.

– Ўртоқ Аҳмедов, эрталаб соат саккизда тезкор йиғилиш ўтказилади. Ҳамма бўлиши шарт!

– Тинчликми?

– Билмадим.

Падарига лаънат. Ҳар сафар шу аҳвол. Кеча бир амаллаб жавоб олувди-я. Ота-онасидан хабар олмаганига икки ой бўлди. Ўтган сафар қишлоққа борганида онасидан эшитган гаплари ҳамон эсида.

– Бизларнинг ҳам беш кунлигимиз тугаб борапти. Ҳечқурса отанг иккимиз ўлгунимизча хабар олиб тур, кейин ўзинг биласан, – деганди ўшанда Нозима ая гина қилиб.

Шаҳарга қайтар экан, Шавкат онасига бундан кейин ҳар ойда келишга ваъда берганди. Қаёқда? Мана орадан икки ой ўтиб борапти ҳамки, ваъдага вафо қилишга вақт йўқ. Лекин кеча жуда алам қилди. Бормасам бўлмайди, деб туриб олди ва бир амаллаб муддаога эришди ҳам. Лекин бу йиғилиш балоси қаерда қараб турганди. Демак, бир гап бор. Агар бирор жиддийроқ гап бўлмаганида ярим тунда телефон қилишмасди.

Шавкатнинг уйқуси қочди. Балконга чиқиб сигарет тутатди. Еттинчи қаватдан шаҳарнинг тунги ҳаётини кузатишнинг ўзига хос завқи бор. Саноқсиз чироқларга бурканган шаҳар тунда алоҳида жозиба касб этади. Шавкатнинг хаёлида бу чироқлар бостириб келган зулматнинг ҳамласини қайтариб турган баҳодир навкарларга ўхшайди. Бу, балки аҳмоқона ўхшатишдир, лекин у ҳар доим ушбу манзарани кўрганида хаёлидан шу гаплар кечади.

Эсида, болалигида ёз оқшомлари лой супада акаси Шуҳрат билан юлдузларни томоша қилиб ётарди. Баъзида улар самодаги юлдузларни талашишарди. Айниқса, ҳар кеча такрорланадиган қизиқ бир ўйинлари бўларди. Яъни, онасининг айтишича, осмондаги етти оғайни юлдузга қараб нафас олмасдан етти марта «етти оғайни юлдузни етти марта санаса савоб бўлармиш» деса, ростдан ҳам савоб бўлар экан. Агар нафас олиб қўйса савоб йўқ. Шавкат бу ўйинда ҳар доим «савоб»сиз қоларди. Алам қилганидан Шуҳрат билан ёқалашишга тушарди. Кейинчалик ака-ука бироз эсини танигач далада, пайкал бошида ётадиган бўлди. Отаси ҳар йили икки-уч гектар ерга тарвуз-қовун экарди. Тарвуз-қовун гулга кириб ҳосил туга бошлагач, кимдир кеча-ю кундуз қоровуллик қилмаса бўлмасди. Чунки эндигина пиёладай бўлган тарвузчани кундуз кунлари кушлар чўқиб кетиш хавфи бор. Кечаси эса тулки билан шоқолнинг гали келади. Ака-ука қоровуллар хавфни бартараф этишнинг зўр усулини ўйлаб топганлар. Пайкалнинг беш-олти жойига хода кўмиб, уларни бир-бирларига сим орқали боғлаб қўйишган. Ходаларни туташтириб турадиган симларга эса бўшаган консерва қутилари боғланган. Вақти-вақти билан туташ симларни силкитсангиз бутун бошли пайкал шақур-шуқур шовқин бўлиб кетади. Бироқ ҳар қанча эҳтиёт чораси кўрилмасин барибир тарвуз-қовун пишиғида талафот бўларди. Аксига олиб айна пишиқчиликка келганда тунлар жуда қисқа бўлиб қоларди. Тадбиркор қоровуллар ҳам болалигига боришиб ухлаб қолишарди. Эрталаб туришарди-ю кўзини ишқалаганча ака-ука пайкалга югурар, тунда узиб ташланган, ёрилган, ейилган тарвузларни бир чеккага йиғиб апил-тапил кўмишга

тушишарди. Чунки ҳадемай отаси келиши аниқ. Агар тунги талафотни кўrsa иккаласи ҳам кўрадиганини кўради. Отаси яхши одам-у, аммо бироз қаттиқкўлроқми ёки меҳрсизроқми, нима бўлганда ҳам болалари ундан жуда кўрқишарди. Албатта, бу кўркувга асос ҳам бор эди. Бир сафар айтилган ишни бажармагани учун Шухратни ҳўл янтоқ билан савалагани калтак еганнинг ҳам, унга гувоҳ бўлганнинг ҳам бир умр ёдидан чикмаса керак.

— Отанг йигирма йил юртнинг кўйини боққан. Чўпоннинг дийдаси қотиб кетаркан, — дерди онаси. — Отангнинг айтганини айтгандек қилиб бажаринглар. Бирортангни уриб майиб қилиб кўймасин.

Қаттиқкўл ота болаларининг ҳеч бирини уриб майиб қилмади-ю, бироқ ўзидан анча узоқлаштириб кўйди. Уларнинг кўнглига жароҳат етказди. Шунинг учун ҳам бугун Шавкат ҳам, иккала опаси Ойгул билан Гулсанам ҳам отасидан кўра онасини кўпроқ эслайди, кўпроқ соғинади, кўпроқ талпинади. Тўғри, ҳозирда отаси анча кексайиб, босилиб қолган. Аммо кўнгил дегани шундай эканки, унга буйруқ бериб, кўрсатма бериб бўлмас экан.

Майли, нима бўлганда ҳам Шавкатнинг болалиги жуда сермазмун ўтди. Айниқса, у ўқувчилик йилларини кўп кўмсайди. Синфдаги шўхликлар, директор идорасида қизариб туришлар, илк муҳаббат, илк севги мактуби... ҳамма-ҳаммаси ажойиб эди.

Шавкат синфдош қизлардан бирини яхши кўрарди. Исми Гавҳар, жисми-да гавҳар сингари чиройли бўлган бу қизга 7-синфда ўқиб юрган пайтларида севги изҳор қилганди. Ўша илк «севги изҳори» сахнасини эслаганда Шавкатнинг ҳамон кулгиси келади.

Мактабда учинчи соатдан кейин «катта танаффус» бўларди. Болалар танаффуснинг катталигидан фойдаланиб футбол майдонига, қизлар эса мактабнинг орқа томонидаги чоғроққина боғга шошилишарди. Ўша куни Шавкат боши оғриганини баҳона қилиб футболга бормади. Мақсади: кеча тунда ёзилган севги мактубини нима қилиб бўлса ҳам Гавҳарга етказиш эди. Эрталабдан бери унинг кулоғига дарс

кирмас, чўнтагидаги хат бутун танасини қиздириб бораётгандек бўларди. Ниҳоят, кутилган вазият келганга ўхшади. Қизлар чуғурлашганча залга чиқа бошлади. Шавкат шартта ўрнидан турди-да, «Адабиёт» китобини Гавҳарга узатди.

– Менга китоб керакмас, – Гавҳар ҳайрон бўлди.

– Ичида бир нарса бор. Жавобини эртага кутаман!

Тиззаларигача қалтираб кетган Шавкат югурганича ташқарига чиқиб кетди. Унинг қўллари қалтирар, гўёки жиноят иш қилиб қўйгандек атрофга олазарак бўлиб қарарди. У нима деркан? Шавкатнинг хаёли-хуши шу саволнинг жавобида эди.

Танаффус тугаб, ҳамма синфхонага қайтди. Шавкат ҳам ийманибгина синфга кириб келаркан, остонадаёқ партасининг устида турган «Адабиёт»га кўзи тушди. У келиб китобни олди-да, апил-тапил сумкасига сола бошлади. Назарида Гавҳар унинг хатини қабул қилмаган, хат ҳамон китобнинг орасида турарди. Бироқ у дарс бошлангач, китобни секингина очиб кўраркан, унда жавоб хати турганини кўрди. Гавҳар нима деб жавоб ёзган экан? Наҳотки, ҳаммаси бир соатда ҳал бўлган бўлса? Шавкатнинг ичини ит тирнарди.

Унинг дарс тугагунча сабри чидамади. Бир амаллаб «жавоб»га кўз ташлади. Жавоб хати битта жумладан иборат эди: «Уйланишга ҳали ёшлиқ қиласан». Мажнун йигитнинг кайфияти тушиб кетди. Эртасига, индинига бири-биридан сермазмун «ишкнома»лар битди. Бироқ бу мактублардан ҳеч бир натижа чиқмади. Ростки, Гавҳар уни яхши кўрмасди. Шавкат эса бу аччиқ ҳақиқатни билса-да, тан олгиси келмасди. Ошиқ йигит тан олмаса олмай юраверсин, Гавҳар мактабни тугатган йили қариндошларидан бирининг ўғлига тўй бўлиб кетди.

Бугун ҳаммаси хотирага айланди. Бироқ илк муҳаббат ҳеч қачон хотирага айланмас экан. Шавкат ўша синфдош қиз ҳақида ҳали ҳам кўп эслайди. Эҳтимол, ёши ўттиздан ошиб бораётганига қарамасдан уйланишни бўйнига олмай юргани ҳам шундандир. Нима бўлганда ҳам Шавкат кейинги ҳаётида юрагини «жиз» эттирган бирорта кизни учратмади.

Эҳ, ана шундай беғубор дамлар ҳам кўз очиб-юмгунча ўтди-кетди. Бу дамлардан ширин хотиралар, аччиқ изтироблар қолди, холос.

Шавкат ана шу беғубор болалик йилларини жуда кўп эслайди. Айниқса, акаси Шухрат ёдига тушганида кўзларига иссиқ ёш қуйилади. Кўз олдига ўша машғум кун келаверади. Ўша куни акаси билан бирга бормагани, ҳеч бўлмаганда унга бир оғиз яхши гап айтолмай қолгани учун орадан шунча йиллар ўтиб кетган бўлса ҳам ҳамон ўзини кечиролмайди.

Шавкатга алам қиладиган яна бир нарса бор: у акасининг ўлиmidан бир неча кун бурун ғалати туш кўрди. Тушида бир гала одамларни оғзи-бурнидан кўпик сачратганча бир туя қувлаб келаётган эмиш. Одамларнинг орасида Шухрат ҳам бор экан. Бир пайт туя Шухратни одамлардан ажратиб олибди-да, битта ўзини қувлашга тушибди. Шавкат акасига ёрдам бериш учун қўлига паншаха олиб югурибди. Бироқ туя Шухратни олдига солиб қувлаганча узоқлашиб секин-секин кўринмай кетибди.

Шавкат кўркқанидан сапчиб уйғониб кетди. Хайрият, туш экан. У қайта жойига чўзилар экан, кўнгли хижил бўлди. Чунки у қайсидир бир манбада «тушда кўрилган туя – ажал» деб таъбир қилинганини ўқиган эди. Бироқ эртасига, индинига ҳам бу хосиятсиз тушини ҳеч кимга айтмади. Кейинчалик тушини ҳеч кимга айтмаганига қаттиқ пушаймон бўлди. Эҳтимол, тушини онасига айтганида бирор садақа қилинган бўлармиди. Аммо энди буларнинг ҳаммаси бир армон, холос. Вақтни орқага суришнинг иложи йўқ. Бандасининг қўлидан ҳеч нарса келмайди.

...Ҳаммаси кутилмаганда содир бўлди. Ўша фожиали кундан бир кун аввал Шухрат мактабдан эртароқ келди.

– Эртага ҳарбий кўрикдан ўтиш учун шаҳарга тушишимиз керак экан, – деди у онасига хурсанд бўлиб.

Нозима ая ҳам ўғлининг гапидан ичида хурсанд бўлиб қўйди. Ахир, ўгли вояга етибди-да! Демак, энди ширин ташвишлар бошланади. Яна икки ойдан кейин Шухрат мактабни тамомлайди. Сўнгра... ишқилиб олийгоҳга кирсин-да. Отаси-ку, Нормат чавандознинг кенжаси билан гаплашиб келди. Тағинам нон-насибаси билади.

Нормат чавандознинг кенжаси шаҳардаги қайсидир обрўли идорада ишлайди. «Ҳозир бироз қийин бўлиб қолди. Аммо ҳали ҳам калитини топса бўлади», дебди. «Калити» нима экан?» дейди Нозима ая эрига анқайиб. «Нима бўларди иккита ҳўкиз-да», дейди эри хотинининг гўллигидан жаҳли чиқиб. Мана, шундан бери ҳовлининг бир чеккасида иккита ҳўкизни боқиб ётишибди.

– Кўрикдан ўтиш учун бораётган бўлсанг яхшилаб чўмилиб ол, – деди Нозима ая Шуҳратнинг бўй-бастига тикиларкан.

– Чўмилишга-ку чўмиламан, лекин оёққа нима кийиб бо-
раман?

– Туфлинг-чи?

– Эрталаб айтдим-ку, йиртилиб кетди, – деди Шуҳрат онасига жаҳл билан. – Бир амаллаб кийиб юрибман.

– Шавкатникини кийиб борасан, – деди Нозима ая.

Шу пайт ҳовлида пайдо бўлган Шавкат гап нимадалигини билди-ю, тўнани тескари кийди.

– Керак бўлса туфлисини топиб кийсин, – деди Шавкат онасига қараб. – Ўтган куни иккита дафтарини қизганди бу қизганчигингиз! Бунинг хотини саккизта қиз туғса керак.

Ака-ука таппа бўғишди. Яхшиям шу пайти ҳовлига отаси кириб келди. Жаҳлдор отани кўрган жўжахўрозлар бир зумда ўзларига келишди. «Ҳисоб-китоб» кейинга қолди.

Шуҳрат ақлли бола эди. Ҳар сафар укаси билан уришиб қолса, катталарга хос тарзда андак ён берарди. Бу сафар ҳам Шавкатни хафа қилгиси келмади. Эрталаб йиртиқ бўлса ҳам ўзининг туфлисини кийиб шаҳарга жўнади.

Улар етти нафар битирувчи йигитлар эди. Ҳарбий кўрикка «Жисмоний тарбия» фани ўқитувчиси билан бирга боришди. Кўрик тугагач, ўйин-кулги билан тушлик қилдилар. Сўнгра бозорга боришиб, ҳар ким қурбига яраша уйига майда-чуйда олишди. Шуҳрат ҳам отасининг қош-қовоғига қараб олган пулдан йўл харажатига кетадиганини ажратиб қўйди-да, қолганига онасига битта калиш олмоқчи бўлди. У шу ният билан бозорнинг озиқ-овқат расталаридан ўтиб, кийим-кечак сотилаётган қисмига ўтаётганида тўсатдан бақир-чақир

бўлиб қолди. Ортига бурилиб қаради-ю, шу томонга югуриб келаётган бир кишига кўзи тушди. Унинг ортидан бир аёл чинқирганча чопиб келаётганди.

– Ушланглар, тилломни олиб қочди!

Бирор киши ўғрини ушлай демасди. Шухрат беихтиёр югуриб келаётган одамнинг олдига чикди. Қароқчи Шухратни айланиб ўтмоқчи бўлди, бироқ улгурмади. Шухрат унинг елкасидан тутиб қолганди. Бироқ шу пайт куёш нурида ялтираб кетган пичоқ Шухратнинг қорнига бориб қадалди. У оғриқнинг зўридан қорнини ушлаганча ерга думалаб тушди. Қароқчи эса бозорнинг деворидан ошиб тушиб ташқаридаги издиҳомга ўзини урди. Кўз очиб-юмгунча содир бўлган бу ҳодисадан томошабинлар ҳам қарахт бўлиб қолишганди. Айни пайтда эса Шухрат қонига беланганича ҳушсиз ётарди.

Шухрат ўша куни шифохонада жон берди. Умидлар, орзулар шўрлик ота-онанинг доду фарёдига қўшилиб қолаверди. Энг ёмони, жинойтчи ҳам топилмади. Шавкатнинг отаси ҳуқуқ-тартибот идораларига жуда кўп марта-лаб мурожаатлар қилди. Бироқ фойдаси бўлмади. Аёлнинг бўйнидаги тилла тақинчоқни узиб қочган ўғри шу кетганча бадар кетди.

Шавкат акасининг ўлимидан кейин қатъий бир қарорга келди: «Энди, албатта милиция бўламан!»

* * *

Шавкат қадрдон хонасига етиб келганда ҳамкасби Нодиржон Узоқов кутиб ўтирарди.

– Салом, капитан! Худога шукур, соғинмайдиган бўлдик, – деди у Шавкатга кўзи тушиши билан. – Ростини айтايми, сенинг кетишингга норози эдим.

– Тинчликми, яна нима бўлди?

– Шаҳардаги «янги бой»лардан бирини ўлдириб кетишибди, – деди Нодир жиддий оҳангда. – Воқеа уч кун бурун содир этилган.

– Тушунмадим, биз нега буни уч кун кейин эшитяпмиз?

– Тафсилоти қизик. Қаҳрамонлик кўрсатадиган пайтинг келганга ўхшайди, – деди Нодир мийиғида кулиб, – қолганини Арслоновнинг ўзидан эшитасан. Қани, кетдик.

Шаҳар жинойт қидирув бўлими бошлиғи Зокир Арслоновнинг хонасида ўн бешга яқин ходим тўпланишди. Улар столнинг устидаги бир даста фотосуратларни синчиклаб кўздан кечирар, бир-бирларига нималарнидир шивирлаб тушунтирар эди. Шу пайт хонага шитоб билан подполковник Арслонов кириб келди.

– Гап бундай ўртоқлар, – деди у ходимларга бир-бир кўз югуртириб. – Бундан уч кун бурун Юнусов кўчасидаги 33-уйда қотиллик содир этилган. Жинойтчилар марҳум Қобил Тўраевни мастлигида бўғиб ўлдиришган. Сўнгра марҳумнинг қўлидаги тилла узугини, бўйнидаги тилла занжирини ҳамда сейфдан номаълум миқдордаги пуллари олиб кетишган. Жинойтчилардан ашъвий далил сифатида ҳеч нарса қолмаган. Бироқ ўша кун марҳумнинг меҳмонхонасида қандайдир зиёфат бўлгани аниқланди. Бу фожиадан марҳумнинг яқинлари уч кундан сўнг, яъни ўтган кеча хабар топишган. Ҳозирча бор гап шу. Тафсилот юзасидан кимда қандай савол бор?

Орага жимлик чўкди.

– Агар саволлар бўлмаса, энди ташкилий масалага ўтамиз, – деди Зокир Арслонов гапида давом этиб, – ҳозирча бошланғич айрим чора-тадбирлар кўрилди. Эндиги вазифа зудлик билан тезкор гуруҳ тузилиб, ишга киришиш лозим. Агар қарши бўлмасанглар ушбу гуруҳга майор Темур Соатовни бошлиқ қилиб тайинлаймиз. Маълумот сифатида айтишим керак, мазкур масъулиятли ишни Соатов ўз ташаббуси билан қабул қиляпти. Қани кўрамиз, қандай натижа чиқараркан. Капитан Шавкат Ҳосилов унга ёрдамчи бўлади. Гуруҳнинг қолган таркибини Соатовнинг ўзи тайинлайди.

Шавкатнинг кайфияти тушиб кетди. У майорни биринчи кўрганидаёқ унчалик хушламаган эди. Баланд бўйли, қорачадан келган, бунинг устига мўйлов қўйиб олган бу одамнинг ишга келганига бир йилдан ошди ҳамки,

ҳамкасблар билан салом-аликдан нарига ўтмайди. Бунинг устига хийлагина кибр-ҳаволи. Лекин начора, бошлиқнинг айтгани амри вожиб. Гарчи бу одам ёқмаса ҳам энди ҳар кун камиди икки марта «отамлашиш»га тўғри келади.

Тезкор йиғилиш тугаб ҳамма ташқарига чиқа бошлади. Таъби тирриқ бўлган Шавкат қовоқ-тумшуғи осилиб энди хонасига кирганида телефон жиринглади.

– Ҳосилов, хонага келинг! – Темур Соатовнинг овозида кишининг энсасини қотирадиган жиддийлик бор эди.

Шавкат истамайгина майорнинг қаршисига чўкди.

– Мен билан ишлашга тайёرمىсиз, ўртоқ капитан? – деди Темур Соатов столининг ғаладонини титкиларкан. – Чамамда сиз билан биринчи марта ҳамкорлик қилишимиз бўлса керак.

– Бунинг аҳамияти йўқ, – деди Шавкат ғижиниб. – Муҳими «шеф»нинг ишончини оқлашимизда.

– Майли, ишни нимадан бошлаймиз?

– Мен ҳозир воқеа содир этилган хонадонга бормоқчиман, – деди Шавкат.

– У ёққа сизнинг боришингиз шарт эмас. Воқеа жойини ўрганиш учун болаларни жўнатдим. Сизга битта иш бор: шаҳар бўйича сўнгги бир йил ичида озодликка чиқарилган маҳбуслар билан шуғулланасиз, – деди Темур Соатов Шавкатга тикилиб. – Агар бирортасида озгина шубҳа уйғонса, бир-икки кунга камерада сақлашингиз ҳам мумкин. Қолганини менга қўйиб бераверинг.

Топшириқ Шавкатга ёқмади. У шундай муҳим бир жараён кетаётган пайтда ҳажиқизга ўхшаб хонадан чиқмай ўтирса, шу инсофданми? Қолаверса, унинг ҳамкасблари ичида яхшигина обрўси бор. Ахир, жиноятчини хонада ўтириб топиб бўлмайди-ку! Тўғри, баъзан шундай жиноятлар содир бўладик, унинг ижрочисини кўчама-кўча излаб юришга ҳожат бўлмайди. Мана, яқинда кўп қаватли уйлардан бирининг ёнида турган «Жигули» машинасининг тўртта балонини ечиб кетишибди. Жиноятчини икки кунга қолмай топишди. Чунки ҳамма жойда участка нозирларининг маҳсус дафтарида беш-олтита исми-шариф, албатта дарж этиб

қўйилади. Шу атрофдаги майда-чуйда жиноятлар мана шу исми-шариф эгаларига тегишли бўлади. Ҳеч бўлмаганда улардан кимдир шу жиноятдан хабардор чиқади.

Қолаверса, бундай майда «иш»лар билан шуғулланадиган кишиларнинг найранглари ҳам ўзига яраша бўлади-да. Доно халқ тили билан айтганда «эшагига яраша тушови». Бироқ ҳозир изига тушилган жиноят майда-чуйда кишиларнинг иши эмас. Одам ўлдириш, боскинчилик унча-мунча одамнинг қўлидан келмайди.

Шавкат хаёллар қуёнида айланар экан, хона эшиги секингина очилиб котиба қизлардан бири бир қучоқ папка кўтариб кирди.

– «Архив»дан беришди, – деди киз.

Шавкат индамайгина столнинг устига қўйилган «Дело»ларни варақлашга тушди. «Собиржон Ақромов – 1963 йилда туғилган. Икки марта оғир жиноят содир этган. Ҳозирда Қурувчилар кўчаси 148-уйда истикомат килади». «Анвар Аҳмедов – 1956 йилда туғилган. Оғир жиноят содир этиб, 12 йил қамоқ жазосини ўтаб қайтган. Ҳозирда Ҳожиматов кўчасидаги 12-уйда яшайди».

Шавкат эринибгина «Дело»ларни жойига қўйди. Унингча бу уринишлардан бирор натижа чиқариш қийин эди. Лекин гуруҳ бошлигининг топширигини номигагина бўлса ҳам бажариши шарт. Тартиб шундай. У олдидаги «Дело»ларнинг ичидан энг ашаддий жиноятчи ҳисобланган, муқаддам одам ўлдирганликда айбланиб уч марта судланган Соҳиб Алижонов деган бир кишининг манзилини ёзиб олди. Бугунча шуниси ҳам етарли.

Маҳалла чойхонасида ўтирганлардан бири Соҳиб Алижоновнинг уйини кўрсатиб қўйди. Шавкат ҳаворанг дарвозанинг қўнғироғига энди қўл узатган эди ҳамки, уйдан азон товуши эшитилиб қолди. «Тушунмадим. Адашиб бошқа жойга келиб қолмадимми?» У бирпас ўйланиб турди-да, азон тугагач, таваккал қилиб қўнғироқ тугмасини босди. Кўп ўтмай давозада ёши элликларни қоралаб қолган, баланд бўйли, оқ-сарикдан келган бир киши пайдо бўлди.

– Соҳиб аканинг уйи шуми, – деди Шавкат қуюқ салом-аликдан сўнг. – Адашмадимми?

– Адашмадингиз, – деди мезбон табассум билан.

– Соҳиб аканинг ўзи керак эди.

– Қулоғим сизда.

– Соҳиб Алижонов сиз бўласизми? – деди Шавкат бир-оз тараддудланиб. Чунки унинг қаршисида тасавуридаги ашаддий жиноятчи эмас, мўмин-қобил бир банда турарди. – Минг марта узр, мен шаҳар жиноят қидирув бўлиmidан капитан Шавкат Ҳосилов бўламан. Сиз билан шунчаки суҳбатлашиш учун бирров кирган эдим.

– Тушунарли, – деди мезбон маъюс тортиб. – Яна бирор жиноят содир бўлди? Майли, бу сизларнинг вазифаларингиз. Қани, ичкарига киринг!

Улар бошлашиб меҳмонхонага кирдилар. Уйнинг ўртасида турган хонтахтанинг устида турли китоблар бетартиб сочилиб ётарди. Хонанинг тўридаги жавон ҳам китоблар билан тўлиб-тошган, ёнидаги чоғроққина столда эски компьютер турарди.

– Сизни ўн беш минут куттиришга мажбурман, – деди мезбон қўлларини кўксига қўйиб.

– Бемалол.

Шавкат одоб юзасидан «бемалол» дейишга деди-ю, аслида унчалик бемалол ҳам эмасди. У бу ердан чиқиб ўзбошимчалик бўлса ҳам жиноят содир этилган уйга боришни мўлжаллаб қўйганди. Майли, бироз кутса ҳечқиси йўқ.

У хонтахта устидаги китоблардан бирини олди. «Мажмаъ ул-мақсуд ёки Мухтасар ул-виқоянинг туркий шарҳи». Китобнинг аввалги саҳифасига «Бу улуғ ва диққатга сазовор китоб», деб ёзиб қўйилганди. Шавкатнинг хаёлидан «ўғри қариса сўфи бўлади» деган гаплар кечди. Доно халқ билиб айтарканда-а! Уч марта оғир жиноят содир этган, хусусан, одам ўлдирганликда айбланган одам энди туппа-тузук мулла. Шу пайт хонага Соҳиб ака кириб келди.

– Ана энди, хотиржам гаплашсак бўлади, – деди у кулиб. – Сизни нималар қизиқтирапти?

– Биринчи навбатда ўзингиз! Сиз ростдан ҳам бизнинг рўйхатларда турадиган Соҳиб Алижоновмисиз?

– Мен собиқ Алижоновман, – деди мезбон Шавкатга еб кўйгудек тикилиб. – Сиз айтаётган Соҳиб Алижонов энди йўқ. У ўлиб бўлди. Мана, мен қолдим.

Шавкат ҳеч нарсага тушунмади.

– Ҳайрон бўлманг, инсон битта терининг ичида то ўлгунича неча марта семириб, неча марта озади. Худди шунингдек, унинг юриш-туриши, феъл-атвори ҳам ўзгариши, янгилиниши мумкин. Рост, қора рўйхатларда номим бор, аммо асл ҳақиқатни Аллоҳ билади.

– Англашимча, мен бутунлай бошқа одамга айланганман демоқчисиз, шундайми?

– Меҳрибон Аллоҳнинг ваъдаси бор: кимки, бир гуноҳни қилди-ю, ортидан тавба қилди. Бас, энди бу одам ўша гуноҳни қилмаган кабидир. Мен қилган гуноҳларимга тавба қилдим. Яратган Эгам энди йўлдан адаштирмасин.

Соҳиб аканинг кўзларига ёш қалқиб чиқди.

– Ростини айтاي, уч марта қамалдим, лекин унинг икки мартасида ноҳақлик бўлди, – деди Соҳиб ака. – Илк марта қамоққа тушганимда университетнинг битирувчи курс талабаси эдим. Андижонлик Камол исмли бир бола билан ижарада турардик. Унинг Тайсон лақабли бир ошнаси бор эди. У онда-сонда бизникига келиб турарди. Тўғриси айтсам, шу болани унчалик ёқтирмасдим. Ҳатто, асл исм-шарифи ким экани билан ҳам қизиққанам йўқ.

Бир куни кечқурун Тайсон келиб қолди. Камол уйига кетган эди. «Юринг, бир отамлашамиз», деди у остонада ишшайиб. «Имтиҳонга тайёргарлик кўришим керак», дедим. Бироқ у хиралик килиб туриб олди. Истамасам-да, унга эргашишга мажбур бўлдим. Чўнтагимда сариқ чақам ҳам йўқ эди. Икковлон донгдор ресторанлардан бирига бордик. Тайсон официант қизга буюртма берди. Шу пайт кўшни столда ўтирган хонимлардан бири Тайсонга қараб-қараб ёнидаги эркакка нималарнидир пичирлаётганини сезиб қолдим. Кўнглим алланечук бўлиб кетди. Тайсоннинг эса парвойи

палак эди. Эркак аста ўрнидан турди-да, ташқарига чиқиб кетди. Унинг ташқарига чиқишидан баттар хавотирим ортди. Орадан беш дақиқа ўтар-ўтмас улар учта бўлиб қайтдилар-да, тўғри бизнинг столга йўналишди.

– Бир минутга ташқарига мумкинми? – деди улардан бири Тайсонга тикилиб.

– Тинчликми?!

– Гап бор, – деди хонимнинг эри заҳарханда билан. – Ташқарига чиқ, кейин биласан.

Биргалашиб холироқ жойга ўтдик. Орқамиздан ҳалиги хоним ҳам етиб келди.

– Шуми? – деди йигитлардан бири хонимга қараб.

– Худди шу, падар лаънат!

– Тушунмадим, – деди Тайсон пинак бузмай.

– Ҳозир ҳаммасини тушунасан.

Қозилик қилаётган йигит ёнидан пичоқ чиқарди-да, Тайсоннинг биқинига тиради.

– Тортиб олган нарсаларингни қайтар!

– Мен кимдан нимани тортиб олибман? – деди Тайсон хотиржам оҳангда.

– Ифлос, ўтган куни «Динамо» магазинининг орқасида қўлимдаги узугимни, бўйнимдаги занжирни, зирагимни қўрқитиб ечиб олган ким? – деди хоним тупукларини сачратиб.

Шу пайт Тайсон пичоқ тираб турган йигитнинг қўлидан шартта ушлади-да, юзига калла қўйди. Ўзи эса югурганича дарахтзорга кириб кетди. Ортидан югуриб кетган хонимнинг эри билан «қози» йигитнинг шериги кўп ўтмай сўкинганича қайтиб келишди. Соддаликни қаранг, пайтдан фойдаланиб қочиб қолиш ўрнига жойимда тураверибман. Бир пайт уч эркак менга ташланиб қолса бўладими? Менинг ҳам чапанилигим тутиб кетди. Бунинг устига ёшлигимдан кураш тушиб келмаганманми, бирин-кетин елкамдан ошириб ташладим. Бахтсизликни қарангки, «қози» йигитнинг қўлидаги пичоқ йиқирилишида ўзининг қорнига кириб кетибди. Бир зумда ҳаммаёқ тўполон бўлиб кетди. Бу бир бахтсиз тасодиф эди. Лекин қонун сизнинг кўнглингиз билан ҳисоблашиб ўтирмас

экан. Ўртада одам ўлдими, ўлди. Демак, шунга лойиқ жазо-
йингни олишинг керак.

– Тайсон нима бўлди? Ахир ҳақиқий айбдор Тайсон
экан-ку! – деди Шавкат.

– Тайсонни тутиб келишди, лекин босқинчилигини
бўйнига қўйишолмади.

– Емаган сомсага пул тўлабсиз-да, – деди Шавкат ачи-
ниб. – Иккинчи марта нима гуноҳ қилдингиз?

– Иккинчисини ширакайфликда қилиб қўйдим. Биров-
нинг пулини тортиб олганман. Рост, қандай қилиб тортиб
олганимни ўзим билмайман.

– Навбатдагиси-чи?

– Учинчиси бироз жиддийроқ, – деди Соҳиб ака чуқур уҳ
тортиб. – Учинчисини номус учун қилганман.

– Нима қилдингиз?

– Қонун тили билан айтганда бир кишига оғир тан
жароҳати етказганман. Нима учун шундай қилганимни ўша
одам билан ўзим биламан, холос.

– Орадан шунча йиллар ўтди. Балки энди сирлиги
қолмагандир? – деди Шавкат қизиқиб.

– Буни айтишнинг иложи йўқ. Ҳатто судда ҳам айтма-
ганман.

– Дарвоқе, Тайсонни кейинчалик кўрдингизми?

– Кўрмадим. Лекин бир-икки суриштирдим. Дараги-
ни ҳеч ким билмади. Камолнинг айтишича, қайсидир бир
вилоятда ишлаётган экан. Тагин қаерда денг, милицияда!

– Тайсон ростдан ҳам ўғримиди?

– Бунисини билмадим.

– Ҳа айтмоқчи, сиз шу ҳафтада бирор жойга бормадин-
гизми? – Шавкат тўсатдан савол ташлади.

– Ҳеч қаерга борганим йўқ, – Соҳиб ака меҳмонга ажаб-
ланиб қаради.

– Қобил Тўраев деган одамни танирмидингиз?

– Бу исмни биринчи марта эшитиб турибман, – деди
Соҳиб ака баттар ҳайрон бўлиб. – У ким? Буни нега мендан
сўраяпсиз?

– Юнусов кўчасидаги 33-уйда яшовчи ушбу шахсни ўлдириб кетишган.

Соҳиб ака юзига фотиҳа тортди.

– Гап буёқда денг, – мезбон бир нуқтага тикилганча жимиб қолди. – Ука, бир пайтлар жоҳилликка берилиб нима бўлса бўлгандир. Лекин мен ҳозир бошқа одамга айланганман. Аллоҳга минг шукур, Ўзини танитди, Ўзига дўст бўлганлар сафига қўшди.

Охирги жазодан қутулиб келганимда ёшим ўттиз олтида эди. Ҳали уйланмаган эдим. Яратганнинг нусрати билан тез орада оила қурдим, уй солдим. Бугун тўртта фарзандим бор. Турмушимдан нолимайман. Мен бировга озор бериш, ҳаром ейиш, пора олиш нима эканини англаб етдим. Аллоҳ Ўзи билдирди. Бироқ начора, бўрининг еса ҳам, емаса ҳам оғзи қон экан-да.

– Сиз менинг ташрифимдан хафа бўлманг, – деди Шавкат астойдил. – Ўзингиз биласиз-ку, бизнинг ишимиз шундай. Қолаверса, жиноят оламига шўнғиб кетганларнинг кўпчилиги сизга ўхшаб ҳаётини тўғри изга солиб олишга қурби етмайди. Ана, яқинда берилган амнистия туфайли озодликка чиққан маҳбусларнинг учтаси орадан бир ой ўтмай яна тушиб ўтирибди. Баъзиларга озодликда юргандан кўра ўша ёқ тузук.

Шавкат собиқ жиноятчи билан хайрлашар экан, дилида Соҳиб акага нисбатан аллақандай илиқлик уйғонди. Айниқса, унинг «Аллоҳ Ўзини танитди, Ўзига дўст бўлганлар сафига қўшди», деган гаплари Шавкатга бошқача таъсир қилди. Аллоҳ Ўзини қандай танитар экан? Шавкатга ҳам танитганми? У ўзи билан ўзи гаплашганча кетиб борарди.

* * *

Шавкат кўча юзидаги ҳашаматли уйнинг дарвозаси олдида анчагина туриб қолди. Ҳовлидагилар ҳадеганда чиқавермагач, Шавкатнинг ҳафсаласи пир бўлиб энди ортига бурилганди ҳамки, уй томондан кимнингдир оёқ шарпалари эшитилди.

– Ким керак?

– Мен шахар жинойт қидирув бўлимидан капитан Ҳосиловман, илтимос, дарвозани очсангиз.

Ёши ўттизлардан ошган жувон дарвозани очди. У бошига оппоқ дуррача танғиб олганига қараганда марҳумнинг қизига ўхшарди.

– Бугун кун бўйи текширдинглар. Ахир жинойтчини ҳовлидан эмас, ташқаридан қидириш керак, – деди аёл Шавкатга йўл бераркан.

– Керак бўлса эртага ҳам текширамыз, – Шавкатнинг жаҳли чиқди. – Сиз кимсиз ўзи?

– Шу уйнинг бекасиман, – деди жувон бурнини жийириб.

– Марҳумнинг хотинимисиз?

– Ҳа.

Шавкат ҳайрон бўлди. Чунки марҳумнинг ёши элликни қоралаб қолган экан. Бу аёл эса...

– Исмингиз?

– Нафиса. Нафиса Алиева. Тавба, бир кунда тўрт марта исминни ёзиб олдиларинг, бошқа ишларинг йўқми?

– Воқеа содир этилган куни қаерда эдингиз?

– Уфф, мана шу саволга эрталабдан бери ўн марталаб жавоб бердим шекилли, – деди жувон кўзларини чакчайтириб. – Ахир боя ҳам айтдим-ку, уйда йўқ эдим, адамлани кўргани кетгандим.

– Эрингизнинг битта ўзи қолганмиди?

– Бошқа ким билан ҳам қолади?

– Экспертиза хулосасига кўра, эрингиз ўлдирилган куни уйда қандайдир зиёфат бўлган экан. Бундан хабарингиз йўқми?

– Мен уйдан саҳарлаб чиқиб кетганман, бундан хабарим йўқ, – деди жувон бош ирғаб.

– Рухсат этсангиз, ҳовлини кўздан кечириб чиқсам, – деди Шавкат илтимос оҳангида.

– Кечирасиз, мен кетишим керак, – деди Нафиса. – Қолаверса, боя ҳаммаёқни тит-пит қилиб чиқишди. Қотилларни топишолмади. Улар ҳовлидан чиқиб кетишган экан.

Нафисанинг пичингидан Шавкатнинг жаҳли чиқди. Қанчалик сурбетлик. Ахир, ким айтади бу аёлнинг эри ўлган деб. Шунинг учун ҳам айтадилар-да: «Ит вафо, хотин жафо!» Шавкат Нафисанинг эътирозига эътибор бермасдан ҳовлини кўздан кечира бошлади. У ҳовлини қадам-бақадам айланиб чиқаркан, ҳеч нарсани назардан қочирмасди. Эринмай ҳожатхонага ҳам кирди. У ахлат челақнинг ёнида ғижимланиб ётган қоғозга эътибор қилди. Қоғозни туфлисининг учи билан текисламоқчи бўлди. Қараса, қоғозга сигаретнинг кули ўралган экан. Энгашиб қоғозни қўлига олиб кўрди. Махсус ён дафтарчанинг «24 август» бети йиртиб олинган экан. У қоғозни буклаб чўнтагига солиб қўйди.

Шавкат марҳумнинг уйидан чиқиб кетар экан, бир пайтлар онаси айтиб берган бир ҳикоят ёдига тушиб кетди.

Бир бадавлат киши янги қуриб битказилган шоҳона уйининг деразасидан ташқарига боқиб, фахрланиб ўтирган экан. Шу пайт кўчадан бир жулдур кийимли дарвеш ўтиб қолибди. Дарвеш янги қурилган иморатга ҳайрат билан қараётганини кўрган бой:

– Қалай, боплабманми? – деб сўрабди.

Дарвеш айтибдики:

– Таксир, бу уйни-ку болабсиз, лекин охиратдаги уйни қандай қурдингиз? Ўша уй ҳам бу дунёдагисига ўхшаб беками кўстми?

Онасининг айтишича, дарвешнинг бу саволи ҳаммага тегишли экан. Шавкат онасининг нима учун бундай деганини бугун англагандек бўлди.

Ахир бу дунёда бирор жойга сафар қилмоқчи бўлсак, албатта обдан ҳозирлик кўрамыз. Сафар асносида керак бўладиган ҳамма анжомларни оламыз. Ҳатто, эҳтиёт чорасидан баъзи нарсаларни керагидан ҳам ортиқроқ қилиб ғамлаймиз. Манзилга етгач, асқатадиган ашёларни-да унутмаймиз. Шундай экан, нима учун энди охират сафари ҳақида қайғурмаслигимиз керак?

Вақтида оиламизга, болаларимизга меҳр-оқибатдан дарс берсаккина вақти келиб оқибат кўрамыз. Мана, бир бечора шунча ҳашаматли уй қурди, рўзғор қилди. Лекин у шунча

ҳашамни кимга ташлаб кетганини билармикан? Агар ростдан ҳам ҳозирги жувон унинг хотини бўлса, эрининг маъракасини ҳам кутиб ўтирмайди. Эрта-индин эр топади.

Шавкат ана шундай хаёллар оғушида кадрдон хонасига етиб келганида, қуёш ҳам белгиланган манзилига етиб келганди.

* * *

Кеч соат саккиздан ўттиз дақиқа ўтганда тезкор гуруҳнинг ҳисобот йиғилиши бўлди. Дастлаб майор Темур Соатовнинг кўрилган чора-тадбирлар юзасидан ахбороти тингланди. Сўнгра ҳар ким ўзига юклатилган вазифа юзасидан ҳисобот берди. Мажлис якунида маълум бўлдики, кўрилган чора-тадбирлар ҳозирча натижа берганича йўқ.

– Кимда қандай фикр бор? – деди майор энсасини қашиб. – Балки бу иш шунчаки оилавий можародан келиб чиққандир? Чунки марҳумнинг икки жойда оиласи борлиги аниқланди.

– Биринчи хотини билан ажрашган экан, – деди бурчакда ўтирган сержант йигитлардан бири.

– Қачон?

– Икки ой бурун.

– Ўртада фарзанд борми? – майор Соатов гўё калаванинг учини топгандек атрофидагиларга олазарак қаради.

– Икки ўғил, бир қиз – уч нафар фарзанди бор экан.

– Мана шу масалага жиддийроқ қараш керак, – деди Соатов кўзлари ёниб. – Хотиннинг қариндошлари ҳақида маълумот тўпланглар.

– Менимча, гап бошқа ёқдага ўхшайди.

Ҳамманинг нигоҳи капитан Нодиржон Узоқовга қадалди.

– Тушунтириброқ гапиринг-чи?

– Тўраев ўлдирилган куни эрталаб ким биландир телефонда узоқ гаплашган.

– Нима ҳақда?

– Улар қандайдир китоб ҳақида гаплашишган, – деди Нодиржон энсаси қотиб.

– Айнан нималар деган суҳбат давомида? – Шавкат луқма ташлади.

– Тўраев суҳбатдошидан неча бетлик китоб олиб келдингиз, деб сўраган. У эса ҳозирча тўрт минг бетлик деб жавоб берган.

– Зудлик билан суҳбатдошнинг манзилини аниқлаш керак, – деди Шавкат Нодиржонга. – Бу ерда бир гап борга ўхшайди. Чунки тўрт минг бетлик китоб бўлмайди. Гап пул ҳақида кетяпти. Тўрт минг бет китоб – тўрт минг доллар бўлиши мумкин. Суҳбатдошнинг «ҳозирча» деган гапи ҳам шубҳали, демак, унинг давоми ҳам бўлган. Суҳбатни тўлиқ ёзиб олишнинг иложи йўқми?

– Эртага ёзиб беришаркан, – деди Нодиржон.

– Менимча ҳам Ҳосиловнинг шубҳаларида жон бор, – деди ўйланиб ўтирган майор Соатов. – Айнан шу ишда Узоқовга ўзим ёрдам бераман. Суҳбат тахминан соат нечаларда бўлиб ўтган?

Соатов костюмининг чўнтагидан ён дафтарчасини олиб ёзишга тушди. Майор Узоқовнинг айтганларини ён дафтарчасига туширар экан, Шавкат негадир ғалати бўлиб кетди. Чунки бугун Тўраевнинг ҳожатхонасидан топиб олган қоғоз худди майорнинг ён дафтарчасининг саҳифасига ўхшарди. «Балки майор воқеа жойига борганида ҳожатхонага киргандир. Ёки... эҳ, нималар ҳақида ўйлаяпман ўзи? Ахир бунақа ён дафтарча босмахонадан биттагина чиқмагандир». Шавкатнинг хаёлини сержант Тўйчиевнинг овози бўлиб юборди.

– Тўраевнинг шу пайтгача ҳеч қандай фойдали иш билан шуғулланмаганини ҳам назардан қочирмаслик керак, – деди Тўйчиев чийилдоқ овоз билан.

Тўйчиевнинг овозини эшитиши билан кўпчиликнинг юзига табассум ёйилди. Қорачадан келган, жиккаккина бу сержант йигитни ҳамма яхши кўради. Чунки Тўйчиевнинг билмаган балоси йўқ. Қанақа мавзуда гап бошласангиз, Тўйчиев давом эттириб кетаверади. Шунинг учун ҳам уни йигитлар ҳазиллашиб «гений» дейишади. Бунинг устига унинг озгина масхарабозлиги ҳам бор. Гапга ўқиган. Агар

бир «очилиб» кетса, унча-мунча давракашларни чангида қолдиради.

– «Гений» шубҳаларини асослаб берсин? – деди йигитлардан бири кулиб.

– Ҳазилни кўчада қиласиз, ўртоқ Ғаниев! – деди майор Соатов лукма ташлаган йигитга тикилиб. – Тўйчиевнинг мулоҳазалари ўринли. Ростдан ҳам марҳум Тўраев шу пайтгача бирор фойдали иш билан шуғулланмаган.

– Лекин энг зўр уйни шу курган! – Тўйчиев гапни илиб кетди.

Нихоят, эртанги чора-тадбирлар белгилаб олиниб, ҳамма ўрнидан турди. Шавкат Соатовнинг хонасидан чиқаркан столда турган ён дафтарчага беихтиёр бир қараб қўйди...

– Ха, намунча машқингиз паст, ўртоқ капитан? Тўраевнинг беваларига қайғураяпсизми? Нодиржоннинг ҳазили гарчи Шавкатга ёқмаган бўлса ҳам зўрма-зўраки кулиб қўйди.

– «Разливной»иданми, бутилкалисиданми?

– Бугун ҳеч қайсисидан ичмайман, – деди Шавкат.

– Менинг ҳисобимдан...

– Ростини айтсам қайфиятим йўқ. Неғалигини ўзим ҳам билмайман, – деди Шавкат дўстига. – Тинчгина уйимга бориб дам олмоқчиман.

Шавкат уйига етиб келганида вақт алламаҳал бўлиб қолганди. У диванга ҳорғин чўзиларкан, ўзини жуда ҳам ёлғиз ва нотаваон сезди. Шу ҳам яшашми? Эрталаб кетасан, кечқурун итдек чарчаб келасан, ухлайсан... эрталаб яна ўша «ўлан қўшиқ». Бир хил, бир хил... Шуми, яшашнинг маъниси? У ёқда кекса ота-она икки ойдан бери дийдорига муштоқ.

У ўрнидан туриб ўтирди. Буруқситиб сигарет тутатди. Бўлди. Шу машмашали ишни бирёқлик қилсин, ҳаммаси ҳақида ўйлаб кўради. Энг аввало, уйланиш масаласига рози бўлади. Инсонга ёлғизлик ярашмас экан. Ишдан чарчаб келганингда табассум билан кутиб оладиган хотининг, қийчув қилишиб йўлингга чиққан болаларинг бўлса... эҳтимол, яшашнинг мазмуни шудир.

Шавкат уйланиш ҳақида ўйлар экан, беихтиёр Нафисани эслади. Эри ўлганига икки кунгина бўлибди-ю, гўёки ҳеч нарса бўлмагандек юришини қаранг. Қардадир бир ҳикматли гапни ўқиган эди. Йигитга тўртта нарса муҳим экан: яхшиликни зикр қилгувчи тил, бориға шукур қилгувчи қалб, сабр ва солиҳа хотин. Демак, йигитнинг бахти мукамал бўлиши учун энг асосий шартлардан бири – солиҳа хотин экан.

«Хотин киши уйнинг остонаси бўлади», дейди онаси ҳар сафар. Ҳақ гап. Лекин Нафисага ўхшаган «остона» бўлсачи? Бундан Ўзи асрасин!

Гап уйланиш масаласига бориб тақалар экан, онаси бир ривоятни эринмай такрорлайди. Шавкат гарчи бу ривоятни онасидан кўп эшитган бўлса-да, кўнгли учун яна бир марта эшитади.

Эмишки, Иброҳим алайҳиссалом бир куни ўғли Исмоил алайҳиссаломникига келибди. Бахтга қарши ўша куни Исмоил алайҳиссалом овға кетган экан. Уйда ўтирган хотини эрининг йўқлигини айтибди-да, қарсиллатиб дарвозани бекитиб олибди. Бу муомаладан дили оғриган қайнота: «Исмоил келганида айтиб қўй, уйининг остонаси яхши эмас экан, уни алмаштирсин», дебди. Иброҳим алайҳиссаломнинг нима демоқчи эканига ақли етмаган келин эри келгач, воқеани унга етказибди. Шунда Исмоил алайҳиссалом отаси нима демоқчи эканини фаҳмлаб, бу хотиннинг жавобини бериб юборибди.

Орадан бир қанча вақт ўтиб, Иброҳим алайҳиссалом Исмоил алайҳиссаломни яна излаб келибди. Бу сафар унга пешвоз чиққан келин кўп иззат-икромлар кўрсатибди. Қайнота қайтар маҳалда айтибдики: «Исмоил келганида айт, уйининг остонаси яхши экан, энди алмаштирмасин».

Исмоил алайҳиссалом уйига қайтганида отасининг бу галги гапларини эшитиб жуда хурсанд бўлиб, аёлига нисбатан кўнглида бошқача муҳаббат пайдо бўлибди.

Ривоятлар ҳақиқатнинг синикларидир. Демак, ҳар қандай ривоят ҳам бекорга пайдо бўлмайди. Унда бир ҳикмат бўладики, фақат уни англаш учун комил идрокка зарурат бор.

Шавкатнинг боши оғриб кетди. Ортиқ ўйламасликка қарор қилиб, бошини ёстиқ билан бостириб олди. У шу алфозда қанча ётиб, қачон ухлаб қолганини билмади. Кўзини очганида эса аллақачон тонг отган эди.

* * *

Орадан икки кун ўтди. Тушликка яқин хонага Нодиржон ҳовлиқиб кириб келди. Унинг чехрасидаги саросималик қандайдир жиддий гап борлигини айтиб турарди.

– Калаванинг учини топгандекмиз, – деди у. – Қўлларини бир-бирига ишқалаб.

– Яъни...

– Тўраев ўлдирилган куни эрталаб телефонда гаплашган кишини қўлга олдик. Қўлга олганда ҳам жиноят устида, қора дори билан ушладик.

– Ким экан у, бирор жойда ишлармикан?

– Камол Абдуллаев, асли андижонлик. Бозорда савдо билан шуғулланар экан.

– Камол? Исми Камол эканми?

Шавкатга бу исм жуда танишдек туюлди. Ўйлаб-ўйлаб ўтган кунги Соҳиб аканинг гаплари ёдига тушди. Наҳотки, бу ўша Соҳиб аканинг курсдоши Камол бўлса?

– Гаплашсам бўладими? – деди Шавкат.

– Болалар «машғулот» ўтказишаётган эди. Бориб кўр-чи?

Панжарали хонада юз-кўзлари қизариб кетган, кўйлаги тердан жиққа ҳўл бир киши ўтирарди. Шавкат темир эшикнинг тирқишидан уни обдан кузатгач, қоровул йигитга ишора қилди. Эшик шарақлаб очиларкан, у сакраб ўрнидан турди.

– Ассалому алайкум, Камол ака, – деди Шавкат эски қадрдонлардек кулиб. – Танимадингиз-а?

– Танимадим.

Унинг овозида, қизариб кетган қисик кўзларида қандайдир умидсизлик бор эди. У Шавкатга ўзининг танимаганини айтар экан, гап оҳангида менга барибир деяётгандек бўларди.

– Мен Соҳиб аканинг жияниман, – деди Шавкат мугамбирлик қилиб.

– Қанақа Соҳиб?

– Курсдошингиз, ижарадош дўстингиз. Энди эсингизга тушдими?

– Билмадим. Менинг бунақа дўстим йўқ.

– Унда узр ака, боя олиб келишаётганда кўзимга иссиқ кўринганингиз учун бирров кирган эдим, – деди Шавкат. Сўнгра ортига бурилиб хонадан чиқа бошлади.

– Бир дақиқага...

– Хўш, нима гап?

– Ростдан ҳам Соҳибнинг жиянимисиз? Нега кўзингизга дабдурустан иссиқ кўриниб қолдим?

– Тоғам билан бирга тушган суратингизни кўрганман, – деди Шавкат ёлғондан.

Камол бироз ўйланиб қолди. Сўнгра Шавкатга тикилганча гап бошлади.

– Менга энди ҳеч ким ёрдам беролмайди. Итдан тарқаганлар мени сотишди. Лекин сен ростдан ҳам Соҳибнинг жияни бўлсанг, сенинг битта ёрдаминг керак, – деди у сўзларини дона-дона қилиб.

– Қанақа ёрдам?

– Қийнашмасин!

– Тўғрисини айтсам, бу менинг ишим эмас. Лекин эшитишимча, сизни фақат гиёҳвандликда эмас, қандайдир қотилликда ҳам гумон қилишган?

– Қанақа қотиллик?!

Камол ўрнидан туриб кетди. Унинг юзи бир зумда докадек оқариб кетганди.

– Қобил Тўраев деган одамни танирмидингиз?

– Танайман.

– Камол ака, ўзингизни қийнашнинг нима кераги бор? – Шавкат унга сурилиброқ ўтирди. – Ўша куни эрталаб Тўраев билан телефонда гаплашганларингиз аллақачон ёзиб олинган. Рад этиб бўлмас бошқа далиллар ҳам бор. Сизга бир дўст сифатида маслаҳатим шуки, ҳаммасини очиқ-ошкора тан олиб, ўзингизга енгил бўладиган йўлни танланг!

Камол ўйланиб қолди. Унинг сукунати мағлубиятидан дарак эди. Шавкат эса вақтни бой бермай навбатдаги усулга ўтди.

– Сиз ҳозир қайсарлик қилиб фақат ўзингизга жабр қиласиз. Шерикларингиз эса вақтни ғанимат билишиб жуфтакни ростлаб қолишади. Уларнинг ҳеч бири эртага сизга раҳмат айтмайди. Ёки бир кунгина келиб сизнинг ўрнингизга ўтириб кетмайди. Ҳаммага ўзининг жони ширин.

– Менга майор Соатов керак, – деди Камол ўрнидан туриб.

– Соатовни қаердан танийсиз? – ажабланди Шавкат.

– Тайсонни тоғанг ҳам жуда яхши танийди.

Шавкат қаршисидаги жиноятчига узоқ тикилиб қолди. У бошидан совуқ сув қуйиб юборилган одамдек энтикиб нафас оларди. Наҳотки, бўлиши мумкин эмас? Беихтиёр Шавкатнинг ёдига Тўраевнинг ҳожатхонасидан топиб олган ён дафтарчанинг йиртиб олинган саҳифаси тушди. У шошиб ўрнидан турди-да, хайр-маъзурни ҳам насия қилиб хонадан чиқди.

– Ўрток подполковник, шахсан ўзингизга айтадиган гапим бор, – деди Шавкат қабулхонадан эндиgina чиқиб кетаётган жиноят қидирув бўлими бошлиғи Зокир Арслоновга. – Икки дақиқа вақтингизни оламан, холос. Бу жуда муҳим.

– Шахсий масала юзасидан ишдан кейин гаплашамиз, – деди Арслонов. Сўнгра ёрдамчисига қайрилиб нимадир демоқчи бўлди. Бироқ у гапиришга улгурмади.

– Илтимос, бу шахсий масала эмас, айнан ишга тааллуқли, – деди Шавкат овозини пича баландлатиб.

– Нима гап?

– Хонангизда гаплашсак майлими?

Шавкат Арслоновнинг хонасига кирар экан, чўнтагидаги гижимланган қоғозни столнинг устига қўйди.

– Бу нима? – деди подполковник ҳайрон бўлиб.

– Мана шу қоғозни марҳум Тўраевнинг ҳожатхонасидан олган эдим. Бу қоғоз ён дафтарчадан йиртиб олинган. Икки кун бурун худди шундай ён дафтарчани майор Соатовнинг қўлида кўрдим. Қизиги шундаки, бугун қўлга олинган жино-

ятчи Камол Абдуллаев ҳам Соатовни яхши таниркан. Унинг айтишича...

– Менга қара, Ҳосилов, гапларингни ўйлаб гапираяпсанми? – Арслонов узун столни айланиб ўтиб жойига ўтирди. – Сен майор Соатовдан шубҳаланаяпсанми?

– Худди шу майор Соатовингиз бир пайтлар Тайсон лақабли босқинчи бўлган.

– Сен бола жуда катта кетдинг, – деди Арслонов ёнидан сигарет олиб. – Сен қанақа даъво билан чиқаётганингни билаяпсанми? Агар шу гапларингни ўзи эшитса, қандай қилиб яна бир жойда ишлайсанлар? Унинг босқинчи бўлганига қандай асосинг бор?

– Гувоҳ камерада ўтирибди, – деди Шавкат ишонч билан. – Агар бу гувоҳ камлик қилса яна топиб беришим мумкин.

– Ҳосилов, бу жуда ёмон гап... лекин... эҳтиёткорлик билан иш юритишга тўғри келади, – Арслонов Шавкатга тикилиб қаради. – Агар Камол Абдуллаев ҳам уни таниса...

Шавкат собиқ жиноятчи Соҳиб Алижоновдан эшитган гапларини ҳам бирма-бир айтиб берди. Шундан кейингина Зокир Арслоновнинг кўнглида ҳам андак шубҳа пайдо бўлди. Шу пайт секин эшик очилиб Тўйчиевнинг боши кўринди.

– Кечирасизлар, кеча кечқурун майор Соатов уйга бормабдилар. Эрталабдан бери ишда ҳам йўқ. Шунга хавотирланиб...

Арслонов сакраб жойидан турди. Бир зумда ҳаммаёқ остин-устун бўлиб кетди. Аммо майор Темур Соатовдан дарак йўқ эди. Ўша куни майор Соатовни қидирув ишлари ярим кечагача давом этди. Ниҳоят, маълум бўлдики, у кеча тунги рейсда Жанубий Кореяга учиб кетган экан.

– Менга жиноятчи Камол Абдуллаевни олиб келинглар, – деди Арслонов асабийлашиб.

Қўллари кишанланган Абдуллаев Арслоновнинг ҳузурига келтирилди.

– Ҳамтовоғинг чет элга қочиб кетибди. Энди ҳаммаси учун ўзинг жавоб беришингга тўғри келади, – деди Арслонов.

– Ким қочиб кетибди?

– Майор Темур Соатов жуфтакни ростлаб қолибди, – деди бир чеккада турган Шавкат. – Боя сизга нима дедим. Ҳаммага ўзининг жони ширин. Сиз билан нима иши бор.

– Мараз! – деди Камол тишларини ғичирлатиб.

– Қачондан бери ҳамкорлик қиласанлар? У ҳақда нима-лар биласан?

– Уни узоқ йиллардан бери биламан, – деди у деразага тикилиб. – Унинг лақаби Тайсон эди. У университетда сиртдан ўқиш баробарида кўча-кўйда, бозорларда «тирикчилик» қиларди. Ўқишни тугатган йили шаҳардаги марказий бозорда бир болани пичоқлаб ўлдириб қўйгач, икки-уч йил Россияга йўқолиб кетди.

Шавкатнинг вужудига титроқ кирди.

– Бу ўша! – Шавкатнинг кўзлари ола-кула бўлиб кетди. – Зокир ака, ўша ўлдирилган бола менинг акам бўлган.

– Ҳаммасини аниқлаймиз, озгина сабр қилгин, – Арслонов яна жиноятчига бурилди. – Давом эт, кейин нима бўлди?

– Тайсон Россиядан анча-мунча «тажриба» орттириб, энг асосийси, фойдали бир «лойиҳа» билан келди. Шунга яраша унинг қўлида пули ҳам бор эди. У милицияга ишга кирди. Бу, албатта ўзимизнинг муҳофазамиз учун эди, – деди Камол Абдуллаев тап тортмай.

– У қанақа «лойиҳа» эди?

– Биз уёқдаги баъзи тўдаларга қорадори етказиб беришимиз керак эди.

– Қобил Тўраев ким эди?

– Асосий дилер Қобил эди. Мижозларни у топарди.

– Уни нега ўлдирдинглар? – Арслонов унга еб қўйгудай тикилди.

– Бу Тайсоннинг иши. Қобил ғирром ўйин қилган.

Шавкат ортиқ чидай олмади. Шитоб билан хонадан чиқиб кетди. Унинг мушт бўлиб тугилган қўллари тинимсиз титрарди. Бир йил давомида акасининг қотили билан ёнма-ён ишлабди-я! Нега уни қўлдан чиқариб юборди? Нега унинг ён дафтарчасини кўрган заҳоти шубҳаланмади? Шавкат нукул ўзини ўзи қойирди.

Дунёнинг ҳақиқати шу: қандай келган бўлсанг, шундай кетасан. Ҳали ҳеч кимни оту туяси ёки қимматбаҳо машинаси билан бирга кўмишгани йўқ. Дунё халқини пойига тиз чўктирган жаҳонгирлар ҳам алалоқибат эга бўлгани икки қадамгина қаро ердан бошқа нарса эмас. Бироқ инсон бу ҳақиқатни англамикан? Англайди. Аммо ҳар доимгидек кеч, жуда кеч англайди. ғишт қолипдан кўчгач, «ўйин»лар тугаган бир пайтда англайди. Унгача дунёнинг ортидан тили осилиб югургани-югурган.

Дунё машҳурларидан бири Габриэль Гарсиа Маркеснинг «Ёлғизликнинг юз йили» деб номланган асарини билсангиз керак. Ана шу дурдона асарнинг моҳиятида бир фалсафа бор. Яъни, ёзувчи айтади: «Дунёда ҳамма нарса доира бўйлаб ҳаракат қилади». Агар диққат қилсангиз, одамият тақдири ҳам ёзувчи айтганидек доира бўйлаб ҳаракатланадигандек. Бунга оталар ва болаларнинг қисмати айнан мисол бўла олади. Бугун ота бўлишни орзу қилаётган кишининг истаги, эртага ўғлига кўчади. Индин эса... доира бўйлаб ҳаракатланаётган инсон орзусининг поёни йўқ.

Автобус деразасидан олис-олисларга тикилиб кетаётган Шавкат дунёнинг ана шу ўйинлари ҳақида хаёл суриб борарди. Эсида, бир сафар адабиёт ўқитувчиси дарсда қизиқ бир ҳикоят айтиб берганди. Ўшанда бу ҳикоятнинг моҳиятини яхши англамаган экан. Мана, сўнгги бир ҳафтадирки, ўша ҳикоятни бот-бот эсга оладиган бўлди.

...Эмишки, бир куни улуг Ҳожа икки хизматчисини чақириб, уларнинг ҳар бирига 24 тадан олтин берибди. Сўнгра айтибдики: «Сизлар энди узоқ бир йўлга чиқасизлар. Бошқа бир юртда деҳқончилик қиладиган еримга бориб, у ерда то мен чақиргунимча меҳнат қиласизлар. Сизлар мен берган мана бу 24 та олтинни йўл пулингизга ва деҳқончиликдаги эҳтиёжларингизга сарфлайсиз».

Икки хизматкор йўлга тушишибди. Иккаласи ҳам хурсанд! Улардан бири қўлидаги олтинни кўриб боши айланиб кетибди. Иккинчиси эса қўлидаги олтинлар бировники эка-

нини ўйлаб, уларни авайлаб сарф этишга қасд қилибди. Ана шу алфозда хизматкорлар йўл юрар экан, уларнинг биринчиси ярим йўлга етмай олтинларининг 23 тасини қиморга ютқазиб қўйибди. Шўрлик хизматкорнинг биттагина олтини қолибди.

Дўсти унинг аҳволини кўриб, ачинганидан шундай насиҳат этибди:

– Дўстим, қара, ҳозир мен ҳеч қийналмай самолётга чипта сотиб оламану Ҳожа айтган далага бораман. Сен-чи? Сен нафсингни хурсанд қиламан деб олтинларингни бой бердинг. Майли, ҳали ҳам кеч эмас. Сен энди қўлингда қолган битта олтинга самолёт чиптасини сотиб ол. Акс ҳолда, бутунлай зарар кўрасан. Ҳожамиз буюрган вазифани ўз вақтида бажармаганинг ва ишончини 23 та олтинга қўшиб ютқазиб қўйганинг учун сени жазолайди. Агар сен қилган хатойингни Ҳожамизга билдирсанг, кечирим сўрасанг, у сени, албатта кечиради. Қани, кел, қўлингда қолган олтинга қайтиб кетадиган чиптангни ол, қутуласан. Акс ҳолда, ҳалок бўласан!

Бу ибратли ҳикоя шу ерга келганда битади. Ўшанда Шавкат ўқитувчисига савол берди:

– Домла, олтинларини ютқазиб қўйган хизматкор дўстининг гапига кириб чипта олганми-олмаганми?

Раҳматли Эргашев домла ҳам бало эди. Шавкатнинг саволига боплаб жавоб берганди.

– Билмадим, лекин умид қиламанки, у одам дўстининг гапига киргандир. Чунки бу хизматкорларнинг Ҳожаси фазли ва қарами кенг Аллоҳ эди.

– Аллоҳ уларга 24 та олтин бергандими?

– Уларга берилган 24 та олтин – 24 соатимиздир. Бу ҳикоя бизга шу нарсани англатадики, инсон ғанимат умрини беҳуда сарфламаслиги лозим. Умрнинг, вақтнинг қадрига етган киши энг бахтли «йўловчи»дир.

Шавкат ғамгин эди. Чунки унинг яраси тирналди. У акаси Шухратнинг қотилини топди. Ўн беш йил деганда қотилни топди. Интерпол қидирув хизмати саъй-ҳаракатлари билан ушлаб келинган Темур Соатовни Шавкат аэропортдаёқ сўроққа тута бошлади.

– Бундан ўн беш йил бурун бозорда бир болани ўлдиргансан, эсингдами? – деди Шавкат унинг ёқасидан гиппа бўғиб. – Ўша бола менинг акам эди! Менинг жигарим эди! Эшитяпсанми?

– ...

– Қасос учун сени энди мен ўлдираман! Нега жим турибсан?

– Ўлдириш қўлингдан келадими? – деди у кишининг гашини келтирадиган даражада хотиржамлик билан. – Қирқ йилдан ошди, кимдир мени ўлдиришини кутаман. Бахтсизликни қарангки, ҳеч ким мени ўлдирмайди.

– Ёмонга ўлим йўқ! Сен ҳам яхши бўлганингда эди, ўзингга ўхшаган бирорта мараз аллақачон ўлдириб юборган бўларди.

– Йўқ, мен мараз эмас эдим. Мени ҳаётнинг ўзи мараз қилди.

Бир пайт у деворга пешонасини тираб йиғлай бошлади. Унинг йиғидан елкалари силкиниб-силкиниб кетарди. Шавкат ҳам, унинг атрофида турган бошқалар ҳам, Тайсоннинг йиғлаётганини кўриб жимиб қолишди.

– Мени ҳаётнинг ўзи мараз қилди, – Тайсон сўзларини яна такрорлади.

– Ҳаётга туҳмат қилма, сенда унинг қасди йўқ. Нима қилган бўлсанг, нафсинг учун қилгансан, – деди боядан бери чеккароқда кузатиб турган Зокир Арслонов. – Сен қўйнинг терисини ёпиниб юрган бўри экансан! Бахтга қарши биз буни вақтида билмадик.

– Майли, лекин сизларнинг бирортангиз менинг бир кунимни яшаб кўрганларингизда эди, айти пайтдаги нафратларингиздан уялардингиз.

– Нима учун?

– Сизлар етимлик нима эканини билмайсизлар. Сизлар ҳеч қачон «бир мартагина отамнинг тиззасига чиқиб эркалансам экан», деган ушалмас орзу билан яшаб кўрмагансизлар. Бу истак нима эканини тасаввур ҳам қилолмайсизлар. Мен орзу қилиб ўғри бўлмадим. Айнан орзуларимга эришиш учун ўғри бўлдим. Ўқийман, одам бўламан деб ўғри бўлиб

кетдим. Ота-онамнинг кимлигини, қаердалигини билмай, болалар уйида улгайдим.

Тайсон Шавкатга қаради. Унинг кўзларидаги самимият рост гапирётганини айтиб турарди. Бу ҳолат унча-мунча кўнгли бўш одамни рўмолча олишга мажбур қилса-да, бироқ бунақа жиноятчиларни кўравериб кўзи пишиб кетган йигитлар қилт этмасди.

– Эҳтимол, ростдан ҳам бозорда ўлган ўша бола сенинг акангдир, аммо мен буни атайин қилмаганман. Бу – қўрқув ва тасодифнинг иши эди. Ишонмасликка ҳаққинг бор, лекин ўша воқеадан кейин бир ой ухлай олмаганман. Кечалари йиглаб чиқардим. Чунки мен ҳеч қачон одам ўлдираман деб ўйламаганман. Аммо бахтга қарши шундай бўлиб қолди.

Мен ортиқ бу ерларда қололмаслигимни билдим. Шундан кейин Россияга бош олиб кетдим. Бегона юртда менга кимнинг ҳам кўзи учиб турганди. Мен яна ўғирлик қилишга мажбур бўлдим ва бу йўлда суяги қотган «мужик»ларнинг қўлига тушиб қолдим.

– Ёлғон гапираяпсан, – деди Арслонов Тайсонга яқинлашиб. – Сенинг ичингда иблис яшаяпти. Ўзингни олижаноб қилиб кўрсатма. Қобил Тўраевни нега ўлдирдинг?

– Бу буюртма эди, – деди Тайсон. – Агар уни ўлдирмаганимда ўзим ўлишим керак эди. Шунинг учун улар менинг қўлимдан ушлаб туриб уни ўлдиртиришди.

– «Улар»нинг ким?

Ўша куни Тайсон бутун кирдикорларини тўкиб солди. Аини жиноятга шерик бўлган олти нафар жиноятчи унинг кўрсатмаси билан қўлга олинди. Махсус жойларда сақланаётган етти килограммга яқин гиёҳвандлик моддалари қўлга киритилиб, жинорий тўда устидан тергов жараёнлари бошлаб юборилди. Энг асосийси, шу пайтгача жумбоқлигича қолиб келаётган яна иккита жиноят сирлари очилди. Бу жиноятлар Темур Соатовнинг «жонбоз»лиги туфайли атайин очилмай келаётган экан. Уларнинг бирида шахсан ўзи иштирок этгани ҳам аниқланди.

Тўғри, бу ютуқдан кўпчилик деярли қувона олмади. Чунки Темур Соатовни бир йил аввал ишга қабул қилган под-

полковник Зокир Арслонов лавозимидан бўшатилды. Бу эса жамоа учун катта йўқотиш эди.

Шавкат узоқдан қадрдон қирлари кўрина бошлагач, автобусдан тушишга ҳозирлик кўра бошлади. Бу таниш манзаралар унинг хаёлидан нохуш ўйларни сидириб ташлаган эди.

УЙҒОНИШ

Бош муҳаррир хонасидан ранги докадек оқариб чиқиб келган қиз беихтиёр эшикка суяниб туриб қолди. Кираве-ришда котибанинг қулоғига пичирлаганича алланималарни уқтираётган Ўктамхоннинг унга кўзи тушди. Аёл бесўнақай гавдасини ростлар экан, андак гезарди. Зум ўтмай унинг қалин лабларида заҳарханда табассум пайдо бўлди. «Ҳақини олганга ўхшайди», – мароқ билан хаёлга берилди у. Аммо ичидаги-ни сиртига чиқаргиси келмадими, ҳамдardлик билдирмоқчи бўлди. Йўғон қўллари билан ёнидан эзгин қиёфада ўтиб кетаётган қизнинг қўлидан тутди.

– Нима бўлди, Шодия? Самад ака уришдиларми дейман...

Шодия бошлиқнинг хонасида эшитганлари шу аёлнинг иғвоси эканини жуда яхши англаб турарди. Шундай бўлса-да, унга бир оғиз ҳам гапиролмади. Ёшли кўзларини ерга қадаб, бош ирғаб қўя қолди.

– Эй, шунга хафа бўлиб ўтирибсизми? Бошлиқ бўлгандан кейин уришади-да, – деди Ўктамхон бироз жиддийлашиб. – Бунақа даккиларнинг қанчасини эшитдик. Мана туппа-тузук юрибмиз-ку! Киши ҳамма нарсани кўнгилга олаверса, бу дунёда яшаб бўладими?

Ўктамхоннинг гаплари гарчи ҳамдard оҳангда жаранглаган бўлса-да, аслида унинг мақсади бошлиқ билан Шодиянинг ўртасида нима гап ўтганини билиш эди. Ўктамхон меҳрибон оналардек Шодиянинг сочини силамоқчи бўлди. Қиз эса ёқимсиз бир нарсага дуч келгандек беихтиёр бошини бурди. Сўнгра котиба қиз билан Ўктамхонга лом-мим демай эшикка йўналди.

Кўчага чиқиб таҳририят жойлашган бинодан хийлагина узоқлашгач, кўз ёшларига эрк берди. Шодия синчалакдекки-

на бўлса ҳам жуда мағрур эди. Бировларнинг олдида бирор марта йиғламаган. Ҳатто бундан икки йил муқаддам отаси оламдан ўтганда ҳам у онаси билан сингилларига ўхшаб дод сололмаган эди.

Отаси зўр одам эди... Журналист Шодмон Раҳмонқулов номини эшитганда воҳанинг манамаман деган раҳбарлари ҳам тавозе билан жойларидан туришарди. Ўзи ҳам, сўзи ҳам салобатли эди. Ўқиш билан, иш билан бўлиб, нақ ўттиз ёшда уйланган отаси Шодияни бошқача яхши кўрарди. Балки тўнғичи бўлгани учундир. Шундоқ одам юзига чиққан биргина яра сабаб бир ҳафтада тамом бўлди-қўйди.

Шодия икки йилдан бери яшаётган ётоқхонаси томон борар экан, отасининг сўнгги кунларини эслади. Ўшанда отаси тўсатдан пайдо бўлган ярани писанд қилмади. «Фақат ишхонада одам бироз нокулай бўлади-да», деди у кўзгу олдида туриб. «Лекин начора, ишга бориш керак».

Отаси ўша кун ишга кетди-ю, кечга яқин иситмалаб уйга қайтиб келди. Ҳовлида товукларга дон сепаётган хотинининг олдида туриб, хижолатомуз жилмайди.

– Сен ҳам шунақа касал бўласан, дейишса ишонмаган бўлардим, онаси. Лекин мана, туппа-тузук касал бўлиб қолдим.

– Нафасингизни ел олсин, отаси. Шу битта яра учун касал бўлдим деб юрибсизми ҳали, – деди Рисолат опа. – Сиз касалман деб ялпайиб ётиб олсангиз манави бир этак болани ким боқади?

Шодмон ака уйга кирди. Унинг юзлари қизарган, қовоқлари уйқудан қолган одамники сингари солқиб турарди. Бу йил университетга кириш тараддудида бўлган Шодия китоб ўқиб ўтирарди. Отаси кўрпачага ҳорғин чўзилди.

– Менга тузукроқ жой ташлаб бер, қизим, – деди у ҳолсизлик билан. Шодия тахмондан кўрпа-тўшакларни олиб қалингина ўрин солди. Шодмон ака оғир қишки кийимларини ҳам ечмасдан ётиб олди.

Рисолат опа ҳовлидаги юмушларини тугатиб уйга кирганида эри тўшакда бир аҳволда ётарди. У эрининг ёнига чўккалаб секингина сўради:

– Отаси, сизга нима бўлди?

Шодмон ака кўзини зўрга очиб тепасида турган хотинига қаради:

– Аъзойи баданим алангайи оташ ичида қолганга ўхшайди, хотин.

Онаси Шодияга бир қараб қўйиб эрининг пешонасига кафтини босди. Кейин каловланиб ўрнидан турди-ю, иситма туширадиган дори топиб ичирди, баданига спирт суркади. Бу орада Шодия улардан уч-тўрт уй нарида яшайдиган Самандар дўхтирни топиб келди. Дўхтир Шодмон акани обдан текшириб кўриб, эр-хотинни тинчлантирган бўлди:

– Бу оддий чипқон. Қўрқманг, янга, ҳеч нарса қилмайди.

– Чипқон ҳам шунақа иситма чиқарадими, – ишонқирамай сўради онаси.

– Бўлмасам-чи, яра пишиб ёрилгунича иситма бўлади, хавотирланманг.

Аммо орадан уч кун ўтгач отасининг юзи баттар шишиб кетди. Энди яра унинг юрагини ҳам безовта қилаётганди. Қўшни кампирдан «эскичага қаратинг» деган таклифни эшитган Рисолат опа аллақердан битта ромчи хотинни топиб келди. Ромчи беморнинг юзига қараб андак ўйланиб қолди:

– Ўтказиб юборибсизлар, эгачи, – деди Рисолат опага юзланиб. – Бу дўхтирлик касал эмас. Эрингизга ёмон суқ кирган. Яра ўшаники. Бунақа яраларга пошшойи тангани киздириб босиш керак. Йўқса иллат қонга ўтиб кетади.

– Пошшойи тангани қаердан топаман?

– Кўпни кўрган кампирларда бу танга ҳалиям топилади. Суриштириб кўринг...

Ўшанда туйқус бошига тушган ташвишдан каловланиб қолган аёл бирма-бир ҳамма қўшниларикига кириб чиқди. Ниҳоят ёши тўқсонга бориб қолган Холжон эна ўлимлиги тугилган бўғчасини очиб, қалтироқ қўллари билан Рисолатга қорамтир бир тангани узатди. Бироқ ромчи хотин кўрққанидек иллат қонга ўтиб бўлган экан. Пошшойи танга ҳам наф бермади.

Отаси ёлғиз фарзанд эди. Кориға ярайдиган оға-инилари йўқлигиданми, хотини муштипарлигига бордими, ҳар қалай

касалхонага жуда кечикиб олиб боришди. Олиб боришдию, ўша куни кечқурун отасининг жасадини олиб қайтишди.

Бу кўргулик ҳаммадан ҳам Шодияни довдиратиб қўйди. Қиз дадасини ҳаммадан кўпроқ яхши кўрарди. Ўшанда ҳозирги бошлиғи, Самад Қаршибоев унга бир яхшилик қилмоқчи бўлди. Отасининг қирқи ўтаётган куни Шодияни бир чеккага имлади:

– Сен ўқишга киришинг кераклигини унутма, қизим. Отанг сенинг ҳам журналист бўлишингни истарди. Кундузги бўлимда ўқишга кучим етмайди, десанг, сиртқига топшир. Шунда ҳам ўқиб, ҳам ишлашинг мумкин бўлади.

Қаршибоев марҳум Шодмон аканинг қадрдонларидан эди. Шунинг учун Шодия унинг маслаҳатига амал қилди. Мактабни битиргач, университетда сиртдан ўқий бошлади. Қаршибоев Шодмон ака билан бир пайтлардаги дўстлиги ҳурмати Шодияни газетасига ишга олди.

Шодия ҳам баҳоли қудрат ишлаб, отасининг ўлимидан кейин бироз қийналиб қолган оилани амаллаб тебратаётган эди. Газетада бирор йил ишлаб, қалами бироз чархлангач, адабиёт бўлимини унга беришди. Ана шунда газетада бирор ўн йилдан бери ишлайдиган Ўктамхонга ўхшаш ходимларнинг пайтавасига қурт тушиб қолди. Ахир улар турганда атиги бир йил аввал ишга олинган Шодия бўлим мудири бўлиб турса алам қилади-да... У ҳам етмагандек ҳокимият газета ходимларига Термиздаги янги қурилган уйлардан турар-жой ажратадиган бўлди. Қаршибоев Шодиянинг икки йилдан бери ётоқхонада яшаб, қийналиб юрганини яхши биларди. Рўйхатга уни ҳам киритди. Шодия ўзига ажратилган бир хоналиккина уйга кўчиб ўтишга улгурмай игволар бошига тошдек ёғила бошлади. Мана бугун эса ишхонасидаги аёллар уни отаси тенги Самад Қаршибоевнинг жазманига чиқариб ўтиришибди. Энг ёмони бошлиқ бу гапларни Шодиянинг ўзи тарқатган деб ўйлайди. Уни бу гапга ишонтириб қўйишган. Нима эмиш... Шодия ҳамма жойда «Самад Қаршибоев менинг ҳомийим» деб баралла айтармиш. «Менга уй берилиши ҳам Самад акам туфайли» деб мақтанармиш.

Қаршибоев лаби-лабига тегмай сўзлар экан, Шодия бундан тўрт-беш йил муқаддам кишлоқда юз берган воқеани эслади. Ушанда қўшнилари, Шўрчидаги нуфузли корхоналардан бирида бош ҳисобчи бўлиб ишлайдиган Омон ака ёшгина бир қизга илакишиб қолган эди. Қишлоқда бу мавзудаги миш-мишлар болалаб кетди. Эмишки, ўша нозанин Омон акага хотининг билан ажрашсанг, сенга тегаман, унгача туман марказидан олиб берган уйинг ҳам, машинанг ҳам ўзингга сийлов, деган эмиш.

Омон ака хотинидан осонгина ажраша олармиди? Ахир аёли Ҳуснора бир аёл учун зарур бўлган фазилатларнинг ҳаммасига эга эди. Бир томонда болалари... У анча вақтгача аросатда яшаб юрди. Ҳуснора янга эри ҳақидаги овозаларга эътибор бермасмиди, ё от айланиб қозигини топади қабилда иш кўрармиди, ҳар қалай сукутда эди. Аммо нариги гулрухсор Омон акани сиқувга олди шекилли, Омон ака хотини билан ажрашишга чора излаб қолди.

Ниҳоят ўша чорани топди. Бироқ бу жуда даҳшатли чора эди. Ундан фойдаланиш учун ўта виждонсиз бўлиш лозим эди. Хуллас, Омон ака Ҳуснора ҳақида «хотинимни хиёнат устида ушлаб олдим» деб гап тарқатди.

Бу жуда ёмон тухмат эди. Айниқса, умри бино бўлиб эридан бошқа эркакнинг юзига тик қарамаган Ҳуснорага ўхшаш аёл учун бундай тухматдан кўра ўлим афзал эди.

Овозалар Ҳусноранинг уйидагиларга ҳам етиб боргач, улар муросайи мадора учун етиб келишди. Омон аканинг ҳовлиси бамисоли фожиа ўйналаётган саҳнага айланган эди. Шўрлик аёл отаси, акалари, қайин оғаларининг ҳузурида эканини ҳам унутиб эрининг қаршисида тиз чўкди. Омон аканинг оёқларини қучоқлаганича зориллаб ялинди:

– Жон дадаси. Бунақа тухмат қилманг. Ахир менинг қандайлигимни ҳаммадан кўра сиз яхши биласиз-ку. Ажрашаман, бошқасига уйланаман десангиз ҳам розиман. Фақат менга қўйган айбларингизни қайтиб олинг.

Аммо айтилган сўз отилган ўқ эди. Омон ака хотинидан кўзларини олиб қочиш учун юзини четга бурди. Кейин

оёқларини Хусноранинг қўлларидан қутқариш учун ўрнидан кўзгалди:

– Қўлингни торт. Мен сендан жирканаман.

Девордармиён қўшни бўлганликлари учун Омон аканинг уйида бўлаётган воқеанинг барча тафсилотлари Шодияга рўйирост эшитилиб турарди. Ёз куни эмасми, ҳамма ҳовлида. Айни балоғат ёшидаги Шодия Хуснора янгасининг ўксиб-ўксиб йиглаган овозини эшитди. Унга юраги ачишди. Шу билан баробар кизнинг юрагида эркак зотига нисбатан кучли нафрат ва адоват ҳисси бош кўтарди...

Ўша куни Рисолат опа ишдан анча кеч қайтган эрини ҳам қўярда-қўймай Омон аканинг уйига чиқариб юборди.

– Шундоқ оила тўкилиб кетаверадими, отаси? Ахир Хусноранинг қанақа аёл эканини биз яхши биламиз-ку. Боринг, Омонга насиҳат қилинг.

Отаси чиқишга чиқдию, бирор соатлардан кейин дарвозадан кириб келди. Умид билан оғзига тикилган Рисолатга қараб «бўлмади» маъносида бош чайқаб қўйди.

– Омонга ҳозир гап уқтириб бўлмайди. У биз билган Омон эмас, хотин. Бу болага бир нарса бўлганга ўхшайди. Ўзинг ўйлаб кўр. Ахир қайси эр ўз хотинига шунақа тухмат қилади?

Омон ака виждонсизлигини икки карра орттиришни ис-тамадими, ҳар қалай, Хуснорани ҳовлидан ҳам қувиб солмади. «Майли, болалар билан бирга шу ҳовлида тураверсин», – деди бошлари ҳам бўлган қайнота ва қайин акаларига қараб. «Болаларни боқиш ҳам менинг зиммамда. Аммо мен энди бу уйда яшамайман».

Омон ака кийим-кечагини бир жомадонга жойладию уйдан чиқиб кетди. Унга отилиши керак бўлган маломат тошларидан силлиққина қутулиб қолди.

Хуснора янга бу воқеадан кейин қуруқ суратга айланиб қолди. Рисолат опа тез-тез унинг ёнига кирар, бечора аёлга далда берган бўларди:

– Қўяверинг, сизнинг қанақалигингизни бошқалар билмаса ҳам биз яхши биламиз. Эрингиз ҳам бир куни пешонаси тошга тегиб қайтиб келар.

Бир куни Шодия шундоққина дарвозалари ёнидан оқиб ўтувчи ариқчадан сув олиб кўча юзига сепаетган эди. Дарсдан қайтаётган болалар тўсатдан жанжаллашиб қолишди. Жанжаллашгувчилардан бири Омон аканинг олтинчида ўқийдиган ўғли Суҳроб эди. Унинг рақиби кучлироқмикан болакайни силкилаб ташлади. Шодия қўлидаги челакни ташлаб ёрдамга шошилди. Суҳробнинг қўлидан етаклаб уларнинг дарвозалари томон юраркан, аламини ололмай қолган бола орқадан қичқирди: «Суҳробнинг онаси ...». Энг ёмони, ўғлининг йиғламсираган овози қулогига чалиниб кўчага югуриб чиққан Ҳуснора янга ҳам бу сўзларни эшитди. Эшитдию, турган жойида қалқиб кетгандек бўлди.

Бола бола-да... Суҳроб онасига нафрат ва алам билан тикилди. Ҳуснора янга ўғлининг юзларини силаб сўради:

– Сенга ҳеч нарса қилмадим, болам?

Суҳроб онасининг қўлини жаҳл билан силтаб ташлади. Кейин югуриб уйга кириб кетди. Ҳуснора янгаси Шодияга алам билан кулимсиради. Аёлнинг кўзлари ёшга тўлиб турарди. Унга нима деб тасалли беришни билмаган Шодия додидираб қолди.

Ўша куни тунда Ҳуснора янга ҳовлилари адоғидаги бос-тирмага кириб ўзини осиб қўйди. Шўрлик аёл туҳмат юкини кўтариб яшаш учун ўзида куч тополмади.

Хотинининг таъзиясида Омон ака ҳам бор эди. Шодия унинг дарвоза олдида қовоқ уйиб турганини, келган-кетганини кузатаётиб, кўзларини дастрўмол билан артиб қўяётганини кўрди. Кўрдию, юрагида жирканишга ўхшаган бир туйғу бош кўтарди.

Сал кейинроқ кунора унга севги изҳор қилиб хат ёзадиган синфдоши Мухторнинг қўшни синфдаги Муҳаббат деган қизга парвона бўлаётганини кўргач, бу нафрат янада кучайди. Мухторнинг кўзларидаги ҳадикни Шодия бир пайтлар хотинини туҳмат тошларига нишон қилиб, уйдан чиқиб кетаётган Омон аканинг нигоҳларида кўрган эди...

Шодия бир зумда шуурини эгаллаган хаёлларни чеккага суриб қўйди. Бошлиғи ҳали ҳам жавраб турарди. «Менинг бўйнимда ҳам биттагина бош бор», деди Қаршибоев сўзини

тугатар экан. «Сени азбаройи отанг ҳурмати учун ишга олган эдим. Шунақа гапларни тарқатиш қўлингдан келишини билганимда...»

Қаршибоев сўзини тугатолмади. Шодия кабинет эшигини шахт билан очди.

Ҳозир Шодия ётоқхона томон бораркан, бўлиб ўтган воқеаларни бирма-бир кўз олдидан ўтказар эди. Шодиянинг назарида оёқлари остидаги йўл ҳам ундан ўзини олиб қочаётганга ўхшарди. У ҳар куни йигирма дақиқада етадиган манзилига бугун нақ ярим соатда зўрға етиб келди. Кираверишда ўтирадиган қоровул кампирдан хонасининг калитини сўраб олди. Тўртинчи қаватга деярли судралиб чиқди. Мадорсиз қўллари билан эшикни очиб ичкарига кирди, кейин эшикни ичкаридан беркитиб қўйди – бугунги воқеалардан кейин у инсон зотини кўришни истамасди. Шодия ҳолсиз вужудини каравотга ташлади. У ҳамма нарсани унутиб ухлаб қолишни истарди. Юрагини аёвсиз кемираётган аламлардан жилла қурса бирор соатга фориг бўлмоқчи эди. Аммо каравотда бир соатча у ёқдан-бу ёққа ағдарилиб ётса ҳамки ухлай олмади. Ниҳоят ўрнидан турди.

Отаси ўлганидан бери ҳар замон ухлолмай уйқу дори ичадиган одати бор эди. Ўша дорини топиб, биттаси билан ухлай олишига кўзи етмади шекилли, иккитасини банкадаги совуқ чой билан ютиб олди.

Чорак соатлардан кейин дори ўз таъсирини кўрсатди – хаёт чархпалаги обдан ҳоритган қиз донг қотиб ухлаб қолди.

У туш кўрарди. Бу тушга ҳам ўхшамасди. Бамисоли унинг руҳи танасидан ажралиб чиққандек эди. Шодия ўзининг каравотда ғужанак бўлиб ётган танасини аниқ кўрди. Қиз ўзини жуда енгил ҳис қилаётган эди. Зум ўтмай у қушдек учиб кетди.

Қандайдир йўлаклардан ўтди. Бу йўлакдан ҳам кўра жуда узун, адоқсиз қувурга ўхшарди.

Йўлак адоғида кучли нур порлаб турарди. Шодия ўша нурга етиб олиш учун жон-жаҳди билан ҳаракат қиларди. Ниҳоят йўлак тугади. Шодияни чорлаётган нур кўзни қамаштирадиган ёруғлик билан алмашинди. Бу ёруғликнинг марказида одам шакли кўринди. Шодия ёруғликдан қама-

шаётган кўзлари билан ҳам бу шамоийил эгасини таниди: «Отажон!»

Негадир унинг овози чиқмасди. Отаси эса худди тириклигидаги каби Шодияга қараб мулойимгина жилмайиб турарди. Ажабо, Шодия отаси билан ҳеч бир сўзсиз, ҳеч бир ишорасиз сўзлашаётган эди:

«Яшашдан чарчадим, отажон. Сиздан паноҳ излаб келдим».

«Менсиз сенга қийин бўлишини билардим, Шодия. Аммо сен чидашинг, сабр қилишинг керак».

«Мен ортиқ чидай олмайман, отажон. Яшамоққа бардошим қолмади».

«Онангни, ногирон укангни, сингилларингни ўйла. Сенсиз уларнинг ҳоли не кечади?»

«Мен энди уларга суянчиқ бўлолмайман, отажон. Мен жуда ожизман». Отаси Шодияни орқага қайтишга ундар, аммо у қайсарлик қиларди. Ниҳоят у отасини ҳам доғда қолдириб учиб кетди. Қиз гоҳо мубҳам қоронғулик зулмати ичра ғарқ бўлар, гоҳ кучли ёруғликка дуч келганидан кўзлари қамашиб кетарди. Шу тарзда қоронғулик билан ёруғлик ҳисобсиз марта ўрин алмашди. Бу алмашинувлар ичра қиз ҳамма нарсани – ситамлару иғволарни ҳам, йўқотишлару видоларни ҳам эсдан чиқарди. Фақат шуурининг бир чеккасида онаси ва сингиллари билан боғлиқ хотираларгина порлаб турарди. Қиз қаршисида ҳали унга ноаён бўлган чексизлик порлаб турганини элас-элас идрок қилар, шу чексизликка сингиб кетишни, унда мангу қарор топишни истарди. Қиз абадиятга айланиш истагида ёнаётган лаҳзада отаси унга етиб олди.

– Шодия!

У отасининг овозини яқиндан, яқингинадан эшитди. Аммо ортга қайрилишни истамади. Қаршисидаги чексизлик уни оҳанрабодек ўзига тортиб турарди. У олдинга интилди.

– Шодия, Шодия!

Ниҳоят отаси унга етиб олди ва қўлидан жаҳл билан тортди:

– Шодия!

Қизнинг карахт онгида болалик хотиралари билан боғлиқ бир манзара жонланди. Ўшанда ўзидан уч ёш кичик сингли-

сини ўйинчоқ талашиб бир шапалоқ туширганида отаси Шодиянинг қўлидан худди шундай жаҳл билан тортган эди. Уни қийнаётган, юрагига аёвсиз човут солаётган аламлар лабларидан фарёд бўлиб отилиб чиқди: «Отажон!»

...Қиз ўз овозидан чўчиб уйғонди. Уйғондию, аъзойи баданидан совуқ тер чиқиб кетди. Кун ёйилиб кетган, офтоб ўзининг заррин нурларидан Шодиянинг мўъжазгина хонасини ҳам баҳраманд этаётган эди. Аллаким хона эшигини жонжаҳди билан тақиллатарди.

Ҳали ҳам ўзига келолмай турган Шодия бир зум қарахт бўлиб турди. Кейин қаравотдан тушдию, увушиб қолган оёқларини зўрға босиб эшик олдига борди:

– Ким у?

– Шодия, шу ердამисан, қизим? Эшикни очсанг-чи!

Қиз қоровул хотиннинг овозини таниб эшикни очди.

– Эрталабдан бери эшигингни тақиллатаман. Хонанг-да йўқ бўлсанг керак деб ўйлагандим. Қўшнилариңгдан сўрасам, уч-тўрт кундан бери кўрмадик дейишди. Хонангдан сира чиқмайсанми дейман?

Шодия ҳайрон бўлди. Наҳотки у уч кундан бери ухлаётган бўлса...

– Бугун кун нима ўзи?

– Яшавор-ей, қизим. Қанақа кунлигини ҳам унутиб қўйдингми? Бугун пайшанба. Ҳа-я, гап билан бўлиб ёдимдан кўтарилаёзибди. Пастда сени онанг кутяпти.

Шодия икки йилдан бери Термизда яшаётган бўлса-да, онаси уни кўриш учун ҳали бирор мартаям келмаган эди. Қизнинг ҳайрати ошди: «Тинчликмикан, ишқилиб?»

Шодия зиналарни икки-учтадан қилиб сакраб пастга тушди. Онаси кираверишдаги курсилардан бирида омонатгина ўтирарди. У қизини чексиз бир соғинч билан бағрига босди. Кейин Шодиянинг юзига бирпас термилиб турди:

– Ранглариңг ўчиб қолибди, қизим. Чарчабсан, қийналибсан чоғи... Сени ишхонада бўлсанг керак, деган хаёл билан аввал газетангга ўтгандим. Аммо ишхонангдагилар сени уч кундан бери ишга чиқмади дейишди. Соғлиғиңг жойида-ми?

Шодия шундоқ ҳам ташвишга кўмилиб кетган онасининг овора бўлиб юрганидан хижолат тортди:

– Мен учун Термизга келиб овора бўлиб юрибсизми? Ахир энди ёш бола эмасман-ку!

Онаси маъюс кулимсиради:

– Ўзимга қолса, уйдан осонликча чиқа олармидим, болам? Отанг бечора уч кундан бери тўхтовсиз тушимга киради. «Бориб Шодиядан хабар ол», дейди. Ниҳоят бугун сингилларингга Қудратга яхшилаб қараб туришни тайинладиму йўлга тушдим.

Шодиянинг шуурига овозсиз бир хитоб қалқиб чиқди: «Демак, отам билан сўзлашганларим фақат тушимдагина содир бўлмаган экан-да!»

Қиз кўзларига қалқиб чиққан ёшларни яширмак тараддудида онасининг юклари устига энгашди. Оғиргина йўлхалтани кўлига олиб онасини ўз хонаси томон бошлади.

– Уч кундан бери ишга бормабсан? Бирор ёққа кетганмидинг, қизим?

Ҳорғин одамларга хос тарзда оёқларини бир-бир босиб келаётган онасининг саволини эшитган Шодия унга хаёлан жавоб қайтарди: «Ҳа, олисга, жуда олисга кетгандим, онажон...»

Айни дамда онаси билан ёнма-ён бораётган қиз ўзини жуда кучли сезар, энди ғийбатлардан баландроқ яшаши лозимлигини яхши биларди.

УНУТИЛГАН БАШОРАТ

Яратганнинг ўзигагина маълум бўлмиш сирлари унинг ҳикматлари қадар ҳисобсиздир. Алқисса, дунёлар яратувчиси баъзи ойларни баъзи ойлардан, баъзи вақтларни баъзи вақтлардан, баъзи одамларни баъзи одамлардан фазл жиҳатдан устун қилиб қўйди. Хусусан, ойлар ичида Рамазонни шариф, вақтлар ичида аср чоғи бошқа фурсатлардан устун кўрилади. Шунинг учун ҳам Аллоҳ Таоло улуғ сураларидан бирини «Аср вақтига қасам» деб бошлайди.

Хўш, Одам насли орасида бошқаларидан алоҳида ажралиб турадиганлар кимлар? Бу саволга жавоб асносида дафъатан тараддудланиб қоласан киши...

Негаки, одамзод яратилиши кезларидаёқ тенг кўрилган. Ва улуг Китобларнинг дарак беришича, қиёматда ҳам барча тенг бўлади. Бироқ Одам насллари орасида бир авлод борки, у Аллоҳнинг сўнгги пайгамбари – Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламга бориб туташгани учун алоҳида бир рутбага муносиб кўрилган. Улар саййидлардир.

Авом халқ орасида «саййид авлодидан бўлган йигитни «қора»га уйлантирса бўлади-ю, лекин саййидларга тааллуқли қизни «қора»га турмушга бериб бўлмайди» деган гап-сўзлар юради. Баъзида бу гап-сўзлар шунчаки ҳавойи насихатларга ўхшаб туюлади. Аслида эса...

Мен ҳам талабалик кезларимда қизиқ бир воқеага шохид бўлмагунча саййидлар борасидаги «ёзилмаган қоида»ни нимтабассум билан қабул қилиб юардим. Талабалик йилларида эса Сирожиддин исмли йигит билан ҳамхона бўлиб қолдим. Бу йигит ғоятда камсуқум, одобли эди. Биз, айти ўт-олов ёшдаги йигитларнинг қизлар ҳақидаги эхтиросли ва гоҳида биров ҳаёсиз гурунглариимиздан ўзини олиб қочар, эркак ва аёл ўртасидаги пинҳон муносабатлардан сўз очсак, лоладек қизариб кетарди. Гоҳда эса ҳаё тўла кўзларини биз, чапани курсдошларига тикиб, «бунақа мавзуларда очик гаплашиш мусулмончиликдан эмас», деб қўярди.

Одатий кунлариимиздан бири эди. Беш-олти талаба жўралар чўнтақлариимизни қоқиштириб, бир марта ош дамлагулик пул тўпладик. Қўшни хонада яшайдиган Ботир китоб ўқиётган Сирожиддинга юзланди:

– Бозорчамизни бир айланиб келсангиз-чи, Сирожиддин? Ҳамхонам осойишта нигоҳларини китобдан олиб, таклиф эгасига қаради:

– Жон деб бориб келардим, бозор-ўчарга йўғроқман-да...

Ботир Сирожиддинни мот қилмоқчи бўлди шекилли, менга кўз қисиб қўйиб, деди:

– Бозор-ўчарга йўқсиз, қизларга йўқсиз, қанақа йигитсиз ўзи? Агар билсангиз, сизга ўхшаганларни «қиздайгина йигит» деб таърифлашади.

Ҳамхонам қўлидаги китобни ёпиб қўйди-ю, шахт билан ўрнидан туриб кетди. Биз, қаҳ-қаҳ уришга шай турган йигитлар унинг вазоҳатини кўриб лаб-лунжимизни йиғиштиришга тушдик. Сирожиддин Ботирнинг қўлидаги пулни олди-ю, бизга бир оғиз сўз демай чиқиб кетди. Ўзимиз изза бўлиб қолавердик.

Ҳамхонам биздан яхшигина хафа бўлган чоғи, ошдан бирикки чўкилаган бўлди-ю, дарров қўлини тортди. Овқатланиб бўлганимиздан кейин, яна ўша чапани Ботир таклиф билдириб қолди:

– Эй, жўралар, одам тоза зерикиб кетди-ку! Келинлар, куч синашамиз.

Толибнинг жини қўзиди:

– Қандай қилиб куч синашамиз? – деди энсаси қотиб. – Шу тахта пол устида тапир-тупур қилиб кураш тушишимиз қолувди ўзи? Шовқин кўтарсак, ётоқхонадан ҳам ҳайдашади. Ҳақиқий ўйинни ўшанда кўрасан. Ботир билагонлик қилди:

– Куч синашиш деганда фақат кураш тушунилмайди, қишлоқи. Ҳеч кино кўрганмисан? Агар билсанг, куч синашиш деб манави стол устида қўл сиқишишга айтилади. Қайси томон рақибининг қўлини «йиқитса» – ўша ғолиб. Кейин стол устидаги ушоқларни териб олаётган Сирожиддинга тегажоғлик қилди:

– Сиз ҳам эркаклар сафига қўшилсангиз-чи, Сирожиддин. Кейин овозини баралла қўйиб:

– Жўралар, мен ўзимга рақиб қилиб Сирожиддинни танладим. Синаб кўрай-чи, уни неча секундда енгар эканман? – деди.

Шу аснода мен ҳамхонамнинг нигоҳлари билан тўқнашиб кетдим. Унинг кўзларида алланечук бир алам акс этарди. Ботирнинг кинояли сўзлари унинг ҳамиятига текканини тушундим. Тушундиму, курсдош жўраларимга қарши чиқиб, «Сирожиддинни тинч қўйинлар» деёлмадим. «Ўзим ҳам кулги бўламан» деб ўйладим.

Вақтини нимага сарфлашни билмаган олтовлон худди кинолардагидек куч синашишга тушдик. Мен Толибни енгдим. У стипендия қўлга теккан куни мени кабобга тўйдирадиган бўлди. Олтинсойлик Толмас бухоролик Шарифга ютқазиб қўйди. Ниҳоят Ботир билан Сирожиддиннинг навбати келди.

Ботир «мени кўриб қўйинглар» дегандек, олифталик билан шошилмасдан енг шимарди. Машҳур спортчиларга ўхшаб бақувват билакларини кўз-кўз қилди. Биз ҳам Ботирни қувватлай бошладик:

– Қани, Сирожиддин, келақолинг...

Мени ҳайрон қолдирган нарса Сирожиддиннинг хотир-жамлиги эди. Унинг истарали юзида осойишталик зуҳур этарди. У стол ёнига келиб, Ботирнинг рўпарасига ўтирди. Ҳамхонамнинг қиз болаларникидек оппоқ озгин билаги рақибининг қўли олдида жуда нимжон кўринарди. Хуллас, бир-бирига мос бўлмаган бу икки рақиб қўл сиқишди. Кутилмаганда Ботирнинг юзидаги масхараомуз табассум ғойиб бўлди. У ҳар қанча чиранмасин, Сирожиддиннинг нимжон билагини столга теккизолмаётган эди.

Орадан беш дақиқалар чамаси вақт ўтди. Ботирнинг кенг пешонасида тер томчилари пайдо бўлди. У беихтиёр тишларини ғижирлатар, рўпарасида хотиржам ўтирган рақибига еб қўйгудек тикиларди. Биз, томошаталаб жўралар стол атрофидаги рақибларни ҳайрат-ла кузатардик. Тўрт жуфт кўз бир-бирига унсиз савол бераётганди: «Наҳотки Сирожиддинга ғойибдан куч келаётган бўлса?»

Бир маҳал Ботир овозининг борича бақириб юборди, ҳайратимиз тутундек тарқалиб кетди.

Билагини рақибидан озод қилишга эришган Ботирнинг кўзлари олазарак, нуқул бармоқларига пуфларди:

– Қўлим куйиб кетяпти, жўралар, – деди у йиғлагудек бўлиб. – Менга бир бало бўлди.

Биз эътироз билдирдик:

– Қўйсангиз-чи, Ботир. Сирожиддинни енголмагач, бунақа йўлга ўтдингизми? Сизга ярашмас экан.

Иззатталаб курсдошимиз негадир киноямизга парво қилмади. У ўзи билан ўзи овора эди.

– Майли, мен енгилган бўлақолай, – дея жаҳл билан соғ қўлини силтади-ю, хонадан чиқиб кетди.

Таажжубланганча қолавердик...

Сирожиддин эса гўё ҳеч нарса бўлмагандек китоб ўқишга тутинди. Бошқалар бирин-кетин хонадан чиқиб кетишгач, ҳамхонамга эҳтиёт бўлибгина гап ташладим:

– Ботир шўрликка нима қилдингиз, Сирожиддин?

– Ҳеч нима.

– Унда нега у «қўлим куйиб кетяпти» деб бақирди. Мабо-
до экстрасенс эмасмисиз?

– У нима дегани?

– Ҳалиги... бармоқларингизда ток йўқми дейман-да...

Ҳамхонам жавоб ўрнига бармоқларини кўз олдига келти-
риб кулимсиради. Мен эса шу пайтда энди у билан бир хона-
да ухлашдан чўчиб турардим.

Шу кеча алламаҳалгача ухлолмай ётдим.

Ора-сира ёнимдаги каравотда ухлаб ётган Сирожиддин-
нинг қўлларига қўрқибгина қараб қўярдим. Ажабки, каравот-
дан пастга осилиб тушган қўллар оддий инсон қўллари эди...

Шифтга қараб, хаёл суриб ётувдим ошхонадан сувнинг
шилдираган овози эшитилди. Ётоқхонада мендан бошқа яна
қандай бедор борлигини билгим келиб қолди. Секингина
шиппагимни илиб, ошхонага чиқдим.

Не кўз билан кўрайки, уйқусизларнинг иккинчиси Ботир
эди. У бармоқларини муздай сувга тутиб ўтирарди.

– Сизга нима бўлди ўзи? – сўрадим унга яқинроқ бориб.

– Нима бўлганини ўзим ҳам билмайман, – деди у чуқур
хўрсиниб. – Билганим шуки, Сирожиддиннинг қўли худди
олов сингари бармоқларимни куйдирди. Шундан бери қўлим
қаттиқ ачишяпти. Фақат муздек сувга тутиб ўтирсам, енгил
тортяпман.

Ботирнинг сўзлари Сирожиддинга нисбатан ҳайратимни
янада кучайтирди.

Эрталаб қўлини оқ дока билан ўраб олган Ботир хонамиз-
га кириб келганида биз кийиниб, дарсга отланаётган эдик.
Сирожиддин собиқ рақибининг қўлига бир қур кўз ташла-
дию, индамасдан чиқиб кета бошлади. Чамаси, у Ботирдан
қаттиқ ранжиганди. Ботир соғ қўлини ҳамхонамнинг елкаси-
га қўйди:

– Оғайни, мени кечиринг. Кечирмагунингизча қўлим ту-
залмайди. Кўнглим сезиб турибди.

Унинг овозида шу қадар самимийлик уфуриб турар эди-
ки, беихтиёр кўзларимга ёш келди. Ҳамхонамга илинж би-

лан қарадим. Сирожиддин бир оғиз сўзсиз нигоҳларимдаги даъватни тушунди.

Хонага қайтиб кирдик. Сирожиддин Ботирни каравотига ўтирғизди. Унинг қўлидаги докани ечиб ташлади. Кейин эса пичирлаганича аллақандай дуоларни ўқий бошлади. Шу аснода ҳамхонам қалб кўзлари билан жуда кўп нарсани кўриб турганини ички бир сезги билан ҳис этдим. У талаффуз қилаётган сўзлар аллақандай ҳаётбахш кучга эга эди. Бир зум шуурим тиниқлашди. Ботир эса қўлидаги оғриқни ҳам унутиб, сеҳрланган бир қиёфада ўтирарди...

Мен ўшанда илк бор Қуръон оятларини тинглагандим. Начора? Ота-онам дала ташвишларию бола-чақа боқишдан ўзгасини билмайдиган оми одамлар эди.

Сирожиддин жим бўлиб қолди. Унинг кўзларида тоза бир нур порлаб турарди.

– Ҳўш, энди енгил тортдингизми?

Ботир жавоб ўрнида бармоқларини қимирлатиб, бошини силкиб қўйди. Кейин Сирожиддиндан ботинмайгина сўради:

– Мен сизда бунақа хусусият борлигини билмагандим.

Ҳамхонам бу мақтовга эътибор бермади:

– Менинг ҳеч қанақа сирли фазилатим йўқ. Бор гап шуки, мен саййидларданман. Авлодимизда жуда кўп авлиё одамлар ўтган. Саййидларнинг кўнглини оғритиб бўлмайди, деган гапни эшитган бўлсаларинг керак. Бирор одам бизни хафа қилса, у билан қандайдир нохушлик рўй беради. Лекин бу ҳамма вақт ҳам бизнинг истагимизга боғлиқ эмас. Мисол учун, мен сизнинг қўлингиз оғришини сира хоҳлаган эмасман.

– Унда нега бундай бўлди?

– Бу фақат Яратганга аён...

Ўша воқеадан сўнг ҳамхонамни янгидан кашф этгандек бўлдим. Озгиндан келган, қош-кўзлари қоп-қора бу йигит мени илк бор яшамоқнинг асл моҳияти не эканидан огоҳ қилди. Унинг ҳикояларини мароқ билан тинглардим, улар менга жуда сирли туюларди.

Сирожиддин эса ўз ҳикояларини оддий, ортиқча ҳаяжон ва хитобларсиз сўзлаб берарди. Унинг айтишича, катта бо-

боси жуда катта авлиё зот бўлган экан. Унинг нафаси жуда ўткир бўлиб, ҳатто, савдойиларни ҳам даволаган экан.

– Собиқ шўролар даврида кўпчилик зиёлилар қаторида катта бобомни ҳам қамаб қўйишган. Лекин кўп ўтмай озод қилиб юборишган. Негалигини айтайми?

– Нега?

– Улар ётган хона қулфи ўз-ўзидан шақирлаб очилиб кетаверар экан.

Сирожиддиннинг бу сўзларидан кейин аъзойи баданида чумоли ўрмалаган кишининг ҳолатига тушдим.

– Йўғ-е? – деярли шивирлаб сўрадим.

– Ҳа, шунақа бўлган. Қамоқхона бошлиғи авлиёнинг қарғишига қолмайин деб уларни ими-жимидида озод қилиб юборган экан.

Ҳамхонам мени ҳайрат уммонига ғарқ этганича, ҳаяжонли ҳикоясини давом эттирарди:

– Катта бобомга хос фазилатлар авлодимизнинг деярли барча вакилларига оз-оздан ўтган.

Сирожиддиннинг сўзлари мени бироз ваҳимага соларди – айна чоғда уни тингламай туrolмасдим ҳам. У ислом аҳкомларидан буткул хабарсиз оилада улғайган мендек ғофил банданинг кўзини очди. Каминани бутунлай ўзгача бир дунёга олиб кирди. Мен ҳамхонамдан жуда миннатдор эдим. Ўз навбатида у менинг маънавий йўлбошчимга, мен эса унинг қўриқчисига айлангандим.

Кунларнинг бирида Сирожиддиннинг поччаси оламдан ўтгани ҳақида хабар келиб қолди. Ҳамхонам таъзияга отланди. Шундай оғир дамларда уни ёлғиз ташлаб қўя олмасдим. Деканатдан бир ҳафтага рухсат сўрадим.

Икковлон сафархалтамини ҳозирлаб йўлга тушдик.

Йўл бўйи деярли сўзлашмадик. Автобуснинг ойна томонига ўтириб олган ҳамхонам йўл четидаги қатор дарахтлардан кўз узмай борарди.

Кеч куз бўлгани боис дарахтлар япроқларидан деярли айрилиб бўлган, фарзандлари ташлаб кетган она сингари афтодаҳол бир қиёфа касб этган эди. Аҳён-аҳёнда яланғоч шохларига илиниб қолган мезонлар кўзга ташланиб қоларди. Ташқаридаги манзара билан ёнимдаги ўриндиқда жим кетиб

бораётган ҳамхонамнинг ўртасида галати бир ўхшашлик борлигини сезиб турардим. Ниҳоят Сирожиддин менга сўз қотди:

– Инсон ҳаёти жумбоқнинг ўзи-я. Яшайверасан, тириклик, айниқса, тирикчилик учун ҳаракат киласан. Ҳеч қачон ўлмасам керак, деб ўйлайсан. Ҳолбуки, ҳаёт ва ўлим орасидаги масофа икки қош оралигичалик ҳам эмас.

«Намунча чолларга ўхшаб гапирмаса» деб ўйладим. Назаримда, ҳамхонамни менга номаълум бўлган аллақандай воқелиklar изтиробга солаётган эди. Сирожиддиннинг сўзларини эшитиб шубҳам ойдинлашди:

– Биласизми, поччамнинг тақдири ҳақида кўп йиллар муқаддам бир кампир галати бир башоратни айтган. Ишқилиб ўша башорат рост чиқмаган бўлсин...

Ҳамхонам чуқур хўрсинди-ю, яна сукутга кетди. Уни бу сукутдан қутқаришни истасам-да, нимадан гап очишни билмай доғда эдим. Ҳеч қандай йўл тополмагач, жим кетаверишни маъқул кўрдим.

Сирожиддин ажойиб тоғ қишлоқларидан бирида яшар экан. Бирининг томи яна бири учун супа вазифасини бажарадигандек остин-устун қурилган уйлар, тош деворларни томоша қилиб бордим. Бу жойларда ҳали ҳам аёлларнинг нотаниш эркаклардан яшириниш одати сақланиб қолган шекилли, рўпарамиздан чиқиб қолган қиз-жувонлар дарров рўмолларининг учи билан юзини беркитишга уринарди. Ниҳоят, тош ётқизилган кўча муъолишига етиб келдик. Ҳамхонам:

– Кўча адоғидаги уй – бизники, – деб қўйди.

Дарвозадан ичкарига кирдик. Ҳовлига кирибоқ уй эгаларининг тоза табиатли кишилар эканини ҳис қилдим. Топ-тоза қилиб супурилган ҳовлининг бир чеккасида мошгуруч соқолли бир чол таҳорат олаётган эди. Сирожиддин қўлидаги сафархалтани ерга ташлаб, чол томон югурди. «Ҳозир кучоқлашиб кўришиб қолишса керак», деб ўйлаб турардим. Йўқ. Ҳамхонам югуриб бориб чолнинг қўлидаги обдастани тутди – унинг таҳоратига сув қуйиб турди. Мошгуруч соқолли чол таҳоратни тугатиб, айвон устунидаги михга осиб қўйилган сочққа артинди. Кейин Сирожиддинни енгилгина кучоқлаб, елкасига қоқди:

– Баракалла, ўғлим. Насихатларимиз эсингиздан чиқмабди.

Кейин мени ёнига чақирди:

– Буёққа келинг-чи, болам.

Ийманибгина ёнига бориб салом бердим. Мошгуруч соқолли чол қироат қилганга ўхшаш овоз билан «яшанг» деб қўйди. Бу киши Сирожиддиннинг отаси эканини дарров фаҳмладим. Чол ҳамхонамга ўхшаш жиккаккина бўлса ҳам, гап-сўzlари алланечук салобатли эди. Менга, айниқса, унинг кўzlари манзур бўлди. Чолнинг кўzlари илк учрашув онларидаёқ кишига шундай ҳамдard нигоҳ билан боқардики, бундай кўzlарни унутиб юбориш мумкин эмас. Мезбон етагида меҳмонхона томон юрдик.

– Онангиз ҳам таъзияхонада эди, – отаси Сирожиддинга юзланди.

– Унда ҳозир ўша ёққа ўтамыз.

Биз сафархалталаримизни меҳмонхонанинг бир чеккасига қўйиб, кўчага чиқдик. Марҳумнинг ҳовлиси икки кўча нарида экан.

Ҳовлига киришимиз билан супа юзида куймаланиб юрган уч-тўрт хотин бизга талпинди. Кўм-кўк кийиниб олган аёл, чамаси, марҳумнинг хотини Сирожиддинни маҳкам кучоқлаб йиғлай бошлади. Йиғи аралаш айтган сўзларининг кўпига тушунмадим.

Эсимни таниганимдан бери биринчи марта таъзияга келишим эди. Бобом билан бувим ўлганларида жуда ёш эдим. Фақат уйимизда тумонат одам йиғилгани, дадам билан амакиларимнинг таёққа суяниб йиғлаганлари-ю, менга ҳам жажжигина тўн кийгизиб қўйишгани ёдимда... Шунинг учун ҳам бир чеккада довдираб турардим.

– Бардам бўлинг, амма. Бандалик экан...

Амма Сирожиддинни кучоғидан бўшатди-ю, менга қараб кела бошлади. Унинг йиғидан қизарган кўзларини яқингинадан кўрдим. Сўнгра аёл мени ҳам жуда яқин кишиси каби бағрига босди. Боя йиғи аралаш айтилган, менга мубҳам туюлган сўzlари энди яққол эшитилди:

– Суянчиғимдан айрилиб қолдим-ку, болам...

Ҳаммамиз чоғроққина меҳмонхонага кирдик.

Сирожиддин тиловат қила бошлади. Ҳали ҳам ҳиқиллаб йиғи-сиғи қилаётган хотинлар жимиб қолишди. Ҳамхонам тиловатни тугатиб дуога қўл очди:

– Омин. Поччамни Аллоҳ раҳматига олган бўлсин. Гуноҳларини кечирсин. Жойлари жаннатдан бўлсин.

Кейин аммасига юзланди:

– Яхши ўтирибсизми, амма?

Марҳумнинг хотини йиғлайверганидан овози бўғилиб қолган чоғи, хириллаган овозда зўрға жавоб қайтарди:

– Амманг айлансин, жигарим. Шундоқ кунларга қоламан деб ўйламагандим. Бандаси тақдирига ёзилган нарсадан қочиб қутила олмас экан.

– Нималар деяпсиз, амма?

– Эшмурод поччанг куйиб ўлди, Сирожиддин. Мен бандайи ғофил Мастурадан хабар олгани кетувдим. Боласи касал эди. У ҳам «боланинг иситмаси тушсин, кейин кетасиз» деб ҳадеганда жавоб бера қолмади. Тонгга яқин келсам, бу аҳвол. Поччанг кўрпасининг бир учини сандалга тиқиб ётарди. Сандалдан ўт чиқибди. Охирги пайтларда эси ҳам кирди-чиқди бўлиб қолганди шўрликнинг. Икки оёғи тиззагача куйиб кетсаям сезмабди.

Амманинг сўзларини эшитиб баданим жимирлаб кетди. Сирожиддин чуқур хўрсинди: «Наҳотки ўша фолчи хотиннинг сўзлари рост чиққан бўлса?»

– Олдин ҳам бир-икки марта куйиб қолганди. Бир марта свет йўғида фонус билан ҳожатхонага чиқиб тўнига ўт туташтириб қўйганди. Вақтида хабар топиб оловни ўчириб олувдим. Кейин пиёлада турган шамни ағдариб юбориб, кўрпага ўт кетганди. Эсингдами, қўллари қалтирайдиган бўлиб қолганди бояқишнинг...

Мен амма-жияннинг сўзларини жимгина эшитиб ўтирдим. Табиийки, кўп нарсага тушунмаётган эдим.

Ниҳоят амма ҳасрат дафтарини ёпиб қўйдию, чой буюриш учун ташқарига чиқиб кетди. Пайтдан фойдаланиб, ўрнимдан турдим. Токчаларга териб қўйилган идиш-товоқлар орқасидаги суратларни томоша қила бошладим. Суратларнинг бирида ёши саксонларга бориб қолган чол кулимсираб турарди. Уни қўлимга олиб ҳамхонамга кўрсатдим:

– Бу киши марҳумнинг отасими?

Сирожиддин бош чайқади:

– Йўқ. Суратдаги одам – поччамнинг ўзи.

Таажжубда қолдим. Негаки марҳумнинг хотини нари борса қирқ бешларга борган эди. Ҳайратимни яширолмай сўрадим:

– Қанақасига? Ахир аммангиз бу одамдан анча ёш-ку!

– Эй, бу ҳаётда нималар бўлмайди, дейсиз. Аммам марҳум поччамнинг иккинчи хотини бўлади.

– Биринчиси қаерда?

– Биринчиси ўлган. Бунга кўп вақт бўлди. Поччамнинг биринчи хотини ҳам отамнинг опаси эди. Тўрт болани катта қилгану роҳатини кўролмай кетган бечора. Ҳозирги аммам эса амакимнинг қизи бўлади. Жиянлари етим қолгач, уларни ўғай она қўлида қолдиришни истамай, поччасига турмушга чиққан. Аммамнинг ўрнига тушганлари учун уларни «амма» деб ўрганиб қолганман.

Шу пайт уй бекаси кириб келди-ю, суҳбатимиз бўлинди. У куймаланиб дастурхон солди. Патнисда майда-чуйда келтирди. Бу куюнчак аёл бизга чой қуйиб узатар, дастурхонга манзират қилар экан, мен унинг жасоратига қойил бўлиб ўтирардим. Бир-икки пиёла чой ичиб, ўрнимиздан кўзгалдик. Эшикдан чиқаётиб беихтиёр меҳмонхона рўпарасидаги уй деразасига кўзим тушиб қолди. Дераза ромлари қорайиб кетганди. Ҳамхонам иккаламиз беихтиёр ўша томонга юрдик. Эшикдан киришим билан димоғимга куйик ҳиди урилди. Деворларнинг тутундан қорайиб кетгани, фақат биттагина оёғи омон қолган сандал, бир чеккага тахлаб қўйилган ярим-ёрти кўрпа-тўшаклар бу хонада рўй берган воқеа тафсилотларидан унсиз ҳикоя қилиб турар эди.

Биз ҳамхонамнинг онаси билан Сирожиддинларнинг уйига қайтдик. Таъзияхонадаги кайфият бизга қаттиқ таъсир қилганди – йўл бўйи деярли сўзлашмадик.

Мен тоғ қишлоғининг сокин ва аллақандай салобат касб этиб турган оқшом манзараларини секин кузатиб борардим. Ана, шом қоронғусида улкан баҳодирлар каби савлат тўкиб турган тоғлар ортида уфқ қизариб турибди. Демак, эртага кун илиқ бўлади. Узоқ-яқиндан хўрозларнинг қичқиргани, қўй-қўзилар овози эшитилади.

Ҳамхонамнинг онаси, «овора бўлманг» деб ялинганимизга қарамай, камина учун ош пиширди. Қорачадан келган, кулча юзли, эллик беш ёшлардаги истараси иссиқ бу аёлга қараб онамни қаттиқ соғинганимни сездим.

Кечки овқатдан кейин Сирожиддин отасига савол назари билан қаради:

– Нимани сўрамоқчилигингизни тушуниб турибман, ўғлим! Лекин бандайи ожизлар эртага нима бўлишимизни билмаймиз. Агар мазкур ҳодиса содир бўлишини олдиндан билганимизда, балки аммангни Эшмуродга узатмаган бўлардик... Эшмурод поччанг ота-онадан сағир қолган эди. Ҳамқишлоқлар етти-саккиз яшар бола бировларнинг оғил-томларида ётиб юганини хабар қилиб қолишди. Раҳматли бобонг буни эшитиб болани қарамоғига олди. У бизникида яшай бошлади. Бобонг унга хат-савод ўргатди. Қисқаси, боқиб одам қилди. Вояга етганида уй солдириб берди. Биз Эшмуродни оила аъзоларимиздан бири каби кўрар эдик. Аслида ҳам шундай эди. Аммо унинг марҳум амманг, Маҳфуза билан аҳду паймон қилиши етти ухлаб тушимизга ҳам кирмаган. Хуллас, бир куни Эшмурод оқсоқоллардан бирини совчиликка жўнатдию, баримиз хангу манг бўлиб қолдик. Мен «отам совчини қувиб солади-ёв» деган ўйда эдим. Йўқ, гўри нурга тўлгур бобонг индамади. Фақат совчига қараб деди:

– Биласиз, кайвони, Эшмуродни болаларим қатори кўраман. Ўзи ўртамызга тушиб юришингизга ҳам ҳожат йўқ. Лекин унга кизимни беролмайман. У «қора»лардан, ўзингиз биласиз. Отам раҳматли ҳам, «авом»дан келин қилсанг қилгин, лекин қиз узатма, дегувчи эди. Мени маъзур тутасизлар...

Ўша куни кечқурун ҳовлидаги лойсупада хаёл суриб ётиб, отам билан онамнинг суҳбатини эшитиб қолдим. Кечагидай ёдимда: ёзнинг ёқимли кечаси эди. Тоғ томондан ҳузурбахш шабада эсиб турар, мен осмондаги сон-саноксиз юлдузларга термилиб ётардим. Меҳмонхонадан идиш-товокларнинг шиқирлаган овози эшитилар, чамаси, онам дастурхонни саранжомлаш билан овора эди. Бир маҳал онам йиғламсираган қуйи баланд овозда гапириб қолди:

– Совчини қайтардингиз-у, Маҳфузангиз «тегсам Эшмуродга тегаман» деяпти.

– Йўғ-э?

– Ҳа, отанг ўлсаям рози бўлмайди, бу йўлдан қайт деб шунча ялиндим – кўндиролмадим. Ўлгудай қайсарлигини биласиз-ку! Иккови аҳду паймон қилишган экан.

Отамнинг овози ғазабнок эди:

– Ўз уйингда қизинг биров билан яхши кўришиб юрсаю, она бўла туриб сезмасанг?!

Онам йиғи аралаш сўзларди:

– Ахир мен қаёқдан билай? Ака-сингилдай бўлиб қолганди-да... Бунақа бўлиши етти ухлаб тушимга кирибдими?

Бир пайт онамнинг уввос солиб йиғлагани, отамнинг жаҳл билан «Бўлди-ей» деган овози эшитилди.

– Гап тамом, – деди отам чуқур хўрсиниб, – қизингиз Эшмуродга кўнгил қўйган экан, розилик бермай иложимиз йўқ. Қолганига Худо пошшо...

Кўп ўтмай уларнинг тўйи бўлди. Отам билан онам аввалига тўйга қаршилиқ қилган бўлишса ҳам, кейинчалик уларнинг аҳил турмушини кўриб кўнгиллари юмшади. Эшмурод почча соддадил, кўнгли юмшоқ одам эди. Чоғроққина ҳовлисини ҳам мевазор бокқа айлантириб юборган эди. Унинг қўли теккан дарахт яшнаб кетарди. «Дарахтларнинг тилини билади Эшмурод» дейишарди унга ҳавас қилган одамлар.

Шу тарзда орадан олти-етти йил ўтиб кетди. Эшмурод почча билан Маҳфуза опам тўрт фарзандли бўлишди. Отам билан онам эса анча кексайиб қолишди. Аммо кутилмаганда бошимизга мусибат тушди. Маҳфуза опам жигар саратонига чалиниб қолди.

Ҳаммамиз каловланиб қолдик. Олиб бормаган дўхтиру табиб қолмади. Лекин бу дардни тузатиш чораси йўқ экан. Орадан етти-саккиз ой ўтиб Маҳфуза опам оламдан ўтди. Отам билан онам адоий тамом бўлишди...

Лекин назаримда ҳаммадан кўра Эшмурод поччамга қийин бўлган эди. Ахир, энг кенжа боласи энди бир ёшга тўлган эди-да. Тўрт нафар жужуқнинг «онам қани?» деб баравар чирқиллашига чидаб бўладими?!

Ҳамхонамнинг отаси ҳикоясининг шу нуқтасида чуқур тин олди.

– Эй болаларим, – деди хўрсиниб. – Дунёнинг ишлари ғалати экан. Баъзида шунақанги воқеалар рўй берарканки, чархи фалак тескари айланыптимиз, деб ўйланиб қоларкансан...

«Ўша кезларда акамнинг вояга етиб қолган кизи Шарифа Эшмурод поччамнинг ҳовлисига тез-тез бориб турарди. Уларнинг ош-овқатларига қарашиб, кир-чирларини ювиб келарди. Бир куни дарвозадан йиғлаб кириб келди:

– Болаларининг оҳи-зорига чидаб бўлмайди, амаки, – деди айвондаги кўрпачага ҳорғин чўккалаб. – Айникса, кенжаси онасини излаб йиғлагани-йиғлаган.

Хуллас, отам билан онам опамнинг азасини ҳам бироз унутиб, норасида гўдақлар ҳақида ўйлаб қолишди. Нима қилиб бўлса ҳам уларга оналик қиладиган бир аёл топиш зарур эди. Отам Эшмурод поччам билан гаплашиб, уни яна уйланишга кўндирдилар. Онам эса келин излай бошлади. Фақат бир савол ҳаммани қийнаётган эди: ўгай она норасидаларга қандай муносабатда бўларкан? Бир куни Шарифа одатича, марҳум аммамнинг уйидан қайтиб бизникига кирди. Онам билан анча вақт шивирлашиб қолишди. Ниҳоят онамнинг «яхшилаб ўйлаб кўрдингми?» деган овози қулоғимга чалинди.

– Ўйладим, кўп ўйладим. Аммамнинг етимларини бегона бир қўлга топширгим келмаяпти. Биламан, ота-онам қаршилик қилишади. Лекин уларни ўзингиз кўндирасиз.

Эшмурод поччам Шарифадан анча ёш катта, бунинг устига тўрт болали эди, акам билан янгам анча қаршилик қилишди. Лекин кизнинг ўзи рози бўлиб тургач, нияям қилишарди.

Кўп ўтмай совуққина тўй бўлиб ўтди. Шарифа аммасининг болаларига ўз оналаридек меҳрибон эди. Эшмурод поччам билан болаларининг ҳаёти анча изга тушиб қолди. Жигар жигарлигини қилади-да, ахир... Аммо бир воқеа рўй берди-ю, анчагача ҳаммамизни ўйлантириб қўйди.

Ўша куни Маҳфуза опамнинг йилини берган эдик. Келган-кетганларни кузатиб, ошхонаю товонхонани йиғиштириб турган пайтимиз дарвоза очилиб, кекса лўли аёл кириб келди.

Эшмурод поччам лўлиларни хушламасди, лекин «эшик-дан келганни ит қувмас» дедими, ҳар қалай индамади. Лўли кампир айвондаги кўрпачага илтифотсизгина чўккалаб, ўзига келтирилган ярим коса шўрвани ичди. Кейин марҳуманинг ҳаққиға дуо қилди. Бир маҳал айвон эшиги олдида хаёлчан туриб қолган поччамни ёнига чақирди:

– Буёққа кел-чи, бачам.

Эшмурод поччам у ёқ-бу ёғига аланглади, кейин:

– Мени чақиряпсизми? – деб сўради.

– Ҳа, сани чақиряпман.

Поччам истар-истамас кампир ёнига келди. Садақа сўрамоқчи деб ўйлади чоғи, чўнтагини кавлаштира бошлади. Чакка сочлари оқарган, кўзларида қандайдир ёввойи ўт порлаб турган кампир бош чайқаб «керакмас» ишорасини қилди.

– Унда нега чақирдингиз?

– Ман фақат ўзимга аён бўлган нарсани айтиб қўймоқчиман, бачам, – деди кампир.

– Сан қоралардан экансан. Лекин икки марта уйланибсан-у, икки марта ҳам оқсуяклар авлодидан қиз олибсан. Тенг тенги билан деган гапни эшитганмисан? Агар иссиғинг борида ҳозирги хотинингнинг талоғини бермасанг, бир кунмас бир кун куйиб ўласан.

Кампирнинг гапларини нимадир юмуш билан уйдан чиқиб қолган Шарифа ҳам эшитди. Умид билан эрига қаради. Эшмурод поччам лўлининг сўзларига аҳамият бермади:

– Мен фолга ишонмайман. Фолбинларга ҳам. Тақдиримда куйиб ўлиш бўлса – куйиб ўламан.

Кампир ўткир нигоҳларини унга қадади:

– Сан мани Худога ишонмайди, деб ўйлайсанми? Санга айтганларим фол эмас, манинг кўнглим сезаётган нарсалар...

Кейин ўрнидан кўзгалди. Халтасини елкасига ташлар экан, яна поччамга қаради:

– Ман сани огоҳлантирдим, бачам. Айтгичимни айтдим. Қолгани ўзингга ҳавола.

Кўп ўтмай лўли кампирнинг гаплари эсимиздан ҳам чиқиб кетди. Аммо Шарифанинг айтишича, у тез-тез поччамнинг тушига кирар экан. Бечора қариб, хаёли жойида бўлмай қолди. Икки марта ёниб кетишига оз қолди. Аммо пешонасига барибир шу қисмат битилган экан-да... »

Мезбон чуқур уф тортди. Кейин ақлли ва айни пайтда меҳрга тўлиқ нигоҳини бизга тикди:

– Яратганнинг сирлари кўп. Ҳалигача ақлим етмайди. Ўша, поччамнинг қандай ўлим топиши ҳақида олдиндан хабар берган лўли кампир ким эди ўзи? У ростдан ҳам инсонмиди? Нега унинг сўзларига эътибор бермадик? Лекин энди пушаймондан фойда йўқ...

Ўша кеча алламаҳалгача Сирожиддин билан тоғ қишлоғининг сокин кўчаларида кезиб юрдик. Иккимиз ҳам марҳум ҳақида сўз очишга ботинмай турардик. Фақат ҳамхонам:

– Биз томонларда шунақа ғалати воқеалар ҳам бўлиб туради, – деб қўйди.

* * *

Эртаси куни пойтахтга қайтдик. Талабаликнинг серғалва кунлари тез орада қайғуларимизни унуттириб юборди. Тоғ қишлоғида эшитганларим – кишини ҳайратга ва андак ваҳимага солгувчи воқеаларни худди тушда кўргандек бўлиб қолдим.

ИЛОН ИШҚИ

Будданинг ҳузурига бир телба келиб:

– Мўъжиза кўрсатганингиздан кейингина сизга ишонишим мумкин, – деди.

Будда ғамгин жилмайди-да, унга гаройиб мўъжиза кўрсатди. Талаба ўзини тўтолмай ҳайкириб юборди:

– О, Будда! Энди мен сенинг раҳнамолигингда илм олишга розиман.

Бироқ Будда унга эшикни кўрсатиб, деди:

– Энди менга сенинг керагинг йўқ!

БУДДА ШАКЪЯ МУНИ

Саёҳат қилишни ёқтираман. Чунки саёҳат чоғида ёлғиз қолишга имкон бор. Ёлғизлик эса кишига кўп нарсаларни ўргатади. Билмадим, менга шундай туюлади. Ростдан ҳам

ёлғиз қолган пайтларим мазза қиламан. Ҳикмат аҳли ҳам бе-
корга «ўзинг билан ўзинг қолишни ўрган», деб панд этмай-
дилар.

Одамлар бор, бир оромижон суҳбатдош ахтариб юра-
дилар. Топиб олгач, соатлаб валақлашиб ўтиради. Бу эса
вақтни беҳуда ўлдиришдир. Муборак манбаларда айтилиши-
ча, охиратда инсон тўрт нарсадан сўралмагунича бир қадам
ҳам олдинга силжий олмас экан. Бу саволлардан биринчи-
си – умрини нима билан ўтказгани, иккинчиси – ёшлик дав-
рида нима билан машғул бўлгани, учинчиси – мол-дунёни
қай йўсинда топгани ва нималарга сарфлагани, тўртинчи-
си – ўрганган илмига қандай амал қилгани ҳақидадир.

Хуллас, табиатан одамовиман. Лекин бу галги хизмат са-
фарим бироз бошқачароқ кечди.

Ўша куни энди уйга кетай деб турсам, телефон жиринг-
лаб қолди.

– Алло, ўртоқ Йўлдошев, хонамга кириңг!

Юрагим ниманидир сезгандай бўлди. Чунки Бош
муҳарриримизнинг одати шундай: бирор жиддийроқ
топшириқ чиқса «ўртоқ Йўлдошев»га айланиб қоламиз.
Бошқа пайтларда эса Ақромжонмиз. Лекин нима десалар
ҳам «катта»нинг одамгарчилигига гап йўқ. Одамни тушу-
нади. Энг асосийси, чўнтагингизда пулингиз бор-йўқлигини
бир қарашда билади. Тунов куни қизиқ бўлди: тушликка
чиқолмай деразадан термилиб ўтирсам, хонага Жўраев ки-
риб келди.

– Ҳа, Ақромжон, ижод қияптиларми дейман?

– Бир нарса ёзмоқчи эдим, нимадан бошлашни билмайроқ
турибман, – дедим сир бой бермай.

– Ёзишни нимадан бошлаш кераклигини айтайми? – деди
Жўраев кулиб.

– Айтинг?

– Тушликдан!

Иккаламиз ҳам кулиб юбордик.

Ана шунақа, бизнинг бошлиқ ходимларининг кўзига
қараб кўнглидагини ўқийдиганлар хилидан. Лекин нега энди
бугун кеч бўлганда «ўртоқ Йўлдошев» бўлиб қолдик экан.
Ҳозир биламиз.

– Ўртоқ Йўлдошев, Вахшиворга бориб келишингиз керак, – деди Жўраев хонасига киришим билан. – Султон Сафаров номидаги хўжалик ҳақида эшитганмисиз?

– Эшитганман, – дедим жиддий оҳангда. Ичимда эса хурсандлигимдан ёрилай-ёрилай деб турардим. Чунки Бош муҳаррир тилга олаётган хўжалик Вахшиворнинг тоғли ҳудудида жойлашган бўлиб, анча вақтдан бери шу томонларга боришни орзу қилиб юардим.

Вахшивор тоғларининг икки хил жозибаси бор: аввало, бу тоғлар бағрида улуғ валий Сўфи Оллоёр раҳматуллоҳи алайҳнинг хоки барқарор бўлган. Қолаверса, Вахшивор тоғлари билан боғлиқ бир қанча ривоятлар борки, уларни эшитган ҳар қандай кишида ана шу муаззам тоғларни бир кўриш орзуси уйғонади.

Хуллас, Бош муҳаррирнинг ўша кунги топшириғига биноан Вахшивордаги Султон Сафаров номли хўжаликнинг бу йилги пахта етиштириш борасидаги ютуқларини қоғозга туширишим керак эди. Сезиб турганингиздек, бу топшириққа жон-жон деб рози бўлдим.

* * *

... Кетаяпман. Йўлнинг ҳар икки томонига қатор қилиб тут дарахти экиб ташланган. Пахтаси териб олинган далаларда эса ҳамон иш қизғин. Одамлар энди қиш тараддудида. Хотин-халаж, бола-чақа – ҳамма бараварига ғўзапоя тўплашга киришган. Чунки ҳадемай бу ерлар яна шудгор қилиниб келгуси йил ташвиши бошланади. Демак, шудгорлаш бошлангунича улгуриш керак.

Кенг дала узра чумолидай сочилиб кетган одамлар ҳақида ўйлайман. Ўзбекнинг деҳқонига дам олиш мавсуми йўқ. Кечагина бу далаларда пахта териляётган эди. Бугун ғўзапоя йиғилмоқда. Эрта-индин ер яна шудгорланиб, жўяклар тортилади. Сўнгра чигит қадаш, қатқалоқдан асраш, ягана қилиш, бегона ўтлардан тозалаш, ҳашаротларга қарши кураш, хуллас, тиним йўқ.

Автобус ойнасидан бу серташвиш ҳаёт манзарасини кузатиб борарканман, беихтиёр раҳматли Акмал ака ёдимга

тушади. Кўримсизгина лойсупада узун ёстикни кучоқлаб ўтирган Ойхон момо кўз олдимга келади. Бу нохуш хотирани эслаш қанчалик оғир бўлмасин, ундан қочиб қутулолмайман.

Дунёнинг кўп билгичларидан бири айтган экан, агар инсонда ўзининг хотирасини ўчириб ташлаш имкони бўлганида эди, у ҳаётидаги яхши кунларининг қадрига етолмасди. Рост гап. Инсон ўз хотираларини таҳрир қилолмайди. Агар шундай имкон бўлганида айти пайтда кўз олдимдан ўтаётган ўша машъум воқеани бутунлай ўчириб ташлардим.

* * *

Ўшанда ҳам айти куз эди. Қишлоқ одамлари учун бу мавсум жуда серташвиш келди. Мол-ҳол учун қишки ем-хашак, ўчоқ-тандирга ўтин ғамлаш, бир томонда қорин ғами... Хуллас, бош қашлашга вақт йўқ.

Биз, акам иккаламиз ҳам мактабдан келдик дегунча далага йўл оламиз. Чунки ўтган қишда ўтин етмасдан жуда қийналиб қолдик. Онамнинг айтишича, келгуси қиш жуда қаттиқ бўлармиш.

– Мезонни қара, қишнинг қаттиқ келишидан дарак берапти, – дейди онам.

– Мезонга нима қипти?

– Мезон қалин бўлса, қиш қаттиқ келади. Бу йилги мезоннинг ўртаси йўғон, демак, қишнинг ўртаси қисади.

– Она, мезон қаердан пайдо бўлади? – қизиқиб сўрайман.

– Оллонинг иши болам, Оллонинг иши, – дейди онам.

Ака-ука йўл-йўлакай тепамизда учиб юрган оппоқ мезонларга тикилиб қараймиз. Онам айтганидек «Оллонинг иши» бизга қишнинг қаттиқ келишидан хабар бераётгандек туюлади. Лекин биз бу йил қишдан қўрқмаймиз. Чунки ака-ука анча-мунча ғўзапоя ғарамлаб қўйдик.

– Адҳам!

Ака-ука «ялт» этиб овоз чиққан тарафга қарадик. Қаршимизда Акмал ака кулиб турарди.

Акмал ака қўшнимиз. Жамоа хўжалигининг тракторини ҳайдайди. Трактор ҳайдайверганидан қўллари ҳам темир-га ўхшаб кетган. Ёнига яқинлашсанг керосин ҳиди келади.

Ёши ўтгиздан ошиб қолган бўлса ҳам ҳали уйланмаган. Ёлғиз онаси билан туради. Ойхон момо эса бу гап уқмас боланинг дастидан Худонинг берган куни онамга кўз ёши қилиб ўтиради.

– Етимнинг шўри курсин, етимнинг кўрган куни курсин, келин, – деб дийдиё қилади Ойхон момо. – Отаси бўлмаганига яраша ёнида эш бўладиган бирорта жигари бўлса-чи! Отаси ўлганида эндигина уч ёшга тўлган эди. Шундан бери шугинанинг оғзига қарайман. Емай-едирдим, ичмай-ичирдим. Энди нима эмиш, уйланмасмиш. Саодатсиз ҳаётнинг қизиқчилиги йўқ эмиш. Саодатни отаси бермаган бўлса мен нима қилай? Бу қизгина ўлгур, отасининг феълини билар экан, нега бу бола бечорага қош-кўзини сузади, а, келин? Шу эскиларнинг билгани-билган экан. Ота-она нима деса, шу бўларди. Энди...

– Ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Қўша-қўша неваралар кўрасиз, – дейди онам Ойхон момони юпатиб.

– Айтганингиз келсин келин, айтганингиз келсин! Қани энди шугинанинг боласига ҳам алла айти-иб ўтирсам.

Акмал ака биз билан қўл бериб кўришар экан, нимадан-дир хурсандлигидан кўзлари ёниб турарди.

– Қалайсилар? Э, қойилман! Далада ғўзапоя қолмади-я икковингнинг дастингдан. Менга қара, Адҳам, уйингга борганингдан кейин манови пояларингни эшагингдан туширгинда, фирр этиб бизникига чиққин. Момонгга айт, бугун Акмал акам уйга келолмас экан, далада иши кўпайиб қолибди, де. Тушундингми? Айтасанми?

– Айтаман, – деди акам.

– Сен-чи, миттича, – деди Акмал ака менга юзланиб, – ҳадеб оғир ишларни қилаверма, бўйинг ўсмай қолади. Холмат паканага ўхшаб қоласан. Тушундингми?

Биз Акмал акани айни лаҳзаларда охирги марта кўриб турганимизни ҳали билмасдик. Ўша куни уйига бормаган Акмал ака, эртасига, индинига ҳам бормади. Унинг дабдурустдан йўқолиб қолганидан хавотирланган Ойхон момо энди жамоа хўжалигининг идорасига бормоқчи бўлиб турганида ранги-рўйи гезарганича раиснинг ўзи келиб қолди.

– Момо яхшимисиз? Бу... Акмал қани? Одам дегани ҳам шу пайтда уйда ётадимиз? Бунинг устига тракторни орайўлда қолдириб келган. Ана энди тракторнинг аккумулятори йўқ! Кимдир ўғирлаб кетибди!

Ойхон момо астагина деворга суяниб ўтириб қолди. Онам югуриб бориб момонинг елкасидан тутди.

– Ўзингизни қўлга олинг, момо. Ҳозир укангизни чақирамиз, далага бориб топиб келади, – онам менга ўгирилиб, – югур, отангни чақириб кел, – деди.

– Тушунмадим, нима гап ўзи? – деди раис ҳангу манг бўлиб.

Хуллас, Акмал акани икки кун излашди. Учинчи куни кенг дала бўйлаб оқиб ўтадиган каналдан унинг жасадини топиб чиқдилар. Ўша кунни сира унутолмайман. Шўрлик Ойхон момо ақлдан озганга ўхшаб қолди. У нуқул жанозага келганлардан ўглини суриштирар, топиб бермасанг момонг бўлмайман, деб бўзларди.

– Райимқул, сен ҳам Акмалимни кўрмадингми? Акмал-жонимни кўрмадингми?

Ойхон момонинг фарёди тошларни эритди. Лекин энди фойдаси йўқ эди. Одамлар ҳам бу мудҳиш фожиа қаршисида қарахт бўлиб қолишганди. Бу иш қандай содир бўлди? Акмал ўз жонига қасд қилиши мумкинми? Нима учун? Кимдир уни Саодатга етишолмагани учун ўзини ўзи каналга ташлаган деса, бошқа биров фалокатда кимнингдир қўли бор, деб гумон қиларди. Нима бўлганда ҳам биров у деди, биров бу деди, ўртада бир муштипар она ёлғиз боласидан ажраб бўзлаб қолди.

Орадан бир ойча вақт ўтди. Бир куни кечқурун отам онамга нималарнидир шивирлабгина айтаётганини эшитиб қолдим.

– Ойниса, шубҳаларим тўғри чиқди, – деди отам оғир тин олиб.

– Нима бўлди?

– Саодат эридан ажрашиб келибди.

– Йўғ-е!

– Бугун Қосим калдан анигини эшитдим. Қосимнинг ай-тишича, Саодат ўтган куни кечаси уйдагилари билан қаттиқ

жанжаллашибди. Гап орасида «ҳамманг қотилсан» деб бақирибди.

– Отаси, ҳеч кимга билдирмай Саодат билан гаплашиш керак, – деди онам ховлиқиб. – У жуда ақлли келин, бирор гапни билса тўғриси айтиди.

– Билмадим. Агар шубҳаларимиз рост бўлса, Саодат ота уйида узоқ ўтиролмайди, – деди отам.

Отамнинг гаплари бу сафар ҳам тўғри чиқди. Саодат опа эридан ажрашганидан кейин кўп ўтмай қўшни туманда яшовчи қариндошларидан бирининг ўғлига турмушга чиқиб кетди.

Мен ҳамон Акмал аканинг фожиаси ҳақида кўп ўйлайман. Ўйлаганим сари унинг ўшанда хурсандчиликдан чақнаб турган кўзлари намоён бўлади. Ким билсин, ўшанда бу чақноқ кўзларни охириги марта кўриб турганимни...

* * *

Хаёл билан туман марказига етиб келганимизни ҳам сезмай қолибман. Энди бу ёғига йўловчи машинага ўтириш керак эди.

Ўша куни кечгача бир амаллаб Султон Сафаров хўжалигига етиб олдим. Табиийки, хўжалик идорасида қоровулдан бошқа ҳеч ким йўқ эди. Кийинишидан унча қоровулга ҳам ўхшамайдиган бир киши саломлашгач, истамайгина «келинг», деб қўйди.

– Раис керак эди, – дедим.

– Раис йўқ, энди эртага бўлади, – деди қоровул узун ҳомуза тортиб.

Қоровулнинг бу муомаласидан бироз жаҳлим чиқди. Тавба, ҳамиша шундай: бирор раҳбар билан гаплашишдан кўра, унинг югурдаклари билан тил топишиш кийин бўлади.

– Менга раисни ҳозир топасан, – дедим овозимни бироз кўтариб. – Мухбирман, шикоят билан келдим.

Қоровулнинг чехраси ёришгандай бўлди. Худди ҳозиргина уйқудан уйғонгандек кўзларини катта-катта очиб яқинлашиб келди.

— Ака, узр! «Танимасни сийламас» дейдилар-ку. Мен сизни танимабман, — деди у табассум қилиб. — Ҳозир раисга қўнғироқ қиламан.

Қоровул югуриб идорага кириб кетди. Бироздан сўнг деразадан бошини чиқариб:

— Ака, қаердан келди дейин, — деб сўради.

— Газетадан.

Дарҳақиқат, орадан бирон соат ўтар-ўтмас оппоқ «Волга» машинаси келиб тўхтади. Машинадан ёши қирқлардан ўтиб қолган, буғдойранг, баланд бўйли киши тушиб келди.

— Газетадан сиз келдингизми?

— Ҳа, — дедим.

— Хуш келибсиз, қани, марҳамат!

Биргалашиб раиснинг хонасига кирдик. Бурчакда турган чарм креслога бориб ўтирар эканман, хонанинг дид билан безатилгани диққатимни тортди. Одатда, жамоа хўжалиги идоралари андак камтарона бўларди.

— Носир Аҳмедовман, шу хўжаликда ўн йилдан бери раисман, — раис бува расмий оҳангда гап бошлади. — Ўн йилдан бери ҳар йили давлат планини тўла-тўкис бажариб келаяпмиз. Мана, бу йил ҳам пахта планини туманда энг биринчи бўлиб уддаладик.

— Раис бува, биз ҳам ана шу муваффақиятларингизнинг сирини билгани келдик-да, — дедим кулиб.

— Раҳмат! Лекин... кимдир... шикоят қаердан?

— Қанақа шикоят?

— Қоровулга шикоят бор, дебсиз-ку!

— Ҳа, дарвоқе, шикоят сизнинг устингиздан эмас, қоровулнинг устидан, — дедим.

Раис бува гап нимадалигини билгач, бироз ўзига келди. Хонанинг бурчагида турган музлатгичдан минерал сув олди-да, иккита стаканга қуйди. Биз бироз гаплашиб ўтирдик. Бу орада яхшигина танишиб ҳам олдик. Сўнгра хўжаликнинг икки йиллик ҳисоботини олдимга ташлади. Тўғриси айтсам, мен бу қоғозларнинг қайси бири муҳимлигини билмасдим. Шунинг учун раис бувага ҳисоботларнинг ҳар биридан биттадан нусха беришни илтимос қилдим. Раис бажонидил рози бўлди.

– Акромжон, бугун кеч бўлди, – деди у. – Эртага ҳаммасига улгурамыз.

Биз идорадан чиққанимизда, қуёш аллақачон ботган, атрофни тун зулмати қоплаган эди. Тоғнинг оқшомлари ҳам файзли бўлади. Самодаги саноқсиз юлдузлар бошингизга тўкилаётгандек туюлади. Чигирткаларнинг чириллаши, бойқушнинг ҳувв-ҳувви, онда-сонда ҳураётган итларнинг овози... буларнинг бари уйғунлашиб тунга айрича бир сирлилик бағишлайди. Айниқса, тунда тоғлар янада салобатлироқ бўлиб кўринади. Куюқ дарахтлар билан қопланган Вахшивор тоғларига тикилар эканман, кўнглимда ажиб бир ҳислар уйғонади. Нима учундир азалдан тоғларни яхши кўраман. Назаримда тоғлар сирлар маконидек туюлаверади. Айниқса, Вахшивор тоғлари ҳақида отамдан кўп эшитганман.

Отамнинг айтишича, Вахшивор тоғлари бир пайтлар илонлар макони бўлиб, бирон-бир тирик жон бу тоғларга қадам босолмас экан. Бир куни Сўфи Оллоёр раҳматуллоҳи алайҳнинг пири у кишига бир мактуб бериб, уни Вахшивор тоғидаги фалон жойга олиб борасан деб, бир манзилни таъин этибди.

Пири комил айтибдики:

– Сен бу мактубни мен айтган ўша това тошга олиб борасан. Ўша тошнинг устида кичкинагина бир оқ илон ётибди. Бу илон тоғдаги илонларнинг шохидир. Мактубни шохнинг олдида қўйиб орқангга қайтиб келаверасан. Йўлда ҳеч нарсадан қўрқма. Агар бирорта илон ҳамла қилмокчи бўлса, унга мактубни кўрсат!

Сўфи Оллоёр раҳматуллоҳи алайҳ пири айтган манзилга борар экан, йўлда баҳайбат илонларга дуч келибди. Бироқ уларнинг ҳеч бири Оллоёрнинг қўлидаги мактубни кўриб, унга зиён етказолмабди. Нихоят, Сўфи Оллоёр пири айтган това тошни топибди. Айтганидек, тошнинг устида кичкинагина бир оқ илон ётган эмиш. Сўфи Оллоёр секингина мактубни илончанинг олдида қўйибди-да, ортига қайтибди.

Айтишларича, мактубда илонларнинг бу тоғдан кетиши лозимлиги битилган экан. Шундан кейин тоғдаги ҳамма илонлар йиғилиб, ўша оппоқ шох илон бошчилигида Вахшивор тоғларини тарк этибди. Улар энди Боботоғни манзил

килибдилар. Вахшивор тоғи эса Сўфи Оллоёрнинг ўзига манзил бўлибди.

Отам айтиб берган бу ривоятда ҳақиқатнинг синиқлари бордек. Чунки ростдан ҳам Сўфи Оллоёр раҳматуллоҳи алайҳ мана шу тоғларда яшаган ва шу ерда вафот этган. Ҳозирда ҳам у зотнинг масжидлари, чиллахоналари мавжуд.

– Ақромжон, нима бўлди, ўйланиб қолдингиз?

Раис буванинг овозини эшитиб хаёлим бўлинди.

– Носир ака, битта илтимос бор, – дедим жиддий туриб. – Эртага энг биринчи ишни зиёратдан бошласак, нима дейсиз?

– Қанақа зиёратдан?

– Сўфи Оллоёр раҳматуллоҳи алайҳнинг қабрини зиёрат қилмоқчи эдим.

– Бемалол.

Колхоз идорасидан икки-уч чақирим нарида мўъжазгина бир боғ бор экан. Раис буванинг машинасида боққа бордик. Кутилганидек чорпоёга дастурхон тузатиб қўйишибди. Мени кутиб олган ўша «меҳмондўст» қоровул хизматда. Раис бувадан яхшигина гап эшитиб олган шекилли, узоқдан гинали-гинали қараб қўяди.

Зиёфат жуда куюқ бўлди. Носир ака озгина ичиб олганидан кейин ҳеч кимга гап бермас, уни тинглаб ўтирган киши ҳам зерикмас экан.

– Афғонистонда икки йил ҳарбий хизматда бўлдим, – дейди раис бува. – Бу хизмат менга ҳаётимдаги энг қайғули ва энг қувончли воқеаларни тухфа қилди. Қайғулисиди шуки, мен бегуноҳ одамларни ўлдирдим. Қувончлисиди эса, ана шу қирғинбаротдан тирик чиқдим.

– Бунга сиз айбдор эмассиз, – дедим унинг кўнглини кўтармоқчи бўлиб. – Сиз ва сиз кабилар мажбурлангансизлар.

– Шундай. Лекин барибир одамнинг виждони қийналади. Биз ўшандаёқ бу урушнинг бемантиқлигини англаган эдик.

– Аммо ҳеч кимга айтолмагансизлар, шундайми?

– Ротамизда Жасур деган бир бола бор эди. Ўқимаган китоби йўқ эди. Ўша бола ҳаммамизнинг «кўзимизни очган». Бир куни командиримизнинг ҳам «кўзини очмоқчи» бўлди.

Командир унинг гапларига маҳлиё бўлиб ўтирди-ўтирди-да, сўнгра ортидан эргаштириб кетди. Биз Жасурни қайтиб кўрмадик.

– Қамадими?

– Йўқ, бошқа қисмга ўтказиб юборди, – деди Носир ака.

– Кейинчалик уни кўрмадингизми? – дедим қизиқиб.

– Афсуски, кўрмадим. Уйга қайтаётганимизда унинг ҳалок бўлганини тасодифан эшитиб қолдим.

Беихтиёр бир қалқиб тушдим. Кўз олдимга қорачадан келган, бир сўзли, исми жисмига монанд жасур бир йигит келди. Унга нима бўлди экан?

– Балки ўлдиришгандир, – дедим Носир акага тикилиб.

– Худо қози бўлсин! Ўлдиришса ўлдиришгандир, бун сиз билан мендан сўраб ўтиришармиди... Нима бўлганда ҳам бунақа болалар жуда кўп эди. Қанчасини темир тобутга ўзимиз жойладик.

Жиззахлик Одилжон исмли бир йигит бор эди. Мактабнинг дарвозасидан чиқиб, тўғри Афғонистонга борган. Ёши ўн саккизга тўлган-у бўйи ўн икки-ўн уч ёшларни айтарди. Одилжон ажойиб шоир эди. Йигитлар севган қизининг исмига шеър ёздириб олишарди. Шу йигит саккиз ой хизмат қилгач, ҳалок бўлди. Уйига тўртта аскар билан тобутини олиб борганмиз. Одилжон ота-онасининг тўртта қиздан кейин туғилган ягона ўғли экан. Дунё ўша кундагидай кайгуни кўрмаган бўлса керак.

Раис буванинг изтиробга тўла гапларини тинглар эканман, Одилжоннинг ота-онаси ҳақида ўйлайман. Ахир бир болани ўстириб вояга етказишнинг ўзи бўладими? Шунча машаққатлардан сўнг, энди кўзга кўринганда у билан мангу видолашиб ўтирса! Шўрлик ота-она ҳозир ҳаётмикин? Яралари битиб кетдимикин?

Вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Кузнинг салқин ҳавоси танимизни жунжиктираётган бўлса-да, суҳбатнинг маромини бузгимиз келмасди. Раис бува ҳам эгатма-эгат юравериб бир хил ҳаёт тарзидан зериккан шекилли, ўтмиш хотираларини завқ билан ҳикоя қиларди.

– Ақромжон, кўп гапириб зериктириб қўймадимми, – деди Носир ака қулиб. – Лекин сизга ўхшаган ёзувчилар-

га атаб қўйган қизиқ бир воқеам бор. Балки келажакда шу ҳақда бирон нарса ёзишингиз ҳам мумкин. Мен буни бир-икки кишига айтдим, аммо ишонтиролмадим.

Раис бува иссиқ чойдан бир ҳўплади-да, бизга ўхшаганларга атаб қўйган ўша қизиқ воқеасини ҳикоя қила кетди. Носир аканинг гаплари ҳақиқатдан ҳам ҳайратланарли эди.

* * *

Ротамизда Артур исмли арман бола бор эди. Биз у билан кунора постда навбатчилик қилардик. Мен тонгдан тушликкача, Артур эса тушликдан кечки овқат маҳалигача қоровулликда турарди. Артур ниҳоятда хушбичим ва хушчақчақ йигит эди. Энг муҳими, у мусулмонликни қабул қилганди.

— Ҳамма нарсанинг энг охиргиси яхши, — дерди Артур. — Мусулмонларнинг дини ҳам илоҳий динлар ичида энг охиргисидир. Биз оила аъзоларимиз билан мана шу охиргисини танладик. Дадам фалакиётшунос олим. Бизга ҳаммасини тушунтириб берганлар.

Артур билан бир марта гаплашган одам ростдан ҳам зиёли оилада тарбия топганини англаб олиши қийин эмасди. У ниҳоятда ҳаёли йигит эди. Кечкурунлари солдатларнинг шармсиз ишкий саргузаштлар ҳақидаги ҳикоялари бошланса, Артур чидаб ўтиролмасди. Ниманидир баҳона қилиб баракдан чиқиб кетарди. Ана шундай одатий кунларнинг бирида ғаройиб бир воқеа содир бўлди.

Ўша куни постни Артурга топшириб дам олишга кетдим. Биласиз, ёзнинг оқшомлари қисқагина бўлади. Бунинг устига кунлар ниҳоятда иссиқ. Ҳаммаёқ қумлиги боис ҳарорат ёндираман дейди. Бироз чарчадим шекилли, баракка бориб, тушлик ҳам қилмасдан пинакка кетиб қолибман. Бир пайт қаттиқ шовқиндан уйғониб кетдим. Автоматни олдим-да югуриб ташқарига чиқдим. Ёнимдан шошиб ўтиб кетаётган қозоқ йигити постга қараб ишора қилди.

— Борсанг-чи, нимадир бўлди.

Постга югурдим. Йўлда тўртта солдат Артурни кўтариб келаётган экан. Нафасим ичимга тушиб кетди.

– Ўлдими? – дедим базўр.

– Йўқ, ҳушидан кетган, – деди йигитлар.

Шу пайт кимдир чақиргандек бўлди. Қарасам, сал нарида уч-тўртта солдатлар билан ротамиз командири Салтиков шу томонга келаётган экан.

– Мен билан юр, – деди Салтиков. – Постни қачон топширдинг?

– Ҳар доимгидек ўз вақтида, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Унинг мазаси йўқлигини билганмидинг?

– Кимнинг?

– Гап ким ҳақида кетаётганини билмаяпсанми? – Салтиков жаҳл билан ортига ўтирилди.

– Узр... Артур... соппа-соғ эди, – дедим тутилиб.

– Соппа-соғ бўлган бўлса, соппа-соғ эди, деб ёзиб бер, тушундингми?

– Тушундим.

Аслида эса тушунмаган эдим. Чунки нима воқеа содир бўлгани ҳали менга қоронғу эди. Шунинг учун Салтиковнинг ёнидаги солдатлардан бирини имлаб чақирдим.

– Артурни беҳуш ҳолда топишибди. Ҳозирча бор гап шу, – деди у ҳам елка қисиб. – Артур ҳушига келса, бошқа гапларни ўзидан эшитамиз.

Ростдан ҳам гап нимадалигини аниқлаш учун Артур ҳушига келиши керак эди. Ҳаммамиз кута бошладик. Ниҳоят, маълум муолажалардан кейин у ўзига келди.

– Илон... илон ҳамла қилмоқчи бўлди, – деди Артур кўзларини катта-катта очиб. – Ўша ердаги қум барханларининг устидан ошиб келди.

– Кейин у қаерга кетди, – деди Салтиков истехзо оҳангида.

– Қаерга кетганини билмайман.

– Нега бошқалар постда турганида илон ҳам, ажина ҳам келмайдю, айнан сен бор пайтда ташриф этадилар, – Салтиковнинг гап оҳангида ошкора пичинг бор эди. – Тушлик қилганмидинг?

– ҲИММ.

– Кеча яхши ухладингми?

– ҲИММ.

– Унда сенга яна бир кун дам. Яхшилаб ухлаб, каллани жойига қўйиб ол, тушундингми? Кейин камроқ алжирайсан, – деди командир. Сўнгра менга қараб:

– Сен эртага тўлиқ постда қоласан, келишдикми? – деди.

– Хўп бўлади, ўртоқ командир, – дедим честь бериб.

Доно халқ айтганидай: «Эчкининг касофати туяни ола кетди». Эртасига кун бўйи қоровуллик қиладиган бўлдим. Тўғрисини айтсам, постда туришга бироз чўчиб қолган эдим. Чунки Артурнинг илон ҳақидаги гапларини Салтиков шунчаки алаҳсираш деган бўлса-да, бу гап кўпчиликни сергаклантириб қўйган эди. Ахир бу саҳрода ҳамма нарса бўлиши мумкин.

Кечқурун Артурни йўқлаб бордим. Ҳол-аҳвол сўрагач, аста илон ҳақида гап бошладим.

– Менимча, сенга иссиқ ёмон таъсир қилган бўлса керак, – дедим ҳазил аралаш. – Ҳаддан ташқари иссиқда ҳам одамнинг кўзига ҳар нарсалар кўринаверади.

– Сен ҳам гапимга ишонмаган экансан-да, – Артурнинг кўзлари чақнаб кетди. – Демак, мен ёлғон гапираяпман ёки сал «анақароқ» бўлиб қолганман. Шундайми?

– Йўқ, сен тушунмадинг, – дедим жиддий туриб. – Мен сенинг гапларингга тўлиқ ишондим. Ишонганим учун ҳам келиб ўтирибман. Ростини айтсам, қўрқаяпман.

– Киноларда ҳам бунақа чиройли илонни кўрмаганман, – Артурнинг ранглари оқарди.

– Жуда каттами?

– Узунлиги икки метрча келади. У ўша кун иккаламиз курашган қум тепанинг устидан ошиб келди.

– Ташланмоқчи бўлдимми?

– Йўқ, – Артур ўйланиб қолди. – Агар... энди буёғини айтсам, гапларимга ишонмаслигинг аниқ.

– Ишонаман, айт! – дедим ҳайратланиб.

– Илон менга рақсга тушиб берди!

– Рақсга!

– Ҳа, у мендан беш-олти метрлар нарида бошларини кўтариб, шу қадар чиройли рақсга тушдики... мен... кейин нима бўлгани эсимда йўқ.

Артурнинг гапларини эшитиб бироз кўнглим таскин топди. Чунки унинг алаҳсираётганига энди шубҳам қолмаган

эди. Ахир илон ҳам рақсга тушадими? Эртасига ҳеч бир хавотирсиз қадрдон постни эгалладим.

Орадан икки кун ўтиб, Артур яна ишга қайтди. Илон воқеаси ҳаммамизнинг ёдимиздан кўтарилгандек эди. Бироқ ўша куни айни номозшомда яна югур-югур бошланиб қолди. Бу сафар Артур огоҳлантириш тугмасини босиб бутун ротани оёққа турғазган эди. Одатда огоҳлантириш тугмаси душман хавфи сезилганда босиларди. Ҳаммаёқ тит-пит бўлиб кетди. Аммо атрофда ҳеч қандай хавфни сезмадик.

Бир зумда жанговар ҳолатга келган ротамиз Салтиковнинг буйруғини кутиб турарди. Бир пайт Артурни олиб келишди. Унинг ранги оқариб кетган, қалт-қалт титраб эди.

– Нима бўлди?

– Илон!

– Яна ўша гапми? – Салтиков ротага юзланди. – Ҳамма яна бир марта илон излашга, марш!

Солдатлар то қоронғи тушгунча ҳаммаёқни синчиклаб кўздан кечиришди. Бироқ ҳеч нарса топишолмади. Шундан кейин Артур масаласи биров бошқачароқ тарзда кўриб чиқилди. Уни бошқа қисмга ўтказишга қарор қилинди. Қизиғи шундаки, Артурнинг битта ўзи эмас, унга камин ҳам ҳамроҳлик қиладиган бўлдим. Биз қисмимиздан юз чақиримлар нарида Пули-хўмри деган жойдаги бир қисмга ўтказилдик. Бу ҳижрат мен учун унчалик ҳам мароқли эмасди. Чунки бизнинг қисмимиз қурол-аслаҳа омборини кўриқларди, холос. Бу юмуш биров хавфсизроқ эди. Янги қисмда эса жойлардаги казармаларга ёқилғи етказиб беришимиз керак экан. Бу эса жуда хатарли эди. Чунки Худо қарғаган бу ерларда ҳар қадамда мина портлаши мумкин. Бунақа фожиадан қанчасини кўрдик. Лекин начора, бошга тушгани кўз кўраб экан.

Бу орада икки ҳафтача вақт ўтди. Бир куни навбатдаги сафардан келсам, ҳамманинг оғзида бир гап: Артурга илон ҳамла қилмоқчи бўлибди!

– Ҳозир ўзи қаерда? – дедим хавотирланиб.

– Касалхонага олиб кетишди, – деди йигитлар.

Ҳарбий дала госпиталига югурдим. Артур деразаси ҳовлига қараган кенг хонада ёлғиз ўзи ётган экан. Мени кўриши билан туриб ўтирди. Унинг кўзлари биров қизарган,

юзи докадек оқариб кетган эди. Қизик, айна ҳолати Артурни янада кўрам қилиб юборган эди.

– Яна нималарни бошлаб юрибсан, Артуш, – дедим елкасига кўлимни қўйиб. – Наҳотки ўша илон сени излаб келган бўлса!

– Ўзим ҳам ҳайронман.

– Ростдан ҳам ўша илонми?

– Ўша. Мен уни таниб қолдим, – деди Артур бир нуқтага тикилиб.

– Қаердан билдинг, балки бошқасидир, – унинг гапларига яна ишонқирамай бошлаган эдим.

– Мен уни рақсидан танийман.

– Рақсидан?

– Оғайни, сен уни кўрмагансан, ишонишинг қийин. Лекин сенга ростини айтаяпман: илон мени таъқиб қилаяпти. Бу ўша илон!

Артур кўзларимга илтижоли тикилиб турарди. Унинг бу қарашида ҳеч бўлмаса сен менинг гапларимга ишон деган ўтинч бор эди. Шу тобда унга раҳмим келиб кетди.

– Артур, ойлик таътилга чиқишинг керак.

– Жавоб бермайди, – деди у ишонч билан. – Ўтган куни Кобулга кетган колонна йўлда ҳужумга учрабди.

– Йўғ-е, ҳалокат жиддийми? – тирноғимгача музлаб кетган эдим. Чунки Кобулга йўл олган колоннада етмишга яқин солдат бўлиб, уларнинг аксарияти хизматга эндигина келган йигитлар эди. Ҳарбийча айтганимизда «дух»лар эди.

– Ҳалок бўлганлар қирққа яқин эмиш.

Юрагим эзилиб кетди. Эсиз йигитлар! Мен уларни йўлга тушиш арафасида кўрган эдим. Майдонда бир-бири билан тепишиб ҳазиллашаётган қисматдошларим кўз олдимдан ўта бошлади. Қаранг-а, ҳазрати инсон қанчалар ожиз яратилган. У ўзини қанчалик қудратли санамасин, икки дақиқадан кейин аҳволи нима бўлишини билмайди.

– Насир! – Артур менинг исмимни шу тариқа талаффуз қилар эди. – Сендан илтимосим, рота командирига ўзинг тушунтириб, менга бир ойлик таътил олиб бер, кетаман. Нима учундир юрагим увушиб кетаяпти. Бунақада бир нарса бўлиб қолишим мумкин.

– Менга қара, биргалашиб илонни пойласак-чи? Ўлдирсак, ҳаммамиз қутулардик, – дедим.

– Билмадим, – Артур ўйланиб қолди. – Лекин бир нарсани юрагим сезапти.

– Нимани?

– Назаримда илон менга зиён етказмоқчи эмас.

– Буни қаердан биласан? Илон ўз номи билан илон! Унинг касби заҳарламоқ, ўлдирмоқ!

– У мени емоқчи бўлса, аллақачон еб қўярди. У менга рақс тушиб берапти, холос.

Тушунмадим. Дунё синоатларга тўла. Бироқ шу дақиқаларда синоатлардан кўра, кўз олдимда содир бўлиб турган фожиа мени кўпроқ даҳшатга солаётганди. Не-не орзу-умидлар билан эндигина ўрта мактабни тамомлаган навқирон йигитлар бемаврид ва беҳуда жувонмарг бўлган эди.

Кечки овқат ҳам томоғимдан ўтмади. Бошқалар эса ҳеч нарса кўрмагандек, ҳар кунги машғулоти билан банд эди. Кейинчалик билсам, улар бундай фожиаларга аллақачон кўникиб кетишган экан. Артур ҳақида эрталаб гаплашишни кўнглимга тутиб, каравотимга чиқиб чўзилдим. Бироқ қани энди уйку келса. Саҳарга яқин уйкуга кетибман. Бир пайт кимдир елкамдан ушлаб силкитаётган экан.

– Тур, сени чақиришяпти, – деди ошпаз йигит.

– Ким?

– Борганда биласан.

Хонасида рота командиримиз кутиб ўтирган экан.

– Кеча Артур билан гаплашганмидинг? – Унинг овози жуда ҳорғин эди.

– Гаплашувдим, тинчликми?

– Артур ўлибди!

– Қачон?! – Баданимдан совуқ тер чиқиб кетди. – Бўлиши мумкин эмас. У соппа-соғ эди!

– Ўзингни бос, соппа-соғлигини биз ҳам биламиз, – деди командир сигарета тутатиб, – уни илон чақибди!

Кеча Артурнинг ёнида қолмаганимга минг пушаймон бўлдим. Лаънати илон! Нега у фақат Артурга ёпишиб олди? Кеча айтган эдим-а, пойлаш керак эди. Эҳ, Артур, Артур!

Мен сени яхши кўрар эдим, оғайни. Ич-ичимдан йиғи бостириб келаётган эди. Лекин мановинақа арбобларнинг олдида йиғлаш мумкин эмасди.

– Артурнинг уйига телеграмма жўнатдик. Эрта-индин ота-онаси етиб келса керак, – деди командир. – Сени нариги хонада Артурга қараётган ҳамшира кутиб ўтирибди. У сенга бўлган воқеани айтиб беради. Сен қоғозга туширасан ва гувоҳ сифатида имзо чекиб берасан. Келишдикми?

Кўшни хонада ранг-рўйи бир аҳволда кечаги ҳамшира ўтирарди. У мени кўриши билан йиғлаб юборди.

– У... Артур ўлди.

– Биламан, лекин уни қандай қилиб илон чақди?

Ҳамшира қиз қалт-қалт титрай бошлади. Унга бир стакан совуқ сув олиб келдим.

– Кечқурун ётишдан олдин врач ёзиб берган дориларни ичирдим. У менга ўқиш учун бирорта қизиқроқ нарса беришимни илтимос қилди. – Ҳамшира қиз бир нуктага тикилганича гўё экранга қараб қизиқ бир ҳикояни ўқиб бераётгандек эди. – Мен унга журнал келтириб бердим. Унинг кайфияти ҳам, соғлиғи ҳам жойида эди. Кейин... ундан саҳар пайти хабар олиш учун кирдим. Кирсам... – Ҳамшира яна йиғлаб юборди. Унинг қўллари титраганча стаканни сиқиб ушлаб турарди.

– Кирганингизда унинг жони бормиди?

– У худди жони бор одамдек шифтга термулиб ётган экан. Унга туриб ювиниб келишни маслаҳат бериб чиқиб кетдим. Бироқ у ҳадеганда чиқавермади. Хонага яна кирдим. У ҳамон кўзларини катта-катта очганича шифтга қараб ётарди. Секингина унинг ёнига бордим. – Ҳамширанинг кўзлари чараклаб кетди. – У... у нафас олмаётганга ўхшади. Қулоқ солсам, ростдан ҳам нафас олмаяпти. Қўрқанимдан устидаги чойшабни олиб отиб юборибман. Қарасам... илон! Артурнинг бўйи билан тенг келадиган бир илон унинг кўкрагига бош қўйиб ётган экан.

– Илонни ўлдиришдими?

– Ўлдиролмадик. Мен бақир-чақир қилиб бошқаларга хабар бергунимча илон очиқ турган деразадан чиқиб кетибди. Роса қидиришди, топишолмади.

– Артурнинг қаеридан чаққан экан?

Ҳамшира ўйланиб қолди.

– Иккита жойидан.

– Мен гувоҳ сифатида унинг қаеридан чаққанини кўришим керак, – дедим ҳамширага. – Сизнинг айтганларингизни ҳали қогозга туширишим керак экан.

– Бир гап айтсам ҳеч кимга айтмайсизми? – шўрлик қиз кўзида жиққа ёш билан тикилиб турарди.

– Нима гап? – дедим ҳайрон бўлиб.

– Айтмайсиз-а?

– Майли, айтмайман.

– Артурни илон чақмаган, – деди қиз шивирлабгина, – унинг кўрққанидан юраги ёрилган. Буни врач ҳам тасдиқлади. Қолаверса, жасаднинг бирор жойи ҳам шикаст емаган. Фақат... уни илон чақди, деб хужжатлаштиришимизни талаб қилишяпти.

Беихтиёр Артурнинг ўша кунги гапи ёдимга тушди: «Назаримда илон менга зиён етказмоқчи эмас... У мени емоқчи бўлса, аллақачон еб қўярди. У менга рақс тушиб бераяпти, холос». Бу қандай синоат бўлди? Ўйлаб ўйимга етолмасдим. Лекин энди нима бўлганда ҳам Артур йўқ эди. Унинг ўлимида ўзимни ҳам айбдор ҳис қилардим. Нега кеча унинг олдида қолмадим? Ахир шундоғам туни билан ухламай чиқдим-ку! Бироқ энди фойдаси йўқ эди.

Орадан икки кун ўтди ҳамки, Артурнинг қариндошларидан дарак бўлмади. Ҳалдан ташқари иссиқ кунда маййитни узоқ сақлаб туришнинг эса иложи йўқ эди. Биз Артурни кўмишга қарор қилдик. Шундай қилиб, учинчи куни Артур бу гурбат ернинг устини мангу тарк эди.

Артур вафот этганидан бир ҳафта ўтиб унинг онаси ва иккита акаси етиб келишди. Биз уларга Артурнинг қабрини кўрсатдик.

– Боламни бу кимсасиз ерларга ташлаб кетмайман, – деди онаизор.

– Уни олиб кетишнинг энди иложи йўқ! – Артурнинг онасини бағримга босиб йиғлаб юбордим. – Энди уни тинч қўяйлик, у тинчгина ётсин.

Аммо она гапида туриб олди. Жасадни олиб кетишга қарор қилишди. Чорасиз қолгач, қабрни очишга мажбур бўлдик. Биз учта солдат билан ҳаш-паш дегунча қабрнинг тупроғини суриб, маййитнинг устини очдик. Бир пайт ёнимда ишлаётган бола беҳосдан бақириб юборди. Унинг қичқиригидан ҳаммамиз чўчиб тушдик.

– Қара! – у қабрга ишора қилаётганди.

Ҳаммамиз бирваракайига қабрга қарадик. Шунда... не кўз билан кўрайликки, Артурнинг кўкрагига бош қўйганча улкан бир илон ўлиб ётарди.

* * *

Носир ака ҳикоясини тамомлаётган айни паллада шарқ томондан тонг оқариб келаётган эди. Кўзлардан бутунлай уйқу қочган, гўё вужудим ҳам қулоққа айланиб қолгандек эди.

– Кейин нима бўлди? – дедим бетоқат бўлиб, – Артурнинг жасадини олиб кетишдими?

– Йўқ. Бу мудҳиш манзарани кўриб она шўрлик ақлдан озаёзди. Қабрнинг бошида узоқ турди, сўнгра тақдирга тан берди шекилли, қайтадан кўмишимизни илтимос қилди.

... Касбим тақозоси билан кўп ерларни кездим, кўп одамларнинг суҳбатида бўлдим. Аммо бугунги эшитганларим мени қарахт қилиб қўйган эди. Хаёлимда фақат бир савол айланарди: бу қандай синоат? Лекин унга жавобим йўқ эди. Балки бу жавоб умуман бўлмас ҳам. Ахир Умар Хайём ҳазратлари айтади-ку:

*Кўплар донишманд деб билдилар ўзни,
Худонинг отидан очдилар сўзни.
Ҳеч бири билолмай азал сирларин,
Алжираб-валжираб юмдилар кўзни.*

МУНДАРИЖА

Номус тутқуни	3
Қисмат жумбоғи	42
Тунги қўрқув	105
Даштдаги фаришта	147
Тунги ташриф	153
Армонли дунё	161
Икки қиёфали одам	173
Уйғониш	203
Унутилган башорат	213
Илон ишқи	228

Адабий-бадиий нашр

САИДВАФО БОБОЕВ

ТУНГИ ҚЎРҚУВ

Ҳикоятлар

Мухаррир	С. Юлдашева
Рассом-дизайнер	У. Сулаймонов
Техник муҳаррир	Б. Каримов
Мусахҳих	Г. Арипова
Кичик муҳаррирлар:	Д. Холматова, Г. Ералиева
Компьютерда тайёрловчи	Ф. Ботирова

Нашриёт лицензияси А1 № 158, 14.08.2009.

Босишга 2016 йил 11 мартда рухсат этилди.

Бичими 84x108¹/₃₂. Офсет қоғози.

«Times Uzb Roman» гарнитурасида офсет усулида босилди.

Шартли босма табоғи 13,02. Нашр табоғи 13,09.

Адади 3000. Буюртма № 16-118.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100129, Тошкент, Навоий кўчаси, 30

Телефон: (371) 244-87-55, 244-87-20.

Факс: (371) 244-37-81, 244-38-10.

e-mail: uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz

www.iptd-uzbekistan.uz